

Насимхон Раҳмонов

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИ
ТАРИХИ**

(Энг қадимги даврлардан XV асрнинг
биринчи ярмигача)

Дарслик

Ҳажми 2

Насимхон Раҳмонов

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ

(Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача)

Дарслик

Ҳажми 2

ДСНУ

Алматы, 2021

“Ж. А. ТӘШЕНЕВ АТЫНДАҒЫ УНИВЕРСИТЕТ”
АҚПАРАТТЫҚ БІЛІМ БЕРУ ОРТАЛЫҒЫ

КІТАПХАНА

—69434—

УДК 821.512.133.0

ББК 83.3 (5 Узб)

Р 24

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори, профессор **Ҳамидулла Болтабоев**

Тақризчилар:

Филология фанлари доктори, профессор **Саидбек Ҳасанов**

Филология фанлари доктори, профессор **Боқижон Тўқлиев**.

Р 24 Раҳмонов Н.

Ўзбек адабиёти тарихи (Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача): дарслик. Ҳ.2. / Раҳмонов Н. – Алматы: ЭСПИ, 2021. – 200 с.

ISBN 978-601-342-833-8

Мазкур қўлланма ўзбек адабиётининг энг қадимги даврларидан XV асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни қамраб олган. Қўлланмада биринчи марта қадимги туркий миф ва афсоналар, исломгача бўлган давр ёзма ёдгорликлари ўзбек халқининг адабий ёдгорликлари ва ёзма манбалари сифатида батафсил ёритилган. Ўзбек адабиёти тарихи манбалари янги даврлаштириш тамойиллари ва адабий эстетик ҳамда диний-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинган, шу пайтгача диний асар сифатида қаралиб, адабиёт тарихидан ўрин олмаган ёзма ёдгорликлар ҳам ўзбек адабиёти тарихининг нодир ёдгорликлари сифатида ўрганилган. Мазкур қўлланмада, аввалги қўлланмалардан фарқли равишда, ҳар бир ижодкорнинг ва бадний асарнинг адабий-эстетик жиҳатларига асосий эътибор қаратилган.

УДК 821.512.133.0

ББК 83.3 (5 Узб)

ISBN 978-601-342-833-8

© Раҳмонов Н., 2021

© ЭСПИ, 2021

СЎЗ БОШИ

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва адабиёт тарихига муносабат. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳамма соҳалар катори, маънавий жараёнга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Маънавий жараён маълум бир мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаб келган ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатнинг рухан барқарор, соғлом фикрли авлодлари маънавий жараён туфайлигина ўз гоёларини, ақидаларини яратиб, авлоддан-авлодга ўтказиб келган.

Шарқ азалдан маънавий жараён бешиги эди. Қадимги Шумер, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Турон халқлари яратган моддий-маънавий ёдгорликларни эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. Айниқса, Туронзаминнинг осори-атиқалари, ёзув маданияти, архитектура иншоотлари ҳамон жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Зотан “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да шундай дейилади: “...сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради”.¹ Дастурда айтилган бу камчиликлар ўзбек мумтоз адабиётини олий таълим тизимида ўқитишга ҳам бевосита ва билвосита алоқадордир. Айниқса, дастурда “Халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш”²га қаратилгани ўзбек мумтоз адабиётини олий таълим тизимида ўқитишга алоҳида эътибор бериш заруриятини келтириб чиқаради. Чунки Дастурда таъкидланган “халқнинг бой ва маънавий мероси”нинг катта қисмини ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ташкил қилади. Икки минг йиллик тарихга эга мумтоз адабиётни изчил ўргатадиган қўлланманинг йўқлиги ҳам “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да қўйилган вазифларни амалга оширишни бир оз қийинлаштирмоқда.

¹ Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. – “Истиклол” нашриёти шўба корхонаси Бош таҳририяти. Тошкент- 2004, 10-б.

² Юқоридаги тўпلام. 17-б.

Ўзбек адабиёти тарихи, умуман, ўзбек тили ва адабиёти фанларига ҳукуратимиз томонидан алоҳида эътибор берилган ва ҳам бу фаннинг олий таълим тизимида, қолаверса, жамиятимизда катта мавқега эга эканини кўрсатади. Хусусан, 2016 йилнинг 13 май куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан чиқарилган “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида” Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда таъкидланишича, “Ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдур” деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди”. Шунингдек, Фармонда ўзбек тилининг қадимий илдизга ва бой тарихга эга экани, узок тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтгани тўғрисида ҳам айтилган.

Кўлланмада юқоридаги фармон ва қарорлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир даврдаги адабий тилнинг адабий манбаларни шакллантиришдаги ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

“Ўзбек адабиёти тарихи” курсини ўқитиш мунтазам равишда адабиётшунослик ва методика фанларига доир сўнгги ютуқлар билан бойитиб борилиши талаб этилади. Акс ҳолда, талабаларнинг мумтоз адабиёт тарихи ҳақидаги тасавурлари адабиётшунослик фани тараққиётдан ортда қолиб кетади. Шунингдек, бўлажак филологлар эгаллаган билимларини ёш авлодга ўргатишнинг самарали дидактик усулларида беҳабар қолишлари мумкин. Ёш филологлар эртанги кунга яроқсиз эски адабий қарашлар тизими билан қуролланиб қолмасликлари учун кўп асрлик тарихга эга ўзбек адабиётига тамомила янгича нуқтаи назардан ёндашиш зарурияти пайдо бўлди. Чунки бизда, шу вақтга қадар, умуман, адабиёт тарихини, хусусан, мумтоз адабиёт тарихини соғлом илмий асосларда ўрганиш тамойиллари ишлаб чиқилмаган эди.

Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихи ўтмишда алоҳида мустақил фан ва яхлит тизимли бадий-эстетик ҳодиса сифатида эмас, балки энг етук адабий сиймоларнинг алоҳида асарлари кўпроқ бадий маҳорат нуқтаи назаридан локал йўсинда ўрганиб келинган бўлса, Шўро даврида адабиётга синфий-партиявий нуқтаи назар билан

қараш оқибатида бир миллатнинг ягона адабиётига бир-бирига зид бўлган иккита адабиёт сифатида қаралди.

Ўзбек адабиётини даврлаштириш тамойиллари. Шўро даврида миллий адабиётни даврлаштириш муаммосига ҳам соғлом тафаккур позициясидан ёндашилмай, адабиётнинг санъат ва эстетик ҳодиса эканлиги ҳисобга олинмади. Шунинг учун ҳам адабиётнинг тараққиёти тўлиғича жамият тарихидаги даврларга мос келадиган босқичлардан иборат деб қаралди. Адабий шахсиятларга муносабат, бадиий матнлар таҳлили ва талқини бобида ҳам синфий-партиявий ёндашув устувор бўлди. Бу носоғлом ва ғайриилмий ёндашувларни бартараф этиш, бўлажак филологларнинг адабиётшуносликдаги энг сўнгги ва соғлом илмий қарашлардан хабардорлигини таъминлаш учун ҳам «Ўзбек адабиёт тарихи» курсини тамомила янгича илмий қарашлар тизимига таянилган, адабиёт тарихига олдингиларга ўхшамайдиган нуқтаи назардан ёндашилган йўсинда ўрганиш ва ўргатиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Назаримизда, ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш учун мезон сифатида маълум бир адабий-тарихий жараёни асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ. Масалан, исломгача бўлган даврдаги адабий жараён ислом давридаги адабиётдан ҳам мазмунан, ҳам пайдо бўлиш жиҳатидан фарқ қилади. Исломгача бўлган даврдаги адабиёт шомонлик, буддавийлик, монийлик диний оқимларисиз ривожланиши мумкин эмас эди. Қолаверса, исломдан олдинги адабий ёдгорликларга том маънодаги ёзма адабиёт сифатида қаралмади. Бу даврдаги адабий ёдгорликларнинг ўзига хос мезонлари борлиги ва ана шу мезонлар даврлаштиришнинг асоси бўлиши кераклиги бугунги кунда маълум. Исломгача бўлган бир неча диний оқимлар бир ҳудудда фаолият кўрсатаверди. Марказий Осиёда бирин-кетин зардуштийлик, шомонлик, монийлик, буддавийлик оқимлари ўзига хос ёзма адабиётни юзага келтирди. Буддавийлик оқими “Олтун ёруғ”ни, “Майтри смит”ни ва буддавийлик шеърларини, монийлик оқими “Хуастуанифт” (Монийларнинг тавбаномаси)ни ва монийлик шеърларини, шомонлик қадимги туркий афсоналарни юзага келтирди, бу оқим туркий-рун ёзма ёдгорликларига ҳам таъсир этди.

Ана шу фикр-қарашлардан келиб чиққан ҳолда исломгача бўлган туркий адабиётни қуйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқдир:

Шомонлик оқимидаги қадимги туркий адабиёт.

Монийлик оқимидаги қадимги туркий адабиёт;

Бўддавийлик оқимидаги қадимги туркий адабиёт.

Биз икки жилддан иборат “Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари”ни³ тузганимизда, ўзбек адабиётини даврлаштириш тамойилларининг ўзига хос жиҳатлари, мезонлари, тамойиллари ҳақида қисқача сўз юритиб, ўзимизнинг даврлаштиришимизни тақдим қилган эдик. Кейинги изланишлар натижасида ўзбек адабиётини даврлаштириш учун фақат бадий асарларни эмас, балки тарихий-адабий асарларни, соф тарихий асарлар ва уларнинг таркибида истифода этилган маълум адабий жанрларни ҳам жалб этиш лозимлиги маълум бўлди.

Аммо ўзбек адабиётини даврлаштириш учун фақат туркий ёки ўзбек тилидаги асарларнинг ўзи ҳам кифоя эмас. Ўрта Осиёдаги, хусусан, Туронзаминдаги араб тилидаги адабиёт ҳам ўзбек адабиёти тарихида алоҳида даврни ташкил қилиши ҳақида биз ўз қарашларимизни илгари сурган эдик.⁴ Бу давр адабиётини биз «Ғазнавийлар даври адабиёти» деган ном билан аташ мақсадга мувофиқлигини ва бунинг сабабларини ҳам таҳлил қилдик. Ғазнавийлар давлатининг ўз кўли остидаги давлатларда олиб борган сиёсати илмий ва маданий муҳитга кескин таъсир ўтказди. Ғазнавийлар давлатининг илмий, маданий ва адабий муҳити XI асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Беруний меросида намён бўлади. Айтиш мумкинки, Ғазнавийлар давлатининг бутун ютуқлари, илмдаги, адабиётдаги муваффақиятларини белгиловчи омил – Берунийнинг асарларидир. Энг муҳими, Ғазнавийлар давлати адабиётини алоҳида давр сифатида ўрганишда Берунийга таяниш мумкин. Соддароқ қилиб айтганда, “*Ғазнавийлар даври адабиёти*” деган ном остида алоҳида даврни Берунийнинг бадий адабиётга, адабий жанрларга бўлган муносабати, унинг қарашлари

³ Қаранг: Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, 1 жилд (энг қадимги даврлардан XIII аср охиригача). Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Н. Раҳмонов, Тошкент, «Фан», 2005; Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, II жилд (XIV-XV аср бошлари), Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Н. Раҳмон, Тошкент, «Фан», 2007.

⁴ Некоторые вопросы периодизации узбекской литературы. «Алтаистика и тюркология» ж., Астана, 2013, №4.

белгилайди. Биз учун муҳими шу — унинг илмий фаолияти, Ғазнавийлар сулоласида яратган адабиёт ва адабиёшуносликка оид қарашлари алоҳида адабий давр ҳақида сўз юритиш имконини берганидир. Шу боис, биринчи навбатда, “Ғазнавийлар даври адабиёти”ни алоҳида адабий давр сифатида баҳолаш эканмиз, Берунийнинг “Осор ул боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асаридаги адабий жанрлар, адабиётшуносликка оид кўзатишларига, қолаверса, “Ҳиндистон” асарида афсона ва ривоятларга таянамиз. Шунингдек, Ибн Синонинг “Тайр”, “Соломон ва Ибсол” қиссалари ҳам Ғазнавийлар даври адабиётининг бир қисмидир.

Савол туғилиши мумкин: Беруний биронта асарини ўзбек тилида ёзмаган бўлса, қандай қилиб унинг тарихий-этнографик асарларида келтирилган адабий жанрлар ўзбек адабиётининг мулки деб айта оламиз? Жаҳон адабиётида шу қоида маълумки, тил муаммоси ҳар доим ҳам масалани ҳал қилавермаган. Масалан, Библиянинг Янги Аҳд қисмини яҳудий халқи ўзининг мулки, ўзининг бадий асарлари, маданий мероси сифатида қадрлайди. Лекин Янги Аҳд асосан юнон тилида етиб келган. Аммо юнонлар ҳеч қачон Янги Аҳд муаллифлигига даъво қилган эмаслар. Бунга ўхшаш мисолларни бошқа халқларнинг қадимги адабиётидан намуна сифатида келтириш мумкин. Биз эса фақат бир мисол билан чекланамиз.

Ўрта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлиги даврида туркий ёки ўзбек адабиёти таназулга юз тутди. Ўрта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлиги даврига оид туркий тилдаги ёзма манбалар йўқ. Дарвоқе, Беруний Ўрта Осиёга, хусусан, Мовароуннаҳрда араблар истилосини ва унинг оқибатларини шундай тасвирлайди: “Қутайба Ибн Муслим ал- Боҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли, улар саводсиз қолиб, ўз эхтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар”.⁵

Мана шу далилнинг ўзи ҳам араб халифалиги даврида Мовароуннаҳрнинг маданий аҳволдан дарак беради. Аммо адабий жараён тўхтаб қолмади. Яқин уч аср давомида туркий адабиётнинг

⁵ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, Тошкент, Фан, 1968, 84-бет.

маркази Мовароуннахрдан ташқарида Шарқий Туркистонда, Сибирь ўлкаларида яшади. Бу ўлкалар ислом маданиятидан холи бўлгани учун оғзаки ва ёзма адабиёт қадимги туркий адабиётнинг давоми сифатида яшайверди.

Араб халифалигидан кейин пайдо бўлган Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар сулолаларида вазият тамомила бошқача тарзда намоён бўлди. Сомонийлар сулоласида форс-тожик адабиёти гуллаб-яшнади, Қорахонийлар даврида туркий тил, туркий маданиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ғазнавийлар даври адабиёти” ҳам ўзбек адабиётининг бир бўлаги сифатида ўқитилиши лозим, деб биламиз. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, Илк уйғониш даври вакиллари – Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Рудакий каби олим ва шоирлар ҳам “Ғазнавийлар даври адабиёти” қисмида берилди.

Хуллас, сулолалар тарихи даврлаштиришнинг бир мезони бўлиши мумкин экан. Бундай ҳолда албатта адабий жараёнда жиддий ўзгаришлар бўлиши, янги, такрорланмас адабий муҳит юзага келиши шарт. Машҳур адабиётшунос Н.Маллаев ўз даврида ўзбек адабиётини даврлаштириш ҳақида сўз юритганда, совет мафкураси нуктаи назаридан адабиёт билан хонлар, сулолалар тарихи ва номи ўртасига қатъий чегара қўйган эди. У ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш тамойиллари ва омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатди: “...адабиёт тарихи халқ тарихининг узвий бир қисми бўлиб, уни даврлаштиришда, бир томондан, жамиятнинг умумий тараққиёт қонуниятларига, иккинчи томондан, адабиёт тараққиётининг ўзига хос хусусиятларига асосланиш лозим”.⁶ Н.Маллаевнинг даврлаштириш тамойиллари бу ўринда аниқ белгиланган. Дарслик муаллифи адабиётшуносликда эришилган ютуқлар, хусусан, адабиётни даврлаштириш тамойилларининг эскича усуллари билан ўзининг даврлаштириш тамойиллари ўртасида тамомила фарқ борлигини далиллашга ҳаракат қилади: “...совет адабиётшунослиги ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш соҳасида йўл қўйилган хатоларга, жумладан, адабиёт тарихи тараққиётини сулолалар ёки подшоларнинг, хонларнинг келиб-кетишлари тарихига қараб даврлаштириш

⁶ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII асргача) “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 1976. 7-6.

майлларига узил-кесил барҳам берди”.⁷ Н.Маллаев маълум даражада ҳақ, у сулолалар ҳукмдорлари билан адабий жараён тақдирини белгилаш тарафдори эмас ва адабиётни даврлаштиришда ҳам тамомила бу тамойилдан Совет даврида воз кечилганини таъкидлади. Аммо масала бошқа ёқда – адабий жараённинг маълум бир хонлик давридаги ўзига хос, такрорланмас хусусиятлари – адабий жараённинг юксалиши ёки таназули, адабиётга янгича ёндашув даврлаштириш учун тамойил бўлиши керакми ёки йўқми? Шубҳасиз, маълум бир сулолалар ва хонликларнинг адабий жараёни янги ўзганга буриб юборгани аниқ ва бунга мисоллар ҳам кўп. Бу ҳолатни Қорахонийлар сулоласида ҳам, Олтин Ўрда адабиётида ҳам, Темурийлар даври адабиётида ҳам кўриш мумкин. Шу боис биз ўзбек адабиётида маълум сулолалар даврида ўзига хос мезон, тамойиллар, усул шаклланигани учун, адабиётни даврлаштиришда сулолалар тарихига таянамиз ва шу ном билан атаймиз.

Ўзбек адабиётининг илк мумтоз ва ўрта асрлар давридаги босқичларига назар ташласак, яна бир ҳодисанинг гувоҳи бўламиз. Бу адабий жараённинг узлуксизлиги масаласидир. Адабий жараённинг узлуксизлигини таъминлайдиган омиллар ва воситалар маълум сюжетлар ёки бадиий тасвир воситаларидир. Айтайлик, қадимги туркий адабиётдан илк классик даврга ўтиш жараёнида шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Жумладан, қадимги туркий-рун ёзма ёдгорликларини ёзма адабиётнинг намунаси сифатида таҳлил ва талқинлар илк мумтоз адабиётдан узилмасдан, образлар, бадиий тасвирий воситаларида давом этди. Масалан, “Кутадғу билиг” билан туркий-рун ёзувлари ўртасидаги алоқалар шундан далолат беради. Икки давр адабиётининг – исломгача ва исломдан кейинги давр адабиётининг ўртасидаги узлуксизлик даврлаштиришга асло халақит бермайди. Бу ҳолат эса қадимги туркий адабиётни икки даврга - исломгача ва ислом давридаги адабиёт сифатида чегаралаб ўрганишга имкон берди.

Қорахонийлар сулоласи давридаги туркий адабиёт исломгача бўлган туркий адабиётдан фарқ қилади. Гарчи бу даврдаги адабиёт қадимги туркий тилда давом этган бўлса ҳам, адабиётнинг мазмун-моҳияти, адабий таъсир, жанрлар, вазн, хуллас, адабий жараён

⁷ Маллаев Н.М. Юқоридаги асар, 8-б.

нуктаи назаридан алоҳида давр сифатида ажратилишини тақозо этади.

Мўғуллар истилоси Марказий Осиёнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётига жиддий салбий таъсир этди. Бу ҳақда айтиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Аммо мўғул истилосининг, биринчи навбатда, мўғулларнинг ўзлари учун, иккинчидан, Ўрта Осиё туркий кавмлари учун ижобий томонлари ҳам бўлди. Мўғуллар учун ижобий томони шунда бўлдики, на давлат тизимига, на давлат бошқаруви тизимига, на турмуш маданиятига эга бўлган халқ Ўрта Осиёга келиб, ҳамма нарсани – давлат тузилишини ҳам, давлат бошқарувини ҳам, турмуш маданиятини, маънавий маданиятни, жумладан, ёзув маданиятини ҳам ўрганди. Иккинчидан, адабий жараён тамомила бошқа ўзанга тушди. Ерли халқнинг эҳтиёжларини биринчи навбатда эътиборда тутган мўғул хонлари туркий тилдаги адабиётга эътибор бердилар. Айниқса, Олтин Ўрда давлати туркий тилдаги, аниқроғи, европаликлар “чиғатойча” деб атайдиган эски ўзбек тилидаги адабиёт тараққиётига эътибор қаратдилар. Олтин Ўрда давлатининг пойтахти Сарой шаҳрида эски ўзбек тилидаги адабий муҳит юзага келди. Қул Али, Махмуд Али ибн ас-Саройи, Хоразмий, Рабғузий, Кутб ва бошқа қатор ижодкорлар Олтин Ўрда адабий муҳитини шакллантирдилар. Миср мамлуклар давлатидаги (XIII-XVI асрлар) туркий адабиёт ҳам бевосита Олтин Ўрда адабиётининг давомидир.

Олтин Ўрда қулагандан сўнг, ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан бирга, адабий, маданий ва илмий ҳаёт ҳам ўзгарди. Адабий ҳаётдаги ўзгаришлар Темурийлар даври адабиётига замин бўлди.

Темурийлар даври адабиётига оид мазкур қўлланмада таҳлил қилинган асарларни биз юқорида келтирилган мажмуамизнинг 2-жилдида манбашунослик нуқтаи назаридан қайтадан кўриб чиқдик. Хусусан, мунозаралар жанрига оид асарларнинг нашрини фотонусхаларига солиштириб, матн тайёрлаш жараёнида йўл қўйилган кўплаб сакталикларни бартараф қила олдик. Талабалар матни ўқиш жараёнида луғатга эҳтиёж сезмасин деб, матнларни имкон қадар луғат билан таъминлашга ҳаракат қилдик; замон талаблари туфайли тушириб қолдирилган аксарият мумтоз асарларнинг дебочаларини, масалан, номаларнинг ҳамд, наът қисмларини турли манбалардан топиб тиклаб, таҳлил объекти

килиб олдик ва талаба асарни тўлиқ тасаввур қилишига ҳаракат этдик.

Юқоридаги қисқача шарҳлардан шу нарса аён бўладики, адабий жараённинг ўзгариши ва тараққиёти бевосита ва билвосита сулолалар тарихига ҳам, сулолалар ўзгариши билан юзага келган адабий ва маданий муҳитга ҳам боғлиқ экан. Қолаверса, ўзбек адабиёти ҳар бир даврда ўзига хос категорияларга – муаллиф позициясига, мавзуга, ғояга, муаммога, услубга ва ҳ.ларга эга бўлиб, сулолалар тарихи бу категорияларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнади. Адабий жараёндаги ана шу категорияларни инобатга олган ҳолда, XV асргача бўлган ўзбек адабиёти тарихини куйидагича даврлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб қараймиз:

1. Исломгача бўлган туркий адабиёт:

а) Буддавийлик оқимидаги туркий адабиёт.

б) Монийлик оқимидаги туркий адабиёт.

в) Шомонлик оқимидаги туркий адабиёт.

2. Ғазнавийлар даври адабиёти

3. Қорахонийлар даври туркий адабиёти.

4. Олтин Ўрда даври ўзбек адабиёти.

5. Темурийлар даври ўзбек адабиёти.

Умуман, адабий жараёни даврлаштиришда асар ёзилган даврдаги лисоний муҳит бош ўрин тутиб қолмаслиги лозим. Ижодкор яшаган ижтимоий муҳит, адабий категорияларнинг ҳар бир даврда ўзига хосликлари ва бадиийлик тамойиллари асосий мезон бўлиши керак. Зотан, юқорида айтиб ўтганимиздек, сулолалар тарихи айна ана шу мезонларга замин ясади.

Биз ўзбек адабиёти тарихини XV асргача қайси омилларга кўра даврлаштириш лозим деган саволга жавоб тариқасида юқоридаги фикрларни ўртага ташладик. Абдурауф Фитрат, Кўпрулизода, Миён Бузрук каби улуғ олимларнинг ўзбек адабиётини даврлаштириш ҳақидаги қарашларига тўхталмадик. Уларнинг ўзбек адабиётини даврлаштиришига муносабатимиз бошқа ишимизда ўз аксини топган.⁸

⁸ Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. –Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2016.

Қадимги туркий адабиётдан бошлаб адабий жанрларда ва адабий шаклларда ўзгаришлар юз берди. Шу боис булар ҳақида ҳам қисқа назарий билимлар бериш назарда тутилди ва қўлланмага “Илова” берилди. “Илова”ни Гулистон давлат университетининг доценти, филология фанлари номзоди **Музаффар Маматқулов** ёзди. Бу қисмнинг масъул муҳаррири филология фанлари номзоди, доцент **Ваҳоб Раҳмонов**.

ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИ

Режа:

1. Қорахонийлар сулоласининг пайдо бўлиши. Бу давлатдаги маданий муҳит.
2. “Қутадғу билиг” яратилган даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият.
3. “Қутадғу билиг”нинг манбалари. Асарнинг тарқалиши.
4. Асарнинг нусхалари, ўрганилиши.
5. “Қутадғу билиг”нинг тузилиши, жанр хусусиятлари.
6. Асарда Ўзгурмиш образи.

Таянч сўз ва иборалар: *Қорахонийлар сулоласи, эликхон, рамзий обазлар, адолат, давлат, ақл, қаноат, низомнома, ҳикмат, қасида, қўлёзма, уйғур-турк ёзуви, араб ёзуви, Қоҳира нусхаси, Вена нусхаси, Наманган нусхаси, жанр, насрий муқаддима, шеърый муқаддима, ҳамд, сано, наът, қўшиқ, кантилен.*

Қорахонийлар сулоласининг пайдо бўлиши. Бу давлатда маданий муҳит. Қорахонийлар сулоласининг номи ҳақида ХХ аср тарихчилари кенг тарқалган икки унвон – қора хоқон ва элик хон унвонларидан деб биладилар. Сулоланинг пайдо бўлиш тарихи бор. Милодий 840 йили Уйғур хоқонлиги (давлатнинг этник таркиби чигил қабиласидан эди) қорлуқлар ябғуси, Исфижоб ҳукмдори Билга кул томонидан тор мор этилгандан кейин, ўзини ҳукмдор деб эълон қилди ва хоқон унвонини олди. Билга Кулнинг Қора деган лақаби бор эди. Қорахонийлар деган сулола номи шу одамнинг лақаби билан боғлиқ бўлиши мумкин. Юсуф хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”ни ёзиб тугатгандан кейин, уни Кошғар ҳукмдори Буғрохонга олиб боради (Буғрохоннинг тўлик исми *Табғач Буғро Қора хоқон Абу Али Ҳасан ибн Сулаймон Арслон Қора хоқон*). Шундай қилиб, Қорахонийлар сулоласининг биринчи ҳукмдори Билга Кулдир.

Қорахонийлар сулоласини бошлаб берган ва то сулола тарқалиб кетгунга қадар бошқарган ҳукмдорлар ва уларнинг насл-насаби куйидагича:

840-893 – Билга Кул “Қора” хон, унинг ўғиллари Қодир Арслон хон (Арслон – чигил қабиласининг тотеми);

893-920 – Базир Арслон хон;

893-940 – Ўғулча Арслон хон; у ҳукмронлик қилган даврда Мовароуннаҳрда босқинчиликни яна авж олдиради. Бу даврда Мовароуннаҳрда Сомонийлар сулоласи мустаҳкамлана бошлайди.

892-907 - Амир Исмоил ибн Аҳмад Сомоний амирликни мустаҳкамлашга киришади. Шу муносабат билан Етгисувга юриш бошлайди ва Исфижоб ҳамда Тароз шаҳарларини босиб олади. Ҳар иккала шаҳар узок камалдан сўнг, таслим бўлади ва аҳоли мажбурий равишда исломни қабул қилади. Чигиллар шимолга – Иссиқ кўлга томон, ҳоконнинг пойтахти эса Боласоғун шаҳрига кўчишга мажбур бўлади. Шу пайтда яна корлуқлар қабиласининг бирлашмаси – яғмо қабиласи шу ҳудудда жойлашиб олади. Яғмо қабиласини тибетлар ўз ҳудудидан сиқиб чиқарган эди. Шу пайтдан бошлаб ҳар иккала қабиланинг ўзаро яқинлашуви бошланади. Бу бирлашув натижасида ҳар икки қабила Қорахонийлар сулоласининг асоси бўлиб қолди. Қорахонийларнинг тўлиқ ҳукмронлиги Х асрнинг 40-йилларида қарор топди.

920-955 – Қорахонийлар сулоласида исломнинг қабул қилинишида Сотуқ Бугрохоннинг (Бугро – туя деган маънони билдириб, яғмо қабиласининг тотеми эди) хизмати катта. У яғмо қабиласининг ябғуси эди. 932 йили у исломни қабул қилади ва исмини мусулмонча Абдулкарим деб ўзгартиради. Усмонли муаррихларидан Мунажжим бошининг хабар беришича, Сотуқ исломни қабул қилган биринчи туркий эди. (940- йилдан сўнг Сотуқ ўз отасини ўлдириш учун фатво олади. Чамаси, отаси исломни қабул қилишни истамаган.) Отаси ўлиmidан сўнг Сотуқ Кошғарда тахтга ўтиради ва “ҳокон” унвонини олади, ҳукмдор сифатида ўз ҳуқуқларини оммага эълон қилади.

956-958 – Сотуқ (Абдулкарим) Бугро хоннинг ўғли ҳамда вориси Мусо ибн Абдулкарим Бугрохон ҳукмронлиги даврида ҳоконликда исломлаштириш бошланди. Ҳукмдорга *султон ул-салотин* унвони берилди. Аммо бу унвон билан бирга *элик* ва *тигин* унвонлари ҳам ишлатилаверди.

958-970 – Мусодан кейин укаси Сулаймон ибн Абдулкарим тахтга ўтирди. У Арслонхон унвонини олди. Сулаймон ҳукмронлиги даврида ҳоконликдаги ҳамма халқ исломга юз бурди. Араб тарихчилари ибн Мискавайху ва ибн ал-Асирнинг берган маълумотларига кўра, 960 йили “200000 мажусий исломни қабул

килди". Бу муаррихлар ишлатган мажусий турклар сўзи остида Қорахонийлар тушунилган бўлиши мумкин.

970-998 ва 970-992 – Сулаймоннинг ўғиллар Али ва Ҳасан ҳукмронлиги даврида сулолада икки ҳокимиятчилик ҳукм сурди. Али ибн Сулаймон "Арслон хон" унвони билан Кошғарда, унинг укаси Ҳасан ибн Сулаймон "Буғрохон" унвони билан Боласоғунда ҳукмронлик қиларди. 992 йили ака-укалар кўшни вилоятларни, жумладан, Мовароуннахрни кўшиб олишга қарор қилдилар. Бу даврда Сомонийлар ҳукмдори Абул Қосим Нуҳ II ибн Мансур (976-977) эди. Сомонийлар сулоласи ниҳоятда заифлашган, ташқаридан бўладиган хужумларга бардош бера олмас эди. Бу вазиятдан фойдаланган Ҳасан ибн Сулаймон Буғрохон 992 йили Сомонийлар сулоласига хужум қилди. Нуҳ II ни ўзининг лашкарбошилари ҳам, Хуросон ноиби Абу Али Симжурий ҳам қўллаб-қувватламадилар. Буғрохонга қарши юборилган туркийлар кўшини лашкарбошиси Фоиқ Нуҳ II га хиёнат қилди. Сомонийлар сулоласи мағлубиятга учради, Нуҳ II Омулга қочиб кетди.

Кутилмаганда Ҳасан ибн Сулаймон Буғрохон 992 йил вафот этди. Қорахонийлар лашкари катта ўлжа билан Фарғонага қайтдилар.

Нуҳ II Бухорога қайтиб келди. У энди ўзининг кучига ишонмас эди. Шу боис Ғазна ҳукмдори, келиб чиқиши турк бўлган Сабук тегинга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Сабук тегин Нуҳ II нинг илтимосини қабул қилиб, йигирма минг аскарини бошлаб Мовароуннахрга томон йўлга чикди. У Амударёни кечиб ўтди ва аввал Кешга, сўн Нахшобга хужум қилди. У ердан эса Нуҳ билан бирга Абу Алига ва Фоиққа қарши отландилар. Бир неча хужумлардан сўнг исёнчилар кўшини тор-мор қилинди, Абу Али ва Фоиқ Журжонга қочдилар.

997 йили Нуҳ II ва Сабук тегин вафот этдилар. Нуҳ II нинг ўғли амир Мансур II (997-999) Ғазнавийлар ҳукмдори Абул Қосим Маҳмуд ибн Сабук тегиннинг кучли таъсири остида қолди. (Бу шахс тарихда Маҳмуд Ғазнавий номи билан машҳурдир.) Али билан Ҳасан Нишопур ҳукмдори Бектузун ва илгари Қорахонийларга кўшилган Фоиқ Мансур II га яқинлашишга кўрқдилар. Фитна билан Мансур II нинг кўзларини кўр қилдирдилар. Тез орада (999 йили) Мансур II ҳам оламдан ўтди.

Хуллас, 999 йили Қорахонийлар лашкари Сомонийларни йикитди. Али Арслон ҳаётлигида кичик ўғли Насрни тахт вориси қилиб эълон қилган эди. Наср ибн Али Арслон ҳокон (998-1017) Бухорони эгаллади. У Сомонийлар сулоласининг охириги ҳукмдори Абдулмалик II ни оиласи билан зиндонбанд қилди.

Шундай қилиб, Қорахонийлар сулоласи таркибига Шарқий Туркистон, Жанубий Қозоғистон, шунингдек, Ўрта Осиёнинг Амударё шарқий қирғоқларигача бўлган ҳамма ерлари кирди.

Қорахонийлар сулоласида бошланган сиёсий тарқоқлик ўз оқибатларини кўрсата бошлади. Амакиваччалар - Мусонинг ўғли Али Арслон хон билан Сулаймоннинг ўғли Ҳасан ибн Буғрохон ўртасидаги зиддиятлар кучли хонликларнинг Қорахонийларга таъсир ўтказишига йўл очиб берди. Шу пайтда Марказий Осиёни асосан қитанийлар (турк-мўғул уруғларидан бўлиб, 907 – 1125 йилларда Қитаний давлати ҳукм сурди) эгаллаб олган эди. 1017 йили қитанийлар Етгисувга бостириб кириб, Боласоғунгача етиб борди. Аммо Қорахонийлар ҳукмдори Туғон хон лашкари қитанийлар кўшинини тор-мор қилди, қитанийлар шарққа чекинишга мажбур бўлдилар.

1040 йилга келганда, Қорахонийлар сулоласи иккига - ғарбий ва шарқий хонликларга бўлиниб кетди. Орадан бир йил ўтиб шарқий хонлик қорахитойларга қарам бўлиб қолди. Ҳар иккала хонлик ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар охир-оқибат тахминан қирк йиллардан кейин ғарбий Қорахонийларни ичдан емирди ва улар Салжукийларга қарам бўлиб қолди. 1210 йилда эса ғарбий Қорахонийлар Муҳаммад Хоразмшоҳ II нинг вассалига айланди. Ниҳоят, орадан икки йил ўтгач – 1212 йили Найман хони Кучлук хон Ўзган ва Кошғарда шарқий Қорахонийларни йўқ қилди. Ўша йилиёқ Самарқандда Ғарбий ҳоконликка ҳам барҳам берилди.

Қорахонийлар давридан маданий ёдгорликлар кам сакланиб қолган. Ёзма адабий ёдгорликлар “Қутадғу билиг”, “Девону луғатит-турк”, “Ҳибатул -ҳакойик”дан ташқари, архитектура ва амалий санъат намуналари – Бухородаги Минораи Калон, Навоий шаҳри яқинидаги Работи Малик карвонсаройи, Ўзган шаҳридаги айрим мақбаралар Қорахонийлар давридан етиб келган.

ЮСУФ ХОС ХОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИ

Асар яратилган даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Қорахонийлар сулоласидаги ижтимоий, сиёсий ҳаёт даврининг илғор тижлиларини парокандаликнинг олдини олишга, мамлакатда адолатни барқарор ўрнатишга, халқ ва ҳукмдорлар ўртасида яқдилликни мустаҳкамлашга, мамлакатни пойдор, мустаҳкам қилишга ундади. Албатта, сиёсий шиорлар ёки ҳукмдорларнинг қаттиқ сиёсати билан буларни амалга ошириш мумкин эмас эди. Шу боис ижодкорлар тарихга мурожаат этдилар, тарихдан сабоқ олишга ҳукмдорларни ва халқни даъват этдилар. Бадий асарнинг давлат ва мамлакат ҳаётида қудратли омил эканини кўрсата билдилар. “Қутадғу билиг” Қорахонийлар давлатида айнан шу вазифани бажарди.

Асар Қорахонийлар сулоласи икки қисмга – ғарбий ва шарқий хонликларга бўлиниб кетган ва улар ўртасида ҳалокатга олиб боровчи курашлар бораётган пайтда ёзилган. Зотан, “Қутадғу билиг”да Юсуф фойдаланган рамзий образлар айни ана шу курашларга барҳам бериш ва мамлакатда адолат, тинчлик ўрнатишга ишора қилади. Бу образлар бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисини талаб қилади. Адолатни Қунтуғди, давлатни Ойтўлди, ақлни Ўгдўлмиш, қаноатни Ўзғурмиш деб атайди. Юсуф бу образларни келтирар экан, қуйидаги мақсадларни кўзда тутди: мамлакатнинг таянчи – адолат. Адолат барқарор бўлган давлатда фаровонлик, яқдиллик бўлади; мамлакат ақл билан бошқарилади, ақл билан бошқарилган мамлакатда адолат ҳам, фаровонлик ҳам, яқдиллик ҳам бўлади; қаноат эса мол-дунёга кўнгил боғламасликка, нафсга эрк бермасликка, фақат мол-дунё йиғиш билан банд бўлиб қолмасликка, бу дунё ишларини ҳам унутмасликка даъват қилади. Айтиш мумкинки, “Қутадғу билиг” асари моҳиятан ўз даврининг низомномаси вазифасини бажарган.

Китоб муаллифи Юсуфнинг ҳаёти, ижоди ҳақида деярли маълумот йўқ. У мазкур асарини ҳижрий 462 – милодий 1069-1070 йилларда ёзиб тугатади. Муаллиф асарини ўн саккиз ойда ёзиб тугатгани ҳақида маълумот беради. Асарни тугатган пайтда муаллиф Юсуф 50 ёшлар атрофида бўлганлиги ва унинг ҳижрий 410

Ж.А.ҲАШЕНЕВ АТЫНДАҒИ УНИВЕРСИТЕТ
АҚПАРАТТЫҚ БИЛИМ БЕРУ ОРТАЛЫҒИ
КІТАПХАНА

(милодий 1019) йиллар атрофида туғилгани ҳақида сўз юритилади.⁹ Зотан, Юсуф асарда ўз ёшига қилган ишора у туғилган сананинг айнан 1019 йили деган хулосага келишни аңлатмайди. Бу тахмин муаллифнинг туғилган йили 1019 дан олдинроқ ёки кейинроқ ҳам бўлиши мумкинлигини билдиради. Мана, Юсуф ўз асарини тугатган пайт ҳақида нима дейди:

Тегурди манга илги эллик йашим,
Ўқир алтмиш эмди манга кел тею
(Эллик ёшим менга қўлини текизди, энди олтмиш менга, кел,
деб чорлаётир).

“Қутадғу билиг”нинг манбалари. Асарнинг тарқалиши.
“Қутадғу билиг”ни ёзишда Юсуф Чин мамлақати донишмандларининг ҳикматларидан, асарларидан, Мочин донишмандларининг ашъорларидан фойдаланди. Асарда бунга кўп ишоралар бор.

Arabça tajikça kitablar öküş
Bizing tilimizça bu yumği uquş (59-6.)
(Арабча, тожикча бундай китоблар талайдир, бизнинг тилимизда эса бу жамланган заковатдир).

Юсуфнинг бу байти қадимги туркий адабиётдаги панднома асарлар кўп яратилганига бир ишорадир. Бир мисол: Ўғдулмиш элига котиб қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўғит берар экан, қадим турк донишмандларининг ўғитларидан иқтибос келтиради. Мана, Ўтукан беги ўғитларининг биринчи байти:

Idı jaqşı ajmiş Ötükan begi
Tilin tutsu bermiş sanga söz beki (2642-бейт).
(Ўтукан беги (бу борада) жуда яхши айтган. Сенга сир сақлаш учун сўз берган (киши) тилини тийсин).

⁹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, “Фан” нашриёти, 1972. Нашрга тайёрловчи филология фанлари кандидати Қаном Каримов, 2-нашри, 8-бет (бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олинди; насрий парчалар олинганда, китоб саҳифаси, шеърӣ мисоллар олинганда, байт рақамлари берилди).

Ўтукан бегининг ўғити Юсуфга бир далил сифатида хизмат қилиши билан бирга, “Кутадғу билиг” яратилмасдан олдин бу сингири дидактик асарлар қадимги туркий тилда кўп бўлганини ҳам аниқлатади.

Китоб дебочасидан маълум бўлишича, бу асар ўз давридаёқ Ширк мамлакатларига кенг тарқалган ва катта шухрат тутган. Юсуф асар дебочасида “Мочин олимлари, донишмандлари Машрик вилоятида, Туркистон элларида Буғрохон тилида бирор кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ китоб ёзмаган”ини таъкидлайди. Бу асар қайси иқлимга етиб борган бўлса, ўша иқлим олимлари, донишмандлари ҳар хил ном бердилар: чинликлар “Одобул-мулк” деб, Мочин подшоҳининг надимлари (ҳамсуҳбатлари) “Ойинул-мамлакат” деб атадилар, машрикликлар “Зийнатул-умаро” деб, эронликлар “Шоҳномаи туркий” деб, баъзилар “Пандномаи мулк” деб, туронликлар “Кутадғу билиг” деб айтдилар (49-б.).

Юсуф Хос Ҳожиб “Кутадғу билиг” аввалида Тавғоч улуғ Буғро Қорахон ябо Али Ҳасан бинни Арслонхон шаънига қасида битади ва асарни шу ҳумдорга бағишлайди. Бу даврда Қорахонийлар Салжукийлар билан тўқнашаётган давр эди.

Абу Райҳон Беруний Сомонийлар сулоласида давлат бошлиқларига нисбатан қўлланган лақабларга Буғрохон ҳам тақлид қилганини ёзади. Буғрохон Сомонийлар давлатига бостириб келгандан кейин ўзига ўзи “Шихоб ад-давла” (Давлат осмонининг ёриткичи) лақабини олганини айтиб ўтади (*Беруний. Юқоридаги асар. 179-б.*).

Асарнинг нусхалари, ўрганилиши. “Кутадғу билиг” кўлёмасининг учта нусхаси бўлиб, фанга биринчи бор эски уйғур-турк ёзувидаги нусхаси маълум бўлган. Бизга маълумки, эски уйғур-турк ёзуви араб ёзуви билан барабар равишда VII асрдан бошлаб XVIII асргача қўлланган. Қорахонийлар давлатида ҳам, ундан кейинги туркий давлатлар тарихида ҳам бу ёзувнинг мавқеи катта эди. “Кутадғу билиг”нинг хижрий 843 (милодий 1439) йили Ҳиротда эски уйғур-турк ёзувида Ҳасан Қора Сайил Шамс томонидан кўчирилган нусха Туркиянинг Тугот шаҳрига келтирилди. Бу ердан эса хижрий 879 (милодий 1474) йили Фанари ўғли Кади Али Истамбулга Абдураззоқ Шайхзода бахшига олиб келди. Бу нусхани машҳур тарихчи ва шарқшунос Ҳаммер Пургшталл Истамбулда сотиб олиб, Вена сарой кутубхонасига

келтирди. Шундан сўнг бу асар ҳақидаги дастлабки маълумот ва ундан баъзи намуналар 1823 йили француз шарқшуноси Жауберт Амедее томонидан “Journal Asiatique”да нашр этилди. 1870 йили венгер олими Вамбери “Қутадғу билиг”нинг энг муҳим қисмларини “Уйғур тили обидалари” ва “Қутадғу билиг” номи билан нашр қилди ва немис тилига таржимасини берди.

1896 йили “Қутадғу билиг”нинг араб ёзувида кўчирилган иккинчи нусхасини Қоҳирада В.В.Радлов топди. В.В. Радлов эски уйғур-турк ёзувидаги нусха билан Қоҳира нусхасини қиёсий ўрганиб, 1910 йили “Қутадғу билиг”нинг мукаммал транскрипцияси ва немис тилига таржимасини нашр эттирди.

“Қутадғу билиг”нинг учинчи нусхаси араб ёзувида кўчирилган бўлиб, бу нусха ҳақида илк бор 1914 йили Заки Валидий хабар берди. У асарнинг араб ёзувидаги бир нусхаси наманганлик Муҳаммадхожи Эшон Лолареш исмли одамнинг шахсий кутубхонасида борлиги ҳақида ёзган эди. Абдурауф Фитрат 1924 йили Муҳаммадхожи Эшон Лоларешдан бу нусхани олишга муваффақ бўлди. Орадан бир йил ўтгач, “Маориф ва ўқитғувчи” журналида “Қутадғу билиг”нинг Наманган нусхаси ҳақида Фитратнинг мақоласи босилиб чиқди. 1928 йили эса бу асарнинг айрим парчаларини изоҳлар билан нашр қилди (11-б.).

“Қутадғу билиг”нинг тузилиши, жанр хусусиятлари. Кўшиқ жанри. Асарнинг ҳар учала нусхасини қиёслаш орқали унинг тузилиш тартиби қуйидагича эканлиги маълум бўлади:

Унвон (басмала)дан сўнг қисқа насрий муқаддима келиб, бунда Тангрига ҳамд, ялавоч (пайғамбар)га ва асқоби наби (чаҳор ёрлар)га наът айтилади. Сўнгра китобнинг қиммати, унинг номи (юқорида турли мамлакатларда турлича номлари келтирилди), хонга тортиқ қилингани, муаллифга Хос Ҳожиб унвони берилгани, асарда тўрт рамзий қахрамонга туркча ном қўйилгани, китобда шу тўрт қахрамон ўртасида савол-жавоб ва мунозаралар бўлиб ўтгани ҳақида қисқача баён берилади.

Насрий муқаддима тугагач, 77 байтдан иборат шеърый муқаддима келади. Сўнгра 73 фасл номининг мундарижаси (фихристи) берилиб, ундан кейин яна унвонга ва мавзуга ўтилади. 73 та фаслнинг дастлабки ўн биттаси дебочадан иборат бўлиб, анъанавий ҳамд, сано, наът, Қорахонга мадҳ, етти кавокиб ва ўн икки бурж, тилнинг фойдаси, китоб эгасининг узри, эзгулик, билим

ни укувининг фойдаси, китоб қаҳрамонларига ном берилиши ва кирилликка ўқинишдан иборат. Ун иккинчи фаслдан бевосита мақола бобига ўтилади.

“Қутдиғу билиг”нинг тузилиши ўзига хос, такрорланмас. Юсуф Хос Ҳожиб ҳар бир фаслда бир масалани кўяди. Масала батафсил боб қилинади. Баён тугагач, якунловчи бир байт келтирилади. Якунловчи байтдан сўнг Юсуф шоирнинг, яъни ўзининг донишмандона бир тўртлигини келтиради. Шу тариха фикр якунига етади. Шундан кейин яна бир фаслда сарлавҳа сифатида бир масала қўйилади ва юқоридагидай тартибда давом этади. Юсуф бу асарининг тузилишини шеърий муқаддима сўнгида шундай ифодалайди:

Бу туркча қошуқлар тузатгим санга,
Ўқирда унутма дуа қил манга.
(Сенга бу туркча қўшиқларни тартиб бердим,
Ўқиганингда мени унутмасдан (ҳақимга) дуо қилгин.)

Қўшиқ терминини Юсуф “ашула” маъносида эмас, балки қадимги туркий ёзма ва оғзаки адабиётнинг тузилишида асосий қисмлар бўлган қангилан маъносидаги адабий термин сифатида қўллаган. Бу терминда, юқорида айтганимиздай, “Қутадғу билиг”нинг тузилиши ўз аксини топган. Ҳар бир фасл ва бу фаслларда қўйилган масала якунига етиб, ҳар бир фаслга нисбатан Юсуф қўшиқ терминини ишлатган. Асардаги ҳар бир қўшиқнинг тузилиши ва таркибини аниқ тасаввур қилиш учун “Элиг хоқон Ўғдулмишга панд беришини айтади” бобига мурожаат қилайлик.

Мазкур фасл, яъни қўшиқнинг бошланмаси элиг ва Ўғдулмишнинг илк бор суҳбатидан ҳамда элигнинг Ўғдулмишга тасаллисидан бошланади. Бу бобнинг бошланмасидан – элигнинг Ўғдулмишга берган насиҳатидан кейин воқеалар ривожини бошланади. Бобдаги воқеалар ривожини – отаси Ойтўлди вафотидан олдин элигга ёнган номасини Ўғдулмиш элигга бергандан кейин, элиг Ойтўлдини эслайди, ундан миннатдорлигини изҳор қилади, унинг ҳақиқага дуо қилади, Ўғдулмиш элиг хизматига қиради, у отасининг панд-насиҳатларига риоя қилиб, бахтиёр бўлиб, элигнинг ишончини ва ҳурматини қозона боради, элиг турли саволлар билан Ўғдулмишнинг билиминини синаб кўради, элиг Ўғдулмишга панд

бериб, одамгарчилик юксак фазилят ва шу фазилятга қатъий риоя қил, деб ўғит беради, беклар ўзларига яқин тутадиган одамнинг иқболи ҳақида сўз кетади, элиг Ўгдулмишга ишюнч билдириб, ўзига вазир қилиб олади, Ўгдулмиш ақл-заковати билан элигга хизматга киришади ва х.

Бу сингари панд-насихатлар битта *қўшиқ*да мужассамлашган. Бу фаслда келтирилган тўртлик Юсуфнинг ижодидан бўлиб, элиг ва Ўгдулмиш ўртасидаги суҳбатга яқун ясаётгандай бўлади. Ўгдулмишни элиг ўз хизматига олар экан, унинг отаси Ойтўлди ва Ўгдулмишнинг ўзи каби заковатли одамлар ниҳоятда кам эканидан Юсуф афсус чекади ва куйидаги тўртлигини келтиради:

Yurig'li körmän yarag'lisi yoq,
Yarag'li bulunsa yurig'lisi yoq.
Qalin bod qarabash yumitti öküsh,
Tälimdä tiläsä tosulg'usi yoq.
(Юрувчиларни (кўплаб) кўраман, ярайдиган йўқ,
Яроқлиси топилса-чи, у юрмайди (умри қиска бўлади).
Талай хизматкор ва қуллар кўплаб йиғилди,
Шу кўпчилик ичидан ахтарсанг, фойдалиси йўқ.)

Фасл сўнгида Ўгдулмишнинг ақл-заковати, кечаю кундуз қилган хизматлари туфайли элиг кўп тапвишлардан холи бўлгани, машаққатлари аригани, элигнинг юклари енгиллашиб, халққа кўп манфаат етказадиган бўлгани баён қилинади.

Юсуф *қўшиқ* жанри қоидаларига риоя қилган ҳолда, ўзидан олдин ўтган донишмандларнинг ёки шоирларнинг ўғитларидан истифода этади ва фаслнинг умумий мазмунига сингдириб юборади. *Қўшиқ* жанрининг талаблари ҳам шундай – шоир факат бош қахрамонлар элиг ва Ўгдулмиш ҳақида эмас, балки ўтмишдаги салафларини, тарихий ёки афсонавий қахрамонлар ҳақидаги воқеалардан ҳам бирон йўсинда фойдаланади. *Қўшиқ*ни яқунлаш учун бу сингари воқеалар муҳим вазифа бажаради.

Мана шу воқеалардан сўнг *қўшиқ* бир мустақил асар сингари яқунланади. *Қўшиқ* жанрига хос бу хусусият қолган ҳамма *қўшиқ*ларда ҳам ўз ифодасини топади.

“Қутадғу билиг” йўналиши ва мақсадига кўра, дидактик асар. Ўз даврининг, турли тоифа одамларнинг қомил, соғлом ва

иллиглардан холи жамият бўлиши учун йўл-йўриқ кўрсатадиган панднома. Ҳар бир тоифага мансуб одам – ҳукмдордан тортиб олдий фуқарогача гўзал хулқли, ростгўй бўлиши лозим.

Юсуф ҳамма тоифага бир хил андазада ёндашмайди. Унинг турли тоифага қўйган талаблари бир-бирини такрорламайди. У куйидаги тоифаларга тавсиф берар экан, ҳар бир тоифанинг киффасини ҳам, ички оламини ҳам китобхон кўз ўнгида гавдалантиради:

Бек (ёки умуман ҳукмдор). Бек давлат ва ҳокимиятнинг таянчи, юрт раънақининг гарови, адолат раҳнамози, ақл-заковат эгаси. Беклик, Юсуфнинг таъбирича, илоҳий ходиса бўлиб, онадан тугилгандаёқ беклик учун туғиладилар. Худо беклик лавозимини берибгина қолмайди, балки Худо биронтасини бек қилиб яратишни истаган экан, аввало, унга қобилият, йўриқ, укув беради. Айни пайтда:

Бу бэгликка ашну туб аслы керак,
Атым алып қатығ курч йана тон керак.

(Беклик иши учун ҳаммадан аввал таги асл одам бўлиши лозим, Мерган, ботир, қаттиқ, чиниққан ҳамда кўркмас юракли бўлиши лозим.)

Бекларга фақат мана шундай жисмоний куч-қудратнинг ўзи етарли эмас. Бек давлатни билим, ақл, заковат билан бошқаради. Саховатпешалик унинг бурчи бўлиши лозим. Беклар халққа билим билан бошчилик қилади. Аммо, дейди Юсуф, билимли кишининг душмани кўп бўлади. Билимнинг бекликда аҳамиятини Юсуф кўп марта такрорлайди. Бек халқини билим билан тутиб туради, Билими бўлмаса кўп ишларга ақли етмайди. Бунинг оқибатида бек янглишади, беғлиги заифлашади, уни даволаш лозим бўлади. Бу беклик дардининг давоси ақл ва билимдир, уни заковат билан даволамоқ лозим.

Юсуф бекка хос сифат ва бурчларни бирма-бир санаб кўрсатар экан, чинакам комил инсон киффасини китобхон кўз ўнгида гавдалантиради. Юқоридаги фазилат ва бурчга қўшимча равишда, бек хунарманд ҳам бўлиши лозим. Ҳалол, соф, кўнгли ва тили тўғри, феъл-атвори яхши, хуш хулқ, кўзи тўқ, андишали бекнинг номи таралади, ундан эзгу уруғ-авлод таралади.

Халқнинг тақдири бекнинг кўлида. Шу боис бекнинг сўзи билан иши бир, табиатан мулойим, очиқ чехра бўлиши даркор. Бекнинг одамларни ўз ортидан эргашира олиш лаёқати – унинг саховатпешалигидандир деб билади Юсуф ва қадимдан қолган куйидаги байтга далил сифатида келтиради:

Кур арслан болу бэрса ытқа башы,
Бу ыт барча арслан болур оз туши.

Қалы болса арсланка ыт башчысы
Бу арслан болур барча ыт сақшысы.
(Кўргин, агар арслон итларга бош бўлса,
Бу итлар барчаси унинг тенгида арслон бўлади.
Агар арслонларга ит бошчи бўлса,
Бу арслонлар барчаси итга тенг бўлади.) (2013-2014)

Юсуф бек учун номаъқул бешта иллатни санаб, бек ана шу иллатлардан тамомила узоқ бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди: биринчиси – шошқалоқлик, иккинчиси – очкўзлик, учинчиси – жаҳолат, тўртинчиси – бузуқ феъллик, бешинчиси – ёлғончилик. Бекни бахтсизликка, халқнинг ундан юз ўтиришига сабабчи иллатлар мана шулардир.

Юсуфнинг таъбирича, бекликка лойиқ одамнинг ташиқи қиёфаси ҳам муҳимдир. Унинг берган ўгитига кўра, бек бўладиган одамнинг юз кўркли, силлик, бўйи ўртача бўлсин; овозаси кетган бўлса яна ҳам яхши.

Илгари ўтган маишатпараст ҳукмдорларнинг тақдири ҳақида донишмандларнинг айтганларидан Юсуф китобхонни хабардор этиб, бекни майпарастлик иллатидан огоҳ этади. Ичкилик – бу ёв, дейди Юсуф ва бунинг оқибатларини, эл-юртга, давлат ишларига етказадиган зарарини кўрсатиб беради.

Вазир. Юсуф вазир ҳақида сўз юритиб, бекка мададкор, беклар юқини кўтарадиган, бекликдаги бебошликларни тартибга соладиган одамдир, дейди. Вазирдан талаб этилган сифатлар ҳам ниҳоятда юксак. Зехни ўткир, билими денгиз сингари, зийрак, тадбиркор, тўғри, ишончли, феъл-атвори аъло, заковатли, билимли бўлиши лозим. Вазир ҳам, худди бек сингари, идеал шахс. Вазир лавозимига танланадиган одам яна мулоҳазали, уят-андишали, кўзи тўқ, ҳалол,

юзи кўркли, тутган ишлари тўғрилиқ, ҳисоб-китобга уста, илмли, ҳар турли ёзувлардан хабардор бўлиши лозим.

Вазирнинг ички ва ташқи сифатларига Юсуфнинг берган баҳоси шуни кўрсатадики, Қорахонийлар сулоласидаги ака-укаларнинг фарзандлари тахт талашувларни, низоларни, бир-бирига хусуматни бас қилишлари лозимлигини бек ва вазир образлари орқали кўрсатмоқчи бўлади. Бек билан вазирни Юсуф бир-бирига яқин сифатларга, айтиш мумкинки, бирдай сифатларга эга қилиб тасвирлар экан, Қорахонийлар сулоласидаги яқдилликка, ҳамжиҳатликка ишора қилган бўлиши аниқроқ. Зотан, вазирнинг мақсади ҳам ёмонларни ўзидан узоқлаштириб, бекини роҳатга етказиш, фуқаросини осойишталикка эриштиришдир:

Бу йанглиғ булунса эй элиг вазир,
Бэгин инчка тэгрур қарасы удыр.

Булур бэг тилаки анындын тугал,
Иши барча этлур қайу эрса ҳал.

Байур отру будны ҳам этлур эли,
Хазина копадур қутадур йылы.

Болур аты мангу қарымас болуб,
Болур орны эдгу қарыса улуб.
(Эй элиг, шу сифатли вазир топилса,
Бегини роҳатга етказади, фуқароси осойишта ухлайди.

Бек ундан тилакларини тугал топади,
Қандай аҳволда бўлмасин ишининг барчаси бажарилади.

Бинобарин, халқи бойийди, эли яшнади,
Хазинаси кўпаяди, йиллари қутли бўлади.

Оти бир умр қаримас бўлиб мангулашади,
Қариб чириганда эса ўрни яхши бўлади.) (2224-2227)

Лашкарбоши. Бу лавозимга тайинланадиган одам - бекнинг чап кўли.

Бекнинг ва элнинг хотиржамлиги шу лашкарбошига боғлиқ. Табиийки, лашкарбоши чидамли, пишиқ, кўпни кўрган, ботир юракли бўлиши лозим. Зийраклик ва хушёрлик, очик қўл ва жасур, мерган ва мулойим кўнгилли, дастурхони очик – лашкарбошига хос сифатлардандир. Лашкарбошининг яна бир хислати – очик қўллиги, сахийлигидир. У бола-чакам, хотиним деб мол-дунё тўпламасин. Ўзига керакли қурол-аслаҳа, от-улов, кийим, эгар-жабдуқ билан кифояланса бўлди. Очик қўллиги ва сахийлигидан унинг атрофига сара одамлар жам бўлади. Баходирлар унинг атрофига йиғилади, улар лашкарбошининг сахийлигидан баҳраманд бўлиб, тоғу тошларда ётади, ҳатто жонларини фидо қилади.

Ор-номус лашкарбоши учун ҳаёт-мамот масаласидир. У керакли пайтда катъият билан қарор қабул қиладиган, жанг санъатини яхши эгаллаган, абжир, ҳар бир жангчининг оилавий шароитига хабардор, лозим бўлганда ёрдам қўлини чўзадиган одам бўлиши керак.

Булардан ташқари, Юсуф лашкарбошига бир қанча хислатлар лозимлигини айтади:

Йағида қур арслан йураки кэрак
Қариштуқта асри билаки йорик.

Тонгуз таг тэтимлиг боритэг кучи
Адиглайу ирғар котуз тэг очи.

Йэма алчи болса қизил тулки тэг
Тэтир буғраси тэг кор оч сурса кэг.

Сакизганда сакрак кэрак тутса оз
Қайу кузғуни тэг йирак тутса коз.

Улуғ тутса ҳиммат кор арсланлайу
Оги тэг усуз болса тунла сайу.

(Урушда ботир, арслон юракли бўлиш керак,
Жангга кирганда қоплон билакли бўлиши керак.

Тунни дедек човут қилувчи, бўридек кучли,
Лийқидек ҳийлакор, кўтосдек қасоскор бўлиши керак.
Яши қичил тулки каби ҳийлачи бўлса,
Тун арқагидек узок кек сақласа, кўр.

Ўзини зағизгондан ҳушёрроқ тутиши керак,
Қоя қузғуни каби узок-узокларга кўз югуртириши керак.

Ботир арслон каби ҳимматини улуғ тутса,
Тунлари хаёлчан бедор она каби бўлса.) (2274-2278)

Улуғ ҳожиб. Бекнинг ҳузурига ҳар қандай тоифадаги ва лавозимдаги одамлар ҳожиб орқали кирган. Бекнинг сиёсатини, қонуни-қондаларини, тартибларини, низомларини ҳожиб бажарарди. Шунингдек, қашшоқ, тул, етимлар арз билан бек ҳузурига келганда, уларни тинглаб, талабларини ва эҳтиёжларини бекка бехато сўзлаш ҳам ҳожибнинг вазифаси эди. Шу боис Юсуф бундай лавозимга биринчи навбатда, кўзи тўқ, уят-андишали, кўп билимлардан хабардор, зеҳли одам тайинланиши лозимлигини ва тинқи қиёфаси чиройли, соқолини доим қириб юрган бўлиши, мард, оқиласи кетган, андишали, диёнатли бўлиши даркорлигини маслаҳат беради. Мана, Юсуфнинг ҳожиблик унвонига қўйган талаби:

Ҳажибликка ашну бу он нанг кэрак,
Йэти кўз кулақ сақ кўнгул кэнг кэрак.

Йузи корки бод тил уқуш оғ билиг
Қилинчи буларқа тугал тэнг кэрак.

Узун кэч йашасуни элиг ози
Улуғ ҳажиб ул бэгка коргу кэрак.

Тору ҳам тоқу онди йинчка тапуғ
Улуғ ҳажиб этса ачар йол қапуғ.
(Ҳожибликка энг аввал ушбу ўн нарса лозим:
Ўткир кўз, соғ кулоқ, кенг кўнгул керак.

Юз чиройи, қомати, тили, зеҳни, ақли ва билими тугал,
Қилмишлари буларга тўла тенг бўлиши керак.

Элиг ўзи узун ва узоқ йиллар яшасин,
Улуғ ҳожиб бекнинг кўрар кўзидир.

Қонун (сиёсат) ҳамда расм-қоида ва низом ишлари нозик хизмат,
Уларни улуғ ҳожиб бажарса, мушкул йўл ва эшиклар очилади.
(2449-2452)

Дарвозабонлар боши. Юсуфнинг таърифи бўйича шуни англаш мумкинки, дарвозабонлар боши ҳам идеал шахс образи. Инсон зотига хос меҳрибонлик, тангилик, одамларнинг дардига малҳам бўлиш каби фазилатларни ўзида мужассам этган одам дарвозабонлар бошлиғи лавозимлигига муносиблигини Юсуф алоҳида айтиб ўтади. Айни пайтда Юсуф бу лавозимдаги одамнинг хизмат мажбуриятларини ҳам кўрсатиб, ҳар доим қўл остидаги соқчиларнинг вазифасини назорат қилиб боришига оид кўрсатмалар беради. Қўл остидаги одамларга меҳрибонлик кўрсатиши, тангликда қолган соқчиларига ёрдам қўлини чўзиши лозим. Шу билан бир каторда

Кору алса йат баз кэлигли кишиг
Ағир тутса қолдаш қилинмиш эшиг
(Ёт- бегона, мусофир кишиларни яхши кутиб олса,
Яқинлик қилган эшларни қадрли тутса.) (2509)

Юсуф ҳожибнинг ва дарвозабонлар бошлиғининг масъулиятини мамлакат, беқликнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши, бекнинг номи улуғланиши кафолати сифатида қарайди.

Ялавоч (элчи). Қандай одамни элчи қилиб юбориш мумкин? Одамларнинг сараси, билимли ва заковатли, ҳар томонлама етук, тадбирли, сўзнинг маъносини теран уқадиган, садоқатли, ишончли, қилиқлари тўғри одамни. Элчиликка муносиб кўрилган одамнинг ички дунёсини Юсуф чизар экан, бу лавозимга муносиб кўриладиган одам баҳонасида жамиятнинг энг ёмон, давлатни ичидан емирадиган иллатни кистириб ўтади. Иллатлар бири иккинчисини келтириб чиқаради. Кўзи суқ киши, дейди Юсуф, - иродасиз бўлади. Бу суқ одамлар элчиликка нолойиқ бўлади.

Сук эр умдучи-ул йавуз умдучи
Киши умдучиси ати кулгучи...

Қайу бэг сук эрса чигаЙ ул чигаЙ
Қайу кул кози тоқ бэг ул конгли бай.
(Сук киши таъмагир бўлади, таъма эса ёвуздир,
Таъмагир кишининг оти гадойдир....

Қайси бек сук бўлса, у қашшоқдир, қашшоқ,
Қайси кул кўзи тўк бўлса, у бек, кўнгли бойдир.) (2574, 2581)

Юсуф элчиликка муносиб одамлар танлашда уларнинг интеллектуал қобилиятига алоҳида эътибор қаратади. Элчининг интеллектуал қобилияти мамлакатнинг қиёфасини бошқа бир мамлакатда намойиш қиладиган мулкдир. Юсуфнинг турли фаълларнинг мукамал эгаси бўлгани ана шу ўринда яна бир марта намойиш бўлади. Элчи

Тэтиглиг билан билса турлуғ битиг
Битиг билса отру болур эр тэтиг

Битиса ўқиса эшитса созуг
Анин отру билга қилур оз озуг

Қамуг турлуғ ардам бу билса тугал
Бу ардам била эр мэнгиз ал

Китаблар оқир ҳам билир эрса сөз
Уқар эрса шэър ҳам кошар эрса оз

Нужум билса тибб ҳам йора билса туш
Анин йормиши тэг сози кэлса туш

Билир эсар сақиш йэма ҳандаса
Ъадад жадри килса масаҳат баса

Йана нарду шатранж билир эрса кад
Ҳарифлари андин олир эрса кад

Чоганга кад эрса атар эрса ўк
Йэма кушчи авчи ажунда озук

Қамуғ тил билир эрса ачса тилиг
Қамуғ хатни билса битиса алиг
(Тетиклик билан турли ёзувларни (китобларни) билса, ўрганса,
Ёзув (китоб) ўрганса, сўнг киши тетик бўлади.

Ёзса, ўқиса, сўзларни эшитса,
Шулар туфайли ўзини ўзи доно қилади.

Турли хил санъат, ҳунарларни тугал билса,
Шу санъат ҳунарлар билан киши юзини ёруғ қилса.

Китоблар ўқиса ҳамда сўзларни биладиган бўлса,
Шеърларни уқадиган бўлса ҳам ўзи ёзадиган бўлса.

Нужум ва тибни билса ҳамда туш таъбир қила билса,
У таъбир қилганидек сўзлари тўғри келса.

Сақиш ҳамда ҳандасани билса,
Сондан илдиз чиқарса, яна чегараларни аниқлашни билса.

Яна нард ва шатранжни яхши биладиган бўлса,
Рақиблари ундан жуда буқилса (мот қолса).

Чавгонга мохир бўлса, ўк отадиган мерган бўлса,
Яна дунёда илғор лочиндор, овчи бўлса.

Барча тилларни билса, тилини сўзга очадиган бўлса,
Турли хатларни билса, қўли билан ёзса
(яъни қўли хатга равон юрса).

(2589-2597)

Бир одам – элчи учун шунча билиму ҳунарлар нима учун керак? Юсуф гарчи элчи бўлиб борадиган одамнинг санъат, ҳунарларни билиши бекнинг номини улуғлашини таъкидлайди. Лекин фақат шугина эмас. Элчи ўз мамлакатининг бошқа бир мамлакатдаги кибфиси, халқнинг, эл-юртнинг кимлигини кўрсатадиган восита. Элчига қараб ўзга мамлакат одамлари шу мамлакат халқининг маънавиятини, ахлоқини, заковатини, ақл-фаросатини, вазиятни яхши тушунишини ва мураккаб вазиятлардан чиқиш йўлларини билишини, хуллас, бутун ички ва ташқи оламини англайди, элчига қараб хулоса чиқаради. Юсуф элчиликка муносиб одамга талаблар қўйганда, ўтмишдан сабоқ олди, умумлаштирди. Зотан, бу жиддий лавозим бекнинггина эмас, балки мамлакат ва давлатнинг тақдирига ҳал қилувчи ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Котиб. Бек сирини қўл остидаги икки одамга – котибга ва низирга очиди. Бек ички сирларини котибга айтганда, котиб сирларни сақлай билиши лозим. У бекнинг ишончи. Агар котиб сўзни каттиқ сир тутмаса, оғзи ўра кабидир, оғздан чиққан сўз уруғ доначаларидай ҳар ёққа сочилади, уни териб бўлмайди. Бек котиб танлашда қуйидаги сифатларига эътибор бериши лозимлигини Юсуф уқтиради:

Битигчи билигини уқушуғ керак
Хати уз билағат тақи эдгурак

Битигда хат уз болса ачлур конгул
Оқиғу кэлир бақса авнур кўнгул

Балағат била хат тэнгашса қали
Эди эдгу тил бу битиг соз тили

(Котиб билимли, заковатли бўлиши керак,
Хати чиройли, сўзга уста, эзгу фол бўлиши керак.)

Мактубда хат чиройли бўлса, кўнгил очилади,
Бокса ўқигиси келади, кўнгил кувонади.

Агар фасоҳат билан хуш хат тенглашса,
Бу ёзма нутқ тили жуда эзгу тил бўлади.) (2653-2655)

Аммо котиб тамагир бўлса-чи? Бундай котиб, - дейди Юсуф, - тилни бузади, чунки у тама ниятида ёзади, оқибатда ёзувни бузади. Котиб учун яна бир фазилат – ичкилик ичмаслиги, хулқ-атвори чиройли бўлиши лозим. Агар котиб ичкилик ичса, билимдан янглишади ва ёзувда хато қилади. Бунинг оқибати – котиб ё ўз бошини ёки хўжайинининг бошини ейди.

Хазиначи. Юсуф хазиначига талаб қўйганда, биринчи навбатда, унинг маънавий-ахлоқий томонига эътибор қаратади. Хазиначи – кўзи тўқ, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига борадиган бўлса, Худодан кўркса, кўп мол-дунё кўриб кўзи тўйган бўлса, шундай одамни хазиначи лавозимига тайинласа бўлади. Хазиначининг хушёрлиги – беклик ишнинг бароридан келганидир.

Юсуф асарда яна бошқа табакалар – ош бошчи (бош ошпаз), шаробдорлар бошлиги каби мансабларга муносиб номзодлар танлаш ҳақида ҳам бир қатор ўғитлар беради.

Юсуф ниҳоятда кузатувчан. Жамиятдаги ҳамма табакаларнинг феъл-атворини, лавозим мажбуриятларини пухта ўрганган. Қайси лавозимдаги одамларга билим, зукколик, ҳалоллик каби сифатлар заруру қайси бирига жисмоний бакувватлик, қайси бирига меҳрибонлик, хушмуомалалик каби хислатлар кераклиги тўғрисида айтганда, бу тоифаларнинг ва мансабу унвонларнинг мажбуриятларини синчковлик билан баён қилади.

Асарда Ўзгурмиш образи. “Кутадғу билиг”да қаноат тимсоли бўлган Ўзгурмиш образи асар воқеаларида муҳим роль ўйнайди. Юқорида давлат тизимида асосий таянч бўлган турли табакалар – бек, вазир, лашкарбоши, хазиначи каби бир қатор образлар орқали Юсуф ахлоқий-таълимий ва ижтимоий-сиёсий масалаларни илгари сурган эди. Юсуф ахлоқий-таълимий ғоялари билан бирга, фалсафий қарашларини асардаги Ўзгурмиш тимсоли орқали етказди. Кунтуғди элигнинг Ўзгурмишга уч марта мактуб ёзгани ва Ўзгурмишнинг жавобларида, Ўгдўлмиш билан Ўзгурмиш ўртасидаги суҳбат ва мунозарада, Юсуф ўртага чиқарган бу дунёнинг афзалликлари ва айблари, тахт, бойлик, одамийлик каби ахлоқий-таълимий масалалар, айниқса, фалсафий ақидалар жамиятнинг, давлатнинг барқарор яшаши учун муҳим омил эканини у бирон ўринда ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Жамиятнинг турли табақаларига бўлган муносабат, ўша табақаларнинг жамиятда тутган ўрни каби моддий, маиший ва маънавий масалалар

тўғрисида ўғит беради. Жумладан, бекларга хизмат қилмоқ, сиройдаги сипоҳлар билан суҳбат, қора авом билан аралашиб юриш зарурлиги, алавийлар, олимлар, табиблар, азайимхонлар, туш таъбир килувчилар, юлдузчилар, шоирлар, деҳқонлар, савдогарлар, чорвадорлар, ҳунармандлар сингари тоифалар билан қандай муносабатда бўлиш, уйланиш, бола тарбияси, хизматкорларга эзгу муносабат, меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш қоидалари тўғрисидаги ўғитларни етказишни Юсуф зарурат деб билади. Бу суҳбатларда фалсафий масалалар билан ахлокий-таълимий, ижтимоий-сиёсий масалалар уйғунлаштирилади.

Ўзғурмиш – зоҳид, бу дунёдан юз ўтрган. У зоҳидлик даври сўфийларига мансуб (худди Иброҳим Адҳам, Ҳасан Басрий сингари). Ўзғурмиш “кўнгил севган” аъмоли билан яшайди. У Ўғдулмишга, дунё сенга ўзини севдириб қўйибди, ҳамма айблари сенга фазилат бўлиб кўринибди, дея таъна қилиб, дунёнинг ва бу дунёда бойликка муккасидан кетган одамларнинг қуйидаги айбларини бирма-бир кўрсатади:

-дунё кути Худодан узоқлаштиради, кут - дин офатидир;

-бу бевафо олам - ўтқинчи, бойлик кибр-ҳаво орттиришига олиб келади, бу дунё нима берган бўлса, тезда яна қайтиб олади;

- дунё - кўланка, изидан борсанг, қочади, сен қочсанг, изингдан боради;

-бу дунёнинг қилиқлари – жафо, қилмишлари – бевафолик, беги билан уч ой ҳам турмайди;

-бу дунёнинг қуйидаги учта нарсадан бошқа нарсаси йўқ: бири ҳалол, иккинчиси – шубҳа, учинчиси – ҳаромдир;

-бу дунёда одам – ғофилдир;

-хотин, ўғил-қиз ташвишини тортмоқ машаққат бўлади, киши кучини узади;

-бу дунёнинг ёви уч нарсадир: ҳаловат билмаслик, нафсга кул бўлиш, диёнатга хиёнат қилиш;

-бу дунёнинг нарсаси (яъни бойлиги) шўр сувга ўхшайди, одам қанча ичса ҳам қонмайди, тили намланмайди;

-дунё иши саробдир, киши тутайин деб қўл узатса, йўкотади.

Ўзғурмиш Ўғдулмишга берган бу ўғитларини тарихда ўтган авлиёлар, зоҳидларнинг ишлари билан исбот этади: “Авлиёлар бу дунёнинг нарса ва молини бадал қиладилар (айирбошлайдилар), зоҳидлар боқиб, бу дунё асосини тарк этадилар” (3514-байт).

Дунёни, яъни мол-дунёни рад қилиш билан Юсуф қашшоқ яшаш афзал демоқчи эмас, балки дунёга берилиш, муккасидан кетиш инсонни тоат-ибодатдан узоклаштиради, кўнгилни бўлади, демоқчи. “Бу дунё ишига аралашган киши хизмат билан банд бўлиб, охират ишларини қила олмайди” (3297-байт). Унинг айтмоқчи бўлган гапи шудир. Ўзгурмиш — зоҳидона сўфийдир. Унинг фалсафий қарашлари йўқ, балки тақвони ва парҳезкорликни бош ўринга чиқаради. Илк босқичдаги сўфийлик ақидалари ҳам Ўзгурмишнинг аъмоли сингари эди.

Юсуф Ўзгурмиш образи орқали илгари сурган бу ақидаларда оддий ҳаётини деталлар — ҳамма даврларда инсониятни ҳақ йўлдан чалғитган, факат ўзидан бошқани ўйламайдиган, худбин қилиб яратилган, ўзининг дунёқараши билан яшайдиган инсонлар тоифасининг қиёфасини чизиб беради. Юсуфнинг Ўзгурмиш тилидан айтган қуйидаги байти ҳаётга очиқ кўз билан боқишга, одамнинг ҳаётдаги тамойили қандай бўлиши кераклигини англашга ундайди:

Тиригга бу нангдин кэчиш йоқ адаш,
Эгин буггу тон ҳам боғузқа ҳам аш

Ҳалал дунёа булса йэса қазғаниб,
Чиғайқа уласа анингдин алиб

Киши ағруқи болмаса бу боғуз
Киши унмази ул бу ағрук боғуз
(Тирикка бу нарсалар (озиқ-овқат кийим)дан кечиш мумкин эмас,
эй дўст, эгини бутагувчи кийим ҳам, бўғизга овқат ҳам зарур.
Ҳалол дунё топса, кўлга киритиб баҳраманд бўлса,
Ундан бир улуш олиб камбағалларга улашса.
Кишининг мол ва томоқ ташвиши бўлмаса (қандай яхши бўларди),
Мол ва томоқ ташвиши кишини кўкартирмайди.) (3605-3607)

Бу сингари ўғитлар Юсуфнинг асосий ақидаларидан бири экан, шу ўринда Аҳмад Яссавийнинг қуйидаги байтлари Юсуфнинг ақидаларига ҳамоҳанглигини айтиш ўринлидир:

Ҳаром–хариш йиғмиш молға қувонмангиз,
Молларини қирши отлиғ йилон қилур...

Бу дунёга бино қўйган Қорун қани?
Даъво қилғон фиръавн билан Ҳоман қани?¹⁰

Дунё менинг дегонлар, жаҳон молин олғонлар,
Каркас қушдек бўлубон ул ҳаромға ботмишлар
(Аҳмад Яссавий. Юқордаги асар, 196-б.).

Юсуф сўфийларнинг бир тоифаси бўлган маломатийлик маслагини ҳам Ўзғурмиш образи орқали илгари суради. “Кишиларнинг юкини кўтарса, уларга юк кўтартмаса, унга жафо қилсалар, у оғиз очмай вафо қилса” (3382).

Юсуф Ўзғурмиш образи орқали илгари сурган тасаввуфий тоғлардан Ибн ал-Арабий, Боязид Бистомий, Мансур Халлож каби мутассаввуфларнинг чуқур фалсафий таълимотини қидириш Уринсиз. Юсуф комил инсон сифатлари билан Илоҳ сифатларини тенглаштираётгани йўқ, қолаверса, унинг мақсади бу эмас эди. Унинг ақдаларида ҳаётнинг маиший томонларига қаттиқ эътибор қаритишдан тийилиш кераклиги ҳақидаги ўғит бор.

Ўзғурмиш Кунгугди элиг ва Ўгдулмиш билан қилган суҳбатларида фақирликни улуғлайди. Фақирлик – тариқатда ўнга мақомегининг бири. Сўфийлар наздида фақирлик улуғвор илоҳий моҳият касб этиш бўлиб, Худога бандаликни сидқидилдан олий даражада бажо келтириш, бандаликдан шараф топиш, ниёзмандлик ва талабгорликда йўлдаги тупроқ мисол ному нишонсиз бўлиш, Илоҳ наздида ўзини зарра, балки заррадан ҳам кам деб ҳисоблаш ва шу мартабада комиллик рутбасини қозониш ҳам. Барча нарсалар, оламу одам Аллоҳга тегишли, инсоннинг вужуди ҳам ўзиники эмас, чунки у ҳам Яратганнинг мулкидир. Фақрни ана шундай мазмунда илгари одам тасаввуф моҳиятига ҳам етиб боради.¹¹

Хуллас, Ўзғурмиш тимсолида Юсуф нафсга эрк бермаслик, бунинг ўрнига тоат-ибодат билан банд бўлиш, ҳалоллик, бировнинг

¹⁰ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1990, 161–бет

¹¹ Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, “Мовароуннаҳр”, “Ўзбекистон”, 2009, 26–27–бетлар.

хақини емаслик, бориға қаноат қилиб кун кўриш, ҳаромдан ҳазар қилиш каби қундалиқ амалларни бажаришни оммаға даъват қилишни илғари суради.

“Қутадғу билиг”да бир юз саксонга яқин тўртлик бор бўлиб, Шарқ эпик шеърляти учун қулай ва кейинчалик кенг тарқалган маснавийда ёзилган. 71, 72, 73-боблар қасидадан иборатдир.

“Қутадғу билиг” арузнинг мутақориби мусаммани солим ва ундан фаърий (ҳосила) бўлган мутақориби мусаммани маҳзуф, мутақориби мусаммани мақсур баҳрида ёзилган. Мисоллар:

Солим баҳр

Фа-у-лун фа-у-лун фа - у - лун фа- у- лун

Маҳзуф баҳр

Фа-у-лун фа-у-лун фа - у - лун фа- ул

Мақсур баҳр

Фа-у-лун фа-у-лун фа - у - лун фа- ул

Асарнинг 71 ва 72- фасллари (икки қасида) ва бир тўртлик мутақориби мусаммани солим баҳрида ёзилган:

Э – си - зим, йи- гит - лик, э – си – зим, йи- гит - лик,

Ту – та – бил, - ма – дим – ман, се – ни – тарк, қа – чит – тим,

Қолган ҳамма қисмлари *мутақориби мусаммани маҳзуф* ва *мутақориби мусаммани мақсур* баҳрида ёзилган:

Ку – рарс – лан, қа – ўх – шар, бу – бег – лар, ўзи,

У – га – тег, са – юм – шар, бу – тур – ку, жу – зи.

“Қутадғу билиг” туркий халқлар адабиёти, умуман, маданияти тарихида алоҳида босқич бўлиб қолади.

Савол ва топшириқлар

1. Қорахонийлар сулоласи қачон ташкил топган?
2. Қорахонийлар сулоласи қачон ва нима учун иккига бўлиниб кетди?
3. “Қутадғу билиг”нинг пайдо бўлиш сабабларини сўзлаб беринг.
4. “Қутадғу билиг”нинг қўлёзма нусхалари ҳақида сўзлаб беринг.
5. “Қутадғу билиг”да бек қандай сифатларга эга бўлиши керак?
6. “Қутадғу билиг”да вазир қандай сифатларга эга бўлиши лозим?
7. “Қутадғу билиг”да лашкарбоши қандай сифатларга эга бўлиши керак?
8. “Қутадғу билиг”да улуғ хожиб қандай сифатларга эга бўлиши керак?
9. Дарвозабонлар бошлиғи ва элчи қандай сифатларга эга бўлиши керак?
10. Котиб ва хазиначи қандай сифатларга эга бўлиши керак?
11. “Қутадғу билиг”да фалсафий масалаларни Юсуф қайси образ орқали ўртага ташлайди?

МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНУ ЛУҒАТИТ-ТУРК” АСАРИ

Режа:

1. “Девону луғатит-турк”нинг яратилиши.
2. “Девону луғатит-турк”даги шеърий парчалар.
3. “Девону луғатит-турк” ва “Кутадғу билиг” уйғунлиги.
4. Аллитерацияли шеър хусусида.
5. “Девону луғатит-турк”да халқ мақоллари.
6. “Девону луғатит-турк”да афсоналар

Таянч сўз ва иборалар: *уруғ, қабила, туркийшунослик, қомусий асар, шеърий парчалар, лирик ва этик жанрлар, тўртлик, қадимги фольклор, индивидуал шеърят, адабий муҳит, туркий шеърят, аллитерация, монийлик шеърлари, қофия, форс шеърятти.*

“Девону луғатит-турк”нинг яратилиши. Кошғарийнинг туғилган йили аниқ эмас. У «Девону луғатит-турк» асарини 1068 йили ёзиб тугатган. Бу даврда Кошғар аҳолиси туркий тилнинг энг “гўзал лаҳжаси бўлган хокония туркчасида сўзлашар эдилар” (В.В.Бартольд); украиналик туркийшунос олим Омелян Прицакнинг айтишича, Маҳмуд Кошғарий Қорахонийлар сулоласига мансуб одам бўлган. У сиёсий таъкиблардан қочиб, ўн йилча туркий қавмлар яшайдиган ўлкаларда у ердан-бу ерга кўчиб юрган. Ана шу даврда у туркий қавмларнинг тили, географияси, мусулмонликдан олдинги урф-одатлари ва диний тасаввурлари, адабиёти ҳақида кўп материал тўплаган. Охири Бағдодда тўхтаган. Бу даврда Бағдодни Салжукийлар эгаллаган эди. Салжукийлар ҳам туркийзабон бўлгани учун, Маҳмуд Кошғарий ўзи тўплаган материаллар салжукийларда кизиқиш уйғотишини билиб, «Девону луғатит-турк» асарига тартиб берган.

Кошғарий бу асари устида узок йиллар ишлади. Юқори Чиндан тортиб бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона ва Бухорога қадар чўзилган кенг ҳудудни кезиб чикди. Бу ҳудудда яшаган уруғлар, қабилаларнинг турмуш тарзини, касб корини, турар жойларини аниқлади, тилларини синчиклаб ўрганди. Кошғарийнинг ўзи бу ҳақда “Девон”нинг муқаддимасида қуйидагича тушунтириш беради: “Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар,

киргизларнинг шаҳарларини, кишлок ва яйловларини кўп йиллар кезиб чикдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чикдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим. Уларга (тилларга – Н.Р.) шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва кирғиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим”¹². Кошғарий берган бу изохдан маълум бўладики, у тилшунослик бўйича махсус таълим олган.

Кошғарийнинг асосий мақсади луғат тузиш, туркий қабилаларнинг лаҳжаларидаги фарқларни кўрсатиш баробарида бу давр адабий тилининг гўзалликларини, туркий қабилалар орасида барқарор ва асрлар давомида қўлланиб келган тил эканини намоиш қилиш бўлган эди. Бунинг исботи сифатида туркий тилнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига у берган қуйидаги гап асос бўла олади. Кошғарий ёзади: “Худо давлат қуёшини турклар буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг хоқонлари қилиб кўтарди... Уларнинг [туркларнинг] ўқларидан сакланмоқ учун уларнинг хатти-ҳаракатларини маҳкам тутмоқ ҳар бир ақли кишига лойиқ ва муносибдир. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл – уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши кулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар...” (1 жилд, 21-б.).

Маҳмуд Кошғарий бу асари орқали илк бор туркийшуносликка асос солди.

«Девону луғатит-турк» - комусий асар. Бу асар фақат тилга ёки адабиётга оид материаллар ва далилларгина эмас, балки Марказий Осиёда истиқомат қилган қабилалар тарихи тўғрисидаги манба ҳамдир. Ҳар бир қабиланинг ўша даврдаги мавқеи, тарихи

¹² Кошғарий Маҳмуд. Девону луғатит турк. – уч жилдлик. 1- жилд, Таржимон филология фанлари кандидати С.Муталлибов. Нашрга тайёрловчилар ЎзРФА академиги А.Рустамов, филол.ф.д. Ҳ.Болтабоев “MUMTOZ SO”Z”нашриёти, Тошкент, 1960, 21-б.

тўғрисида ҳам етарли маълумотлар беради. Жумладан, ўғузлар, қарлуқлар каби йирик қабилалар тўғрисида ўрни-ўрни билан айтилган маълумотлар бунга далилдир.

«Девону луғатит-турк»даги шеърий парчалар. «Девону луғатит-турк» адабий манба сифатида ҳам қимматли ёдгорликдир. Асардаги шеърий парчалар XI асргача бўлган адабий ҳаёт тўғрисида тўлақонли сўз юритишга имкон беради. Бу шеърий парчалар маълум бир сўзнинг изоҳи учун келтирилган бўлса-да, бу парчалар қадимги туркий адабиётда лирик ва эпик жанрнинг ривож топганидан далолат беради. Кошғарий келтирган мазкур шеърий парчалар турли мавзуда – меҳнат, ёрнинг таъриф-тавсифи, турк баҳодирларининг қаҳрамонликлари, эзгуликка давват, ватанпарварлик ва ҳ. Шеърий парчаларни Махмуд Кошғарий халқ оғзидан ёзиб олган.

«Девон»даги шеърий парчалар кўп туркологлар ўртасида мунозарага сабаб бўлиб келган. Кўпчилик европалик туркологлар «Девон»да келтирилган тўртликларни дастлаб туркий халқларнинг қадимги фольклорига мансуб деб қараган эдилар. Жумладан, немис турколог олими К. Броккелман шундай фикрни айтган эди. Аммо у «Девон»даги иккилик ва тўртликлар унутилиб кетган маълум бир шоирлар ижодига мансублигини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Унингча, бу тўртлик ва иккиликлар асар ёзилган даврдан илгари мавжуд эди ва ислом даврига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Айни пайтда «Девону луғатит-турк»даги баъзи шеърий парчалар маълум бир ижодкор қаламига мансуб эканлигини Кошғарийнинг ишорасидан билиш мумкин. Кошғарий кўп ўринларда «шоир айтади» иборасини ишлатади ва бир тўртлик келтиради:

Ўзимни ўқарман,
Биликни йугарман.
Кўнгулни тугарман,
Эрдам уза тургунур (II, 282)

(Шоир айтади: Эгамни мақтайман, унинг мадади билан илмни йиғаман. Кўнгулни шунга боғлайман, илму хунар тўплашга кўнглим берилгандир).

Бундан ташқари, илм манфаати ҳақидаги тўртликлар ёки фардлар ҳам бевосита ёзма адабиётнинг маҳсулидир, яъни маълум бир шоир ижодига мансубдир. Зотан, илм манфаати ҳақидаги ўғитлар Қорахонийлар даври адабиётининг муҳим хусусиятларидандир:

Ўгран анинг билигин,
Кунда ангар бару.
Қутқилиғин тапинғил
Қўзғил куваз нару (II, 161-162)

(Агар билимдон одамга йўликсанг, ҳар кун унга бор, яхши муомала билан унинг илму ҳикматларини ўрган, такаббурликни ташла).

Ўша шоирлар халқ орасида машҳур бўлганлари учун ҳам Кошғарий уларнинг исмини айтиб ўтирмаган. Баъзи шоирларнинг (масалан, Чўчу) исмини айтиб ўтган, холос.

Қуйидаги фард ҳам “Девону луғатит-турк”ка Қорахонийлар давридан олдинги ва ўша даврдаги дидактик адабиётнинг таъсирини кўрсатадиган далиллардан биридир:

Қўлдаш билан йарашғил, қаршиб адин урдурма,
Бэк тут йаваш тақағу сувин йазин адирма (II жилд, 18-б.)

(Қўлдош (суҳбатдош)ингни ҳурмат қил, яхши муомалада бўл, қаршилиқ қилиб, уни ташлаб, бошқа билан бўлма. Уйдаги товукни боқолмай қочириб юбориб, дуррожни боқаман деб овора бўлма).

Қуйидаги байтни ҳам, юқоридаги фард сингари, бирон шоир ижодига мансуб деб қараш мақсадга мувофиқдир:

Ўғулум, сэнга қўзурман ардам ўгут хумару,
Билга эриг бўлуп сэн баққил анинг табару (III, 445)

(Ўғлим, сенга мерос қилиб эзгу хулқ, одобни қолдираман. Агар илмли, ақлли одамларга йўликсанг, уларга яқинлаш, улардан фойдалан).

Ёки куйидаги байтни ҳам фард жанрига мансуб деб қараш мумкин:

Келса киши этма ангар ўртар кула,
Баққил ангар эзгулугунг ағсин кула (1, 149).
(Сенга кулар юзли бир киши келса, сен унинг юзига иссиқ кул сочма, яхшилик қил, ёқимли қилик билан ҳурматла.)

«Девон»даги шеърӣй парчалар мисралари тенг бўғинли (етти бўғиндан ўн тўрт бўғинга) қофияланган шеърлар экани юқоридаги парчалардан аён бўлиб туради.

В.В.Бартольд «Девону луғатит-турк»даги шеърӣй парчаларга нисбатан сиёсий томондан ёндашган эди. Унингча, «Девону луғатит-турк»даги шеърлар орасида худди «Қутадғу билиг» даги сингари, сарой адабиётига хос хусусиятга эга бўлган тўртликлар ҳам бор. Бунинг исботи сифатида В.В.Бартольд куйидаги тўртликни келтиради:

Туркан қатун кутинга,
Тэгур мендин қўшуғ,
Айғил сизинг табуғчи
Ўтнур йанги табуғ (1, 357).

(Малика (шоҳ) хотинга мендан мактов, қасида (қўшиқ) етказгин, ходимингиз янги хизмат билан йўлланади, деб айт.)

Мазкур тўртлик, гарчи шаклан халқ оғзаки ижодига хос тўртликни гавдалангирса ҳам, аниқ бир образ (Туркон малика)нинг мавжудлиги, дидактик мазмун ифодалангани билан индивидуал шеърӣятга мансуб деб қаралса, мақсадга мувофиқ бўлади ва В.В.Бартольдининг қарашлари ўринли экани ўз исботини топади.

“Девону луғатит-турк” ва “Қутадғу билиг” уйғунлиги. Айни пайтда “Девону луғатит-турк”да шакл жиҳатидангина эмас, балки мазмун томондан «Қутадғу билиг»га монанд дидактик мазмундаги парчалар ҳам борки, бу парчаларда барқарор адабий муҳит, маълум изга тушган ижтимоӣ ҳаётнинг инъикосини кўраимиз. Қолаверса, “Қутадғу билиг”да Юсуф узоқ ўтмишдаги донишмандларнинг асарларига таянганини айтади ва уларнинг ўғитларидан иктибослар

келтиради. Келтирилган иктибосларнинг деярли ҳаммаси дидактик мазмунда. Юсуф келтирган қадим донишмандларнинг иктибослари халқ орасида мақол ва маталлар сингари тарқалгани шубҳасиз. Бундай жараён адабиёт тарихида кўп учрайди.

Мана шу адабий қонуниятга таяниб, Юсуф асарида келтирган донишмандларнинг ўғитлари, ҳикматлари “Қутадғу билиг” учун қанчалик хизмат қилган бўлса, “Девону луғатит-турк” учун ҳам шунчалик жиддий ва ишончли манба бўлган. Намуна сифатида «Девону луғатит-турк»даги ва “Қутадғу билиг”даги мазмунан ўхшаш бўлган айрим фардларни қиёслаймиз:

“Девону луғатит-турк”да:

Улуғлуқ бўлса сен эзгу қилин,
Бўлғил кишиг беглар катин йахши улан (1,95).

(Даража ёки мартаба топсанг, хулқингни чиройли қил, амирлар олдида яхшилик етказувчи, халқнинг ишларини яхши қабул қилувчи бўл.)

“Қутадғу билиг”да:

Қилинч эт, йўрук туз, ўзунгни тутун,
Кўнгул тил кўни тут, биширғил сўзунг.
(Хулқингни тўғрила, йўриқни тузат, ўзингни тут,
Кўнгул, тилни тўғри тут, сўзингни пишиқ қил) [3957]

“Девону луғатит-турк”да:

Бўлмиш нангиг севарсан, акрун ангар сэвингил,
Бармиш нэнгиг сақинма, азрак ангар ўкунгил (III, 372)*

(Бор молингни севасан, унга камрок севин, чунки у сендан (яъни кўлингдан) чиқиб кетиши мумкин. Кўлингдан кетган нарса учун қайғурма, унга озроқ севин. Чунки ачиниш сенга (кўлингдан чиқиб кетган нарсаларни) қайтариб бермайди)

“Қутадғу билиг”да:

Куванма бу кутка, келип ҳам барир,
Инанма бу давлат бэрур ҳам алир [680]
(Бу мол-давлатга кувониб ғурурланма, у келади ва яна кетади,
Бу давлатга ишонма, уни беради ва яна олади)

*Мазкур шеърий парча “Девону луғатит-турк”да тўртлик шаклида берилган, юқоридаги фардга шаклан ва қофияланиш тизими бўйича ўхшаш бўлгани учун, биз иккилик шаклида бердик.

“Девону луғатит-турк”даги шеърий парчалар юзасидан европалик олимлар билдирган мулоҳазалар анчайин диққатга сазовор. Асардаги тўртликлар туркий шеъриятнинг қадимги намуналаридир деган К.Броккелманнинг фикрлари П.Пельонинг карашларини шубҳа остига қўйди. П.Пельо монийлик шеърлари юзасидан олиб борган тадқиқотларида, қадимги туркий шеърият қофияли эмас, балки аллитерацияли шеър бўлган деган хулосага келган эди. Аллитерация, унингча, мисралар бошида келади ва шеърни бир тизимга солади. Пельо “Девону луғатит-турк”даги тўртликларнинг қофияланишини форс шеърияти таъсиридир деб қарайди. “Қутадғу билиг”нинг шеър тузилишида форс шеъриятидаги қофия ўз изини қолдирган ва бу ҳақда етарли фикрлар айтилган.¹³

Аллитерацияли шеър хусусида. Монийлик оқимидаги шеърларга эътибор берилса, ҳақиқатан, аллитерациянинг мисралар бошида қўлланганини кузатиш мумкин. Масалан, «Тонг тангриси» номли мадҳия аллитерация изчил қўлланган шеърнинг яққол намунаси. Шеърни тўлиқ келтирамиз.

Танг тангри келди,
Танг тангри ўзи келди,
Танг тангри келди,
Танг тангри ўзи келди.

Турунглар камуғ баглар, кадашлар,
Танг тангриг оғалим.

¹³ Тўхлиев Б. Юсуф хос Ҳожиб ва туркий қофия тараққиёти. Тошкент, 1994.

Коругма кун тангри,
Сиз бизни кузатинг,
Корунутма ай тангри,
Сиз бизни куртгаринг.

Танг тангри,
Йидлиг, йипарлиг,
Йаруғлуғ, йашуқлуғ
Танг тангри
Танг тангри.

Танг тангри,
Йидлиг, йипарлиг,
Йаруғлуғ, йашуқлуғ
Танг тангри
Танг тангри.¹⁴

Мисралар бошидаги *т, й, к, с* ундошларининг такрори аллитерацияли шеърни юзага келтирган. Бу шеърда “Девону луғатит-турк”даги сингари қофия қўлланмагани учун ҳижолаар тенглиги йўқ. Аллитерацияли шеърда ҳижолаар тенглиги бўлиши шарт эмас. Ритм ва оҳанг аллитерация билан бирга такрор орқали ҳам юзага келавиради.

Монийлик шеърлари кузатилганда, аллитерация усули шеърятнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлгани кўринади. “Бизинг Тангримиз адгуси радни тийур”, Апричур тигиннинг бошланиши ўчиб кетган шеъри, “Ўлим тасвири”, “Монийга аталган мадҳия” каби шеърларда аллитерацияли шеър қадимги туркий шеърятнинг тузилишида асосий омил эканини кўрсатади.

Аммо монийлик мазмунидаги шеърларнинг ҳаммаси қофиясиз бўлган экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Қофия монийлик шеърларининг таянч нукталаридандир. Масалан, “Дўзах тасвири” шеърдаги қуйидаги парчаларга эътибор берайлик:

¹⁴ Resid Rahmati Arat. Eski turk siiri: 1991, 8-35-s.

Тупинга олукма *олмаки* бар,
Тунариг тамука *тушмаки* бар.
Туманлиг йаклар *келир* тийур,
Туманлиг йаклар *айар* тийур
(Охири инсоннинг ўлмоғи ҳам бор,
Қоронғу дўзахга тушмоғи ҳам бор.
Ўн мингларча шайтон келади дерлар,
Ўн мингларча шайтон иш кўрар дерлар.)

Бундай мисолларни монийлик шеърларидан кўплаб келтириш мумкин.

“Девон”даги шеърлар ҳақида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: 1. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асаридаги шеърлар ҳам халқ оғзаки ижодига ҳам индивидуал шеърятга мансуб.

2. Матнлар исломдан олдинги даврга алоқадор.

Урхун ёдномалари билан “Девону луғатит – турк” киёсланганда, бадий фикрлашнинг энг умумий тамойиллари урхун ёдномаларида ҳам, «Девон»да бир эканлиги аёнлашади.¹⁵

“Девону луғатит-турк” ва енисей ёдномаларидаги жанг лавҳалари бир-бирига мотив ва сюжет жиҳатидан шунчалик уйғун келадикки, “Девон”даги тўртликлар “исломдан олдинги Ўрта Осиё халқларининг эпоси”га¹⁶ алоқадорлиги маълум бўлади. Фитратнинг кўрсатишича, “Девон”даги тўртликлар милодий VI-VII асрларга оид адабий манбалардир. Қадимги туркий адабиётдаги - урхун-енисей ёдномаларидаги анъана Қорахонийлар даври адабиётига узлуксиз ўтгани ҳақидаги фикрлар шундай парчаларда ўз тасдиғини топади. Жумладан, А.Бомбачи қадимги туркий адабиёт билан “Қутадғу билиг” ўртасидаги алоқани тарихий шароит билан боғлайди: “Туркийлар учун исломгача бўлган даврдан исломга ўтиш бирданига бўлмаган эди. Анъананинг узлуксизлиги Қорахонийлар адабиётида яққол кузатилади. Тил илгари қандай бўлса,

¹⁵Қаранг: Раҳмонов Н. Кўҳна битигтошлар. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент, 1991, 14-бет.

¹⁶Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. Тошкент, Фан, 1981, 88-бет.

шундайлигича қолди”.¹⁷ Қадимги туркий адабиётнинг чегарасини аниқлашда тил низоҳатда муҳим.

Бомбачининг юқоридаги фикри учта манба – урхун- енисей ёдномалари, “Девону луғатит-турк” ва “Қутадғу билиг”га тегишли. Туркологияда “қадимги туркий адабиёт” ва “қадимги туркий тил” номи остида ХII асргача бўлган туркий тилдаги ёдгорликлар низоҳатда тугилади ва бу ўзини оқлайди.

Ҳан “Девону луғатит-турк” ва урхун- енисей ёдномаларининг тилидаги умумийлик ва бу манбалардаги тасвирнинг уйғунлиги ҳақида кетар экан, яна Фитратга мурожаат этамиз. У юқоридаги исарида “Девон”даги бир неча эпик асар парчаларини тиклайди. Улар мазмун, руҳ, поэтик жиҳатлари, воқеалар мазмуни жиҳатидан халқ эпосларига тааллуқли эканлиги яққол сезилиб туради. Фитрат “Девон”даги тўртликларни мазмунига кўра ўн беш бўлимга гуруҳлайди. Биз бу ўринда VII (Тангут бегининг уруши, 53-58-бетлар), VIII (Уйгурлар билан уруш, 58-60-бетлар), XII (Бир уруш, 74-78-бетлар), XIII (Уч уруш, 72-74-бетлар) бўлимларидаги тўртликларнинг ёдномалардаги парчаларга нафақат ғоя ва мазмун томондан, балки тарихийлик нуқтаи назаридан ҳам уйғун келишини таъкидламоқчимиз. Мисол учун “Тангут бегининг уруши” деб номланган бўлим тўртликларида (8 тўртлик) жанг манзараси тасвирланган.

Қатун сени жигилади,
Тангут бегин йағилади,
Қани ағиб жағилади,
Ўйин сувин қизил сағди.

(Қатун сени қабиласи қичкиришиб, гулгула солиб, тангут бегини душман бўлди, уруш очди, (оқибатда) бўйнидан зил сув соғилган каби бўлиб, қони вижиллаб оқди.)

Бу тўртликлардаги тарихий воқеалар турк хоқонлиги даврида юз берган. Қиёс учун Билга хоқон ёдномасидаги тангутлар билан бўлган жанг лавҳасига тўхталайлик.

¹⁷ Бомбачи А. Тюрские литературы. Введение в историю стиля. “Ирубежная тюркология” тўплами. М.: 1986, 208-б.

Йати йигирми йашима тангут тапа суладим. Тангут бодунин буздим, оглун, йутузин, йилқисин, баримин анта алтим (Бх, 24) – Ўн етти ёшимда тангутга лашкар тортдим. Тангут халқини енгдим, ўғлини, хонумонини, йилқисини, молини ўшанда олдим.

Бу воқеа VIII асрнинг бошларида – тахминан 702 йилга тўғри келади. Аммо тарихий воқеаларнинг айнан нусхасини “Девон”дан қидириш ўринли эмас. “Девон”даги тўртликлар халқнинг ижоди сифатида пайдо бўлган, яъни улар халқ кўшиқларидир. Қуйидаги парчада ҳам Билга хокон ёдномасидан келтирилган парчадаги сингари жанг тасвири ва тангутларнинг мағлубияти тасвирланган:

Тангут сусин ушуклади,
Киши ишин эликлади,
Аран атин балкилади,
Булун болуп башни тигди.

(Тангут кўшинини совуқда босди. Бу иш билан эркаклар ишини масхара қилди. Боскинда барча эр ҳам отларни ҳар кимга бўлаклади (яъни ҳадя қилди). Охирида ўзи асир бўлгач, боши кесилди.)

Тангут хани йубилди,
Ўлум бирла тубулди,
Қазашлари таблади,
Ўлум кўруб юзи ағди.

(Тангут хони уни бошдан аллади-да, сўнгра ўлим билан тепалади, енгди, қариндошлари унинг бу мағлубиятидан орландилар. Чунки ўлимни кўргач, унинг юзи оқарган эди.)

Мазкур тўртликларда жанг тасвири, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳолати батафсил тасвир этилган. Чунки эпик баён билан бирга, натуралистик тасвир тамойили фольклор учун, айниқса, дoston учун муҳим хусусиятдир.

Ёки қуйидаги тўртлик ҳам мотив ва сюжет жиҳатидан Тўнюоқ, Кул тигин ёдномаларидаги аксарият жанг лавҳаларини гавдалантиради.

Эран алли ўқуштилар,
Қинғир кўзун бақиштилар,
Қамуғ тутуш тўқуштилар,
Қилич қинға кучин сиқти.

(Эрлар, ботирлар бир-бирларини курашга ундадилар. Бир-бирларига ёв кўзи билан ёмон қарадилар. Бутун яроқлари билан урушга киришдилар. Қиличларнинг қинга кириши қийинлашди.)

“Девон”даги тўртликлар қадимги турк даврида шаклланган ва уларга қадимги турк давридаги тарихий воқеалар замин бўлган экан, юқоридаги парчаларни тарихий кўшиқ жанрига мансуб деб қараши керак (Н.Раҳмонов. Юқоридаги асар, 16-17-б.).

“Девону луғатит-турк”да халқ мақоллари. Маҳмуд Кошғарий поэтик дидди адабиётшунос сифатида мақол ва шеърни яхши фарқлайди ва ҳар бир байтни беришда аниқлик киритади. Қайси ўринда мақол, қайси ўринда шеър келатганини ўқувчига уқтириш учун “мақолда шундай келган”, “шеърда шундай келган” ибораларини келтиради.

Кошғарий келтирган мақоллар мавзу жиҳатдан турлича.

1. Меҳнатсеварлик ва дангасалик: *Эрик эрни йағлиғ, эрмағу баши қамлиғ* – тиришқоқнинг лаби ёғлиғ, эринчоқнинг боши қонлиғ (1, 100); *Эрмағуға эшик арт бўлур* – ялқовга эшик остонаси ҳам тоғ бўлиб кўрилади (1, 78).

2. Ҳамжиҳатлик ва ноиттифоқлик: *Инган инграса, бўту бўзлар* – урғочи туя инграса, эркак туя бўзлайди (1, 142); *Билмиш йек билмазук кишида(н) йиг* – Нотаниш кишидан таниш шайтон яхши (111, 175); *кўздан йираса, кўнгулдан йама йирар* – (дўстлар) кўздан уюқлашса, кўнгилдан ҳам узоқ бўлади (111, 377).

3. Донолик ва нодонлик: *Қут белгуси биллик* – бахт белгиси нилдир (1, 403); *Эндик ума эвликни азирлар* – бефаҳам меҳмон уй ичсини ҳурматлайди (1, 130).

4. Мардлик ва кўрқоқлик: *Али черикда, билга тирикда* – Ботир жанг алаңгасида, доно мажлисида синалади (1, 77); *Кўрқмиш кишига кўй баши қўш кўринур* – кўрққан одамга кўйнинг боши кўшалок кўринади (111, 139).

5. Эҳтиёткорлик ва тадбиркорлик: *Аллар бирла урушма, бағлар бирла турушма* – Ботирлар билан уришма, амирлар билан

хусуматлашма (1, 192); *Авчи неча ал билса, азиз анча йўл билир* – овча қанча ов хийлаларини билса, айик ҳам шунча қочиш йўлларини билади (1, 91).

6. Вафодорлик: *Тилин тугмишини тишин йазмас* – тил билан боғланган (нарса) тиш билан ечилмас (11, 28).

7. Одобилик ва тарбиялилик: *Ўглақ иликсиз, ўглан биликсиз* – эчки боласида илик йўқ, ёш болада ақл йўқ (1, 141).

8. Инсон кадр-қиммати: *Эвдаги бузағу ўкуз бўлмас* – уйда ўсган бузоқ ҳеч вақт хўкиз бўлмайди (1, 417); *Кизланчу келинда* – Яширин нарса келинда бўлади (111. 261).

9. Яхшилик ва ёмонлик: *Сув ичурмасга сут бер* – сув бермаганга сут бер (1, 224); *Бир тилку терисин икила сўймас* – бир тулки териси икки мартадаб шилинмайди (111, 262).

10. Ҳалоллик, ростгўйлик ва мунофиқлик: *Киши аласи ичтин, йилқи аласи таштин* – Одамнинг оласи ичида, йилқиники сиртида (1. 117); *Муш йақриқа тегишмас, айур киши нени йарашмас* – Мушук миҳга осилган чарв ёғига етолмай, “бировнинг моли ярашмайди”, дейди (11, 117) ва ҳ.

“Девону луғатит-турк”да афсоналар. “Девон”да Маҳмуд Қошғарий афсоналардан намуналар ҳам келтирган. Шу афсоналардан бири - “Олтин қон” афсонаси, иккинчиси - йил ҳисоби тўғрисидаги афсонадир. Шунингдек, булардан ташқари, Худхур вилоятига ном қўйилиши (1, 135-б.), чигил қабиласига Искандар Зулқарнайн ном қўйгани ҳақидаги кичик афсоналар (1, 374-б.) ҳам бор.

Йил ҳисоби тўғрисидаги афсона туркча ўн икки мучал йилларининг пайдо бўлиш тарихига оиддир. Афсонанинг мазмуни шундай:

Турк хоқонларидан бири ўзидан бир неча йил олдин бўлиб ўтган урушни ўрганмоқчи бўлган, шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишган. Бу масала юзасидан (хоқон) қавми билан кенгашди ва айтди: “Биз бу тарихни (аниқлашда) қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шундай янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва осмондаги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга от қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса

абдий бир ёдгорлик бўлиб қолсин”. Улар “айтганингиздай бўлсин”, дедилар.

Хоқон овга чиқди ва одамларга вахший ҳайвонларни Или дарёси томон қувишни буюрди, бу жуда катта сув. Одамлар ов қилиб, ҳайвонларни сув томон ҳайдай бошладилар. Шунда ўн икки ҳайвон сувдан ўтди. Ўн икки йилни ана шу ўн икки ҳайвон исми билан атадилар. Энг олдин сувдан ўтган ҳайвон *сичқан* (сичқон) бўлди. Шунинг учун йил бошини унинг номи билан аталди, шу сўзга йил қўшиб, *сичқан йили* – сичқон йили деб атадилар. Ундан кейин ўтганлари қуйидаги тартибда бўлди ва уларнинг ҳар бири бир йил учун исм бўлиб қолди: *уд йили* (сигир йили), *барс йили* (йўлбарс йили), *тавишган йили* (қуён йили), *нек йили* (тимсоҳ йили), *йилан йили* (илон йили), *йунд йили* (от йили), *қой йили* (қўй йили), *бичин йили* (маймун йили), *тақағу йили* (товуқ йили), *ит йили* (ит йили), *тон.чү йили* (тўнғиз йили).

Тўнғизга етгандан кейин ҳисоб яна сичқондан бошланади.

Қошғарий афсонани ҳикоя қилиб бўлгач, қадимги туркийларда йил ҳисоби қуйидаги тартиб билан юритилишини кўрсатади: *сичқон йили, сигир йили, барс йили, қуён йили, тимсоҳ йили, илон йили, от йили, қўй йили, маймун йили, товуқ йили, ит йили, тўнғиз йили* (1, 234).

Бу афсонанинг диққатга сазовор томони шундаки, қадимги **Хитой афсоналари** таркибида ҳам мазкур афсона ўрин олган. Хитой халқиди бу афсона Будда билан боғлиқ.

Хитойларда ривоят қилинишича, Будда ер юзини тарк этишдан олдин ҳузурига ҳамма ҳайвонларни чақирибди. У билан хайрлашгани ўн икки ҳайвон келибди, холос. Келган ҳайвонларни муқофотлаш учун Будда, мен чақирганимда навбат билан келганингиз бўйича йилларга ном бераман, дебди. Ҳайвонлар биринчи бўлиб ким келгани тўғрисида баҳслаша бошлабдилар. (Охири, бир тўхтамага келиш учун мусобақа уюштиришга қарор қилибдилар: дарёнинг нариги қирғоғига биринчи бўлиб ўтган ҳайвоннинг номи билан биринчи йил аталадиган бўлибди. Навбатдаги йиллар эса дарёни бирин-кетин кечиб ўтган ҳайвонлар номи билан аталишига қарор қилишибди. Ниҳоят, ўн икки жонзот қирғоққа тизилибди ва баравар сувга ўзларини ташлабдилар.

Каламуш дарров хўкизнинг устига миниб олибди, хўкиз эса ҳеч нарсани сезмабди. Хўкиз бошқа ҳамма ҳайвонлардан олдинга кетиб, дарёнинг нариги қирғоғига чиқишга тайёрланибди. Шу лаҳзада *каламуш* унинг устидан сакрабди-да, қирғоққа *хўкиздан* бир неча сония олдин чикибди. Шундай қилиб, каламуш биринчи бўлиб чиққан ҳисобланибди. Қолган ҳайвонлар куйидаги тартибда сузиб ўтибдилар: *йўлбарс, қуён, аждар, илон, от, қуй, маймун, хўроз, ит. Тўнғиз* ниҳоятда сусткаш ва дангаса экан, шунинг учун энг охирида қирғоққа етиб келибди.¹⁸

Мазкур афсона билан Маҳмуд Кошғарий келтирган афсонадаги йил ҳисобининг номлари ва тартибида катта фарқ йўқ. Эҳтимол, Хитойга буддавийлик кириб келгандан кейин, қадимги турклар афсонасини ўзлаштирган бўлишлари мумкин.

Шунингдек, “Девону луғатит-турк”да мунозара (Ёз ва Қиш мунозараси) жанри, Алп Эр Тўнғага ва яна бир номаълум қаҳрамонга бағишланган марсия ҳам бор. Агар Абдурауф Фитрат “Девону луғатит-турк”даги тўртликлар асосида тиклаган дostonлар ҳам эътиборга олинса, қадимги туркий адабиётда жанрлар ранг-баранглигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Савол ва топшириқлар

1. “Девону луғатит-турк” қачон ва қаерда яратилган?
2. “Девону луғатит-турк”ни ёзиш учун материал тўплаш мақсадида Маҳмуд Кошғарий қайси ўлкаларни кезиб чиқди?
3. “Девону луғатит-турк”да “шоир айтади” ибораси нимани англатади?
4. “Девону луғатит-турк”даги дидактик шеъринг парчаларга мисол келтиринг.
5. “Девону луғатит-турк”даги шеъринг парчалар қайси даврга тегишли?
6. “Девону луғатит-турк”даги шеъринг парчалар билан қайси қадимги ёдгорликлар ўртасида уйғунлик бор?
7. “Девону луғатит-турк”да қайси адабий жанрлар учрайди?
8. “Девону луғатит-турк”даги мақоллар қайси мавзуларда?

¹⁸ Тони Энтони. Укрощение тигра, Санкт-Петербург, 2008, 29-6.

АҲМАД ЮГНАКИЙ ВА УНИНГ “ҲИБАТ УЛ-ҲАҚОЙИҚ” АСАРИ

Режа:

1. Адибнинг таржима ҳолига оид кузатувлар.
2. Фитрат Аҳмад Югнакий ҳақида.
3. Асарнинг қўлёзма нусхалари.
4. “Ҳибатул-ҳақойиқ”нинг ўрганилиши.
5. Асарнинг тузилиши ва боблар таҳлили.

Таянч сўз ва иборалар: *Алишер Навоий, “Насойим ул-муҳаббат”, талаба, ҳикматлар, байт, нақл, толиби илм, тил, услуб, Дод Споҳсолор бек, Сайфи Исфарангий, Бадиуззамон, Ҳусайн Бойқаро, “Муншаот”, Адиб Аҳмад, мактуб, қўлёзма, хаттот, байт, шарқ адабиёти, наът, тазод санъати.*

Адибнинг таржима ҳолига оид кузатувлар. Аҳмад Югнакийнинг таржимаи ҳоли тўғрисида маълумот деярли сақланмаган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Адиб Аҳмад ҳақида тўхталади ва унинг қайси ўлкадан экани, шахсияти ва жисмоний ҳолати ҳақида шундай дейди: “Адиб Аҳмад ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида ғариб нималар манкулдур (яъни ғаройиб воқеалар кўчириб қолдирилган). Дерларки, кўзлари бутов (яъни бугун) эрмишки, асло зоҳир эрмас эмиш. Басир бўлуб, ўзга басирлардек андоқ эмас эрмишки, кўз бўлғай ва кўрмас бўлғай” (Навоий. МАТ. 17-том, 426-б.) Чамаси, Навоий ҳам Адиб Аҳмад ҳақидаги маълумотларни бирон тарихий манабадан олган. Акс ҳолда, унинг шахсий ҳаётига ва фазилатларига оид қуйидаги маълумотларни келтирмаган бўларди: “Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттакий (яъни тақводор, парҳизкор) киши эрмиш. Ҳақ с.т. агарчи зоҳир кўзни ёпуқ яратқандур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилғондур: лўбёга (яъни ўйинчоққа) илик суртубдур ва дебдурки, қўй букрагига ўхшайдур ва нахудни бармоғи била силаб, дебдурки, итолгу бошига ўхшар. Маскани Бағдоддин неча йиғоч, баъзи дебдурлар, тўрт йиғоч йўл экан”.

Навоий мазкур асарида Адиб Аҳмаднинг ёшлигида – мадраса талабаси эканлигидаёқ зукко, донишманд бўлгани ва эл оғзида дoston бўлганига ишора қилади. Навоий давом этиб ёзади: “Бир

куни Имом Аъзам қ.р. дарсиға ҳозир бўлур эркандур ва бир масъала ўрганиб, бу йўлни яёғ борур эркандур. Дарсда ери саффи нийол (яъни пойгак) эркандур. Накледурки, Ҳазрат Имомдин сўрубдурларки, шогирдларингиз аросида қайсидин андоқки кўнглунгуз тилар, розисиз? Бовужуди (шундай бўлса ҳам) Имом Муҳаммад ва Имом Абу Юсуф р. ва аларнинг абнойи жинси (тенгқурлар) ва ҳамсабақлари. Имом қ.с. дебдурки, бори яхшидурлар. Аммо ул кўр туркки, саффи нийолда ўлтурур ва бир масъалани мазбут қилиб (хотирда сақлаб), тўрт йиғоч йўл яёғ келиб борур, андоқки керак ул таҳсил қилур.”

Шундан сўнг Навоий Адиб Аҳмаднинг чуқур маъноли ҳикматлари туркий халқлари орасида ниҳоятда машҳур бўлгани тўғрисида далилларини келтиради ва гарчи “Ҳибатул-ҳақойиқ” асарининг номини тилга олмаса ҳам, икки байт келтиради: “Ва анинг тили турк алфози била мавоизи насойиҳқа (панду насихатлар, ўғитларга) гўё (гапирувчи ва бийрон сўзловчи) эрмиш. Хейли элнинг муктадоси (эргаштирувчиси, имоми) эрмиш. Балки аксар турк улусида ҳикмату нукталари (нозик маъноли сўз, маъноси чуқур сўз) шоъедур (ёйилган, тарқалган, машҳурдир). Назм тарихи билан айтур эрмиш, анинг фавоидидиндур (фойдалилигидандир):

Улуғлар не берса емасман дема,
Илик сўн, оғиз ур, емасанг ема!

Ва ҳам анингдурким:

Сўнгакка илиқдур, эранга билик,
Биликсиз эран ул сўнгаксиз илик”.
(Навоий. МАТ, 17-том, 426-427-б.).

Бу байтлар “Ҳибат ул-ҳақойиқ”нинг бугунги нашрларида йўқ.

Фитрат Аҳмад Югнакий ҳақида. Адиб Аҳмад ҳақида Навоий келтирган далиллар афсонаомуз мазмунни ифодалайди. Навоий келтирган нақлда Адиб Аҳмад Имом Аъзамнинг энг яхши шогирдларидан бири, Имом Аъзамдан таҳсил олган толиби илм сифатида талқин қилинган. Абдурауф Фитрат бунга аниқлик киритган. У Имом Аъзамнинг ҳижрий 150 йили вафот этганини, “Ҳибат ул-ҳақойиқ” ҳижрий иккинчи асрда (“Қутадғу билиг” ва

“Девону лугатит-турк”дан уч аср бурун) ёзилганини қабул этишга имкон йўқлигини таъкидлаган эди. Фитрат учун энг асосий далил – “Ҳибат ул-ҳақойиқ”нинг тил ва услуб томондан “Қутадғу билиг”га яқинлигидир. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” тил ва услубига кўра, “Қутадғу билиг”дан бир-икки аср кейин ёзилган.¹⁹ Фитрат асосий далил сифатида “Ҳибат ул-ҳақойиқ” бағишланган Дод Споҳсолор бекнинг кимлиги ва у яшаган даврни асос килиб олади. Дод Споҳсолор бек ҳақида форс шоирларидан Сайфи Исфрангий (581\1185 -666\1268) девонида маълумот бор. Дод Споҳсолор бек Сайфи Исфрангий замонида яшаган Фарғона ҳокимидир (Фитрат. Юқоридаги асар, 49-б.).

Навоийнинг “Муншаот” асарида Мирзо Бадиуззамонга ёзилган бир мактуб бор. Бадиуззамон отаси Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтаради. Навоий Бадиуззамонга насихат тарикасида мактуб ёзар экан, Адиб Аҳмаднинг қуйидаги тўртлигини келтиради:

Отадин хато келса, кўрма хато,
Савоб бил хато қилса дағи ота.
Сени юз балодин кутқарғай Худо,
Отанинг хатосин билгил савоб
(Фитрат. Юқоридаги асар, 48-б.).

Аммо мазкур рубоий мавжуд нашрларда учрамайди. Бундан маълум бўладики, “Ҳибатул-ҳақойиқ”нинг бизгача етиб келган нусхалари бир оз чала бўлган кўринади. Навоий даврида эса бу асарнинг мукамал нусхаси бўлган ва улуг шоир ана ўша мукамал нусхадан фойдаланган.

Адиб Аҳмад “Ҳибат ул-ҳақойиқ”да ҳам ўзи ҳақида қуйидагича маълумот беради:

Адиб Аҳмад отим, адаб, панд сўзим,
Сўзум мунда колур, борур бу ўзум.

Шунингдек, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”нинг муаллифи ҳақидаги айрим изоҳлар, тушунтиришлар бу асарни кўчирган котиблар томонидан

¹⁹ Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Болтабоев, Маънавият, 2000, 47-бет.

хам киритилган. Жумладан, асарнинг бир кўлёмасида Адиб Аҳмад ҳақида куйидагича маълумот берилган:

Отаси оти Махмуди Югнакий,
Адиб Аҳмад ўғли, йўк ул ҳеч шаки.

Адибнинг ери оти Югнак эрур,
Сафолик ажаб ер, кўнгуллар ёрур.

Адиблар адиби фозиллар боши,
Гўҳартин сўз аймиш, адин сўз боши.
Шунингдек, асар кўлёмасига котиб томонидан
ёзилган изоҳда шундай мисра бор:
Туға кўрмас эди адибнинг кўзи.

Шоирнинг кўзи ожиз экани тўғрисида Навоий берган маълумот, қолаверса, “Ҳибат ул-ҳақойик”ни кўчирган котиблар берган маълумотлардан шу нарса англашиладики, асарни адиб оғзаки айтиб турган ва бирон котиб ёзиб олган.

Асарнинг кўлёмма нусхалари. «Ҳибат ул-ҳақойик»нинг беш нусхаси мавжуд. Нусхалар бир-биридан жузъий фарқларга эга. Улардан энг эскиси Самарқандда Зайнул Обидин деган хаттог томонидан 1444 йилда уйғур ёзувида кўчирилган бўлиб, турли сабаблар билан Туркияга бориб қолган. 1480 йилда Туркистондан Туркияга кўчиб борган Абдураззоқ бахши деган киши ушбу китобнинг араб ёзуви устига эски турк-уйғур ёзувида кўчирган. Ҳар уч нусха Истанбулда сақланади. Сўнграқ яна икки нусхаси топилган. Демак, ҳозирда китоб кўлёмасининг беш нусхаси мавжуд.

Асарда котиб томонидан киритилган мисрада Адиб Аҳмаднинг туғилган юрти Югнак деган жой экани кўрсатилади. Югнакни кўпчилик олимлар – Самарқанд атрофида деб кўрсатадилар.

“Ҳибатул-ҳақойик”нинг ўрганилиши. Турк олими Нажиб Осим “Ҳибат ул-ҳақойик”ни илк бор тошган ва ўрганган олимдир. У 1906 йили бу асарнинг Абдураззоқ Бахши кўчирган нусхасидан парча чоп эттирган эди. Рашид Раҳматий Арат бу асарнинг Туркиядаги нусхаларини ўтган асарнинг ўрталарида нашр қилдирган. У, асарнинг аслият эски уйғур-турк ёзувида битилган,

деб айтган эди.²⁰ Ўзбекистонда илк бор Абдурауф Фитрат бу асар ҳақида мақола эълон қилган ва туркиялик олимлар асар нашрида йўл қўйган бир қатор камчиликларга ўз муносабатини билдирган эди. Мархум ўзбек туркийшунос олим Қозоқбой Маҳмудов бу асарнинг танқидий матнини ўтган асрнинг 70-йилларида чоп эттирди ва тадқиқ этди. Қозоқ ва уйғур олимларининг бу асар юзасидан олиб борган тадқиқотлари ва наشري ҳам диққатга сазовор²¹.

Асарнинг тузилиши ва боблар таҳлили. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” 254 байтдан иборат. Адиб Аҳмад асарнинг тузилиши ҳақида тўхталиб: “Тузаттим бу ўн тўрт боб ичра сўзум” деб ёзади. Аммо асарни кўчириш жараёнида котиблар айрим бобларнинг сарлавҳаларини тушириб қолдирганлар. Шу боис асар боблари микдори камайиб кетган.

Адиб Аҳмад асарини ёзишда Шарқ адабиёти анъаналарини давом эттиради. Биринчи боб ҳамд билан бошланади: Яратганга ҳамду сано, Унинг раҳматига умидворлик, асарни ёзишдан Ундан мадад тилаш, Яратганнинг борлигини жамики яратилган нарсалар кўрсатиб тургани, ўликдан тирикни, тирикдан ўликни яратиши, қудрат эгаси ягона Тангридан бошқаси йўқлиги ҳақида айтади.

Иккинчи боб наътдан - Пайғамбарнинг мадҳи, яратилган пайғамбарлар орасида унга тенг келадиган йўқлиги, уни мадҳ этишдан тил лаззатланиши, тилга шакар ва асал бағишлаши каби таъриф-тавсифлардан иборат. Шунингдек, тўрт халифа – Содик (Ҳазрати Абу Бакр), Форук (Ҳазрати Умар), Зайн нурин (Ҳазрати Усмон), Али ҳам мадҳ қилинади.

Учинчи бобда Адиб Аҳмад Дод Споҳсолор бекка ҳамдлар айтади: подшоҳ, яъни Дод Споҳсолор бек ақл-хушга, яхши хислатларга бой, билимдон, жамики фазилатлар унда мужассамлашган. Бу подшоҳ Симак юлдузи – Балиқ куйруғи деб аталувчи юлдузлардан ҳам юксак ҳимматли, сахватли, раият дардига дармон шохдир. У халққа шафқатли, аммо ғазабланганда, арслонга ўхшайди. Қувват бобида Умардай навқирондир, саховат бобида Усмондай юксак ҳимматлидир. У шу даражада тетикки,

²⁰ Бу ҳақда қаранг: Хўжанова Г. “Ҳибат ул-ҳақойиқ” ҳақиқатлари. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. 32-б.

²¹ Hemit Tomur, Tursun Eyub/ Atebetu l-hekayik. Uygur kilasik adabiyati, Pekin, Milletler nasriyati – 1980; Аҳмед Йўғінеки. Ақиқат сыйи. – Алматы, 1985.

тетиклиги фазодан ҳам баланд, инсоф ва адолатда Нўширвондек одилдир. Унинг саховатидан ҳатто осмондаги булутлар ҳам уялади, душманлари ҳам унинг хислатларига аминдир. Барча хислат ва фазилатларни мурувватли, саховатли улуғ Тангри шоҳга ато қилган.

Бу ҳамду санолардан сўнг Адиб Аҳмад қуйидагича лутф қилади:

Оқуш аз теб аймас бэзизлар тэнгиз,

Булут ҳадйя қилса ушақ қатрани.

[Агар булут бир заррача томчи сув ҳадйя қилса, денгиз оз демай тўлқинлана беради.]

Тенгизтин қаримрак шаҳим минг қата,

Қабул қилса тан йоқ бу аз ҳадйяни

[Денгиздан минг қайта шохим улуғроқ, бу озгина арзимас ҳадйяни қабул қилса ажаб эмас, деб умид қиламан].

Асарнинг тўртинчи бобида Адиб Аҳмад Дод Споҳсолор бекнинг номи оламда мангу қолсин деб бу китобни ёзганини, бу китобни ўқиганлар шоҳнинг ҳақиқа дуо қилишларини, ўқимишли, саводли кишилар бу китобдан фойдаланишларини умид ва ниёт қилиб баён этади. Юқорида айтилганидай, Дод Споҳсолор бек Фарғона ҳокими бўлган эди. Бу бобда Адиб Аҳмад китобини Дод Споҳсолор бекка бағишлаб ёзгани ҳақида хабар беради ва Дод Споҳсолор бекни идеал ҳукмдор сифатида таърифлайди: у эс-хуш, яхши хислатлар маконидир, билим манбаидир. Самак юлдуздан ҳам юқори даражада ҳимматли, саховатли. Раиятга шафқатли, ҳаммага яхши муомала қилади, аммо ғазабланганда худди арслонга ўхшайди. Куч-қудрат бобида Умардек паҳлавон. Саховат бобида Усмон билан тенг. Инсоф ва адолатда эса Нўширвондек. У шунчалик саховатлики, ҳатто ёмғирни аямай, қизганмай берадиган булутлар ҳам унинг олдида уяладилар, душманлари ҳам унинг фазилатларини эътироф этадилар.

Адиб Аҳмад Дод Споҳсолор бекнинг шаънига ҳамду сано ўқир экан, Шарк адабиётидаги ҳукмдорларга бағишланган асарлардаги сингари хусусиятни кўрамыз. Бу ҳамду саноларда, албатта, бир оз муболаға бор. Бу бобни Дод Споҳсолор бекка қасида деб ҳам аташ мумкин. Зотан, бу бобнинг ҳажми 14 байтдан иборат бўлиб, қасиданинг талабларига жавоб беради.

“Ҳибатул-ҳақойик”нинг мақсади бешинчи бобдан бошланади. Адиб Аҳмаднинг мақсади – панднома адабиётларига хос комил инсонни тарбиялашнинг муҳим омили бўлган илмнинг манфаати, жаҳолатнинг зарарига эътибор қаратиш ва китобхонга етказишдир. Инсон саодатининг калити илмдадир, дейди Адиб Аҳмад. Бу ўғитни “Қутадғу билиг”да ҳам кўриб ўтган эдик. Илм нафақат оддий инсонларнинг ҳаётида, балки давлат ва жамият бошқарувида ҳам ҳукмдорлар учун асосий қурол.

Адиб Аҳмад билимнинг аҳамияти ҳақида сўзини давом эттирар экан, шундай бир мантиқли ўхшатиш қилади ва билимни ниҳоятда қимматбаҳо буюм каби инсон авайлаши ва беқадр нарса инсон учун кераксиз эканини таъкидлайди:

**Баҳалиқ динар ул биликлик киши,
Бу жаҳил биликсиз баҳасиз биши.**

(Билимли киши баҳолик динордир, илмсиз жоҳил киши қимматсиз емиш кабидир).

Адиб Аҳмад илмли одамнинг маънан юксаклигини, илмсиз одамнинг эса тубанлигини таърифлаб, бу икки тоифа ҳеч қачон тенг бўла олмайди, дея бу оддий ҳаётий ҳақиқатни шундай таърифлайди:

**Биликлик, биликсиз қачан тенг болур,
Биликлик тиши – эр, жаҳил эр – тиши.**

(Илмли киши билан илмсиз киши қачон тенг бўлади?! Билимли хотин киши – эр кишидир. Билимсиз эркак – хотин кишидир).

Адиб Аҳмад илмнинг афзалликлари тўғрисидаги ўғитларини давом эттирар экан, суякнинг мазмуни илик билан бўлгани каби, инсоннинг кўрки ҳам ақл ва тафаккур, илм эканини таъкидлагани ҳолда, илмли ва илмсиз одамларнинг тақдирига оид ҳаётий далиллар келтиради: илмли кишиларнинг оти машхур бўлди, билимсиз кишилар эса тириклайин ўлди, уларнинг кўргулиги шу бўлди, деб қувончларини ҳам, афсус-надоматларини ҳам баён этади.

Адиб Аҳмад шу тариқа тазод санъатидан фойдаланган ҳолда илмлиликнинг инсон учун катта фазилат, илмсизликнинг эса оғир фожа экани тўғрисидаги қарашларини давом эттиради, инсонни билимли бўлишга даъват қилади. Аҳмад Югнакий илмлилик ва

илмсизликни фақат маълум шахсиятларга хос фазилат ва иллат сифатида карамайди, балки бу икки нарсанинг остида жамиятнинг манфаати ва фожиаси борлигига ишора қилади.

Адиб Аҳмад илмли ва илмсиз одамлар тўғрисида сўз юритганда, фақат фаннинг маълум бир соҳасига оид дунёвий илмларнигина назарда тутмаган. Илм, маърифат тушунчалари ҳамма даврда ҳам кенг маънони ифода этган. Илмли одам – дунёкараши кенг, мулоҳазали, диний билимларни ҳам пухта эгаллаган ва уларга риоя қиладиган, зукко, ҳаётий тажрибаси катта, жамиятдаги, инсонлар ўртасидаги муносабатларни нозиклик билан илғаб оладиган ва шунга қараб фикр юритадиган, инсон кўнглига озор бермайдиган ва ҳоказо хислатларга эга зотлардир.

Олтинчи бобда илм ўрганиш ҳақида алайҳиссаломнинг айтганларига тўхталар экан, илмсиз одамга тўғри сўз ҳам маънисиз бўлиб туюлади, ундай тоифага ўғит фойдасиздир, деб ҳукм чиқаради. Жоҳил, нодон кимсалар маърифатнинг қадрини асло билмасликларини, улар ҳар қанча ювинса ҳам пок бўлмаслигини афсус билан кайд этади.

Еттинчи боб олдинги бобнинг мантиқан давоми бўлиб, Адиб Аҳмад илмлилар ва илмсизларни киёслаб, ўз худосаларини баён қилиб қолмайди. У энди илм эгаллашга ҳаммани, шу жумладан, илмсизларни ҳам даъват қилади. Илм нафақат инсонни кўкларга кўтаришга хизмат қилади, балки инсоннинг ҳаётини таҳликадан сақлайдиган, инсонни бутун оламга машҳур, олиқишларга сазовор қиладиган муҳим курадир. Ҳатто ўтмишда инсоннинг маънавий тубанлашувига ҳам илмсизлик сабаб бўлганини (одамлар илмсизликдан қўлларини бут қилиб: “бу Танграмдир” дедилар) далил қилиб келтиради.

Саккизинчи бобда муҳим ҳаётий масалалар кўтарилган. Булар – тилни тийиш ва одоб-ахлоқ ҳақида. Мазкур боб тарғиб-ташвиқ маъносида эмас, балки инсонни ҳар турли балолардан огоҳ этади, инсониятга тўғри йўлни кўрсатади, мулоҳазали бўлишга, ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришга даъват қилади.

Тилинг бекта тутғил, тишинг синмасун,

Қали чикса бекта, тишингни сийур, -

(Тилиягни тий, тут, тишинг синмасин, агар сўзлаб юборсанг, тилинг чикиб қолса, тишингни синдиради) деб оддий ҳаётий ҳақиқатни англашга ўргатади. Бу ўғитлар асрлар давомида ҳаёт

синовидан ўтган. Ўйлаб сўзлаш ҳам аслида одоб ҳисобланади. Мулоҳазакорлик, ўйлаб сўзлаш ақлли одамга муносиб. “Кўп вайсаган тил аямайдиган ёвдир, аччик, эрк берилган тил бир кун бошингга етади” деб китобхонни бало-офат тилдан келиши ҳақида огоҳлантиради, ўтмишда кўп одамлар тилининг дастидан бошидан жудо бўлганини таъкидлайди.

Тўққизинчи боб – ақлдан озиш, тил жароҳати ва уни тийиш ҳақида. Бу боб ҳам олдинги бобда кўтарилган масалаларни давом эттиради. Ақлдан озиш дегани - табиатан телба бўлиб қолиш дегани эмас, балки ақлсизлик, аҳмоқлик туфайли тилга эрк бериб, нодонларча сўзлаш ва бунинг оқибати фожиа деганидир. Адиб, тили дастидан ўқинганлар кўп, деб ўтмишга ишора қилади, тилни тийганлар орасида эса бунақаси бўлмаган, инсон яхшилиқни ҳам, ёмонликни ҳам тилидан кўради, деб уқтиради.

Бундан кейинги бобларда дунёга муҳаббат қўйиш энг катта хатоликни, сахонатнинг самарасию бахилликнинг оқибатлари, тавозелик манфиати, кибрлик ва ҳарисликнинг зарари тўғрисидаги ўғитлардан иборат. Дунё бир ёлғончи, саробга ўхшайди, юзини бир кўрсатиб, кейин қочадиган нарса. Бу оламда инсондан қоладиган нарса яхши номдир, яхши ном колдириш учун такаббурликдан, манманликдан тинмомила узок бўлиш, тавозега амал қилиш, дунё молига ружу қўймаслик талаб этилади. Инсон мол-дунёсига ишониб ўзини киборли тутади, улуғликка қўл чўзишининг сабаби ҳам мол-дунёси туфайлидир - Адиб Аҳмад мана шу иллатлардан халос бўлишга даъват қилади. Мол-мулк, бойлик ҳеч кимга вафо қилмаганини, нариги дунёга ҳеч нарсасиз яланғоч кетиши ҳақидаги азалий ҳақиқатни байтларига сингдиради. Одам ато билан Момо Ҳавони мисол қилиб келтиради.

Адиб Аҳмад – кузатувчан, том маънода ҳаётий ҳақиқатни теран англайдиган донишманд, унинг ўғитлари ҳамма замонларда ҳам жамиятни соғломлаштиришга хизмат қилиб келган. У молшарастликни қоралайди. Мол-дунёга ҳирс қўйиш, одамзоднинг нафси ва эҳтиёжи чексизлиги, икки водий тўла олтини бўлса ҳам, учинчисини исташи ҳақида Адиб Аҳмаднинг далиллари “Кутадғу билиг”да Ўзғурмишнинг Ўгдулмишга берган ўғитларига ҳамоҳангдир. Ҳар иккала асардаги дидактик руҳ билан бир каторда, ўз давридаги фақирликни ихтиёр қилиб яшаш ҳақида кенг тарқалган ақида иккала асарга бирдай таъсир кўрсатган. Қолаверса,

ҳадислардаги (дарвоқе, “Ҳибатул-ҳақойиқ”даги ҳар бир боб сарлавҳалари ҳадисларга асосланган) фақирлик ҳақидаги пандлар асарга маҳорат билан сингдирилган. Қолаверса, ҳар иккала асарда ҳам бу оламда мол–дунё йиғишдан воз кечиш ҳамма тоифадаги инсонларга матлуб эканини таъкидлайди, мол–дунё деб инсон ўзини ўққа–чўққа уришини коралайди. Шу боисдан ҳам “Ҳибат ул-ҳақойиқ”нинг кейинги бобларида Муҳаммад а.с. нинг тавозеликни ошириш ва кибрликни ташлиш тўғрисида; ҳарислик ҳақида; инсонларнинг икки “водий” тўла олтини бўлса ҳам учинчисини исташи ҳақида; Тангрининг буйруғи ва шафқатига итоат қилиш ҳақида; ғазабни енгиш, Тангрининг ҳар нарсага қодирлиги, имонга эришиш йўллари, Унинг Расулига садоқат ва Оллоҳнинг муҳаббатига етишиш тўғрисида; ибодат орқали севинчи кутуш ҳақида; минг дўстандан бир душман кўп экани ҳақида ўғитлари ва панд-насиҳатлари қомил инсонни шакллантириш йўлидаги катта қадамлар эди.

“Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари тўртликлардан иборат бўлиб, арузнинг мутақориб мусаммани мақсур баҳрида (*фаулун фаулун фаулун фаул*) ёзилган.

Савол ва топшириқлар

1. Навоий Адиб Аҳмад ҳақида қайси асарида қандай маълумот беради?
2. Навоий Адиб Аҳмад ҳақидаги маълумотларни қаердан олган?
3. Навоий Адиб Аҳмадни қандай таърифлайди?
4. Адиб Аҳмад таржимаи ҳолига қайси ўзбек олими аниқлик қиритган?
5. “Ҳибат ул-ҳақойиқ”нинг нечта қўлёзмаси бор?
6. Асар неча бобдан иборат? 1-2-бобларга тўхталинг.
7. Асарнинг мақсади нечанчи бобдан бошланади?
8. Адиб Аҳмад илмли ва илмсиз одамларга қандай таъриф беради?
9. Дунёга муҳаббат қўйиш хатодир деган ўғит қайси бобда? Шу бобни чуқурроқ шарҳланг.

АХМАД ЯССАВИЙ

(Мавзуни ёритишида турк олими Фуод Кўпурилизоданинг "Турк адабиётида илк мутасаввифлар" (Анқара. Дуннат ишлари мудирлиги нашрлари № 118, турк тилида) китобига таянилди.)

Режа:

1. Аҳмад Яссавийга қадар туркий адабиёт.
2. Аҳмад Яссавийнинг манкабавий ҳаёти.
3. Тасаввуфда хурмо тимсоли.
4. Яссавийнинг "Девони ҳикмат"и.
5. "Девони ҳикмат"нинг муаллифлиги масаласи..
6. Яссавий таъсирлари.
7. "Девони ҳикмат"нинг мавзу кўлами.

Танич сўз ва иборалар: *тасаввуф, мутасаввуф, маданий юксалиш, маънавий ҳаёт, мурид, адабий нарча, Элхонийлар сулоласи, таржимаи ҳол, дарвеш, манқабачи, шоир, тасжалли, ривоят, хурмо тимсоли, саҳоба, покланиш рамзи, руҳий уйғоқлик, аруз, бармоқ.*

Аҳмад Яссавийга қадар туркий адабиёт. Қадимий Эрон анъаналарини сақлаган Хуросон давлати мусулмонликдан сўнгра тасаввуф жараёнининг илк марказларидан бир бўлиб майдонга чиқди. Шу сабабдан исломиятдан сўнгра бу жараён исломият аввал таъкиб этган йўллардан Туркистонга кириши табиий ҳол эди. Мовароуннаҳрда илмий, диний ва фалсафий тафаккур қадимдан чуқур илдиз отгани боис, тасаввуфни қабул қилиш анча осон кечиши табиий эди.

Ҳақиқатан шундай бўлди. IX асрда Ҳирот, Нишопур, Марв мутасаввуфлар билан қанчалик тўлиб кетган бўлса, X асрда Бухорода, Фарғонада туркий қавмлар орасида ҳам кўплаб мутасаввуфлар етишиб чиқдилар. Улуғ мутасаввуф Абу Саид Абул Хайрнинг хурматига сазовор бўлган машхур мутасаввуфлар Муҳаммад Маъшук Тусий ва амир Али Абу туркий қавмлардан эдилар. Мана шундай турли омиллар таъсирида туркий қавмлар орасида тасаввуф жараёни аста-секин кучайиб, мустақкам ўрин ола борди. Бухоро, Самарқанд каби йирик марказий шаҳарларга

тасаввуф ёйилди, бир қанча дарвешлар кўчманчи туркийлар орасига тасаввуфий ақидаларни олиб кирдилар.

Қорахонийлар сулоласида бошланган туб маданий юксалиш ҳам маънавий ҳаётнинг тамомила янги ўзанга тушиб олишига сабаб бўлди. Қорахонийлар сулоласи ҳукмдорларининг олиб борган адолатли сиёсати, саъй-ҳаракатлари натижасида кўчманчи туркий қавмлар 960 йилгача исломни қабул қилиб бўлдилар. Маънавий ҳаётдаги мана шу жиддий ўзгаришлар Ўрта Осиё туркий қавмларининг ҳаётини тубдан бошқа ўзанга солиб юборди. Бунга Қорахонийлар сулоласининг асосчиларидан бири Сотик Бугрохон – Абдулкарим исломни қабул қилгани ҳам катта туртки бўлди. Шу аснода ислом оламининг турли ўлкаларида кўзга кўринган ҳодисалардан бири – тасаввуфнинг умумий хусусият касб этиб ёйила боргани ва мутасаввуфларнинг кўплиги эди. Тасаввуф, Ф. Кўпурулизодининг айтишича, мусулмонлик оламининг илк даврида мавжуд бўлиб қолмай, Эрон, ҳинд, юнон афкорларининг ва қисман исавийликнинг таъсирида ташкил топган тасаввуф маслағи қисқа фурсатда бугун мусулмон оламига ёйилди²². Илгари суфий номини олган ва Сурияда илк бор хужрани курган куфалик Абу Ҳошимдан кейин, Суфиёни Сарвий (вафоти мил. 784\85), Зуннун Мисрий (вафоти 859\860), хуросонлик Боязид Бистомий (вафоти 874\875) тўғрисида турли-туман турли фикрлар юритган Халложи Мансур (921\22), Жунайд Бағдодий сингари бир қатор буюк мутасаввуфлар ўз маслақларини ёйдилар. Абул Карим Абдул –Кушайрий (XI аср) «Рисола фи илм ат-тасаввуф» номли машҳур рисоласи орқали тасаввуф маслағининг Ахли суннат мазҳабига мансублигини исботлади. Ундан кейин Ғаззолий (1058-1112) бир қатор асарлари билан бу борада анча илгари кетди. Сўнгра “Ҳикматул-ишроқ” асари муаллифи Сухраварди Мақтул, “Аворифул-маъруф” асарининг муаллифи Шаҳобиддин Сухарвардий, Абдулқодир Гилоний (XI-XII) ва “Табақатул-сўфие” асарларини тўлдириб борган бир қатор мутасаввуфлар аста-секин ўз маслақларини халқ орасида ёйиб, мингларча мурид ҳамда халқ орасида буюк маънавий нуфуз орттирдилар. Бу мутасаввуф воизлар халқ орасида ўлкама-

²² Қаранг: Кўпурулизода Фуод. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. Қожатепа-Авқара, олтинчи наشري, 16-бет (кейинги саҳифаларда матнда китобнинг саҳифаси кўрсатилади). Кўпурулизодининг бу фикрларига раддия шу саҳифадаги изоҳда берилган.

ўлка юриб, халқни исломга даъват қилганлари ва уларнинг бу ҳаракатлари кўп самаралар бергани ҳақида маълумотлар кўп²³. Жумладан, Кушайрий ортодоксал тасаввуф билан исломни иқинлаштиришга ҳаракат қилган, Абдулқодир Гилоний Боғдодда омма орасида қилган ваъзалари натижасида эса жуда кўплаб одамлар исломни қабул қилдилар, гуноҳкорлар номаъқул йўлларида қайтдилар. Мана шу тариқа мусулмон мамлакатларида тасаввуф ёйила борди.

Аҳмад Яссавийга қадар бўлган туркий адабиётнинг айрим кирралари ҳақида биз қўлланмамизнинг аввалги саҳифаларида айтиб ўтган эдик. Исломгача бўлган туркий адабиёт мусулмонлик даврида тамомила изсиз йўқолиб кетмади. Маълум бир тимсоллар, гоълар мусулмонлик кириб келган даврдаги адабиётга ўтди, мусулмонлик давридаги адабиётга кириб келган турли адабий пирчаларда кўҳна ақидалар, тимсоллар сақланиб қолаверди, мазмунан ва моҳиятан эса мусулмонлик ақидалари билан уйғунлашди. Биргина Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жомеъут-таворих” асарида Ўғузхон образининг мусулмон ақидалари ва удумларига мослаштирилишини эслашимиз кифоя. Эронда ҳукм сурган мўғул Элхонийлар сулоласида яратилган бу асар, албатта, исломиятнинг мўғул халқи ҳаётидан мустаҳкам ўрин олганидан далолатдир. Зотан, бу даврдан олдинроқ – Мовароуннаҳр на унинг атрофидаги мамлакатларда ҳар хил мазҳаблар, маслакларнинг пайдо бўлгани, маънавий ҳаётда ўз ўрнини топгани ҳам мўғулларнинг Марказий Осиё ҳудудларида барпо қилган давлатлари барқарорлашганидан бир далолат эди.

Ҳан Аҳмад Яссавий ҳақида кетар экан, у ҳақдаги дастлабки маълумотни Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида топамиз. Навоийнинг бу асари буюк мутасаввуфлар ҳақида лўнда, аниқ маълумот берадиган асардир. Навоий мазкур асарида Аҳмад Яссавий ҳақида тўхталиб, у ҳақда куйидагича таъриф-тавсифларни беради: “Хожа Аҳмад Яссавий қ. т. с. – Туркистон мулкининг шайх ул-машойихидур. Мақомоти (даража, босқич) олий ва машхур, каромоти мутаवвали (чўзилган) ва номахсур (чегарасиз) эрмиш.

²³ Қаранг: Бартольд В.В. Сочинения. Том V, М.: Главная редакция Восточной литературы, 1968. С. 68.

Муриду асҳоби ғоятсиз (чексиз) ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш. Имом Юсуф Ҳамадоний қ.с.нинг асҳобидиндур. Хожа Аблуҳолик Ғиждувоний била қ.с. суҳбат тутубтур ва Хожа Абдуллоҳ Баррақий ва Хожа Ҳасан Андоқий қ.р. билаки, ҳам Имом Юсуф Ҳамадоний р.т. муридларидурлар. Имом қайси бийик (улуғ, буюк) маротибга етибдурлар, мусохиб (ҳамсуҳбат) бўлубдур ва рўзгор (давр, замон) машойихидин кўп бузургворлар (улуғвор, ҳурматли) анинг тарбиятин топибдурлар ва Шайх Разиюддин Али Лоло қ.с. Шайхи бузургвор Шайх Нажмиддун Кубро р. хизматиға етардин бурун Хожа Аҳмад Яссавий қ.р. хизматида бўлуб эрди ва анинг хонақоҳида анинг иршоди (тўғри йўл кўрсатиш) била сулук (йўл тутиш) қилибдур ва анинг мазори Туркистонда, Ясси деган ердаки, анинг мавлид (туғилган жой) ва маншайдур (келиб чиқиш жойи) воқеъ бўлубдур ва Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур” (*Навоий. МАТ. 17-жилд, 419-б.*).

Алишер Навоий келтирган бу маълумот Аҳмад Яссавийнинг таржимаи ҳолини яратишда энг ишончли манба ҳамдир. Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолик Ғиждувоний каби улуғ мутсабвуфлар унинг устози бўлганига ишончли далиллардир.

Аҳмад Яссавий туғилган замонда туркий олам анчагина узоқ вақтдан – X асрдан бошлаб тасаввуфий акидаларга юз бурган эди, мутасаввуфларнинг манқаб ва кароматлари фақат шаҳарларда эмас, кўчманчи турклар орасида ҳам озми-кўпми ёйилганди. Мутасаввуфлар диний мадҳиялар, шеърлар ўқирдилар, халққа эзгуликлар ҳақида сўзлардилар. Халқ, бу дарвешлар бизга саодат йўлларини кўрсатяптилар, улар азалдан биз – туркий кавмларни диний бахт-саодатдан баҳраманд қилиб келаётган шоирларга ўхшайдилар, деб уларга эътиқод қўйиб, уларнинг ўғитларини бажонидил қабул қилардилар. Шу тахлитда аввалги шоирларнинг ўрнини *ота* ёки *боб* унволи бир қатор шоирлар эгалладилар: Ҳазрати Пайғамбар саҳобаларидан бўлган Арслон боб, манқабга (*манқаб* – *машҳур кишиларнинг ҳаётига оид ҳикоялар, қиссалар; қаранг: Усмонлича-туркча энциклопедик буюк лугат (турк тилида), Истанбул, 1986 617-б.*) кўра, ислом динини англамоқ мақсади билан Туркистондан Жазиратул-Арабга келган ва Ҳазрати Абу Бакрга зоҳир бўлиб, исломни қабул қилган шоирлар пири машҳур Қўрқут ота, Чўпон ота қабилар ўшалардан давом этиб келган хотираларни

тиклайди. Зотан, Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Кўркут атони буюк кароматгўй мутасаввуфлардан бири сифатида таътироф этиб, уни қуйидагича таърифлайди: “Турк улуси аросида шуҳрати андин ортуғроқдурким, шуҳратқа эҳтиёжи бўлғай. Машхур мундоқдурки, неча йил ўзидин бурунқини, неча йил ўзидин сўнгги келурни дебдурлар. Кўп мавъизаомуз (насихатоомуз) сўзлари арода бор” (Навоий. МАТ. 17-жилд, 421-б).

Хуллас, Аҳмад Яссавийгача бўлган маънавий ҳаёт мана шу тарика гуркиради. Албатта, бу тарздаги ҳаёт Яссавийнинг ва яссавийликнинг юзага келишига замин ясади.

Аҳмад Яссавийнинг манқабавий ҳаёти. Туркистонда Сайрам шаҳрида Ҳазрати Али авлодидан шайх Иброҳим деган бир зот яшаган эди. Шайх вафот этганда, Жавҳар Шаҳноз исмли қизи ва Аҳмад исмли етти ёшли ўғли қолди. Аҳмадга кичик ёшидан бошлабқ турли тажаллилар²⁴ зоҳир бўлиб турар, ёшига мос бўлмаган ва ҳаммани ҳайратга соладиган фавқуллодда ҳодисалар кўрсатарди. Аҳмад Яссавийга нисбат бериладиган “Девони ҳикмат” асарида зоҳир бўлган бу файзлар (хузур-халоват) ни мутасаввуфларга муносиб тил билан, кўп нарсани англатади, деб баҳолаш мумкин. Яссавийнинг биринчи ҳикматидан бир бандни келтирамиз:

Ётти ёшда Арслонбобга қилдим салом,
“Ҳик Мустафо омонатин қилинг инъом”.
Ўшан ҳолда минг бир зикрни қилдим тамом,
Ломаконнинг мақомига оштим мано²⁵.

“Ломаконнинг мақомига ош”моқ – фақат Оллоҳ тажаллисини ўзида мужассам этган илоҳий зотларга тегишли. Бу мисралар етти ёшли Аҳмадда тажалли зоҳир бўлиб тургани ҳақида ишончли далилдир.

²⁴ Тажалли илоҳий қудратнинг зоҳир бўлиши, Ҳақ нурининг таъсир билан қулнинг қалбида ҳақиқатнинг билиниши (юкоридаги туркча лугат, 960-бет).

²⁵ Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Нашрга тайёрловчилар филология фанлари доктори И. Ҳаққул, филология фанлари номзоди Н. Ҳасан. “Монароуннаҳр” нашриёти, Тошкент, 2006, 10-бет (бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олинди, парчадан кейин саҳифаси кўрсатилди).

Етти ёшда отасидан етим қолган Аҳмад маънавий падари Арслон бободан тарбия олди. Шайх Арслон бобо Сайрамга келиб, Аҳмадни Ҳақ йўлига йўналтирди.

Арслон бобо, ривоятларга кўра, машхур зотлардан эди. Яссавий яна юқоридаги ҳикматида бу ҳақда шундай айтади:

Етти ёшда Арслон бобом излаб топди,
Хурмо бериб, парда бирлан сиррим²⁶ ёпди.
Бихамдиллох, кўрдум, тею юзум ўбти,
Ул сабабдин олтмиш учда ерга кирдим (14-6).

Бу тўртлик Аҳмад Яссавий ҳақидаги манқабавий ривоятларни тасдиқловчи муҳим далил сифатида ҳам қимматлидир.

Яна ўз даврида кенг тарқалган ривоятларга кўра, ёш Аҳмаднинг маънавий падари Арслон бобо тўрт юз йил, бошқа бир ривоятга кўра, етти юз йил яшаган. У Туркистонга келиб, Хожа Аҳмадни ҳақ йўлга амр қилишини ва бу вазифани бажаришини бир маънавий аломатга қилинган ишорага таяниб, ўз зиммасига олган эди: Бир куни аҳли киром (муҳтарам, азиз кишилар) оч қолиб, Пайғамбарнинг хузурига келдилар ва бир оз егулик илтимос қилдилар. Пайғамбарнинг дуоси билан Жаброил жаннатдан бир товоқ хурмо келтирди. Хурмолардан бир донаси ерга тушди. Жаброил дедики: “Бу хурмо сизнинг умматингиздан Аҳмад Яссавий отлиғ бирининг насибасидир”. Пайғамбар саҳобаларига, орангиздан биронтангиз бу вазифани (яъни Аҳмад Яссавийга хурмони сақлаш ва унга етказишни – Н.Р.) ўз зиммангизга олинг, деб таклиф қилди. Саҳобалардан ҳеч ким жавоб бермади. Фақат Арслон бобо бу вазифани ўз зиммасига олажагини сўйлади.

Мана шу ўринда ҳикматлар фақат бадиият намуналари бўлибгина қолмай, балки тарихий воқеаларни ҳам ўз қамровига сингдирган жанр эканига гувоҳ бўламиз. Юқорида ҳикматдан келтирилган воқеалар баёнига кўра, Арслон бобо хурмони Аҳмадга етказиш вазифасини ўз зиммасига олгандан кейин, Ҳазрати пайғамбар ўша бир дона хурмони қўли билан Арслон бобонинг оғзига отди ва муборак тупикларидан ҳам эҳсон этди. У Арслон бобога султон Аҳмад Яссавийни қандай топишини таъриф-таъсиф

²⁶ Сирр – энг фазилатли, энг яхши

килиб ва ўғит бериб, унинг тарбияси билан машғул бўлишини амр қилди. Шундан кейин Арслон бобо Сайрамга – Яссига келди ва ўз иммасидаги вазифани бажаргандан кейин бир йил ўтгач вафот этди. Бу воқеани яна Аҳмад Яссавийнинг биринчи ҳикматидан топамиз:

Хурмо бериб, бошим силаб назр қилди,
Бир фурсатда укбо сари сафар қилди.
“Алвидо!” деб бу дунёдин гузар қилди,
Мактаб бориб, кайнаб, тўлиб-тошдим мано.

Тасаввуфда хурмо тимсоли. Дарвоқе, мазкур манқабавий ривоятдаги хурмо деталига тўхталайлик. Бу детал – муҳим бўлгани на сирли мазмун касб этгани учун ҳам талқин ҳамда таҳлилга муҳтож.

Яссавийнинг ҳикматидаги хурмо, шунингдек, ҳирқа ҳам, унинг шкийлиги ва қароматига қаратилган бир тимсол бўлиши мумкин. Хурмо – Пайғамбар алайҳиссаломдан мерос қолган илм-маърифатни, дин ва тасаввуф ҳақиқатини Арслон бобо Аҳмадга ўргатганига бир ишорадир²⁷.

Хурмо дастлаб Ўрта Осиё ёзма адабиётида Берунийнинг “Минералогия” китобидан ўрин олган ҳикоятлар таркибида учрайди. Ҳикоятда айтилишича, бир бой одамга бошқалар, сизни фалончи гийбат қилди, деб ўша одамнинг кимлигини айтиб, хабар етказишларида, ўша бой уни гийбат қилган одамга бир олтин товоқда хурмо юборади. Беруний бу ҳикоятида хурмо тимсоли орқали покланиш рамзига ишора қилган. Фаридиддин Аттор “Тазкират ул-авлиё” асарида Ҳазрати шайх Хусайн Мансур Халлож билан боғлиқ бир ривоятни келтириб, хурмо тимсолидан фойдаланади:

Халлож тўрт юз сўфий билан Баррияга кирди оч колдилар.

-й! Шайх! Бизга битта пишган калла, иссиқ нон берсанг, - дедилар.

²⁷ Бу ҳақда қаранг. Ҳасан Нодирхон. Яссавийликка доим манбалар ва “демони ҳикмат”. – Тошкент, “Академнашр”, 2012, 131-бет.

-Ўтирингиз, - деди. Қўлини хирқасига суқиб, битта пишган каллани иссиқ нонга ўралган ҳолди олиб, олдиларига кўйди.

Янги хурмо сўрадилар.

-Келинг, мени дарахтдек силтанг, - деди. Силтадилар, янги хурмолар тўкилди. Тўйгунларича едилар²⁸.

Мансур Халлож ҳаётига оид келтирилган ҳикоятдаги пишган калла, нон ҳам мажозий маъно ифодалаш билан бир қаторда, хурмо Яссавий ҳикматидаги хурмога мазмун ва моҳиятан ўхшаш, яъни сўфийлар Мансур Халложни “силтаганлари” ва хурмо тўкилгани – саволу мувоҳасалар орқали закий зотнинг бетакрор таълимоти, тасаввуф илмига оид маърузаларини сўфийлар иштиёқ билан тинглаганларини билдиради.

Аммо хурмо тимсоли буюк мутасаввуфларнинг ҳаёти ва таълимотида рамзий маънодагина эмас, балки моддий маъносиди ҳам қўлланганига оид далиллар бор. Қуйида улуғ мутасаввуфлардан ҳазрати шайх Малик бин Динорнинг ҳаётида юз берган қуйидаги ривоятга эътибор берайлик:

“Қирқ йил Басрада хурмо емаган Малик нафсининг истагидан безор бўлди. Кечкурун тушида янги хурмо ейиши билдирилди. Малик нафсига хитоб қилиб: - Эй нафс, янги хурмо есанг оёқ бўлурсан; сабр қилсанг, бош бўлурсан”, - деди (*Аттор. Юқоридаги асар, 21-б.*).

Яссавий ҳикматларида қўлланган бу сингари рамзий тимсоллар сўфиёна маърифатга етишиш йўлларига ишора қилади. Албатта, бу тимсоллар катта ижтимоий ҳодисалардан ҳам дарак беради.

Яссавийнинг “Девони ҳикмат”и. Яссавийнинг ҳикматидан келтирилган юқоридаги тўртликлар Аҳмаднинг ҳам, Арслон бобонинг ҳам таржима ҳолини кўз ўнгимизда гавдалантиради. Фақат шугина эмас. Бу ҳикмат яна шуниси билан диққатга сазоворки, Арслон бобо сингари улуғ зотларга хизмат қилишдай бурчга ушбу ҳикмат даъват қилади:

²⁸ Фариддин Аттор. Тазкират ул-авлиё (Авлиёлар китоби). Мирза Кенжабек таржимаси. Тошкент, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 1997, 134-бет.

Оқил эрсанг, эранларга хизмат қилғил,
Амри маъруф қилғонларни иззат қилғил.
Наҳй мункар²⁹ қилғонларни лаънат қилғил,
Ул сабабдин олтмиш учда ерга кирдим.

Тўртликнинг биринчи мисраси диққатни жалб қилади. Гап хизмат қилиш ҳақида кетмоқда. Хизмат қилиш – шунчаки бировнинг оғирини енгил қилиш, моддий кўмак бериш маъносида эмас, балки “эранлар”, яъни маънавий томондан етук бўлган улуг зотларнинг, валийларнинг ирфоний илмларини тинглаш тўғрисида сўз кетмоқда. Яссавий ҳикматларининг моҳияти ва мақсади фақат шу билан чегараланиб қолмайди. Инсониятни гофилликдан уйғотиш, уларда руҳий уйғоқлик ва эътиқодда собитликни ботиний туйғу билан тарбиялаш ва чин эътиқодни сингдириш Яссавий ҳикматларининг яна бир муҳим жиҳатларидандир. Қуйидаги нарчага эътибор берайлик:

Шавк шаробин ичган ошик нурга ботар,
Нури билан юрган ошик шавқи ортар.
Кимки кўрса қўлин ушлаб сўзга тортар,
Доноларнинг сўзин излаб келдим мано (37-б.).

Шавк шароби – муҳаббат шавки, илоҳий файз, идеал гўзаллик; ошик – Оллоҳнинг жамоли ва жалолига муштоқ қалб. Зотан, бу тўртлик остидаги ўғитлар ва насиҳатларга эргашган ва тобе бўлган одамзоднинг “инсонсевар ва илоҳсевар қалб нидолари” (Н. Комилов) эканига ёрқин бир далилдир.

“Девони ҳикмат” Ўрта Осиё, Волга бўйларида XVIII-XIX асрларда кенг тарқалди. Айниқса, Яссавий ҳикматлари XIX асрнинг иккинчи ярмида чоп этилиб, тошбосма китоблар ҳолида кенг ёйилди. Яссавий ҳикматлари омма орасига тобора кенгроқ кириб боришида дарвешлар, қаландарлар катта роль ўйнадилар. Кўпурилизода Яссавийнинг буюк мутасаввуф эканини, унинг ҳаётини ва туркий тасаввуф маслагининг юзага келишида катта хизмати борлигини чуқур ўрганган.

²⁹ Наҳй мункар – ёмон ишлардан қайтариш.

“Девони ҳикмат”нинг муаллифлиги масаласи. Яссавийдан сақланиб қолган “Девони ҳикмат” ҳақида ҳар хил фикрлар бор. Обрўли олимлар Фуод Кўпурилизода ва Абдурауф Фитрат “Девон” муаллифи хусусида жиддий фикрларни ўртага ташлаган эдилар. Кўпурилизода Яссавийнинг “Девони ҳикмат”и ҳақида тамомила бошқа фикрда эканига, биринчи навбатда, ҳикматларнинг тили, иккинчидан, асарнинг вазни сабаб бўлган эди. Кўпурилизода “Девони ҳикмат”нинг айрим манзумалари арузда, айримлар анъанавий бармоқ вазнида ёзилганини таъкидлаб, шундай хулоса қилади: “Яссавий ҳикматларининг бармоқда ёзилганларини VI аср (милодий XII аср – Н.Р.) маҳсули ўлароқ қабул этмоқ имконсиздир... Қўлимизда “Девони ҳикмат”нинг ҳиж. VI, VII ёки VIII асрларда ёзилган қадимий нусхаси топилмагани учун, бу хусусда қатъий бир ҳукм чиқармоқ мумкин эмас... “Девони ҳикмат”даги шеърлардан муҳим бир қисмини – арузда ёзилганларини унга нисбат бермоққа мажбурият сезамиз”(Кўпурилизода. *Юқоридаги асар, 123, 124-б.*). Кўпурилизода “Девони ҳикмат” билан “Қутадғу билиг”ни ўрни-ўрни билан солиштириб боради. Бу қиёсландан Кўпурилизоданинг мақсади – “Девони ҳикмат” бадиий асар сифатида тил томондан “Қутадғу билиг”га ўхшаш бўлиши кераклигини талаб қилар экан, “Туркий адабиётни вужудга келтирган асарлар орасида XII асрдан сўнг “Девони ҳикмат” “Қутадғу билиг”дан кейин энг қадимий асар сифатида намунадир” (Кўпурилизода. *Юқоридаги асар, 119-б.*) дея ҳукм чиқаради. Абдурауф Фитрат Кўпурилизоданинг фикрларини маъқуллайди. Бу – масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, “Девони ҳикмат”нинг нусхалари ҳам Аҳмад Яссавийга, ҳам XV ёки XVI асрларда яшаган Аҳмад исмли бошқа Яссавий таҳаллусли дарवेशга мансуб бўлиб, бора-бора мураккаб қоришиқ ҳолатга келгани эҳтимолдан холи эмас. “Қул Хожа Аҳмад, мен дафтари сонё айтгим”, “Тоза-тоза дафтарларим сонё дафтар” каби мисралар билан тугаган ҳикматлар шундай хулосага олиб келади. Кўпурилизода, бу мисралар мавжуд бўлган ҳикматларни “Қул Хожа Аҳмад исмли дарवेशга мансуб ҳикматлардир”, деб ҳукм чиқарганда, ҳақлидир (Кўпурилизода. *Юқоридаги асар, 125-б.*). Зотан, “дафтари сонё” бор экан, бундан олдин “дафтари аввал” бўлиши заруратга айланади; “дафтари аввал” – Яссавийнинг

ҳикматлари, “дафтари сонё” – Кўпурилизода айтган Аҳмад исмли бошқа дарвеш шоирга тегишли ҳикматлардир.

Ўзбек яссавийшунос олими Иброҳим Ҳаққул Яссавий ҳикматларини нашрга тайёрлар экан, Кўпурилизодининг ана шу шубҳаларини асосли деб топади ва далиллашга ҳаракат қилади³⁰. Қолаверса, Яссавий ҳикматларининг кейинги нашрларида ҳам И.Ҳаққул нуқтаи назарини маҳкам тутди, олимлик позициясига содиқ қолди. Бошқа ўзбек олимлари Яссавийнинг ҳикматларини нашрга тайёрлаганларида ҳам, тўпламга сўз боши ёзган И. Ҳаққул “Тўпламдаги қатор тўртликлар Яссавийники эканлиги шахсан менда иштибоҳ уйғотди”³¹, дея аввалги қарашларини илгари сурди. Дарвоқе, Абдурауф Фитрат ҳам Яссавий ҳикматларининг тил хусусиятлари ва бу асарнинг кейинги асрларга тегишли қўлёзма нусхалари ҳақида тўхталади: “Яссавийнинг ҳаётига яқин замонларда ёзилган бир нусха “Девони ҳикмат” топилмагунча, биз Яссавий ҳикматларини тил тарихи қарашидан текшира олмаймиз”³². Бу жиҳатдан Кўпурилизода, Фитрат ва Иброҳим Ҳаққулнинг Яссавий ҳикматлари яратилган даврга оид қарашлари уйғундир. Шерият, умуман, бадиий асар тили даврга ҳам, ижодкор шахсиятига ҳам мансубликни белгилашда муҳим омилдир.

Яссавий таъсирлари. Ўзбек адабиёт тарихида учта адабий мактаб ҳукм сургани эътироф этилган: Яссавий мактаби, Навоий мактаби, Амир Умархон мактаби. Ана шу нуқтаи назардан қаралса, Яссавий адабий мактабига эргашган кўплаб издошлар мусулмон ўлкаларида тарқалгани табиий.

Яссавий ҳикматларининг айримлари унинг ижодига мансуб бўлмаса ҳам, шакл ва руҳ жиҳатидан Яссавийга мансуб бўлган ҳикматлардан катта фарқ қилмайди. Чунки Аҳмад Яссавий издошлари ҳақида сўз кетаркан, кейинги асрларда унинг

³⁰ Ҳаққул И. Аҳмад Яссавий. – «Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар» китобига сўз боши. Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990, 40-бет.

³¹ Ҳаққул И. Эҳтиёж ва таҷриба. – “Ҳожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат (янги топилган намуналар)”. Нашрга тайёрловчи Нодирхон Ҳасан. Тошкент, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2004, 7-бет.

³² Фитрат Абдурауф. Таъланган асарлар. I I жилд. Нашрга тайёрловчи ва изохлар муаллифи: филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Болтабоев. Тошкент, “Маънавият” нашриёти, 2000, 28-бет.

ҳикматлари каби шаклда ва оҳангда, айни яссавиёна руҳда ҳикматлар ёзилгани аниқ кўринади. Бундай ҳикматларга нисбатан Яссавийнинг таъсири ҳақида сўз юритиш билан бирга, халқона шаклда ва бармоқда ёзилган тасаввуф адабиётида айрим ўзгаришлар асрлар бўйи давом этиб келганини ҳам таъкидлаш даркор. Яна бир сабаб шуки, қисман “назирачилик” анъаналари ҳам кўринади: улуғ пирга издошлар ҳурмат-эътибор ва муқаддас моҳият нуқтаи назаридан, Ҳикматлардаги шакл ва мазмунни сақладилар.

Хожа Аҳмад Яссавийдан кейин яссавийлик тариқатига мансуб дарвешлар Ҳикмат ёздилар ва бу анъана узоқ асрлар давом этди. Яссавийлик дарвешлари муқаддас бир вазифани ўз зиммаларига олдилар: жумладан, Сулаймон Боқирғоний (XI), яъни Ҳаким атодан бошлаб Ҳикмат ёзиш анъанаси давом этди. Шакл ва мавзу жиҳатидан ҳар иккаласининг ҳикматлари фарқ қилмаган. Боқирғонийнинг “Боқирғон китоби”, “Охир замон китоби”, “Биби Марям китоби” каби асарлари Яссавий ҳикматлари руҳида ёзилган.

Ўрта Осиёда Иконий (XI), Сайид Имод Насимий (XIV), Қул Шамсиддин (XVI), Худойод (XVI), Қул Убайдий (XVI), Машраб (XVII-XVIII), Хувайдо (XVIII), турк шоири Юнус Эмро (XIII) ижоди айнан Яссавий ҳикматлари таъсирида шаклланиб, ривож топгани уларнинг ижодида аниқ намоён бўлиб туради.

“Девони ҳикмат”нинг мавзу кўлами. “Девони ҳикмат” мавзу эътибори билан оддий, қолаверса, мавзу ранг-баранглиги унчалик кўзга ташланмайди. Дарвешлар ва дарвешлик фазилатлари ҳақида кўплаб ҳамду санолар, ахлоқий, диний-фалсафий ўғитлар, Муҳаммад с.а.с.нинг ҳаёти ва мўъжизаларига оид муҳим парчалар, дунё аҳволидан шикоятлар ва қиёмат кунларининг яқинлашганини инсонларга эслатиш мақсади билан яратилган зоҳидона шикоятномалар, жаннат ва жаҳаннам, ҳур ва ғилмонлар ва бошқалардан баҳс этадиган жонли, ҳаётий ҳикматлардан иборат.

Яссавийнинг ҳикматлари молпарастликка, бу дунёнинг ҳою ҳавасларига қарши қаратилган кучли ғоя. “Жондин кечган чин ошиқлар дунё демас” (52-б.), дейди Яссавий бир ҳикматида. Чин ошиқлар – муттасил равишда Ҳақ дийдорини талаб қилганлар. Улар учун дунё моли ҳеч нарсадир. Дунё молига суқлик билан қўнгли боғлаганлар ошиқ эмас. Ҳатто шундай риёкорлар ҳам борки, ишк йўлига қадам қўядилар, ўзларини парвонадай ўққа-чўққа урадилар, аммо юз минг тоат-ибодат қилсалар ҳам, бунинг асоси йўқ,

риёкорликдан бошқа нарса эмас, ҳамма ҳаракатлари сохта. Зотан, Жунайд Бағдодий: “Биз тасаввуфни очлик, уйқусизлик, дунёдан узилмоқ ва севган нарсаларимиздан нари бўлмоқ билан топдик” (*Аттор. Юқоридаги асар, 90-б.*), деб айтганда, айнан бу йўлга кирганларнинг ҳаёт тарзи, аъмоли, эътиқодини кўрсатиб берган эди.

“Девони ҳикмат”ни ўқир эканмиз, тасаввуфнинг турли истилоҳлари, рамзий образларига дуч келаверамиз. Шу боис Яссавий ҳикматларига жўн қараб, тасаввуфий истилоҳларни бугунги замонавий тушунчалар ва қарашлар асосида талқин қилиш тамомилга хатоликка олиб келган бўларди. Шу билан бирга, чуқур мазмунли диний-фалсафий тизимларни Яссавийдан қидириш ҳам сунъий хулоса ва қарашларга сабаб бўлиши табиийдир. Яссавий ҳикматларида соддалик, лўндалик ва табиийлик ярқ этиб кўриниб туради. Халқона руҳ, халқона тил – ҳикматларнинг кенг омма томонидан қабул қилинишига биринчи қафолат; айна пайтда омма Ҳикматларнинг мазмун-моҳиятини, мақсадини қийинчиликсиз англай олишлари Яссавий ва унинг издошларининг диққат марказида турган.

Яссавий ҳикматларини тасаввуф илмининг ўзига хос манбаи деб айтилса ҳам бўлади. Фикримизнинг исботи учун бу улут зотнинг қуйидаги ҳикматларидан бирини олиб кўрайлик:

Ҳар ким қилса тариқатнинг давосини,
Аввал бориб шариатни билмак керак.
Шариатнинг ишларини адо қилиб,
Андин сўнгра бу даъвони қилмак керак.

Шариатсиз дам урмаслар тариқатда,
Тариқатсиз дам урмаслар ҳақиқатда.
Ушбу сўзлар маълум бўлар маърифатда,
Жумласини шариатдин сўрмоқ керак (224-б.).

Бу тўрт рукнга – шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатга буюк мутасаввуфлар ўз таълимотларида берган таърифлари том маънода чуқур маънолидир. Жумладан, Аҳмад Яссавийга нисбат бериладиган “Фақрнома” асарида ҳар бир рукннинг ўнтадан мақоми – жами қирқ мақом ҳақида баён қилинган. Бу рукнларни кўп мутасаввуфлар талқин қилганлар. Талқинлар бир-биридан тубдан

фарқ қилмайди. Жумладан, Нажмиддин Кубро... дейдиларки: “Баъзи кишилар “шариатда юрибман” десалар, баъзилари “тарикатдаман”, яна баъзилари эса “ҳақиқат йўлидаман”, дейдилар. “Шариатда юрибман”, дея даъво қилувчиларни мўмин ва мусулмон дейилади. “Ҳақиқат йўлидаман”, дейдиганларни эса ориф, ошиқ ва муҳиб каби исмлар билан аталади”. Бу йўлларда юрганлигини даъво қилган кишиларга маъни керак, яъни улар маънавий ҳол эгалари бўлишлари лозим...”³³ Шу боис Яссавий “Дунё кўймай, ҳол илмини билса бўлмас”, деган эди. Дарвоқе, маънавий ҳол шуки, солиқ ҳол даражасига етгач, тасавурида ва ҳаёлида илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, қалбини завқу шавқ камраб олади³⁴.

Умуман, тасаввуф рукнларига берилган таъриф ва талқинларни Боязид Бистомий, Ҳазрати Имом Аҳмад Танбал, Жунайд Бағдодий каби катор машҳур мутасаввуфлар таълимотида учратамиз (*Фаридиддин Атторнинг юқоридаги асаридан 33, 36-39, 55, 90, 94, 96-бетларига қаранг*).

³³ Сўфий Муҳаммад Донишманд. Миръот ул-қулуб. (Қалб кўзгуси). – Нашрга тайёрловчи Нодирхон Ҳасан. – Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Девони хикмат” (янги топилган намуналар) асарига илова. Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2004, 150-б.

³⁴ Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. Т.: “Мовароуннаҳр – Ўзбекистон” нашриёти, 2009, 30-б.

ОЛТИН ЎРДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Режа:

1. Олтин Ўрда давлатининг ташкил топиши ва бу давлатда маданий ҳаёт.
2. Олтин Ўрдада маданий ҳаёт.
3. Олтин Ўрдада туркий тил ва туркий адабиётга замин яратилиши.
4. Олтин Ўрда адабий муҳитининг ўзига хослиги.
5. Мамлуклар давлатининг қисқача тарихи. Бу давлатдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт.

Таянч сўз ва иборалар: *маданий ҳаёт, Олтин Ўрда, манба, "Жомеъ-ут-таворих" китоби, мўгул элхонлари, туркий қавмлар, ўзбекиён, архитектура, Миср мамлуклар давлати, лугатлар.*

Олтин Ўрда давлатининг ташкил топиши ва бу давлатда маданий ҳаёт. Ўзбек адабиёти турли даврларда кўп бухронларни бошидан кечирди. Маълум бир замонда адабиёт таназзулга юз тутган бўлса, бошқа бир даврда тараққий этди, юксалди. Марказий Осиёдаги ижтимоий- сиёсий ҳаёт адабиётга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Чингизхон ва унинг авлодлари ҳукмронлиги даври бунга яққол намуна бўла олади. Бинобарин, чингизийлар замонида ўзбек адабиётининг тақдирида қутилмаганда кескин ўзгаришлар пайдо бўлди.

Чингизхон истилосидан кейин унинг авлодлари Осиё ва Европанинг турли ҳудудларида ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжи – Сирдарёнинг шимолига чўзилиб кетган қора хитойлар давлатини мулк қилиб олган эди. Иккинчи ўғли Чигатой эса Ўрта Осиёда, Ўктой хон (Угадай деган ном билан ҳам юритилади) – Жунғорияда, Тулуй – Мўғулистонда ҳукмронлик қилдилар. Мазкур давлатларнинг тарихдаги ўрни тўғрисида ўша давр муаррихларининг асарларидан маълумот олиш мумкин.

Олтин Ўрда давлати ўз мавқеи ва тарихда тутган ўрнига кўра, Чингизхоннинг бошқа ўғиллари ҳукмронлик ўрнатган давлатлардан тамомила фарқ қилади. Олтин Ўрда Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжининг номи билан боғлиқ бўлса ҳам, бу давлатнинг худуди

кенгайишида ва ривожда унинг ўғиллари хизматлари катта бўлди. Жўжининг иккинчи ўғли Боту Европани забт этиб, ғарбга томон ўз давлати худудини кенгайтирди. Жўжининг учинчи ўғли Товка Темур Итил дарёсининг юқори оқимини - Булғористонни мулк қилиб олди. Жўжининг тўртинчи ўғли Шайбон кейинчалик қирғиз деб ном олган чўл худудига ҳукмронлик қилди. Бешинчи ўғли Тувол бажноклар (нўғайлар номи остида машҳур бўлган халқ) устидан ҳукмронлик қилди.

Олтин Ўрда бу давлатлар орасида алоҳида из қолдирди. Олтин Ўрданинг давлат тузумидан ҳам кўра, мамлакатдаги маданий муҳит ғоят муҳимдир. Аввало, “Олтин Ўрда” деган ном ва худуди тўғрисида.

“Олтин Ўрда” номи араб ва Эрон манбаларида деярли учрамайди. Рашидиддиннинг “Жомеъ-ут-таворих” китобида шундай воқеа келтирилади: “Тўртинчи йили – от йилида Чингизхон ўзининг ўрдасида бўлди, кузда эса ўша ердан жангга отланиб, тангутларнинг муҳим шаҳарларидан бирини қўлга олди. Бу шаҳарни Иригай деб атайдилар”³⁵. Чамаси, Иригай Олтин Ўрдага асос бўлган бўлиши мумкин. Зотан, Олтин Ўрда ташкил топа бошлаганда, Чингизхон ҳаёт эди.

“Олтин Ўрда” деган ном рус тарихий манбаларида учрайди, холос. Шарқ манбаларида бу давлат Жўжи улуси ёки Кўк Ўрда деб юритилган. Рашидиддиннинг уч жилдлик юқоридаги асарида Олтин Ўрда тўғрисида умуман маълумот йўқ. Чамаси, Рашидиддин Чигатой улусида ва Эронда ҳукм сурган мўғул элхонлари тарихинигина ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Олтин Ўрдада маданий ҳаёт. “Олтин Ўрда” деган ном дастлаб Чингизхон ўрдасига нисбатан қўлланган. Чингизхон вафотидан кейин эса “Олтин Ўрда” Жўжи улусининг номи деб тушунилган. Жўжи отаси Чингизхондан олдинроқ вафот этди (Бу ҳақда “Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида ҳам таъсирли ривоят берилган). Жўжи вафотидан кейин унинг тўнғич ўғли Ўрда тахтга ўтирди. Бу худудларни гарчи Жўжининг ўғиллари мустақил бошқарсалар ҳам, ҳаммалар Боту хонадонига итоат этар эдилар. Боту ака-укаларига қараганда кучли эди. Шу боисдан ҳам у

³⁵ Рашидаддин. Собрание летописей. Том 1, Изд. Академии наук СССР, Москва-Ленинград, 1952, 144-б.

отасидан қолган ҳоқимиятни мустаҳкамлашга киришди. Ҳ ўз давлатининг пойтахтини Итил дарёси бўйида барпо қилди. Бу пойтахт шаҳар Сарой деб номланди. Ботунинг қўл остидаги ҳамма қавмлар Олтин Ўрда номи остида бирлашди. “Олтин Ўрда” номи Сир Ўрда, яъни “олтин қароргоҳ” маъносидадир. Олтин Ўрда давлатига қарашли жамики аҳоли асосан туркий қавмлардан иборат бўлиб, деярли ҳамма қабила вакиллари истиқомат қиларди. Олтин Ўрда барпо бўлгунга қадар Итил дарёсининг қуйи оқимида ва Итил бўйларида бир неча қипчоқ бекликлари бор эди; шимолда булғорлар яшарди; яна Волганинг қуйроғида ва Шимолий Хоразмда ўғузлар ва қипчоқлар ўтроқ ҳаёт кечирарди.

Берка хон даврида исломнинг қабул қилиниши Олтин Ўрданинг мавқеини анчагина юксалтирди. Бу жараёнда албатта, Миср муҳим рол ўйнади. Энди Урганчдан, Бухородан, олдинги Булғор давлатидан, Сирдарё қуйисидан хунармандлар, мусаввирлар, олимлар, шоирлар кела бошладилар. Ўзбекхон даврида катта курилишлар – мачитлар, мадрасалар, мақбаралар, саройлар курилди. Олтин Ўрда давлатининг Миср билан маданий-иқтисодий алоқалари айнан Ўзбекхон даврида янада кучайди.

Ўзбекхоннинг ҳукмронлиги йилларида “ўзбекиён” деган термин тарихий асарларда илк бор учрайди. XIV асрда яшаган форс тарихчиси ва географи Хамдуллоҳ Қазвиний Озарбайжонга юриш қилган Ўзбек хоннинг аскарларини ана шу ном билан атайди. Бу воқеа 1355-56 йилларда бўлган эди. Қазвиний Олтин Ўрдани “мамлақати Ўзбек” деб атайди. “Ўзбекиён” деган ном жамики Олтин Ўрда аҳолисининг умумий номига айланиб қолди. Шунинг учун ҳам Абулғози Баҳодирхон “мамлақати Ўзбек” номини Олтин Ўрданинг ҳамма ҳудудига нисбатан ишлатган эди³⁶.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, “ўзбекиён” термини бугунги ўзбек халқининг этник номи эмас. Бу ном Олтин Ўрдада Ўзбек хон ҳукмронлик қилган қавмларнинг ҳаммасига тегишли. Юқорида биз ўша қавмларнинг номларини айтиб ўтдик. “Ўзбекиён” термини остида қипчоқлар ҳам, ўғузлар ҳам, бошқирд, қорачой-болқор, македонлар, татар ва чувашлар ҳам тушунилган. “Ўзбекиён” этник ном эмас, балки қабилалар уюшмаси номини ифодалаган, аниқроғи,

³⁶ Наджип Э.Н. Культура и тюркоязычная литература Мамлюкского Египта XIV века. Туркистон, 2004, 44-6.

худудий бирликнинг номи. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида таникли рус олими академик А.Ю.Якубовский тўғри ва ишончли далилни айтган. У 1941 йили “Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида” номли китобчасида “Биронта халқнинг вужудга келиши шароитини унинг номи тарихидан фарқ қилиш зарур” деган нуктаи назари ўзбек халқининг этник илдишлари “Ўзбекиён”дан бошлаб эмас, балки анча илгари – хунлар, улардан кейин қадимги туркийларга бориб тақалишини исботлайди. Қолаверса, бугунги кунда айрим олимларнинг туркий ва сўғдий қабилалар бугунги ўзбек халқига замин бўлгани ҳақидаги қарашлар одамни ажаблантиради. Ахир, бугуни Ўзбекистоннинг бир неча ўлкаларидан туркий-рун ёзувларининг топилгани ўзбек халқининг этник жараёнида сўғдлар эмас, туркий қавмлар асосий замин бўлганини исботлаб турибди.

Олтин Ўрда жуда катта худудни – шимоли-шарқда Булғор вилоятини, шимолда рус князликлари ерларини ўз ичига олган; жанубда Қрим ва унинг денгиз бўйидаги шаҳарларини, Дарбандгача чўзилиб кетган Кавказ, ҳатто Боқугача бўлган жойларни, шунингдек, Шимолий Хоразмни қамраб олган. Ғарбий худуди Днестрдан бошланган дашт ўлкалар, шарқда – Ғарбий Сибирь ва Сирдарё этакларигача шу давлатга қараган.³⁷ Чингизхон салтанати йиқилгандан кейин Каспийдан тортиб Олтойгача бўлган ўлкаларда Чигатой улуси ташкил топди. Агар Олтин Ўрда давлатининг этник таркибига назар ташласак, бу давлат худудидаги асосий аҳоли туркий қавмлардан ташкил топганига амин бўламиз. Шу сабабдан “Олтин Ўрда қандайдир бир халқнинг нормал ривожланиши асосида ташкил топган давлат эмас, балки бировларнинг ерини зўравонлик билан босиб олиш орқасида вужудга келган сунъий бир давлат бўлган эди” (Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Юқоридаги асар, 11-б.) деган қарашларнинг асоссиз эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

Олтин Ўрда маданий муҳити ўзига хос тарзда ривожланиб борди. Бу давлат худудидаги маданий ҳаётда, хусусан, яшаш тарзида, диний эътиқодда, архитектурада ўтrockлашган туркий қавмларнинг таъсири катта бўлди. Ўзбекхон даврида Олтин Ўрда

³⁷ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрда ва унинг қулаши. – Т.: 1956, 53-б.

жамиятининг юқори табақаси ислом динини расмий қабул қилди. Юқори табақанинг кўзга кўринган вакиллари ни ислом динига жалб қилиш ишларига Олтин Ўрда хонларидан Беркахон биринчи бўлиб асос солди. Беркахон томонидан ислом динининг қабул қилинишини XIV асрда яшаган машҳур араб тарихчиси ибн Халдун куйидагича тасвирлайди: “У (Берка) ислом динини Шамсиддин Элбахарзийдан қабул қилди. Элбахарзий эса Нажмиддин Кубронинг мухлисларидан бўлган шогирд эди...Бухорода истикомат қилиб турган Элбахарзий ислом динини қабул қилиш тўғрисида Беркага таклифнома юборди. У (Берка) ислом динини қабул қилди ва: “Менинг кўл остимдаги бошқа ерларда ҳам диний тарғибот ишларини бемалол олиб боришингизга тўла ҳуқуқ бераман”, деб Элбахарзий номига ёрлик жўнатди...”³⁸

Олтин Ўрдада туркий тил ва туркий адабиётга замин яратилиши. Олтин Ўрдада диний маданият билан бир қаторда туркий адабиётга ва туркий адабий тилга эътибор кучайди. Гарчи бу даврдаги адабиёт – туркий адабиёт, тил – туркий тил деб юритилса ҳам, туркий тилли халқлар орасида алоҳида мавқе тутган ҳар бир ўзбек китобхонига Олтин Ўрда адабий муҳитида яратилган асарлар бугунги кунда ҳам жуда яқин. Олтин Ўрда маданий муҳитида эски ўзбек адабий тилининг з-гуруҳи адабий тили амалда экани ва й-гуруҳи адабий тилига ўтиш жараёни давом этаётгани кузатилади. Бу тил ўгуз-қипчоқ туркий адабий тили деб юритилади.

Шу ўринда ўзбек мумтоз адабиётини ва ўзбек адабий тилини даврлаштириш масаласига эътибор қаратиш заруратини айтиб ўтмоқчимиз. “Олтин Ўрда адабиёти” терминини ўзбек адабиётшунослигига биринчи бўлиб Миён Бузрук олиб кирган³⁹. Олтин Ўрда давлати ўзбек адабиёти ривожига алоҳида босқичга замин ясади. Бу давр адабиёти ўзидан олдинги ва кейинги давр адабиётини асло такрорламаган, аксинча, ўз қиёфасига, мавқеига эга бўлган адабиётдир. Олтин Ўрда давлатидаги ижтимоий, сиёсий ҳаёт маданий ҳаётнинг тубдан янгиланишига, ўзига хослик касб этишига хизмат қилди. Ўрта Осиёдаги маданий ва адабий ҳаёт Олтин Ўрдага кўчди. Бу кўчиш тарих оқимининг табиий самараси

³⁸ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Юқоридаги асар, 139-140-бетлар.

³⁹ Миён Бузрук. Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш. Тошкент, Ўзнашр, 1930, 60-62-бетлар.

бўлган эди. Шу боис “Олтин Ўрда ўзбек адабиёти” деган терминдан истифода этиш, Олтин Ўрдада ва Миср Мамлуқлар давлатида яратилган адабий жараёнга нисбатан шу терминни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Олтин Ўрда адабий муҳитининг ўзига хослиги. Олтин Ўрда адабий муҳити шуниси билан диққатга сазоворки, *биринчидан*, ўзбек адабиётига мусулмон маданиятини ва ислом динини ёйиш учун ўзбек тилида биринчи марта *агиографик* (пайғамбарлар тарихига оид) асарлар яратилди. Носируддин Бурхониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” (710\1310 йил), Маҳмуд ибн Али ас-Саройининг “Нахжул - фародис” (“Жаннатларга очиқ йўл”, 761/1361 йил), Хисом Котибнинг “Жумжума султон” (1368\69 йиллар; бошқа бир қўлёзмада 1375\76 йиллар) асарлари бунинг ёрқин намунасидир. “Қисаси Рабғузий” сингари “Қисас ул-анбиё”ларнинг ўзбек тилидаги кўплаб нусхалари бугунги кунда Туркия музейларида, кутубхоналарида сақланмоқда. Бу асарларнинг кўп қисми Олтин Ўрда давлати ҳукм сурган даврда яратилган. Мазкур “Қисас ул-анбиё”ларнинг аксарияти форсчадан қилинган таржималардир. Турк олими Исмаил Жамилўгли “XIV асрга оид бир “Қисас ул-анбиё” нусхаси устида синтактик тадқиқот” (Анқара, 1994) номли асарида Туркия кутубхоналарида сақланаётган “Қисас ул-анбиё” қўлёзма нусхалари тўғрисида кўп маълумотларни берган.

Иккинчидан, Олтин Ўрда давлатидаги маданий-адабий ҳаётнинг такомилли натижасида ўзбек адабиётига янги жанр — *нома жанри* кириб келди. Хоразмийнинг биринчи марта ўзбек тилида яратилган “Муҳаббатнома” (1353) асари бунинг далилидир.

Учинчидан, Олтин Ўрдадаги адабий муҳитнинг эътиборга молик жиҳатларидан яна бири таржимачиликка алоҳида эътибор берилганидир. Турли тиллардан ўзбек тилига нодир асарларнинг таржима қилингани бевосита ва билвосита Чингизхон ҳамда унинг фарзандлари олиб борган сиёсат, ерли аҳолига бўлган эҳтиром самарасидир. Чингизий ҳукмдорлар фармонларини туркий тилда эълон қилганлари, эски уйғур-туркий ёзув асосида мўғул ёзувини яратиб, мўғул давлатида янгича маданий тараққиётга асос солганлари бунинг яна бир далилидир.

Чингизхон авлодларининг мурувватпешалиги ва ерли аҳолига хайрихоҳ муносабатларини Олтин Ўрда хонлари давом эттирдилар. Олтин Ўрдада ўзбек тилида яратилган ҳар бир асарнинг юзага

келишида бирон ҳукмдорнинг таъсири бор. Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”и таржимаси шаҳзода Тинибекка бағишланган. “Муҳаббатнома” айнан ўзбек тилида Муҳаммад Хўжабекнинг ҳомийлиги ва таклифи билан, “Қисаси Рабғузий” Хоразм бекларидан Тўкбуғабекнинг илтимоси билан ёзилган ва ҳ. Булардан ташқари, тил жиҳатдан “Қисаси Рабғузий”га яқин бўлган “Тафсир” ва “Сирож ул-қулуб” асарлари ҳам Олтин Ўрдада яратилди.

Шу ўринда бир далилни таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Олтин Ўрда хонларининг шахсий фазилатлари ҳақида тарихий асарларда маълумотлар бор. Жумладан, Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жомеъут-таворих”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзийнинг “Тарихи Рашидий” (44-бет) асарларида берилган маълумотлар бунинг бир далилидир. Жумладан, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзийнинг “Тарихи Рашидий” (1541-1546 йилларда фос тилида ёзилган; 1837-1838 йилларда Хожа Муҳаммад Шариф томонидан туркий тилга таржима қилинган) асарида Жўжининг еттинчи авлоди Жонибек хон ҳақида тўхталиб: “Бисёр ҳамида ҳисол неку афъол эрдилар – яъни кўп мактовли хислатлари бор, гўзал феъл-атворли эдилар”⁴⁰, деб таъриф беради.

Албатта, Олтин Ўрда абадий давлат бўлиб қола олмади. Шаҳзодалар ўртасидаги мулкпарастлик, ҳукмронликка интилиш Олтин Ўрдани ичдан смира бошлади. Олтин Ўрда, Товка Темур ва Шайбон сулолалари ўртасидаги ихтилофлар XIV асрнинг 60-йилларида кучайди. Аслида таназул аломатлари Олтин Ўрда иккига – Кўк Ўрда ва Оқ Ўрдага бўлиниб кетган пайтда бошланган эди. Айниқса Жонибек даврида (1340-1357) таназул тезлашди.

Олтин Ўрда давлатининг таназулига яна бир сабаб – бу давлатдаги иқтисодий бухронлар, ишлаб чиқарувчи кучлар издан чиқиб бораётгани, хунармандларнинг ва бошқа табақа аҳолининг катта қисми қашшоқлашуви, фақат маҳаллий бозорлар билан чегараланиб қолингани эди. Шубҳасиз, иқтисодий ва сиёсий инфлашув Олтин Ўрданинг адабий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатди. Олтин Ўрда адабий ҳаёти иқтисодий ва сиёсий бухронларга аралашиб, таназулга юз тутмаслиги учун вазиятни ҳам, маконни

⁴⁰ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. – Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2011, 44-б.

хам ўзгартиришига тўғри келди. Адабий ҳаёт тамомила ўзга юртга – Мисрға кўчди. Бу адабиёт равнақи учун Мисрда барпо этилган туркий қавмлар давлати асос бўлди.

Мамлуқлар давлатининг қисқача тарихи. Бу давлатдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт. Тарихда Мамлуқлар давлати деб ном олган бу давлат ҳукмдори Изиддин Ойбег номи билан боғлиқ бўлиб, 1250 йили ташкил топган.

Мамлуқ – кул деганидир. Бу давлатнинг ташкил топишида Мисрға сотилган собиқ қуллардан кипчоқлар, черкаслар, грузинлар муҳим роль ўйнади. Миср подшоҳи ас-Солиҳ Аюб вафот этгандан кейин, то унинг ўғли Турон шоҳ тахтга келгунга қадар подшоҳ Аюбнинг аскарлари Мисрға салиб юришлари қилган Людовик IХ нинг аскарларини тор-мор қилиб, уни асирға олдилар. Аюбнинг лашкарлари мамлуқлардан иборат эди. Шу тариқа мамлуқлар Мисрда мавқеини мустаҳкамлаб олдилар. Орадан тўрт ҳафта ўтгач, Аюбнинг ўрнига тахтга ўтирган Турон шоҳ мамлуқлар томонидан ўлдирилди. Мамлуқлар давлатига Аюбнинг беваси Шожар ад-дур ўтирди. Орадан бир неча ой ўтгач, Мамлуқлар давлати тахтини Изиддин Ойбег эгаллади.

Мамлуқлар давлати 1250 йилдан XVI асрнинг бошларигача – 1516-1517 йилларгача Миср ва Сурияда ҳукмронлик қилди. Мамлуқларнинг биринчи ҳукмдори Изиддин Ойбег ҳам асли кипчоқ қавмидан эди. Қипчоқларнинг мавқеи Мисрда баланд бўлгани учун ҳокимиятни улар бошқарди. Тахминан 1260 йилларгача Мамлуқлар давлатида парокандалик бўлиб турди. 1260 йили Рукниддин Бойбарс тахтга ўтириб, ўзини Миср султони деб эълон қилди. У келиб чиқиши бўйича Хоразмдан эди. У тахтга ўтиргач, Мисрнинг Олтин Ўрда билан алоқалари жонланди, тарихий асарлар яратиш йўлга қўйилди. Туркий сулолалар ва халқлари ҳақида тарихий-географик маълумотларни ўз ичига олган қомуслар яратилди. Мисрда султон Бойбарснинг таржимаи ҳолига бағишланган тарихий асар ёзилди. Бу асарни Бойбарснинг котиби Абду Зоҳир яратди. Асарда Олтин Ўрда билан муносабатлар тўғрисида маълумотлар келтирилган, Қримдан Волгага қадар қисқача йўл кўрсаткич берилган, Қрим аҳолиси ҳақида этнографик, маърифий маълумотлар келтирилган. Бу пайтда Дашти Қипчоқдан келган кўп аҳоли яшарди.

Бойбарс мамлуклар давлатини мустаҳкамлади, ҳар бир шаҳарда доимий армиясини ташкил қилди. Давлат ичида тартиб-қондани мустаҳкам қилди. Саройдаги ўзаро низоларга тамомила барҳам берди. Мамлуклар давлати шу қадар гуллаб-яшнадики, Бойбарсгача ҳам, ундан кейин ҳам бу даражада ривожланмаган эди. Мамлуклар давлатига дунёнинг ҳамма томонидан савдогарлар келадиган бўлди, дарёларга кўприклар, ҳар бир шаҳарда масжидлар барпо қилинди. Бойбарс Шарқдаги ҳамма араб ерларининг, Салжуклар ва Ўрта Осиёнинг, Арманистон ўлкаларининг ҳукмдори бўлиб қолди. Атрофдаги ҳамма давлатлар мамлуклар билан ҳисоблашадиган бўлди.⁴¹

Бойбарс султон бўлганда, кипчок ерлари Олтин Ўрда давлатига қарар, бу давлатни мўғул хонларидан Берка (1256-1266) бошқарарди. Бойбарс унга мактуб юбориб, дўстона алоқалар ўрнатилганини таклиф қилди. 1262 йили ҳар иккала давлат ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилган мақсадида Бойбарс ўз элчисини жўнатди. Шундан сўнг Олтин Ўрда ва Мамлуклар давлати ўртасида ҳарбий, савдо, маданий алоқалар мустаҳкамланди.

1277 йили Бойбарсни ўзининг вазири, кипчоклардан бўлган Қолювун заҳарлаб ўлдирди. У Дамашқда дафн этилди. Шундай қилиб, Бойбарс султон мамлуклар давлатини қудратли салтанатга айлантириб, Миср ва Сурияни солиб юришларидан, мўғуллар қўжумидан ҳимоя қилди.⁴²

Мамлуклар давлати билан Олтин Ўрда ўртасида Рукниддин Бойбарс ўрнатган алоқа кейинчалик ҳар иккала давлат тақдирида муҳим роль ўйнади. Айниқса, Олтин Ўрда маданий ва адабий муҳитининг яшаб қолиши учун замин яратилди. Бойбарс илк бор Олтин Ўрда хони Беркага мактуб юборган пайтда, Олтин Ўрда таназзулга юз тута бошлаган эди. Адабий муҳит аста-секин Мисрга кўча бошлади. Миср Мамлуклар давлатидаги адабиёт билан Олтин Ўрдадаги адабий жараёни туркий тил бирлаштирди. Миср-турк давлатидаги бадиий асарларнинг тил хусусиятлари чигатой тили ёдгорликлари билан қиёсланганда, кипчок тили элементлари асосий ўрин тутгани кузатилади. Зотан, Олтин Ўрдада кипчок тили асосий тил эди. Шу билан бир қаторда, ўғуз тили элементлари ҳам кўп

⁴¹ Gumilevica kulichki net/HE2/

⁴² tarihi-tulgalar kz/ru/beibars-sultan.

экаи кузатилади. Бу тўғрида машҳур туркийшунос Амир Нажип алоҳида тадқиқот яратган.⁴³

Олтин Ўрдада шаклланган туркий адабий ва илмий муҳитнинг Мисрда мустаҳкам қарор топиб борганини ўша даврда яратилган илмий асарлар ҳам тасдиқлайди. Туркча-арабча луғатлар (муаллифи номаълум “Таржумони туркий ва аҷамий ва мўғулий ва форсий” луғати, Абу Хайёнинг “Китоб ал-идрок ли-Лисон ал-Атрок” номли лексика ва грамматикага оид асари, муаллифи номаълум “Ат-Тухфат аз-Закийя фил-луғатит-туркийя” номли лексика ва грамматикага оид асар, Жамолиддин Туркийнинг “Булғот” номли кипчоқ тили луғати ва ҳ.) бунинг бир далилидир.

Умуман, Олтин Ўрда ва Миср мамлуқлар давлати туркий халқлар маданий ва адабий ҳаётида катта из қолдирди.

⁴³ Нажип А.Н. Культура и тюркоязычная литература мамлюкского Египта XIV века. – Туркистан, 2004.

НОСИРУДДИН БУРҲОНУДДИН РАБҒУЗИЙ ВА УНИНГ “ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” АСАРИ

Режа:

1. Асарнинг яратилиши, мақсади ва тузилиши.
2. Рабғузий – манбашунос ва танқидчи.
3. Қисса.
4. Ҳикоят.
5. Ривоят.
6. Шеърӣ жанрлар.
7. Латифа.
8. Ҳикмат.
9. Бошқа кичик (хабар, фойда, муножот) жанрлари.

Таянч сўз ва терминлар: *қасида, савол, жавоб, қисса, ривоят, хабар, ҳикмат, аҳсан ул-қасас, адабиётшунос, танқидчи, ҳадис, мусулмон ва яҳудий манбалари, тафсири, ҳикоят, газал, латифа, тўртлик, мутасаввуф.*

Асарнинг яратилиши, мақсади ва тузилиши. Юқорида айтилганидай, исломни туркий қавмлар орасига кенг ёйиш, пайғамбарлар ҳаёти билан оммани таништириш ва бу пайғамбарлар тарихига оид асарлар яратиш учун Беркахон ҳукмронлиги давридан бошлаб Олтин Ўрда ҳукмдорлари астойдил ҳаракат қилдилар. “Қисаси Рабғузий” шундай асарлардан биридир. Пайғамбарларнинг авлиёларнинг ҳаёт йўли, фаолияти, мўъжизалари ва б.қатор хусусиятлари ҳақидаги асарлар агиографик асарлар деб юритилади.

Рабғузийнинг ҳаёти, ижоди тўғрисида бирон тарихий ёки адабий манбада маълумот сақланиб қолмаган. Бу ижодкор ҳақидаги қисқа маълумотни “Қисаси Рабғузий”дан топиш мумкин.

Асар инсон зотини Оллоҳ Таоло яратгани, аввало хотинни эмас, эркак зотини яратгани, инсонни ёвуз йўлдан қайтаргани ва пок йўлга солгани ҳақидаги ҳамду сано билан бошлайди. Шундан сўнг Муҳаммад Мустафо с.а.в.га бағишланган бир ғазални келтиради. Чамаси, Рабғузий бу ғазални ўзи ёзган.

Шундан кейин Бурҳониддин ўзининг қимлиги ва “Қисаси Рабғузий”нинг ёзилиш сабабини кўйидагича баён қилади: “...бу китобни тузган, тоъат йўлинда тизган, маъсият ёбонин кезган, оз

озуклуғ, кўп ёзукулуғ Работ ўғузининг қозиси Бурхон ўғли Носуриддин уруғи... андоғ айтур...беклар уруғи, йигитлар ариғи, улуғ отлиғ, кутлуғ зотлиғ, эзгу қилиқлиғ, ислом ёриғлиғ, мўғул санилиғ, мусулмон динлиғ, одамийлар инончи, мўъминлар кувончи, ҳиммати адиз, ақли тегиз бегимиз Носируддин Тўқбуға саббаталлоху ало динил-ислом ва саломуху”.⁴⁴ Бу таърифдан сўнг Тўқбуғабекка бағишланган ўттиз уч байтдан иборат қасида келтирилади. Қасиданинг талаблари ва қонун-қоидаларига кўра, Тўқбуғабекнинг шахсий фазилатлари мадҳ этилади: у исломга эътиқод қўйган, муттасил Қуръон ўқийди, ҳиммати осмондан ҳам юксак, исломга чин дилдан эътиқод қўйган, хулқ-атвори яхши, кўпроқ дўст орттиришга ҳаракат қилади, кўриниши арслон сифатлик, ёши кичик бўлса ҳам улугсифат, зоти тоза ва ҳ.

Рабғузий асарнинг яратилган йили (ҳижрий 150) ва Тўқбуғанинг унга қилган илтимоси тўғрисида баён қилади. Рабғузий келтирган маълумотлардан шу нарса англашиладики, Тўқбуға пайғамбарлар тарихига бағишланган қиссалардан яхши хабардор. Шунинг учун Тўқбуғабек Рабғузийга пайғамбарлар тўғрисида асар яратишга илтимос қилишдан олдин бу хилдаги қиссаларнинг мазмуни ва шакли тўғрисида маълумот беради. Пайғамбарлар тўғрисидаги баъзи асарлар тўғри, баъзилари нотўғри, айримлари нуқсонли, баъзиларида камчилиги борлигини уқтиради. Асарга “Қисаси ар-Рабғузий” деб ном қўйганини муаллифнинг ўзи кайд этади.

Рабғузий асарни ёзишда Қуръондан, Абу Исҳоқ Нишопурийнинг форсча “Қисас ул-анбиё”сидан, Ваҳб ибн Мунаббихнинг араб тилидаги “Каъб ул-ахбор” (мил.728) асаридан фойдаланган. Шунингдек, Шарқда яратилган ва машҳур бўлган “Қисас ул-анбиё” фақат шулардан иборат эмас. Сахи бин Абдуллоҳ ат-Тустарий (мил. 896), Муҳаммад бин Абдулмалик ал-Мусаббихий ал-Хороний (мил.1029) ҳам араб тилида “Қисас ул-анбиё” ёзганлар.

Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари бошқа “Қисас ул-анбиё”лардан фақат тузилиши ва тил жиҳатидангина эмас, балки муаллифнинг бирон далилни тасдиқлаш ёки рад қилиш учун

⁴⁴ Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1 жилд. Тошкент. “Ёзувчи” нашриёти. 1990, 10-б. (Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олиниб, фақат асар жилди ва саҳифаси кўрсатилади.)

синчков олим сифатида муносабат билдиргани билан ҳам фарқ қилади.

Рабғузий – манбашунос ва танқидчи. Рабғузий қиссаларни ҳикоя қилар экан, нозик дидли, чуқур билимли адабиётшунос сифатида қиссаларнинг мавжуд вариантларини ўрганади, қайси ривоят ҳақиқат, қайси бири уйдирма эканини таҳлил қилади. У киёсий усулдан фойдаланган ҳолда, ўз қарашларини илгари суради. У манбашунос ва танқидчи сифатида қарашларини тасдиқлаш ёки нотўғри далилларни рад қилиш учун ривоят ҳамда хабар жанрларидан фойдаланади. Бу жиҳатдан Рабғузийнинг ривоят жанридан фойдаланиш усули Берунийникига ўхшайди. Рабғузий деярли ҳар бир қисса таркибида “савол” ва “жавоб” келтиради. Бу “савол” ва “жавоб”лар воқеаларга аниқлик киритиш, уларга китобхонни ишонтириш мақсадида келтирилади. Бунинг учун далилларнинг бир нечтасини китобхон ҳукмига ҳавола қилади. Бир мисол келтирайлик:

Оллоҳ Таоло ўтдан яратган Жонн исмли халқ тўғрисида уч далилни Рабғузий баён қилади. Бири – Калбийнинг ривояти, иккинчиси – Абдулла ибн Аббоснинг ривоятидир. Учинчи далил сифатида бошқа бир хабарни келтиради. Ҳар учаласида келтирилган далиллар бир-биридан тамомила фарқли, бир-бирини тўлдирмайди, аксинча, бир-бирига зиддир. Рабғузий асло, мана бу далил ёки ривоят ишончлидир, деб айтмайди, балки ишончли далилни охирида келтириб, бошқа далилларга нисбатан батафсил баён қилади. Унинг ишончли ривоят ёки ишончли хабар жанрига қўйган талаби шудир. Юқоридаги Калбий ривоятида ўтдан яратилган Жонн исмли халқ дунёни етмиш минг йил бошқарди. Абдуллоҳ ибн Аббос ривоятига кўра эса, ўн саккиз минг йил бошқарди, деган маълумотни келтиради. Ҳар иккала ривоят ҳам Рабғузийда тўлақонли ишонч ҳосил қилмайди ва учинчи далилни – хабарни келтиради. Хабарнинг Рабғузий учун ишончлилиги шундан иборат: Мавло Таоло дунёни яратганда, ерни қушларга мулк қилиб берди, етти минг йил қушлар бошқарди. Ундан сўнг Жин ибн ал-Жоннга берди, етти минг йил унинг халқи бошқарди. У халқ кўп гуноҳ ишлар қилди, қон тўкканлари учун, ерни улардан олиб, фаришталарга берди. Етти минг йилдан кейин фаришталардан олиб, ер юзида халифа яратурман, деб хитоб қилди.

Сўнги хабарни Рабғузий ишончли деб топгани учун батафсил ҳикоя қилади. Шу хабардан кейин келтирилган “савол” ва “жавоб” айнан хабарда келтирилган воқеаларни яна бир марта тасдиқлаш учун келтирилган (14-15-бет).

Рабғузий қисса, ривоят, хабар ва бошқа жанрлар таркибига олиб кирган “савол” ва “жавоб” “Қисаси Рабғузий” таркибида муҳим қисм эканига эътибор қаратиш лозим. Рабғузий барча “савол”га ҳикмат, яъни сир, сабаб юклайди, “жавоб” ана шу сирларни, сабабларни очади.

Баъзан қисса таркибидаги “савол” битта бўлгани ҳолда, жавобларнинг бир неча вариантлари келтирилади. Масалан, “Юсуф” қиссаси бошланишида “аҳсан ул-қасас” – “қиссаларнинг энг гўзали” деб таъриф берилади. Сўнгра Рабғузий “Юсуф” қиссасининг моҳиятига ва қиссанинг ҳақиқатан гўзал қисса эканига эътиборни қаратади: “САВОЛ: “Аҳсан” демакда ҳикмат не эрди?” Рабғузий бу саволга тўққизта жавоб илова қилади. Жавоблар сўнгида “Юсуф” сураси ўн турли қайғудан халос қиладиган сура эканини таъкидлайди (100-б.) Умуман, савол ва жавоблар қиссаларнинг асосий мазмунига урғу қаратишга, қиссаларни тўғри тушунишга хизмат қилади.

Рабғузий ўз даврининг етук адабиётшунос олимидир. У далилларнинг ишончли эканини тасдиқлаш усулларини топади. “Қиссаи Исмоил алайҳиссалом” ва “Қиссаи забиҳи Исмоил алайҳиссалом”да Рабғузий ишончли манбага таяниш учун киёсий усулдан фойдаланади. Бу усул Рабғузийнинг нуқтадон адабиётшунос сифатидаги қиррасини кўрсатади. Жумладан, Исмоил Ҳожардан туғилгани воқеасини ҳикоя қилганда, икки ривоятни киёслайди. Баъзи ривоятларга кўра, дейди Рабғузий, Исмоил Ҳожардан шу ерда (яъни ўзлари яшаб турган Канъон юрти – Н.Р.) туғилди, айрим ривоятларга қараганда, Ҳожарнинг ой-куни яқинлашганда, Сора сабр қилмай, Ҳожарни ўзлари яшаб турган жойдан Иброҳим билан бирга жўнатиб юборди. Иккинчи ривоятни Рабғузий ишончли деб топгани учун, шу вариантини ҳикоя қилади.

Баъзи ривоятларда келмиш, Исмоил Ҳожардин мундағуқ туғди. Яна азин ривоятда андоғ келурким, қачон Ҳожарнинг ой-куни ёвушди эрса, Сора азин сабр қилумади. Иброҳимқа айди: “Ҳожарни мундин кетаргил, мен кўрмайин”, теди. Жаброил келди. “Кетаргил”, теди. Иброҳим икки тева келтурди. Биринга Ҳожарни миндурди,

бирини ўзи мунди. Тебрадилар. Сора Иброҳимга андоғ айди: “Манинг кабиним ул турур, уч иш қилғил. Бир улким, Ҳожарни эл йўқ, киши йўқ ерда кўзғил, иккинчи, тевадин инмағил. Учунчи, кеча кўнмағил”. Бу уч ишга онт берди. Иброҳим онт ичди. Муқаддаса ериндин чикди. Муқаддасадин Маккага теги бир ойлиғ ер турур. Мавло таоло ернинг тамурин торттурди. Бир кунда етдилар. Кишисиз, ўт, сувсиз ерда кўзди... (1-жилд, 74. 75-6.)

Ёки “Қиссаи забиҳи Исмоил алайҳиссалом” қиссаси аввалида уламолар орасида ихтилоф борлигини айтади. Ихтилоф шундан иборатки, “забиҳ (бўғизланадиган, қурбонлик қилинадиган) Исмоилму ё Исҳоқму?” Рабғузий бу ихтилофни баён қилар экан, бу борада араблар - Исмоил, яҳудийлар - Исҳоқ, бошқа айрим уламолар эса ҳар иккиси ҳам забиҳ бўлгани тўғрисидаги мунозарарага тўхталади. Шундан сўнг мунозараларга барҳам бериш мақсадида ишончли манбага – Пайгамбар а.с.нинг қуйидаги ҳадисига мурожаат этади: “*Икки бўғузланмишнинг ўғлиман*”. Рабғузий ана шу ҳадисга таянади ва воқеани шу ҳадисга боғлаб давом эттиради, ҳадиснинг қанчалик ишончли эканини очиш мақсадида ҳадисга оид воқеани баён этади.

Рабғузий манбаларга таяниб, хулоса чиқаради, китобхонда саволга ўрин қолдирмасликка ҳаракат қилади. Китобхонда савол туғилиши мумкинлигини доим назарда тутати. Масалан, Рабғузий юқоридаги ҳадисни ишончли манба ва далил сифатида келтирар экан, бунинг ортида яна бир савол туғилиши мумкинлигини эътиборга олади. Шу ўринда Рабғузий туғилиши муқаррар бўлган саволни ва саволга жавобни тадқиқ этади:

“САВОЛ: Мустафо алайҳиссалом Исмоилдин турур, Исҳоқдин эрмас...Икки бўғузланмишнинг ўғлиман демак не бўлур?”

Мана, китобхонни ўйлантирадиган муаммо. Рабғузий бу муаммони этнограф сифатида ҳал қилади:

“Арабнинг одати бор. Аммани ота деюрлар. Уламолардан бириси айтур: агар Исмоил забиҳ эрди деб уч талоқ онт ичса, эвлуги талоқ бўлмағай, анинг учунким, Оллоҳ Таоло Қуръон ичинда Исмоил қурбон қилинмиш қиссасин тамом қилинмишда хабар берур, ёрлиқар: *Ва башшарнаҳу би Исхака набиййан мин ас-солиҳина*. Аммо дурустрак қавл ул турурким, инни ибну забиҳайн

(Ики бўғузланмишнинг ўғлиман) дан мурод бири Исмоил турур, яна бири отаси Абдуллоҳ турур”.

Демак, Исмоилнинг каторида тургувчи Исҳоқ, яъни Тавротдаги Исҳоқ эмас. Шу жавоб ортидаги воқеани китобхонга Рабғузий шарҳлайди, воқеани исломнинг илк шаклланиш давридаги хабарларга асосланган ҳолда батафсил келтиради.

Хабарда келтирилишича, Мустафо алайҳиссаломнинг катта отаси Абдул Муталлиб даврида Замзам кудуги куриб қолади. Абдул Муталлиб: ““Оллоҳ Таоло сув берса, бир ўғлимни қурбон қиламан”, деб ойт ичади. Абдул Муталлибнинг бир хотинидан тўққизта ўғли бор эди. Ўша кунлари бошқа хотини ўғил туғди. Бу ўғлини Абдул Муталлиб бошқа ўғилларига қараганда ортиқ севар эди. Абдул Муталлиб Оллоҳга берган ваъдасига кўра, қуръа ташлаб, ўғилларидан бирини қурбон қилмоқчи бўлди. Қуръа Абдуллоҳга чиқди. Абдул Муталлиб пичоқ олиб, ўғлини қурбон қилишга шайланди. Маккада Абдуллоҳнинг Темур махзум деган онаси томондан қариндоши бор эди. У Маккада анча обрўли одам эди. Темур махзум, Шом вилоятида машҳур фолчига бор, одам юборинглар, фолбин қандай ҳукм килса, бажаринглар, деди. Борган одамлар фолбиндан сўраган эдилар, фолбин шундай деб буюрди: “Абдуллоҳни ва ўнта туяни ёнма-ён кўйиб, қуръа ташланглар. Қуръа туяга чиқса, туяни қурбон қилинглар, Абдуллоҳ қолсин. Абдуллоҳ отига чиқса, яна ўнта туя кўшинглар ва қуръа ташланглар”. Қуръа туяга чиққунча шундай қилдилар. Туялар миқдори юзтага етганда, қуръа туяга тушди дея туяларни қурбон қилдилар. Абдуллоҳ қолди.

Бу воқеани Рабғузий “Бу кун шариатда эр баҳоси юз туядан қолди”, деб изоҳлайди ва Пайғамбар а.с.нинг “Икки бўғузланмишнинг ўғлиман”, деб айтган ҳадиси маъносини шу тарика тўлиқ очиб беради.

Рабғузий асарни ёзиш жараёнида ўзининг зиммасида катта масъулият ётганини ҳар доим ҳис қилиб туради. Шу боис ҳам манбаларни чуқур ва диққат билан ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Унинг учун мусулмон манбалари ҳам, яҳудий манбалари ҳам бирдир. У учун энг муҳими — манбаларнинг ишончлилигидир.

Жумладан, Рабғузий ўзигача яратилган тафсирларни синчиклаб ўрганиб, бошқа тарихий, адабий манбалар билан солиштириб чиққан, ихтилоф бор ўринларда манбаларга аниқ ишора қилган. Масалан, Рабғузий келтирган ривоятларга кўра, Юсуфга зарар етказган акалари пайғамбар уруғидан экан. Аммо Имом Абулҳасан Шофиъийнинг “Усмаъ ул-анбиё” асарида Юсуфнинг қариндошлари унга зарар етказган пайтда ялавоч эмас эдилар, деган маълумотни келтиради (106-б.).

“Қисаси Рабғузий” – бадий асар. Асар 72 қиссадан ташкил топган. Ҳар бир қисса таркибида ҳикоят, ғазал, латифа, ривоят, тўртлик (118-б.), савол ва жавоб, ҳикмат, ҳадис каби жанрлар ва шакллар бор. Айниқса, Яссавий ҳикматларига мазмун ва шакл томондан ҳамоҳанг ҳикматларнинг учрагани диққатга сазовор. Бу ҳикматлар ҳар бир қиссада ҳар бир пайғамбарга бағишлаб ёзилган.

“Қисаси Рабғузий” туркий тилда сўзлашувчи китобхонларга пайғамбарлар ҳақида тўлақонли, далилларга асосланган, ишончли маълумотларни етказиш, шу билан бирга, Шайх Шиблий (23-б.), Умар Хагтоб разияллоҳу (34-б.), Имом Шайх Жўйборий (34-б.), Шайх Басрий (107-б.) каби қатор улуғ мутасаввуфлар ҳаёти ва таълимотига оид лавҳалар билан таништиришдан иборат. Қуйида “Қисаси Рабғузий”даги ҳар бир жанрни кўриб чиқамиз.

Қисса. Рабғузий қисса жанрини бутунги сингари адабий термин маъносида – бир бутун асар маъносида ишлатади. Зотан, ҳар бир қисса таркибининг тузилиши, воқеалар баёни, композицияси шундан далолат беради. Ҳар бир қисса мустақил бадий асар сингари тузилган. Намуна сифатида “Қиссаи Одам сафий алайҳиссалом” қиссасини олиб кўрайлик.

Қисса Одам алайҳиссаломнинг таъриф-тавсифи билан бошланади: унинг туپроқдан яратилгани ва Иблиснинг васвасасига илиниб, қоронғу оламга тушгани, қаромат туфайли яна муқаррам бўлгани баён қилингандан сўнг, ўн тўрт мисралик шеър келади:

Ҳақ яратди тангсуқ Одамни тафиз ер кўркидин,
Ўзга сурат тузди андоғ ажун ичра илкидин.
Тахтини кўтуруб фаришта ужмоҳ ичра кивуруб,
Тезгинурда чикмадилар ҳаргиз анинг эркидин (1, 15-б.).

“Қисаи Рабғузӣ” воқеалари изчил хронологияга асосланган, ҳар бир қисса маълум мақсадга бўйсундирилган. “Қисаси Рабғузӣ” – инсон қалби ва кўнглига мурожаат этиб, уни маънавий камолотга йўлловчи асардир. Қиссалардан ибратли хулоса чиқариш, қиссаларда кўтаришган қонун-қоидалар, ахлоқ-одоб, ўғитларни китобхонга сингдириш ҳам қиссаларнинг асосий мақсадларидандир.

Инсонни нима йўлдан оздиради, нима тубанлаштиради деган савол ҳар бир қиссада кўндаланг бўлиб туради. Рабғузӣ инсониятга ўғит бермайди ёки насиҳат қилмайди, балки ҳикоятлар, пайгамбарлар ҳаётидан ривоятларни келтириб, китобхоннинг ҳукмига ҳавола қилади. Бу оламнинг бойликларига кўнгиш боғлаш инсониятни йўлдан оздирадиган иллат экани асарнинг кўп ўринларида маълум ривоятлар воситасида баён қилинади. Бу эътиқоднинг ёрқин намунаси Одам алайҳиссалом қиссасида баён қилинган:

Оллоҳдан ер юзига ёрлиғ келиб, жамики инсониятга қарата, дунёни кўриб келинг, деди. Одамлар келиб, дунёни кўрдилару у ерда қолдилар, озгина қисми қайтиб келди. “Хитоб келди: “ўзгаларингиз қани?” теб. Айдилар: “Дунёни кўрдилар, кўнгиллари дунёни тилади, анда қолдилар”. Ёрлиғ келди: “Ужмоҳға боринг, ужмоҳ нима кўрунг”. Бордилар, ужмоҳни кўрдилар, уларнингма уқушраки ужмоҳта қолдилар. Ёрлиғ келди: “Азинларингиз қани?” Айдилар: “Илоҳий, уларма ужмоҳни тиладилар, анда қолдилар”. Аймишлар, дунёда қолганлар кофирлар эдилар, ужмоҳта қолганлар мўъминларнинг омили эрдилар. Ужмоҳни унамадин ҳазратга келганлари хос қуллар эрди. Ёрлиғ келди: “Дунёга кўнгиш бермадингиз, ужмоҳни унамадингиз, эмди не тилаюрсиз?” Айдилар: Илоҳий, бизга дунё керакмаз, уқбо керакмаз. Бизга сен кераксен”. Ёрлиғ келди: “Ким мени тилади эрса манинг хазинам ичинда қаю бало улутроқ эрса ул балони анга берурман”. Айдилар: “Ула бало бермишда сан бизнинг била бўлғаймусен?” Айди: “Бўлурмен”. Айдилар: “Илоҳий, бало тегмишда сен бизнинг бирла бўлсанг, ул онча балони бизга ҳавола қилсанг, қабул қилғаймиз”, тедилар (23-б.).

Мазкур ривоятнинг мазмунидан кўриниб турибдики, инсонлар учун Оллоҳ раво кўрадиган бало – маломатдир. Маломат ҳам

жисмоний, ҳам руҳий азобу машаққатдир. Оллоҳнинг йўлида хизмат қилиш учун инсонларга бу дунё ҳам, жаннат ҳам керак эмас, балки Оллоҳ раво кўрган машаққатларни улар хурсандчилик билан қабул қиладилар. Маломатийларнинг асосий ақидалари шундан иборатдир. Аксарият пайғамбарларнинг ҳаёти ва эътиқоди ана шу маслакка асосланган.

“Қисаси Рабғузий”да бир қатор пайғамбарлар – Шис алайҳиссалом, Идрис ва Нух, Худ ва Солиҳ, Иброҳим ва Исмоил, Исҳоқ ва Лут, Ёқуб ва Юсуф, Мусо ва Исо алайҳиссаломга оид воқеалар ҳамда уларнинг ҳар бирига хос фазилатлар ҳикоя қилинади. Бу қиссаларда Рабғузий асосий эътибор қаратган нуқталар – мазкур пайғамбарларнинг хунари ва аъмоли, пайғамбарнинг ҳаёти, феъл-атвори билан боғлиқ диққатга сазовор воқеалардир. Жумладан, Шис алайҳиссалом қиссасида ҳикоя қилинишича, унга бўзчилик хунари ато қилинган. Шундан сўнг мутасаввуф Шақиқ Балхий билан бир бўзчи ҳикояси берилган бўлиб, Шақиқ Балхий бу бўзчини тасаввуф йўлини давом эттиришга даъват қилади.

Ёки Идрис алайҳиссалом қиссасида воқеалар баёни куйидагича: унинг исми Ахнух, кўп сабоқ олгани учун Идрис деб ном олган. Дастлаб либос кийган ҳам у, танасига игна санчганларида ҳам тасбиҳ айтган ҳам у эди. Жамики инсониятнинг тоат ибодати қанча бўлса, Идриснинг тоати ҳамма инсонларники билан тенг эди.

Идрисга оид бу таърифдан сўнг фариштанing Идрисни синовига оид воқеа келтирилади. Фақат Идрисга Мавло абадий яшаш ҳуқуқини берган.

Рабғузийнинг барча пайғамбарлар тўғрисидаги қиссалари ҳажман ва тузилиш жиҳатидан бир хил эмас. Айтайлик, Нух пайғамбар қиссасида ҳикоя қилинган воқеалар яҳудий ва ислом манбаларида кенг тарқалган анъанавий Тўфон афсонасидан кескин фарқ қилмайди. Ёки Шис, Солиҳ алайҳиссалом қиссалари тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин – воқеалар қисқа, мазкур пайғамбарларнинг ҳаётидан бир-икки лавҳани ҳикоя қилиш билан чекланилган. Иброҳим ва Юсуф қиссалари эса воқеалар камровининг кенглиги билан алоҳида ажралиб туради. Зотан, бу қиссаларда Рабғузийнинг маҳорати ҳам, мафқураси ҳам, фалсафий қарашлари ҳам аниқ юзага чиқади. Бу қиссалар бир неча жанрлар кесишувида яратилган деб айтиш мумкин. Жумладан, Иброҳим қиссаси фақат Иброҳим ва Сорага оид воқеалардан иборат эмас,

балқи ишончли манбалардан ташқари, халқ орасидаги ривоятларни ва афсоналарни, бошқа пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни ҳам бу қиссага олиб киради. Қиссанинг энг диққатга сазовор жиҳати - Иброҳимнинг туғилиши лавҳасидир. Мусо ва Исо туғилганда, ҳукмдорлар туш кўриб, ёки башоратчиларнинг сўзларига ишониб, мамлакатда чақалоқларни қирғин қилган эдилар. Худди шу воқеа “Қисаси Рабғузий”да Иброҳимнинг туғилиш лавҳасига кўчирилган. Бу воқеалар ва мажусий Намруд ва Иброҳим ўртасидаги баҳс-мунозаралар, бугунгунча оқибатида Намруднинг ҳалокати шуни кўрсатадики, Рабғузий қисса жанрига фалсафий, ахлоқий-маънавий қарашларини сингдирди.

Қиссанинг сюжети ҳам ўзига хос. Намруднинг ҳалокати билан қисса сюжети ниҳоясига етгандай таассурот қолдиради. Аммо қиссанинг кейинги воқеалари ривожини Иброҳим образининг тўлақонли чиқишига имкон берган. Зотан, Исмоил, Исҳоқнинг онаси Сора, Исҳоқнинг хотини Руқъа ва уларнинг фарзандлари Ияз ва Ёқуб, Иброҳим ва Соранинг вафоти воқеалари бу қиссани бир неча сюжет чизиклари орқали яратишга асос бўлди.

“Қиссаи Юсуф Сиддик алайҳиссалом” (соддарок шаклда Юсуф қиссаси ҳам дейилади) худди Иброҳим алайҳиссалом ҳақидаги қисса сингари кўп сюжет чизикларига эга. Юқорида Юсуф қиссаси энг гўзал қисса экани тўғрисида айтган эдик. Қиссанинг тузилишида, воқеалар ривожиди ҳам ўзига хослик бор. Бу ўзига хослик, биринчи навбатда, мазкур қиссанинг ҳажман катталиги бўлса, иккинчидан, қисса таркибида бир қатор жанрлар – ғазал, латифа, ҳикоят ва тўртлик шакли бор. Ҳар бир жанр Юсуфнинг бирон қиррасини – одамийлик сифатларини, эътиқодини, тенгсиз ва такрорланмас ишқ эгаси эканини очади. Қолаверса, Рабғузий ўзининг шоирлик маҳоратини ҳам шу қисса орқали намоён қилди.

“Қисаси Рабғузий”даги Юсуф қиссаси – ўзбек адабиётида алоҳида ҳодиса. Қисса жанри талабларини тўлиқ ифода этади. Қисса таркибида бир қатор жанрлардан истифода этишдан Рабғузийнинг мақсади бор. Мақсад шундан иборатки, Рабғузий эпик асар қаҳрамонининг – Юсуфнинг тўлақонли, мукаммал образини яратиш ва қиссанинг барча жанрларида баён қилинган воқеаларни Юсуф образига бўйсундиришдир. Шу боис Рабғузий Юсуфнинг таржиман холини хронология бўйича ҳикоя қилмайди, қайси воқеа ёки детал Юсуфнинг бирон қиррасини очадиган бўлса, ўша воқеани келтиради. Масалан, қиссанинг аввалида Юсуфнинг

кейинги ҳаётига оид воқеалар - унинг гўзаллиги, хушхулқлиги, отасининг суюкли фарзанд экани, тушларни таъбирлаш қобилияти борлиги, ўғай акалари унга ҳасад қилиб, солиб юборганлари ва ниҳоят, Миср юртида ҳоким бўлгани баён қилинган шеър (ғазал) келтирилади. Бу шеърни Юсуф қиссасининг эпиграфи деб айтиш мумкин. Айни пайтда Шарқдаги барча “Юсуф” ва “Юсуф ва Зулайҳо” қиссаларининг асоси бўлган мана шу сюжет “поэтик ўзлаштириш”нинг маҳсулидир. Ана шу ўзак сюжет орқали китобхонда Юсуф қиссасининг анъанавий сюжети ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Юсуфнинг изчил ҳаёти билан боғлиқ воқеалар шу шеърдан кейин бошланади.

Ўзбек қиссаларининг, хусусан, “Қисаси Рабғузий”даги қиссаларнинг юзага келишида Шарқнинг диний адабиётидаги, хусусан, Қуръон сюжетларининг таъсир этгани аён ҳақиқат. Айни пайтда Шарқ адабиётига бошқа манбалар – халқ оғзаки ижоди ҳам таъсир этди. Масалан, “Қисаси Рабғузий”даги Юсуф қиссаси ва кўплаб “Юсуф ва Зулайҳо” дostonларидаги бегуноҳ йигит ва ёмон хотин ҳақидаги сюжетларнинг илдизи Рамзес даврида шаклланган Миср адабиётида бор эди. Бу эртак жанрига мансуб бўлиб, “Тўғрилиқ ва эгрилик ҳақида эртак” деб номланади. Эртакда ҳикоя қилинишича, ёмон хотин ёш йигитни йўлдан урмоқчи бўлади. Аммо адолат ғалаба қилади ва йигитнинг бегуноҳлиги ўз исботини топади.

Асардаги қисса жанрининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, бирон воқеа-ҳодиса ҳақидаги ҳикоя ёки ривоятни ҳам Рабғузий “қисса” деб атайди. Масалан, “Қиссаи бинои Каъба”, “Чугуртка қиссаси”, “Таврот қиссаси” кабилар шулар жумласидандир. Бу қиссаларда воқеаларни баён қилиш усули пайғамбарлар ҳақидаги қиссаларга монанддир: воқеалар кенг камровли, энг муҳим воқеалар баён қилинади ва уларга урғу қаратилади.

Ҳикоят. Бу жанр қиссаларнинг таркибида берилган. Рабғузий қиссанинг қаҳрамони – бирон пайғамбар ёки бошқа шахснинг ҳаётидаги бирон воқеани тасдиқлаш, китобхоннинг диққатини жалб қилиш учун ўша воқеа мазмунига ҳамоҳанг ҳикоят келтиради.

“Қиссаси Рабғузий”да қиссалардан кўра ҳикоятлар кўп. Ҳикоятларнинг баъзилари бирон пайғамбарнинг сифати ва мўъжизавий кудратини тасдиқлаш учун келтирилган. Масалан, Исо алайҳиссалом қиссасида Исонинг хасталарга шифо бериш,

ўликларни тирилтириш кудратини тасдиқлаш мақсадида Рабғузий бир ҳикоят келтиради.

Исо бир хумдан сув ичган эди, сув аччиқ экан, тўкиб ташлади. Сўнг ариқ сувидан ичган эди, сув чучук экан. Ҳайрон бўлиб сўради: “Ариқ суви чучук, хумнинг суви аччиқ. Бунинг ҳикмати нимада экан?” Шу лаҳзада: “Хумдан сўра”, деган нидо келди. Оллоҳ Таоло хумга тил ато қилди ва Исо бояги саволини берди. Хум шундай жавоб берди: “Мен инсон эдим, ўлдим. Кўп йиллар ўтди. Этим, танам, суякларим чириди, тупрокқа айланди. Ўша тупрокдан хум ясадилар. Сувнинг аччиғи жоннинг аччиғидир”. Айишларича, Исога бир хилда туриш раво эмас эди. У юрганда, хасталар манфаат топар эдилар. Исо қачон ҳаракатда бўлиб, юрганда, халойиқ озор топар эди.

Ёки Исо ҳақидаги бошқа бир ҳикоятда унинг фақирликни ихтиёр қилгани баён этилади. Инсонлар мол-дунё ташвишида умрини беҳудага ўтказишлари ақлдан эмас деган ўғитни илгари суради, фақирлик улуғланади.

Бир куни Исо чўлга чиқди. Инидан чиқаётган бир тулкини кўрди. Исо айтди: “Тулкининг уйи бор, Исоники йўқ”. Одамлар бу гапни эшитиб: “Биз сенга бир уй қуриб берайлик”, дедилар. “Молим йўқ”, деди Исо. Одамлар мол йиғдилар, сўрадилар: “Қаерда қурайлик?” Исо денгиз қирғоғига борди ва “Қумнинг устига қуришлар”, деди. Одамлар айтдилар: “Қум устида уй турадимиз?” “Оқил одам бу дунёда уй қиладими?!” деб жавоб берди Исо.

Рабғузий бу ҳикоятни келтириш орқали уй қуришни эмас, балки ҳашаматлиликни қоралайди, инсон ҳашамат билан яшар экан, бунинг оқибатида инсон кўп нарсадан – эътиқод, мақсад, кўпчиликка манфаат келтириш, руҳий собитлик, маънавий уйғоқликдан маҳрум бўлади, деб айтмоқда. Исо ана шу фазилатларни ўзида мужассам этган солиҳ зот эканини таъкидламоқда.

Айрим ҳикоятларнинг тузилиши, баён усули эса эртақларникига ўхшайди. “Қиссан валодати Муҳаммад Расулulloҳи Саллаллоҳу алайҳи ва саллам”да Муҳаммад а.с.нинг дунёга келишига оид ҳикоят бор. Бу ҳикоятни уч қисмга бўлиш мумкин.

Ҳикоятнинг биринчи қисми худди эртақларнинг бошланмаси сингари макон тасвири билан бошланади: “Шом вилоятиндаги маликнинг бир Фотима отлиғ қизи бор эрди”. Ҳикоядаги бундан кейинги воқеалар сафар (Фотиманинг куллари ва хизматкорлари билан молу бойликларини туяларга юклаб, Маккага келиши) мотивини эслатади. Воқеалар ривожиди ғайритабиий детал – Абдуллоҳнинг кўлидаги нур алоҳида тасвирланади, Фотима ўша нур илинжида Абдуллоҳга, менга уйлангин, деб таклиф қилади, аммо нур Абдуллоҳдан ўз завжаси Аминага ўтиб қолади ва Амина юкли бўлади. Шу орада Абдуллоҳ вафот этади. Абдуллоҳ вафотидан кейин Амина ўғил туғади. Ўғилнинг туғилиш лавҳаси ғаройиб тарзда берилади: жамики фаришталар ўғил туғилиши арафасида ҳавода йиғилиб турадилар. Фаришталар оламнинг фахри ана шу туғилажак чақалоқ эканини башорат қиладилар. Чақалоқ ўғил туғилганда, бир парча оқ булут тушиб, уни осмонга олиб чиқиб кетади.

Худди шу воқеадан сўнг Рабғузий воқеани тамомила бошқа томонга буради. Бу воқеани киритма ҳикоя деб атасак тўғрироқ бўлади. Бир парча оқ булут тушиб келиб, чақалоқ Муҳаммадни осмонга олиб чиқиб кетгандан кейин Муҳаммаднинг сифатлари Тавротда, Забурда, Инжилда баён қилингани, оқ булут доимо Расулга умри давомида ҳамроҳ бўлгани, Расулнинг онаси Амина аммаси Отикага юз берган воқеаларни – ўғли билан боғлиқ мўъжизаларни ҳикоя қилиб бергани ва Расулнинг кейинги ҳаётига оид кўп воқеалар ҳикоя қилинади (2-жилд, 104-105). Гуноҳкор бандалар минг йил кофир бўлганда ҳам, бир соат Муҳаммадга эргашса, гуноҳлари ювилиб кетиши ҳақидаги воқеа билан Рабғузий киритма ҳикояни ниҳоясига еткази.

Ана шу ўринда Рабғузий ҳикоячиликдаги маҳоратини намоён қилади. У мазкур ҳикояни қолган жойидан – оқ булут чақалоқни осмонга олиб чиқиб кетган жойидан “келдук баёқи сўзга” дея давом эттириб кетади: “Ул замонким, Муҳаммадни булут келтурди. Амина ўғлонга эмукин берайин теди эрса, олмади”. Ҳикояда баён қилинишича, чақалоқ онасини йигирма беш кун давомида эммагандан кейин, Амина қайғуриб оламдан ўтди. Ўғилни дояга бердилар.

Маълум бўладики, Рабғузий шу биргина ҳикояга бир неча воқеаларни, кўп деталларни олиб киради. Барча воқеалар ва деталлар ҳикоятни эртақ жанрига яқинлаштиради. Эртақларда кўп

учрайдиган баён усули (“энди сўзни фалон подшоҳдан эшитинг” ёки “энди гапни фалончидан эшитинг” каби) орқали Рабғузий мазкур ҳикоятни бир неча сюжет чизиқли қилиб яратишга эришган.

Рабғузий қиссалар таркибига ҳикоятларни олиб кирар экан, ҳикоялар сюжетига афсонавий руҳ ва мазмун сингдиради, ҳикояларнинг дидактик моҳиятига алоҳида урғу қаратади. Бу билан Рабғузий ўз асарига ҳикояларнинг ранг-баранглигини таъминлаган, бадий асарнинг муҳим адабий категорияларини — муаллиф позициясини, ҳис-туйғуларни, мавзунини, яъни ахлоқий, фалсафий муаммоларни, ғояни шакллантирган. Айниқса, эътиқод ва бадий асар бутунлигини таъминлашга эришган. Нуҳ алайҳиссалом қиссасида баён қилинган куйидаги ҳикоят айтиш мақсадларни гавдалантиради:

Нуҳнинг бир қизи бор эди. Бири қизига совчиликка келди. Берсаммикан, деб ўйлади. Яна бир келди, бунга берсаммикан, деди. Хуллас, тўрт совчи келди ва ҳаммасига беришни ихтиёр қилди. Ҳаммалар қизни олиб кетгани келдилар. Нуҳ алайҳиссалом қайғуга ботди. Уйига кирди. Уйида бир қиз ити ва бир моча эшаги бор эди. Худонинг қудрати билан иккаласи ҳам қиз эди. Худо жаннатдан бир ҳурни берди. Тўртгала қизни Нуҳ тўртта куёвга берди. Қизларнинг ҳаммаси бир-бирига жуда ўхшар эди. Ўзининг қизини таний олмади. Бир неча кундан кейин совғалар олиб, қизларини кўргани келди. Бир куёвидан сўради: “Жуфтинг билан муносабатинг қандай?” “Яхшиман, аммо у емайди, ичмайди”. Нуҳ билдики, у ҳур экан. Иккинчи куёвидан сўради: “Жуфтинг билан муносабатинг қандай?” Куёви: “Қанжиг экан”, деди. Нуҳ билдики, ит экан. Учинчи куёвидан сўради: “Жуфтинг билан муносабатинг қандай?” Куёви: “Ўйди, ичади. Эшакдай ётаверади”. Нуҳ билдики, у моча эшак экан. Тўртинчи куёвидан сўради: “Жуфтинг билан муносабатинг қандай?” Куёви деди: “Мен ундан мамнунман, пайғамбарлар уруғидан экан”. Нуҳ алайҳиссалом билдики, буниси ўзининг қизи экан. Олиб келган совғасини унга берди.

Ривоят. Қиссалар таркибида қўлланадиган сермахсул жанрлардандир. Рабғузий келтирган ривоятлар мавзу жиҳатидан турлича бўлиб, асосан, ҳажм жиҳатидан ҳикоятга нисбатан каттароқ, ривоят қахрамонининг мўъжизаларини, унинг ҳаётига оид воқеаларни баён қилади. Ривоятда маълум даражада тарихийлик

тамоийили бўлади. Шунингдек, афсонавий-эпик руҳ ривоятларнинг муҳим таркибий қисми сифатида ҳам намоён бўлади. Солиҳ ялавоч қиссасидаги ривоят айнан шундан дарак беради. Рабғузий Солиҳ ялавочни ва унинг фаолиятини ҳикоя қилар экан, у одамларнинг кўйларини ва йилқиларини ҳуркитиб, ҳадеб безовта қилаверадиган туяни ким ўлдиришини башорат қилади. Қиссанинг таркибидаги ривоят айна шундан бошланади. Ривоятнинг бошланишида Солиҳ ялавоч башорат қилган “қизил юзли, сариқ сочли, чақир кўзли” одам туяни ўлдиради деб қилган башорати оқибатида одамлар шу ранг ва қиёфада туғилган болани ўлдираверадилар. Охири Солиҳ ялавоч билан туяни ўлдирган одамлар ўртасида зиддият келиб чиқади ва одамлар Солиҳни ўлдириш пайига тушадилар. Ривоят баёни давомида Солиҳнинг мўъжизалари, унинг азиз муқаррам ялавоч экани далиллар билан кўрсатилади.

“Қисаси Рабғузий”даги ривоятларнинг бир тури борки, ақидалар ва удумлар ривоятга асос бўлган. Ривоятда воқеаларнинг баёнидан кўра, маълум удумларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва омиллари асосий ўрин эгаллайди. Масалан, Одам алайҳиссалом қиссасида қурбонлик удумларининг пайдо бўлиш сабабларига оид ривоят шундан далолат беради (1, 28-б.).

Рабғузий айрим ривоятларга айнан тарихий далилларни юклайди. Масалан, Нуҳ алайҳиссалом қиссасида инсониятнинг пайдо бўлиш тарихига оид ривоятни келтирар экан, бу ривоятни Рабғузий Каъбнинг асаридан олиб келтиради. Ривоят эпик сюжетга эга бўлмай, фақат Каъбнинг хулосаларидан иборатдир (1,46-б.). Рабғузий Каъбнинг асарида келтирилган маълумотлар ривоят хулосаси учун кифоя деб билгани сабабли воқеаларни баён қилишни лозим деб билмаган.

Рабғузий ривоят жанрига алоҳида урғу бериб, бу жанрга дидактик мазмун юклайди. Айна пайтда ривоятнинг ишончли эканини тасдиқлаш мақсадида, бир томондан, ривоятни турли ишончли манбалардан келтиради, иккинчи томондан, қиссада баён қилинаётган воқеаларга аниқлик киритиш мақсадини ривоят намоён этади. Юсуф қиссасида келтирилган ривоят бунга яққол далилдир. Ривоятни Рабғузий икки қисмга бўлиб берган: ривоятнинг биринчи қисмини Абдуллоҳ ибн Аббосдан келтиради. Унинг асаридан келтирилган ривоят Юсуфнинг ва Ибн Яминнинг тақдири ҳақида кўп асарларда баён этилган анъанавий сюжетни тўлдиреди, шарҳлайди: Ёқубнинг Юсуф ва Ибн Ямин тақдири

ҳақида Азроилга берган саволлари, Азроилнинг Ёқубга Юсуф ва Ибн Ямин бегуноҳ ва айбсиз эканлари ҳақида берган хабари бер кун Ёқуб иккала ўгли билан кўришуви муқаррар экани тўғрисидаги воқеалардан иборат. Ривоятнинг бу қисми тугалланмасида Рабғузий куйидаги ўғитни беради: “Одам болалари насибаси келишини биладилар, аммо қачон келишини билмайдилар, кўркувлари шундандир” (153-б). Бу ривоятдан кейинги – қиссанинг таркибига кирган воқеалар Юсуфнинг Мисрдаги мавқеи, Ёқуб ўғилларини Мисрга дон олиб келиш учун юбориши, Юсуф саройининг тасвири, Ёқуб ўғиллари Ибн Яминни қайтариб беришни сўраб Юсуфга қилган илтижоларидан иборатдир. Қисса воқеалари билан кейин келтирилган ривоят узлуксиз давом этган.

Рабғузий “ривоят” деб алоҳида таъкидлашига сабаб шуки, бу ривоятнинг манбаи бор. Манба - Абдуллоҳ Ҳорис Ибн Навфал асаридан келтирилган воқеалардир. Ривоятда баён қилинишича, Юсуфнинг Ибн Яминни сўраб қилган илтижолари беҳуда кетди. Акалар Юсуфдан Ибн Яминнинг тақдирини сўраганда, шундай жавоб берди: “Уни сотдим, битик олдим, мана ўша битик, у иброний тилида, биз ибронийчани билмаймиз, ибронийча – сизларнинг тилингиз, ўқинглар, биз ҳам эшитайлик”. Ака-укалар битикни бир-бирларига узатдилар, биронтаси ўқимади, “Биз ўқишни билмаймиз”, деб жавоб бердилар. Юсуф уларга: “Нега ўз тилингизни билмайсизлар?” деб эътироз билдирди. Охири Яҳудо тилида, ҳамма саргузаштлар маълум бўлди. Битигда Юсуфни молик Заърга сотганлари ҳақида ёзилган эди. Юсуф: “Ҳозиргача бўри еган дер эдингиз, у сизларнинг туғишганингиз экан; қариндошни сотмоқ раво бўлурми?” деб ҳаммаларини тутишга амр берди. Юсуф уларни азоблаб ўлдиринглар, токи бошқаларга сабоқ бўлсин, дея фармон қилди. Юсуф акаларининг сўнгги илтимосини – бугдой беражagini ва қолган ишларини эртага амалга оширувини айтди.

Бу воқеа бошқа муаллифларнинг “Юсуф” қиссаларида учрамайди. Рабғузий мазкур ривоятни келтиришидан мақсад – инсонларни тўғри йўлга бошлашдир. Шу боис ҳам ривоят сўнггида мазкур ривоятнинг хулосаси сифатида куйидаги ўғит келтирилади: “Шу тариха киёмат кунини Мавло Таоло ҳамма бандаларни дўзах ўти билан кўрқитади, бандалар азобни кўрадилар. Шундан кейин ўз фазилатлари билан жаннатга кирадилар” (1, 157-б.).

Келтирган ривоятлар, гарчи афсоналар мазмунига монанд бўлса ҳам, деярли ҳаммаси бирон манбадан олингани учун Рабғузий ривоят жанрига мансуб деб қарайди ва албатта, ривоят терминини ишлатади. Кўпроқ ривоятларни у Ваҳб ибн Мунаббихдан келтирган. Бунинг сабаби шуки, “Қисаси Рабғузий”нинг яратилишида асосий манбалардан бири Ваҳб ибн Мунаббихнинг асари бўлди. Қолаверса, Ваҳб ибн Мунаббихнинг “Қаъб ул-ахбор” асари Шарқ адабиётидаги пайғамбарлар тарихини, хусусан, Библиянинг Эски Аҳд қисмидаги пайғамбарлар тарихини яхши билган, манбалардан яхши хабардор бўлган.

Шеърый жанрлар. “Қисаси Рабғузий”даги бу жанрлар ҳар бир киссада бор. Қиссалар, одатда, шеър билан бошланган. Асардаги барча шеърларнинг муаллифи Рабғузийнинг ўзидир. Рабғузий киссалар дебочасида пайғамбарларнинг ҳаммасига шеър билан таъриф беради. Ҳар бир пайғамбарга хос фазилят, лаъқат, Худо инъом қилган қобилиятларни баён қилади. Сўнгра ана шу шеърда пайғамбарга берилган таъриф-тавсифларни кисса давомида шарҳлайди. Қиссаларда бирон пайғамбарга оид воқеалар билан шеърда келтирилган воқеалар, таърифу тавсифлар ҳамохангдир. Жумладан, “Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом киссаси”даги шеърга мурожаат этайлик:

Довуд ўғли ул Сулаймон Тенгримизнинг совчиси,
Ер улоғлиқ шоҳ эдию ҳам учар куш элчиси.
Одамий, учқан, югурган, дев, пари, ҳам ел, булут,
Оғулуг бўлсун озиглиг барча анинг ишчиси.
Кўзи тўрт юз қангли эрди кунда кушлуг ошига,
Борғусида кур арслон, бўри, қоплон кўйчиси.

Тупучок отнинг уруғи қолди андин дунёда,
Тилда хужжат, танда хидмат, қўлда мулкат камчиси.
Ўзи “нимаъл абду” атанди ҳам ялавоч ҳам малик,
Йўлдин озғанларға эрди ўзи ужмох йўлчиси.

Рабғузий шеърый жанрларни фарқлайди ва ҳар бирини ўз номи билан атайди. Келтирилган шеър қофияланишига кўра газални эслатади. Аммо Рабғузий мазкур шеърга нисбатан *газал* терминидан истифода этмайди, балки *шеър* деб атайди. Ёки “Қиссаи Нуҳ набий алайҳиссалом”да киссанинг бутун мазмунини ўзида мужассам этган

шеър бор. Бу шеър ҳам шаклан - қофияланиши жихатдан ва мазмунан худди юкоридаги шеърнинг айнан ўзи. Рабғузий бу қиссада ҳам шеър терминини ишлатади. Шу туркумдаги айрим шеърлар мактаида Рабғузий тахаллус келтиради. Қуйидаги

Рабғузий Носир таянма тунла кундуз инграшиб,
Сайрағил, сучук тилиндин сўз чиқар сўзлар соғи (2, 197-б.)

ғазал мактаи бунга бир мисолдир. Рабғузий нима учун бу туркумдаги – айнан қиссалар бошланмасидаги шеърларга ғазал терминини қўлламайди-ю айнан ғазал термини остида берилган байтлар унингча ғазал ҳисобланади? Рабғузийнинг шеърини жанрларга қараши мавжуд анъанавий усуллардан келиб чиққан. Ғазал мактаида тахаллус қўлламасдан мазкур жанр талабларига риоя қилинган шеърлар ўзбек адабиётида бор.

Рабғузий ғазал терминини айнан мазкур жанр талабларига жавоб берадиган шеърга нисбатан қўллайди. Юсуф қиссасида ғазал термини остида келтирилган жанр бунинг ёркин мисолдир. Бу ғазални Зулайҳо Юсуфнинг фироқида ўртанганда айтган.

Ғазал

Жилва бирла солну чикган ол янгоқлиғ ёни қор,
Кўзлари юлдуз, юзи кун, оlines кўкнинг ойидин.

Кўрсаюрман кўркингизни кўргу бўлмас кўзгинам,
Кўрк закотин берки вожиб қилса кўркнинг бойидин.

Қош отиб кўнглумни олган жон кўларсиз берайин,
Ул нетак ошиқ бўлурким, қайтса маъшук раъидин.

Ногаҳон бир кубла қўлсам ўфқа бирла ҳойқирар,
Жон бериб ўлгай телим ул жумла килгон ҳойидин.

Рабғузий кул Носируддин таъби турлук сўз тузар,
Гулчираб усрук ўлай кўз боқса қуймоч қошидин (1. 126-б.).

Мазкур ғазал мактаида Рабғузий тахаллусини келтиряпти. Аммо эътибор берсак, ғазал жанри қоидаларига хилоф коидани кўрамыз. Бу – ғазалнинг матлаи қофияланмаганидир, яъни ғазалнинг қофияланиш тизими *а-а, б-а, в-а* шаклида бўлиши лозим эди. Матласи қофияланмаган шеърни Идрис алайҳиссалом киссасида ҳам учратамыз. Эҳтимол, ғазалнинг матлаи кўлэмани кўчириш жараёнида тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

Чамаси, *ғазал* термини остида Рабғузий мазкур жанрга оид ҳамма шеърларни жамламаган. Жумладан, яна Юсуф киссасида “шеър” термини остида муламмаъ санъатининг намунаси сифатида ғазал берилган. Шеър мактаи

Рабғузий Носир кўрурса юз ўвурмас ишқдин,
Бек неча бушуб сўкарса қул қачон кўнглин кесар (1, 116-б.).

мисраси билан тугайди.

Рабғузий ўз асарида истифода этган шеърларга турли терминларни ишлатган. Жумладан, у байт термини остида асосан тўртликларни келтиради. Мазкур тўртликлар тўрт ёки саккиз мисрадан иборат, қофияланиш тизими *а-а-б-а* ёки *а-а-а-а* шаклида. “Қиссаи забиҳи Исмоил алайҳиссалом”да келтирилган икки тўртлик (1,78,79-б.), “Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳиссалом”да берилган саккиз мисрадан иборат тўртлик (1,101-б.) шунини тасдиқлайди. Айрим ҳолларда икки мисрага нисбатан байт терминини қўллайди (Алишер Навоий ҳам икки мисрага нисбатан байт терминидан истифода этган ўринлар бор). Бу байт фард мазмунини ўзида ифода этади. Масалан, “Қиссаи забиҳи Исмоил алайҳиссалом”да куйидаги байт фард хусусиятига эга бўлиб, тақдирда бўлмаса, бирон ўзгариш бўлмайди деган маънони ифода этади:

Сувда турған от боласи неча бўлса ул кичик,
Кенг денгизнинг суви ани элту-мас (1, 78-б.).

Рабғузийнинг ижодида энг муҳим ўрин эгаллаган шеърый жанрлардан бири – баҳориётдир. Рабғузий “Қиссаи Юсуф сиддиқ алайҳиссалом”да “баҳориёт” деган ном билан Наврўз байрамига бағишланган ғазални келтиради. Рабғузийнинг бу ғазалида табиат, бутун ер юзи уйғонган ва безанган, дилларга хушнудлик бахш

этадиган фасл экани, баҳор фаслининг жамики кўрк-таровати тасвирланади. Шу боисдан ҳам Рабғузий “баҳориёт” деб ном берган.

Хуллас, Рабғузий бу асаридида келтирган шеърӣ жанрларнинг кўпчилиги ғазал жанридан, сўнгра тўртликлардан иборат.

Латифа. Бу жанр асарда асосан, “Қиссаи Юсуф сиддик алайҳиссалом”да келтирилган. (1, 117,127-б.) “Латифа” термини остида ҳикоя қилинган воқеаларнинг ҳозирги латифа, яъни юморга йўғрилган, кулгили воқеаларга алоқаси йўқ. Аксинча, латифаларда мўъжизавий воқеалар ҳикоя қилинади. Бунинг устига, мўъжизавий воқеа муҳим хулосаларга, ўғит ва ҳикматлар келиб чиқишига омил бўлади. Мазкур жанрнинг асосий белгиси шулардан иборатдир.

Биринчи латифа Юсуфнинг дуоси туфайли бир катор мўъжизалар юз бергани ҳикоя қилинади. Ҳикоя қилинишича, Молик Заър Юсуфга арз ҳолини баён қилди:

“Эй Юсуф, сенга бир ҳожатим бор...Молим кўп, аммо амолим йўқ. Куруқ йиғочман, бутогим йўқ. Сендан дуо, ҳақдин уманчим бор”. Юсуф Молик Заърнинг илтижосини эшитиб, қўлларини кўтариб дуо қилди: “Эй давлат тожин бошинга уруғли, эй мазаллат жавонин эгнига кизукли, кузи тушганларни юқору кўтурган, ура кўпанларни юмурган, берга сан, олган сан. Бу абушкаға ўғуллар каромат қилғил”.

Юсуфнинг дуоси ижобат бўлиб, Малик Заър ўн икки чўрисидан бир кунда эгизак ўғил – йигирма тўрт ўғил кўрди. Латифа сўнгида чўриларнинг Малик Заърга қилган илтифотларини Рабғузий қуйидаги ҳикмат орқали яқунлайди:

“Қамуғ тўнлар йигна бирла тикилур, азинларни ўртар, аммо ўзи яланг қолур, ё кенду чироғ менгизлик ўзи ёнар, ўзгаларга ёруқлук берур” (1, 119-б.).

Рабғузий бу ҳикматни чўрилар орқали Молик Заърнинг илтижоси ва орзуси ушалиб фарзандли бўлгани, чўриларнинг ўзлари эса игна сингари ёлғиз колганига ёки чироқ сингари ўзлари ёниб, Молик Заърнинг ҳаётини шод-хуррам қилганига ишора этмоқда.

Иккинчи латифа Юсуф ва Зулайҳо ўртасидаги можаро ҳақида хикоя қилади. Юсуфнинг ишқида ёнган Зулайҳо эри Азизи Мисрга Юсуф устидан тухмат қилди. Латифадаги воқеалар баёнида ким ҳақ ва ким ноҳақлигини Зулайҳо чўрисининг тўрт ойлик бешиқда ётган ўғли, “Зулайҳо – ноҳақ, Юсуф эса ҳақ” дея ишорат билан гувоҳлик беради. Латифа сўнгида Рабғузий тўрт ойлик чақалокнинг ишорат орқали гувоҳлик бергани ниҳоятда мақбул иш бўлганини фойдали маслаҳат сифатида келтиради. Сўнгра кимдир ўз гуноҳини бошқа бировга юкламоғи бандаларга ҳам, Яратганга ҳам хуш келмаслигини айтиш билан бир қаторда, гуноҳни бошқаларнинг олдида ошқора айтмоқ ҳам инсонийликнинг аломати эмаслигини, гуноҳкор ва бегуноҳни ажрим қилишда ақл билан иш кўриш лозимлигини Рабғузий шундай хулосалайди:

“Эй мўъмин, ўз ёзукингни ўзгаларга юкламагил, юкларинг эрса Мавло ўғлонтек анинг ариғликин билгуртгай, сени расво қилгай...Ўнгинда кимарсанинг айбини очмагил. Юсуфга зарурат бўлмагунча, “Сизларнинг макр ва ҳийлаларингиз улуғдир”, демади. Яна ўғлон тануклук берди эрса, равшан айтмади, ўртуклук айди. Азизи Миср ўзи англади” (1, 128-б.).

Ҳар иккала латифа ўзбек адабиётидагина эмас, балки туркий адабиётда мазкур жанрнинг мазмунан тамомила янги намунаси бўлиб, дидактик адабиётнинг узлуксиз давом этганини кўрсатадиган далилдир.

Ҳикмат. “Қисаси Рабғузий”да ҳикмат шакл томондан ривоят, хикоят жанрларидан фарқ қилмайди. “Қисаси Рабғузий”даги ҳикмат “билимдонлик”, “донишмандлик” маъносидан ташқари, “сир” маъносида ҳам ишлатилган, шу боис Рабғузий ҳикматларида фалсафий мазмун етакчилик қилади.

Рабғузий ҳикматга ўз асарида алоҳида урғу беради ва ҳикматни қисса жанрининг калити сифатида талқин қилади – қиссадаги маълум бир воқеанинг сабаб ва натижасини очиш, унинг моҳиятини китобхонга етказиш учун ҳикмат келтиради. Асосий гап – ҳикматнинг мақсадида, “сир”ни ўқувчига етказишда. Бу ҳикматларда жавонмардлик ва фақирликни улуғлаш ўз ифодасини тошган. Илк ҳикмат “Қиссаи Одам сафий алайҳис-салом”да бор. Рабғузий бу қиссада Одам алайҳиссаломнинг жаннатга кириш сирини нимада эди, деган саволга жавоб берар экан, “мўминларнинг

танини, молини сотгин олиб, ужмох (жаннат) бергусини, кўрулмаган нарсани байъ (савдо) қилмоқ шариятда раво бўлмас теб ужмохга кивур (кирит)"гавларини (1, 22-б.) асосий сабаб қилиб кўрсатади. Бу масалада уламолар ўртасида ихтилоф борлиги ҳақида ҳам хабар бериб ўтади.

Рабғузий ўз ҳикматлари "сир"ини фақат савол ва жавобларда кашф қилади. Ҳикматларнинг жанрий белгилари савол ва жавоблардадир (1; 24, 25-б.).

Айрим ҳикматларда бирон тоифанинг аломатлари билан тарихий воқеа ва тарихий шахсларнинг сифатлари уйғунлаштирилади. Луқмони ҳаким валийларнинг аломати ҳақида сўз юритган ҳикматда айни шуни кўриш мумкин. Луқмони ҳаким куйидаги учта аломатни валийларга хос деб айтади: биринчиси - жавонмардлик, иккинчиси - ёмон хулқдан, ҳасад ва киндан халос экани, учинчиси - уламо ва фузалолар билан дўстлиги. Айни пайтда бу уч аломатни Муҳаммад а.с. ҳаётига боғлайди:

Билгилким, Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн ал-Хаттоб ризияллоху анхумо Расул алайҳиссаломнинг қайин оталари эрдилар. Ойша ва Ҳафса йўлиндин. Яна Усмон ва Али ризияллоху анхумо куявлари эрдилар. Усмон ризияллоху анху Рукайя сабабидан. Ул вафот бўлди эрса яна Умми Кулсумни берди. Анинг учун Зуннурайн атанди. Яна Али ризияллоху анху Фотима йўлиндин куяв эрди теб аймишлар.

Бу ҳикмат савол ва жавоб асосига қурилмаган. Гарчи шундай бўлса-да, Муҳаммад а.с.нинг сифатлари валийларда бор эканига ишора қилгани ҳикматларни бирлаштиради.

Бошқа кичик жанрлар. Хабар. Хабар жанрини кўздан кечириш шуни кўрсатадики, асардаги бирон пайғамбарга оид қиссада айтилмаган кичик воқеалар баён қилинади ёки хабар берилади, шу тарика қаҳрамонларнинг бирон муҳим қирраси очилади. Ғайритабиий воқеалар, мўъжизалар ҳам айрим хабарларда баён қилинади ва шу орқали қисса қаҳрамонлари — пайғамбарларнинг тўлиқ қиёфаси яратилади. Масалан, Нух пайғамбар ҳақидаги қиссада одамлар солиҳ бўлмаганлари учун уларга кирқ йил давомида ёмғир ҳам берилмади, фарзандлар

туғилмади, одамлар, йилкилар кирилиб кетди. Рабғузий шу воқеадан сўнг “Хабарда андоғ келур” дея хабар келтиради:

“Авж ибн Унуқ тўфонда ҳалок бўлмади. Анинг учунким, дайёр жумласиндин эрмас эрди. Дайёр – эвлук – барқилиғ темак бўлур. Авжнинг барки йўқ эрди, тенгизлар атоғинда турур эрди. Тўфон суйи тизинга ошмади”.

Хабар жанрига оид воқеа шундан иборат. Ҳали тўфон воқеасини Рабғузий ҳикоя қилмаган бўлса ҳам, юқоридаги воқеадан – жамики инсонлар, жонзотлар кирилиб кетгандан сўнг Авж ибн Унуқ тўфонда ҳалок бўлмагани ва бунинг сабабини унинг хоксорлиги – жамики инсониятдан фарқи бошпанаси йўқлигидан деб изоҳлайди. Бу ўринда Рабғузий инсониятни ҳалокатга элтувчи йўл – молпарастлик деб уқтирмоқчи бўлади. Ёки “Қиссаи Қорун алайҳиллаъна”да баён қилинган воқеаларнинг ишончли, далилларга асосланганини таъкидлаш, қолаверса, Қоруннинг очкўзлигини, Мусонинг сабрлидигини кўрсатиш мақсадида қуйидаги хабарни келтиради: Мусо ялавоч ҳар куни бани Исроилни йиғиб, минбарга чиқиб, мажлис қилар, халққа насиҳат қилар эди. Қорун эса қўлида олтин пиёла, Мусонинг рўпарасида чолғучилар ҳозир қилар, хизматкорлари олдида шаробхўрлик қиларди. Мусо эса фақат сабр қиларди.

Бу хабар ҳам ҳажм жиҳатидан қисқа бўлишига қарамай, Қорун ҳақидаги асосий воқеалар оқимиға – Қоруннинг баднафслиги ва молпарастлигиға, Мусонинг сабрли эканиға аниқлик киритиш учун муҳим далил бўлган (2, 12-б.).

Фойда. Бу жанр “Қисаси Рабғузий”да, асосан, дидактик жанрдаги кичик ҳажмдаги воқеаларни ҳикоя қилишдан иборат. Фойда ўз номи билан инсониятнинг зоҳиран ва ботинан солих, тўғри бўлишға ундашдир. Масалан, “Қиссаи Юсуф Сиддик алайҳиссалом”да иккита фойда жанриға мансуб парча бор (1, 128-б.). Биринчи фойдада одам ўз гуноҳини бошқаларға юкламаслиги, акс ҳолда Яратувчи айбланувчининг гуноҳини билиши ва тухматчига шунга яраша жазо бериши ҳақида бўлиб, Азизи Мисрнинг хотини Зулайҳо Юсуфға тухмат қилганда, тўрт ойлик чақалоқ Юсуфнинг поклиги ҳақида гувоҳлик беради. Юсуф ва

Зулайхо можароси ҳамда шундан хулоса сифатида Рабғузий “фойда” термини остида ўғитни беради.

Бу – Рабғузийнинг одамлар бир-бирларига ёмонлик қилмасликлари ҳақидаги ўғитидир. Азизи Миср Юсуфнинг тўни оркасидан йиртилганини кўради ва бундан хулоса чиқариб, Зулайхога қарата: “Бу – сиз аёлларнинг хийласидир. Ўзингизни пок деб, гуноҳингизни бошқаларга юклайсиз. Аёлларнинг хийла-макри кўндир” деб айтади. Мана шу ҳикматомуз гап фойданинг жанрий белгисини ташкил қилади (1, 128-б.).

Яна бир фойда “Қиссаи меърож ан-набий саллаллоху алайҳи ва саллам” қиссасида бўлиб, бунда ҳам ҳикматомуз ўғитнинг мазмуни берилади. Фойданинг мазмуни шундан иборат: Тангри жаннат хурларини яратгандан бери, хурлар ўзларига оро берар эканлар, ҳеч безанишдан тинмас эканлар. Қиёмат куни келганда, уларнинг кўрки-таровати ҳам йўқ бўлар экану аммо уларнинг холи бўлмагани учун чиройдан ҳеч асар қолмас экан. Қиёмат куни келганда, Тангри Билол ҳабашийнинг қора рангидан жамики жаннат хурларига нукта-нукта улашиб берар экан. Ҳаммасига битган хол тегар экан. Шу хол билан хурларнинг чиройи ниҳоясига етар экан (2, 157-б.).

Бу воқеада ҳам маълум бир вазиятга мос ўғит, хулоса бор. Бу жанр ҳикматларга яқин туради.

Муножот. Бу жанр, асосан, ислом пайғамбарлари ва халифалари баёнида бор бўлиб, Оллоҳнинг марҳаматига ноил бўлганлари, энди йўлдан адашмасликлари учун Ундан марҳамат сўраганлари баён қилинган (2; 112, 128. 136).

Хуллас, “Қисаси Рабғузий” ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, балки туркий адабиёт тарихида ҳам ўзига хос, такрорланмас наср намунасидир. Асарда истифода этилган жанрлар XIV аср ўзбек адабиётининг ривожидан дарак беради.

Савол ва топшириқлар

1. “Қисаси Рабғузий”да Рабғузий ўзи ҳақида қандай маълумотлар келтирган?

2. Рабғузий ўз асарини ёзишда қандай манбалардан фойдаланган?

3. Асарда Рабғузийнинг манбашунос ва танқидчи сифатидаги фаолиятини сўзланг.

4. “Қисаси Рабғузий”да қисса жанри қандай шаклда ва мазмунда ифодаланган?

5. Асарда ҳикоят жанри қандай шаклда ва мазмунда ифодаланган?

6. Асардаги ривоят жанри ҳақида сўзланг.

7. “Қисаси Рабғузий”да шеърий жанрларга хос белгилар тўғрисида сўзланг.

8. Асардаги латифа жанри ҳақида сўзланг.

9. Асардаги бошқа жанрлар ҳақида сўзланг.

10. Шарқ афсоналарида “Қисаси Рабғузий”даги қиссаларга ҳамоҳанг сюжетлар ҳақида сўзланг.

**МАҲМУД ИБН АЛИ АС-САРОЙИ (XIV АСР).
“НАҲЖУЛ-ФАРОДИС”
 (“ЖАННАТЛАРНИНГ ОЧИҚ ЭШИКЛАРИ”) АСАРИ**

Режа:

1. Асарнинг ёзилиши ва муаллифи масаласига доир.
2. “Наҳжул-фародис”нинг тузилиши.
3. “Наҳжул-фародис”нинг жанр хусусияти.
4. “Наҳжул-фародис”да халифа Усмон билан боғлиқ ҳикоятлар.
5. Абу Зар Ғаффорийга оид ҳикоят.
6. “Наҳжул-фародис”да халифа Усмонга оид ҳикоятлар.
7. “Наҳжул-фародис”да халифа Алига оид ҳикоятлар.

Таянч сўз ва иборалар: *“Наҳжул-фародис” асари, “Тазкират уш-шуаро” асари, муламма, қитъа, диний-ахлоқий асар, шоир, “Турк адабиёти” китоби, тазкира, агиографик асарлар, воқеий ҳикоя.*

Асарнинг ёзилиши ва муаллифи масаласига доир. Мазкур асарнинг муаллифи масаласида кўп баҳслар бор. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” (“Шоирлар бўстони”) асарининг Алишер Навоийга бағишланган қисмида куйидаги “муламма” (қитъа)ни келтиради:

Туркийсин кўруб қилурлар эрди тарку тавба ҳам,
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирлан Кардарий,
Бовужуди форси дар жунби шеъри комилаш,
Чист ашъори Захиру кист бори Анварий?⁴⁵

Бу муламмадаги “Кардарий” тахаллусли шоир ҳозиргача бир канча мунозараларга сабаб бўлиб келган. Мақсуд Шайхзода “Тазкирачилик тарихидан” мақоласида куйидагича фикрни айтган эди: “Мазкур қитъада зикр этилган Кардарий Хоразм ўлкасининг Кардар қишлоғида ҳижрий 761\милодий 1359-1360 йилда вафот этган Маҳмуд ибн Али деган шахс, “Наҳжул-фародис” номли

⁴⁵ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Тошкент, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981, 189-б.

диний-ахлоқий асар муаллифидир. Умрининг бир қисмини Олтин Ўрда пойтахти Сарой шахрида ўтказган. Асарнинг бир неча нусхалари сақланиб қолган. Бу асарнинг Кардарий тирик вақтида хоразмлик котиб кўчирган нусхаси Хоразм шеvasи ва адабий лахжасининг тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳар ҳолда Давлатшоҳ туркий назм устаси деб кўрсатган Кардарий деган шоир ана шу Маҳмуд ибн Алидан бошқаси эмас”⁴⁶. Немис олими Н.Хофман ҳам Кардарий шахси ҳақида ўзининг олти жилдлик “Турк адабиёти” китобида ҳам маълумот берган. Унинг фикрича, “бу шоир... машҳур туркигўй шоир Маҳмуд ибн Али ас-Саройи Булгорий Кардарийдир. Кардар Хоразмдан бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”сидаги қитъасида уни тилга олган. Тарихда Кардарий тахаллусли шоирлар бир эмас, бир неча бўлган. Лекин унинг туркий тилда ёзилган “Наҳжул-фародис” асари бизга маълумдир”⁴⁷.

Саройи тўғрисида шулардан бошқа маълумотлар ҳозирча маълум эмас. Давлатшоҳ Самарқандий берган маълумот Кардарийнинг Лутфий даражасидаги шоир эканини кўрсатади. Аммо бошқа тазкираларда Кардарий тўғрисида ҳозирча маълумотларни учратмадик. Эҳтимол, Олтин Ўрда адабий муҳитида яшаб ижод қилган аксарият шоирлар тазкирага кирмаган, улар тўғрисидаги маълумотлар узук-юлук, Темурийлар сулоласи билан Олтин Ўрдадаги ижтимоий ва сиёсий муносабатлар адабий жараёнга, хусусан, Кардарий сингари машҳур шоирларнинг тазкиралардан ўрин олишига монелик қилган бўлиши мумкин. “Наҳжул – фародис”да унинг бирон байт шеъри ҳам учрамайди.

“Наҳжул-фародис” асари ҳижрий 761 (милодий 1360) йили ёзилган. Бу тўғрида асарнинг ниҳоясида айtilган. Шунингдек, китоб муаллифи орадан икки кун ўтгач, “друлфанодан дорулбакога рихлат қилгани”ни, бу китобдан кўп алломалар фойдалангани баён қилинган. Китоб котибининг бу маълумотидан асар анчагина машҳур бўлгани кўринади.

“Наҳжул-фародис”нинг тузилиши. Асар тўрт бобдан ва ҳар бир боб ўнта фаслдан – жами қирк фаслдан иборат. Бу асар “қирк ҳадис” (чиҳл ҳадис)ни шарҳлаган ва ҳар бир ҳадисга оид ҳикоятлар

⁴⁶ Навоийга армуғон. Тошкент, 1968, 37-б.

⁴⁷ Турк адабиёти. 1969, 103-109-б.

билан безалган асардир. Бу асар “Қисас ул-анбиё”лар туркумига, яъни агиографик асарлар туркумига мансуб бўлса ҳам, пайғамбарлар тарихи баёнида афсоналар эмас, балки тарихий воқеалар, ривоятлар асосий ўрин эгаллайди. Қолаверса, “Нахжул-фародис”ни ёзишда муаллиф турли ишончли манбаларга таянгани учун ҳам асарга кўп алломалар мурожаат этганлар.

“Нахжул-фародис”да энг диққатга сазовор далил – бу ҳадислардир. Биринчи бобнинг биринчи фаслидаги ҳадисга эътибор қаратайлик. *“Имом Бағовий раҳмҳи “Машобих” атлиг китобинда бу ҳадисни келтирмиш: Пайғамбаримиз ас. айди: Тангри твл. Исмоил пайғамбар а.с. ўғланлариндин Қурайш қабиласини одурди. Йана Қурайш қабиласидин Ҳошим атлиг кишининг ўғланларини одурди. Йана Ҳошим атлиг кишининг ўғланлариндин мени ўдурди, чиқарди. Бу маънидин отру қуйидаги ҳадисни келтирган. Пайғамбаримиз ас. шундай айтган экан: Тангри Пайғамбар а.с.қа Мустафа ат берилди. Мустафа араб тилинча одрулмиш темак болур (“Мазмуни: Имом Бағовий раҳматуллоҳи “Машобих” деган китобида таоло Исмоил пайғамбар ўғилларидан Қурайш қабиласини танлаб олди. Яна Қурайш қабиласидан Ҳошим деган одамнинг ўғилларини танлаб олди. Яна ўша Ҳошим деган одамнинг ўғиллари орасидан мени танлаб олиб, ўртага чиқарди. Шу сабабдан Пайғамбар а.с.га Мустафо исми берилди. Мустафо - араб тилида танлаб олган маъносини билдиради”).⁴⁸ Ҳадиснинг манбаи (Бағовийнинг “Машобих” асари) ишончли экани кўриниб турибди.*

“Нахжул-фародис”нинг биринчи бобда Муҳаммад алайҳиссаломда пайғамбарлик сифатларининг зоҳир бўлиши ва унинг дини ислом йўлидаги фаолияти баён қилинган. Бобда ҳадислардан, Бағавийнинг “Машобих” асаридан ташқари, шайх Имом Исҳоқ Кулобозийнинг “Таъриф” китобидан, Имом Соғонийнинг “Машорик ул-Анвор” асаридан, Имом Абул Муҳаммад Испижобийнинг “Тафсир”идан, Имом Абул Алайх Ушийнинг “Нишобул-Ахбор” китобидан, Шайх Абу Язид Бустомий, Абдуллоҳ ибн Маъсуд қабиларнинг сўзларидан фойдаланган. Барча уламо ва фузалоларнинг Муҳаммад а.с.га

⁴⁸ Nehcul-feradis, II, metin, turk dil kurumi yayinlari: 518, s. 2 (Бундан кейинги мисоллар шу нашрдан олинади. Шу боис асарнинг саҳифаси матн ичида кўрсатилади, холос).

туғилган пайтиданоқ пайғамбарлик сифатлари ва фазилатлари ато килинганини баён қиладилар.

“Нахжул-фародис”нинг жанр хусусияти. “Нахжул-фародис” тарихий асар эмас, пайғамбар ва халифалар тарихи бошдан-охиригача баён қилинмаган. “Нахжул-фародис” - агиографик асар, муаллиф пайғамбар ва халифалар ҳаётининг энг муҳим нуқталарига эътибор қаратган. Жумладан, Олюҳ Таоло Муҳаммад а.с.га пайғамбарлик сифатини топшириши, мусулмонликни илк бор қабул қилган Хадича, Али, Абу Бакр ва Зайд тўғрисидаги кизиқарли воқеалар, пайғамбар а.с.нинг Маккадан Мадинага бориши, унинг мўъжизалари ва бошқа кўп воқеалар “Нахжул-фародис”ни кизиқарли бадий асар сифатида яратишга асос бўлган. Жумладан, мазкур асарнинг биринчи боби, тўртинчи фаслидан “Пайғамбар а.с.нинг Маккадан Мадинага чиқмоқ баёни ичинда турур” номли воқеага эътибор қаратайлик. Бу воқеа имом Абул Алайи Ушйининг “Нишоб ул-ахбор” китобидан бир ҳадисни келтириш билан бошланади. Ҳадис маъноси куйидагича: “Қайси бир мўъмин ва муваҳхид ғарибликда ўлар бўлса, Ҳақ Таоло ўша қулга шаҳидлар савоби рўзи қилур, яна қабр азобларидан сақлайдур”. Шундан сўнг куйидаги воқеа келтирилади:

Кунларнинг бирида Абу Жаҳл қурайшларни йиғди. Бир уй бор эди. Ўша уйни дор ул-надво (сахийлик эшиги) дер эдилар. Қачон бирон маслаҳат қилишга тўғри келиб қолса, ўша уйга йиғилишар эдилар. Шу орада Иблис ўзини бир қари чол суратига ўхшатиб, уларнинг орасига кирди. Қурайшлар сўради: “Эй чол, сен кимсан?” Иблис жавоб берди: “Мен шайх Наждийман, Нажд элидан бир чолман. Эшитдимки, сизларнинг бир машваратингиз бор деб. Мен ҳам улар орасида бўлайин, уларнинг сўзларини эшитайин, билайин, деб келдим”. Абу Жаҳл хурсанд бўлди. Шундан сўнг Абу Жаҳл гап бошлади: “Эй қурайш қабиласи, Муҳаммаднинг иши кундан-кунга зиёда бўлиб бормоқда. Қўрқаманки, бунинг натижасида кўп одамлар йиғилишиб, бизларга захмат етказадилар деб. Энди бундан сўнг ишни бир ёкли қилсак”. Жумла халқ бу гапни маъқул кўрди. Шундан сўнг Абу Жаҳл Хашшом деган кофирга айтди: “Ё Хашшом, сенинг раъйинг қандай агар бу Муҳаммадни ўлдирсак?” Хашшом айтди: “Менинг раъйим шуки, бу Муҳаммадни тутсак, бир қутурган туяга боғласак, сахронинг бу бошидан – у бошигача саҳрода кезсак,

ўшанда у ҳалок бўлади”. Шайх Наждий айтди: “Бу раъй беҳуда”. Сўрадилар: “Нега беҳуда?” Шайх Наждий айтди: “Унинг дўстлари бор, қабиласи бор. Бу ишдан улар хабар топадилар, бориб, Муҳаммадни халос қиладилар”. Маъкул кўрдилар. Шундан кейин бир кофир айтди: “Менинг раъйим шуки, ўша Муҳаммадни бир уйга қамаб, ўша уйнинг туйнутини, эшигини беркитсак, Муҳаммад ўша уйда очликдан ўлади”. Шунда шайх Наждий айтди: “Бу иш ҳам ярамайди, шунинг учунким, дўстлари билиб қоладилар ва эшикни очиб, чиқариб оладилар”. Абу Жаҳл сўзлади: “Менинг раъйим шуки, ҳар бир қабиладан биттадан йигит чикса, улар кечаси ётган ерга борсалар, қилич билан ҳаммасини чошиб ташласалар...”. Шайх Наждий айтди: “Валлох, бу раъй ниҳоятда тўғри”. Ҳар бир қабиладан бир йигитни олдилар. Ўткир қилич билан келиб, ўлдирмоққа келишиб олдилар. Жаброил а.с. келиб, айтди: “Ё Муҳаммад, кофирлар бу кеча келиб, сени ўлдирмоқчи бўлдилар. Сенга ишорат шу бўладики, бу кеча чиксанг, Мадина тарафга борсанг, у ерда кофирларни у ерда исломга даъват қилсанг”. Пайғамбар а.с. бу ахволни Абу Бакрга айтди. Абу Бакр шундай жавоб берди: “Ё Расулulloх, нега сиз ёлғиз борар экансиз?! Мен ҳам сиз билан бирга бораёйин”. Пайғамбар а.с. хурсанд бўлди.

Ўша кеча Пайғамбар а.с. ва Абу Бакр тунда чиқиб, эрталабгача йўл юрдилар. Тонг отди, кофирлар карасаларки, Муҳаммад билан Абу Бакр йўқ. Билдиларки, улар қочиб кетибдилар. Абу Бакр нидо қилди: “Кимки Муҳаммад билан Абу Бакрни тутиб келтирса, юзта туяни суюнчи килиб бераман”. Уч кунгача саҳрони кезиб чиқдилар, аммо топмадилар. Ўша кеча Абу Бакр бир соат Пайғамбар а.с.нинг ўнг томонида юрди, кейин бир соат чап томонида юрди, бир соат олдида юрди, бир соат орқасида юрди. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Абу Бакр, тўрт томонимда юрибсан. Нимага бир томонимда юрмайсан?” Абу Бакр айтди: “Ё Расулulloх, душманлардан кўрқаман. Ногаҳон душманлар ўқи ўнг томондан келиб қолса, аввал душман ўқи менга тегсин, сизга тегмасин. Чап томонга ўтиб юрибман, бунинг маънисини шуки, агар душманнинг ўқи чап томондан келса, менга тегсин, сизга тегмасин”. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Абу Бакр, ҳеч кўрқмагинки, Тангри Таоло биз билан биргадир”. Шу лаҳзада Тангри Таоло Абу Бакрнинг кўнглида хотиржамлик пайдо қилди. Шундан сўнг Пайғамбар а.с. кўрсаки, бир отлик кўринди. Қачон ўша отлик яқин келганда, уларга томон келаётганини билдилар. Пайғамбар а.с.

айтди: “Эй Раббий, уни ушла!” Шундай деб айтган зоҳоти, отнинг тўрт оёғи ерга ботиб кетди. Отлиқ чақирди: “Эй Муҳаммад! Мени кўйиб юбор! Мен ружу қилайин, сенга заҳмат етказмайман!” Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Раббий! Агар рост айтаётган бўлса, Сен ижозат бергин”, деган эди, ўша зоҳоти отнинг оёқлари ердан чиқди, ўша отлиқ қайтиб кетди. Шундан кейин иккови анча юрдилар. Пайғамбар а.с.нинг муборақ оёқлари хасталанди, юра олмай қолди. Абу Бакр Пайғамбарни орқасига кўтарди. Эрталабгача юрдилар. Тонг отди. Кўрсаларки, Юз деган тоғ этагига етиб келибдилар. Ўша тоғнинг этагида бир ғор бор эди. Ўша ғорга кирмоқчи бўлдилар. Абу Бакр айтди: “Ё Расулуллоҳ, мен олдин кирайин, кўрайин, одамзодга озор берадиган жониворлар бўлмасин, тағин”. Абу Бакр кирди, қаради. Ундан кейин Пайғамбар а.с. кирди. Абу Бакр қарасаки, бир тешик бор экан. Оёғини ўша тешикка қўйди, токи ўша тешиқдан илон кириб, Пайғамбар а.с.га заҳмат етказмасин деб. Бир илон келди, ўша тешиқдан чикмоққа қасд қилди, Абу Бакрнинг оёғига калласини тегизди. Абу Бакр йўл бермаган эди, Абу Бакрнинг оёғини чақди. Заҳри қаттиқ таъсир қилди. Абу Бакр оёғини олмади, токи Пайғамбар а.с.га зарар келтирмасин деб. Пайғамбар: “У илон Пайғамбар а.с.га салом бермоқ учун чиқаётган эди”, деди. Қарасаки, Абу Бакрнинг кўзидан шашқатор ёш оқарди. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Абу Бакр, оёғингни кўтар, илондан ё чаёндан кўркмагин, Ҳақ Таолога таваккул қилгин, Ҳақ Таоло биз билан биргадир”.

Шундан кейин кофирлар Пайғамбар а.с.нинг изидан кетдилар, ғор оғзига етиб келдилар. Ҳақ Таолонинг амри билан ўргимчак ғор оғзига тўрини тўкиди. Кофирлар айтдилар: “Агар бу ғорга Муҳаммад кирганда эди, бу ўргимчак уйи бузилган бўларди. Бу ерда йўқ”, деб ортларига қайтаётганларида, Абу Жаҳл айтди: “Хотиримга шундай келурки, Муҳаммад шу яқин орада турибди. Бизга сеҳр-жоду қиляпти, шу боис кўрмаяпмиз”. У бир кофирга айтди: “Туш, бу ғорга киргин”. Умайя ибн Халаф айтди: “Муҳаммад туғилмасдан олдин ўргимчак бу инини тўкиган. Муҳаммад бу ерга кирганда эди, бу ўргимчак ини бузилмасмиди?!” Шундай қилиб, Абу Жаҳл ва унинг дўстлари қайтиб кетдилар.

Пайғамбар а.с. ва Абу Бакр ўша ғорда уч кун турдилар. Уч кундан кейин чиқиб, Мадина тарафга йўл олдилар. Озиқлар тугади. Ундан сўнг бир араб қабиласига келдилар ва айтдиларки: “Сизларда

сотгани гўшт ёки хурмо борми? Сотиб олардик”. Чодирдан бир аёл чикди, оти Умми Муид эди. Айтди: “Яхши меҳмон экансизлар. Сизларни меҳмон қилар эдим, лекин қаҳатчилик йили бўлди, уйимда ҳеч нарса йўқ. Эрим Абу Муид қўйларни ўтлатгани олиб кетган. Қўйларимиз бу ерда бўлса эди, сизларга сут берган бўлардим”. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Умми Муид! Чодир ёнида ётган қандай қўй?” Умми Муид айтди: “Бу қўй жуда ориқ қўй, ҳеч сути йўқ. Қўйлар билан бора олмасдан, бу ерда ётибди”. Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Умми Муид, ижозат берармисан уни соғмоққа?” Умми Муид айтди: “Ижозат бераман, агар сут чиқса соғинг”. Пайғамбар а.с.: “Қўйни менга олиб келинглар!” деб буюрган эди, олиб келдилар. Пайғамбар а.с. “Бисмиллахи-р-Раҳманир-Раҳим” деб муборақ қўлини қўйнинг елинига тегизди. Дарров ўша қўйнинг елини катталашиб, қўй семирди. Шундан кейин Пайғамбар а.с. айтди: “Ё Умми Муид! Уйда қарсон бор бўлса, олиб кел”. Умми Муид бир қарсон келтирди. Пайғамбар а.с. муборақ қўли билан соғди, қарсон тўлди. Пайғамбар а.с. икки қўли билан у қарсонни кўтарди ва Умми Муидга ичирди. Анча ичгач, тўйди. Кейин Абу Бакрга ичирди. Ундан кейин ўзи ичди. Пайғамбар а.с. икинчи марта соғди. Қарсонни тўлдирди, Умми Муид уйда қолдирди, кетдилар.

Кечкурун Абу Муид келди. Қараса, уйда бир қарсон сут турибди. Таажжубланди, айтди: “Ё Умми Муид! Бу қандай ҳодиса? Қўйлар узокда эди, уйда соғиладиган қўй йўқ эди. Бу сут қайдан келди?” Умми Муид жавоб берди: “Бизникига бир меҳмон келди, ниҳоятда муборақ меҳмон, кўркам юзли, ширин сўзли, ўрта бўйли киши экан. Бу ориқ қўйга муборақ қўлини текизган эди, қўй шунчалик семирдики, кўрсанг, елини катта бўлиб кетди. Ўз қўли билан соғди, бир қарсон тўлди. Уни ҳаммага ўз қўли билан ичирди, кейин ўзи ичди. Иккинчи марта соғди, бир қарсон тўлди, унисини уйга қолдириб кетди”. Абу Муид айтди: “Мен эштдимки, Маккада бир пайғамбар чиқибди деб, Муҳаммад дер эканлар. Халойикни Ҳақ йўлига ундар деб айтурлар. Бу айтганинг ўша бўлса керак. Бундай мўъжиза пайғамбарлардан ўзгасида бўлмас. Агар Тангри умр берса, бораман”. Яна Умми Муидга айтди: “Менга у одамнинг сифатини яхшилаб айтиб бер. Агар борсам, янглишиб қолмай. Яхшилаб билиб олайин. Йигит кишими ёки қарими? ” Умми Муид айтди: “Йигит киши. Мўйлови қора, очиқ юзли, қиёфаси ҳайбатли, жуда узун бўйли ҳам эмас, катта бўйли ҳам эмас, ўрта бўйлидир. Қошлари

очик, жуда семиз ҳам эмас, ориқ ҳам эмас, ўртачадир. Вазмин одам, серҳаракат эмас. Тишлари текис, юзи тўлин ойдай порлаган. Сўзлаганда, очик, дона-дона гапиради, пала-партиш сўзламайди. Кафти катга, кўзлари пастга кўпроқ боқади, ерга қарайди. Бир оз бошини орқага ташлаб, кўкка боқар. Соқоли ўртача, узун ҳам эмас, кўса ҳам эмас. Қаттик юрмас экан, юрганда, оҳиста юрар экан”.

Пайғамбар а.с. Маккадан чиққанда Абу Бакрга, Мадинага қандай бориш керак, деб маслаҳат солган эди. Абу Бакр айтди: “Иккита туя сотиб олдим, саккиз юз ярмоққа. Бирига сиз минасиз, биттасига мен минаман, кетаверамиз”. Пайғамбар а.с. айтди: “Бизга бир қуловуз (йўл бошловчи) керак”. Абу Бакр айтди: “Абдуллоҳ отлиғ одам бор, у Мадина йўлларини яхши билади”. Ўша Абдуллоҳни дарров олиб келдилар. Яна Абу Бакрнинг бир озоди бор эди, Амир деган. Абу Бакр унга айтди: “Сен икки туя билан Абдуллоҳни олиб, Савр отли тоғ этагида ғор бор, биз чиққандан сўнг уч кун ўтгач, ўша ерга келасан”. Улар уч кундан кейин келдилар. Абу Бакр билан Пайғамбар а.с. бир туяга миндилар, улар иккаласи битта туяга миндилар. Улар кетиб, Мадинага яқинлашдилар. Бир яхудий Пайғамбарнинг йўлини тўсди. Кейин бориб, Мадина халқига хабар берди. Мадинада кўп саҳобалар бор эди, баъзиси Мадинадан, баъзиси Маккадан. Умар *разху* Мадинада эди. Ҳамма саҳобалар севиндилар. Пайғамбар а.с. Мадинага келганидан бир-бирларига хабар бердилар. Ҳаммалари қуролландилар, урушга бораётгандай кофирларни кўрқитиш учун Пайғамбар а.с.нинг истиқболига чиқдилар. Пайғамбар а.с. саҳрода бир йиғоч нарида манзил қилиб турар эди. Мадинадан чиққанлар у ерда Пайғамбар а.с.га дуч келдилар, у билан кўришдилар. Ҳамма саҳобалар севиндилар. Шундан кейин Пайғамбар а.с.га Эншор қабиласи айтдики: “Ё Расулуллоҳ, бизникига манзил қилсангиз бўладими? Боғчаларимиз, ерларимиз кенг”, дедилар. Пайғамбар а.с. айтди: “Манови Қашва отлиғ туяга минайин, ҳеч кимса захмат тортмасин. Қайси эшик олдида бу туя чўкса, мен ўша уйга тушаман”. Ҳамма саҳобалар рози бўлдилар.

Жума куни эди. Пайғамбар а.с. Қашва отлиғ туясига минди. Ҳамма саҳобалар отландилар. Кўпчилик яёв чиқиб турган эдилар. Мадина шаҳрида Пайғамбар а.с.нинг жамолига мушток бўлганлар кўп эди. Пайғамбар а.с.ни кўрмасдан, саҳобалар олдида имон келтириб турар эдилар. Жамияки халойиқ Мадинага юзландилар.

Қайси қабиладан Пайғамбар а.с. ўтар бўлса, ўша қабиланинг улуғи чиқиб, Пайғамбар а.с.дан илтимос қилса, Пайғамбар а.с. уларга хайр ва баракот билан дуо қилур эди ва яна айтар эди: “Мана шу Қашва отлиғ туям қайси эшиқда чўкса, мен ўша хонадонда меҳмон бўламан”. Мадинанинг жамики улуғлари, мўминлари орзу қилар эдиларким, Пайғамбар а.с.нинг туяси бизнинг эшигимиз олдида чўкармикан, шундай бўлармикан, деб. Туя ҳеч чўкмас эди, ўтиб кетаверар эди. Анчага қадар борди, Айюб Ансорий эшигига чўқди. Пайғамбар а.с. ҳам туядан тушди, масжидга кирди. Ҳамма саҳобалар ҳам кирдилар, жума намозини адо этиш учун. Пайғамбар а.с. минбарга чиқиб, хутба ўқиди. Минбардан тушиб, имоматлик қилди. Ҳамма саҳобалар иктидо қилдилар. Намоздан чиқиб, Пайғамбар а.с. Айюб Ансорий уйига кирди. Айюб Ансорий шод бўлди.

Ҳамма саҳобалар уйларига бориб, кучлари етганча Пайғамбар а.с.га ҳадя тайёрладилар. Зайд ибн Собит айтур: “Мен олти яшар эдим. Онам бир идишга нон тўғради, нон устига сариғ ёғ қўшди, яна озгина сут қўшди, кейин идиш устини ёпди. Кейин менга айтдики, ўғлим, бор, Айюб Ансорийнинг уйига киргин, Пайғамбар а.с.га салом бер, айтгинки, Онам сизга таомни ҳадя қилиб берди, деб. Мен онам айтганидай қилдим, Пайғамбар а.с. менга айтди: Тангри Таоло сенга баракот берсин, деди. Ҳамма саҳобалар йиғилдилар, у ҳадяни тановул қилдилар”.

Айюб Ансорийнинг онасига заифалар келиб сўрардилар: “Пайғамбар а.с. қайси таомни ёқтиради? Биз ўша таомни тайёрлаб олиб келайлик”. Айюб Ансорийнинг волидаси шундай деб айтар эди: “Пайғамбар а.с. бизга ҳеч буюрмаганларки, фалон таомни пиширинг, деб. Олдига қандай таом келса, ҳеч айб топмасди. Агар керак бўлса тановул қиларди, агар кераксиз бўлса, тотиб кўрар ва ёронларига айтурким: Сизлар тановул қилинглар, деб. Бир кун таом пиширдик, ҳеч татиб кўрмади. Мен ва ўғлим ниҳоятда қайғурдик. Мен айтдим: Ё Расулulloҳ, ҳамиша таом пиширсак, тановул қилар эдингиз, доим қолган таомни сизнинг муборак қўлингиз тегди, деб табаррук қилиб еяр эдик. Бу кун нима бўлдики, бу таомни емадингиз, деб сўраган эдим, менга шундай деди: Эй Айюбнинг онаси, бу таомда саримсоқ ҳиди бурнимга келди, мен Ҳақ Таолога муножот қиламан. Оғзим сассиғи билан қандай қилиб муножот

қилайин?! Бу таомни ўғлинг Айюб билан тановул қилинглар, деб айтди”.

Шундан кейин Мадина ичида қанча мусулмонлар, мўминлар бор бўлса, ҳаммаси Пайғамбар а.с.га келиб, салом қилиб, баёт бердилар. Пайғамбар а.с. қўли билан ўша баёт берганинг қўлидан ушлаб, айтар эди: “Ҳақ Таоло фармонидан чиқмагайсан, Ҳақ Таолонинг расули Муҳаммад Расулуллоҳ фармонидан чиқмагайсан. Қайси ишга амр этса, қилгайсан, қайси ишдан қайтарса, қайтгайсан...”, деб айтса, ўша баёт берганлар “Қабул қилдик”, деб айтар эдилар. Шундан кейин хотинлар йиғилдилар, оқшом Айюбнинг онаси олдига келдилар ва айтдилар: “Пайғамбар а.с.дан изн сўрагин, бизлар ҳам Пайғамбар а.с.нинг муборак жамолини кўрайлик, жуфтларимиз баёт берганлари каби, бизлар ҳам баёт берайлик”, дедилар. Айюб онаси Пайғамбар а.с. ҳазратлари олдига кирди. Ижозат сўраган эди, Пайғамбар а.с. ижозат берди. Айюбнинг онаси бу хотинларни бошлаб кирди. Аввал Умми Саъд отлиғ аёл Пайғамбар а.с.га салом берди, Пайғамбар а.с. алик олди. Шундан кейин сўради: “Эй заифа, исминг ким?” Аёл жавоб берди: “Ё Расулуллоҳ, исмим Умми Саъд”. Пайғамбар а.с. сўради: “Отангинг исми ким?” Аёл жавоб берди: “Отамнинг исми Раъфдир”. Пайғамбар а.с. сўради: “Менда қандай ҳожатинг бор?” Умми Саъд айтди: “Ё Расулуллоҳ, Тангри Таолони Биру бор деб имон келтирдик, сизни Ҳақ Таолонинг расули деб билдик. Энди жуфтларимиз сизга баёт бердилар, бизлар ҳам келдик сизга баёт бермоққа”, деди. Пайғамбар а.с. айтди: “Шукрим ўша Тангригаким, сизларни Исломга кўндирди”. Шундан кейин айтди: “Эй заифалар, ҳаммангиз келинглар, олдимда ўтиринг”, деган эди, ҳаммалари Пайғамбар а.с. олдига ўтирдилар. Пайғамбар а.с. олдига бир пиёла билан сув қўйди, муборак қўлини сувга ботирди, заифаларга айтди: “Эркаклардан баёт олсам, қўлларини тутиб баёт олурман, аммо сиз – заифаларнинг қўлларини тутмоқ бўлмас. Қачон мен қўлимни бу пиёладан чиқарсам, сизлар қўлларингизни ботиргайсиз”, деди. Шундан кейин Пайғамбар а.с. айтди: “Эй заифалар, Тангри Таолони билгандан кейин, Тангрига ўртоқ бўлиб қўшилмагайсиз” деган эди, улар “Қабул қилдик”, деб жавоб бердилар. Яна Пайғамбар а.с. айтди: “Эй заифалар, эрларингизнинг молларидан ўғирламагайсиз, зино қилмагайсиз, ўғилларингизни ўлдирмайсиз, бошқадан туғилган ўғлонни эрларингизга: “Буни мен

туғдим”, деб айтмайсиз, ўлим-йитимда фарёд қилиб йиғламайсиз, тўнингизни йиртмагайсиз, сочларингизни юлмагайсиз, юзларингизни юлмагайсиз, бегона эркаклар билан хилват ерда сўзлашмагайсиз”, деб айтган эди, заифалар: “Ҳаммасини қабул қилдик”, дедилар. Пайғамбар а.с. пиёладан кўлини чиқарди. Бу заифалар кўлларини ўша пиёлага ботириб, кўлларини юзларига суртар эдилар. Шундан кейин Пайғамбар а.с. ижозат берди, заифалар чиқдилар.

Шундан кейин Маккадан кўп саҳобалар кела бошладилар. Пайғамбар а.с. Мадина халқига айтди: “Маккадан келганларни қадрланглар, ерини, юртини ташлаб, бизнинг суҳбатимизда бўлмоқ учун ғарибликни ихтиёр қилиб келдилар. Уларни лутфу қарам билан қарши олсаларингиз”, деди. Мадинада турганларни Маккадан келганлар билан қариндош қилди. Маккадан ҳижрат қилиб келганларга муҳожир дейилур, Мадина халқи Маккадан келганларга ёрдам бердилар, қарши олдилар, лутфу қарам кўрсатдилар, уларга ансорий дейилур.

Мазкур фаслни тўлик келтиришдан мақсад шуки, “Нахжул-фародис”да Муҳаммад а.с. ҳаётида юз берган воқеалар, бир томондан, воқеий ҳикояга мансублигини кўрсатиш, иккинчи томондан, ахлоқий-таълимий ақидалар, мўъжизавий воқеалар бу асарни дидактик асар сифатида шакллантиришга хизмат қилганини далиллаш эди. Шунингдек, саргузашт жанрининг хусусиятлари ҳам мазкур ҳикоятда ўз аксини топган. Ҳикоятда ўргимчакнинг қисқа муддатда ғор оғига тўр тўқиши, туянинг ҳеч қаерда тиз чўкмай, Айюб Ансорий эшиги олдида тиз чўккани ва Пайғамбар а.с. унинг уйида меҳмон бўлгани каби воқеалар “Нахж ул-фародис” ҳикоят ва ривоятларида саргузашт жанрининг айрим қирраларини пайдо қилган.

Дарвоқе, “Нахжул-фародис”ни жанр нуктаи назаридан белгилаш талаб этилса, бу асар бир неча жанрларни – тарихий воқеалар ҳикоят, ривоятлар заминида берилганини инобатга олган ҳолда, дидактик жанрга мансуб деб қараш мақсадга мувофиқ. Зотан, ҳадисларни кенг шарҳлаш асосида юзага келган ҳикоят ва ривоятларнинг ҳар бири маълум бир ғояни – тўғрилиқ, ҳалоллик, раҳм-шафқат каби фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Инсониятни маърифатга чорлаш, комиллик сари даъват қилиш каби фазилатларни Маҳмуд Али ҳар бир бобда илгари суради.

Маҳмуд Али бу бобда Муҳаммад а.с.нинг вафотига қадар бўлган воқеаларни баён қилар экан, доимо маълум бир воқеани бирон манбадан келтирилган иктибос ёки ҳадис орқали тасдиқлаб боради.

“Наҳж-ул-фародис”нинг иккинчи бобида халифа Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва тўртала Имом – Имоми Аъзам, Имом Шофеъ, Имом Малик, имом Аҳмад ва “аҳли байт” Фотима, Ҳасан ва Ҳусайнга оид воқеалар баён қилинган. Бобнинг ҳар бир фасли бир халифага – биринчи фасл Абу Бакр (Сиддиқ)га, иккинчи фасл – халифа Умарга, учинчи фасл – халифа Усмонга, тўртинчи фасл – халифа Алига бағишланган. Қолган фасллар Фотима, Ҳасан ва Ҳусайн, Имом Аъзам, Абу Ҳанифа, Имом Шофеъ, Имом Малик, Имом Аҳмад Ханбалга оид воқеаларни ўз ичига олади.

Асарда Абу Бакр Пайғамбарнинг энг яқин дўсти, шижоатли саҳобаси эканлиги Имом Соғонийнинг “Машориқ ул-анвор” номли китобидан келтирилган ҳадис орқали далилланади. Масжидга истаган дарвозадан кириш учун имтиёз фақат Абу Бакрга берилгани тўғрисидаги ҳикоят ёки Абу Бакр етгита заиф қулни сотиб олиб, уларнинг жонини сақлаб қолиш учун уйига олиб келиб, меҳрибонлик кўрсатгани тўғрисидаги ҳикоя ибратли; асарда ислом эндигина ҳаётга кириб келаётган пайтда ислом фидойиларининг жонбозликларини ҳаётий воқеалар орқали далиллайди.

“Наҳж ул-фародис”да халифа Усмон билан боғлиқ ҳикоятлар. Маҳмуд Али халифа Усмон тўғрисидаги бобда унинг ҳаётига оид етгита воқеани танлаб олади. Ҳар бир ҳикоя такрорланмас, халифа Усмоннинг бирон қиёфасини, айни пайтда унинг атрофидаги бошқа тарихий шахсларнинг ҳамда ўз давридаги инсониятнинг ички оламини очиб беришга хизмат қилади. Айни пайтда ҳикоятлар бир-бирини тўлдириб боради. Усмон Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳурматига бениҳоя сазовор бўлгани, Пайғамбар ҳатто уни Абу Бакр ва Умардан ҳам ортиқ иззат қилгани тўғрисидаги ҳикоятдан бошланиб, Усмоннинг қарғиши бир кечада бир нокасни қўлсиз, оёқсиз, кўзсиз килиб қўйгани тўғрисидаги ҳикоя билан тугайди.

Махмуд Али ҳикоятларни турли манбалардан олган, аммо воқеалар баёнида шунчалик изчилликни сақлаганки, халифа Усмон – халифа ва амир ул-мўъминин ҳамда Пайғамбарнинг энг яқин, суюкли сафдоши экани китобхонда унга нисбатан чуқур ҳурмат уйғотади, воқеалар бир-бирига боғланиб, яхлитлик касб этади. Халифа Усмоннинг шижоати, адолати шу ўринларда янада аниқ кўринади. Қуйидаги воқеага диққат қилайлик: халифа Умар вафотидан кейин, Усмон халифалик тахтига ўтирди. Халифа Умар даврида Дамашк беги бўлиб тайинланган Муовия олдингидай беқлик қилаверди. Бу ерда Абу Зар Ғаффорий деган улугъ ёшли, Пайғамбар хизматида бўлган саҳобага кўп одамлар хизмат қиларди. У парҳезкорлик билан умр кечирар, Умардан кўрсатма олиб, шояд шаҳидлик насиб қилиб қолса деб, Шомга ғазот учун лашкарга бош бўлган эди. Аммо унга шаҳидлик насиб бўлмагач, Дамашкда қолди. Дамашк беги Муовия бу ерда катта саройлар қурдирди. Абу Зар келиб, Муовияга: “Сен Пайғамбар *а.с.*ни кўргансан, уйларини ҳам кўргансан, аммо Пайғамбардан ўрнак олмайсан. Пайғамбар *а.с.* қачон бундай саройларда ўтирибдики, сен ўтирибсан?!” деб таъна қилди. Муовия эса амирул-мўъминин Усмонга мактуб ёзди. Мактубида Абу Зардан шикоят қилиб, у мени ҳурмат қилмайди, хизматимни қилмайди, ёнингизга олиб кетсангиз, деб илтимос қилади. Усмон Абу Зарни Дамашқдан Мадинага олиб келди ва унга насиҳатлар қилди. Кунларнинг бирида Усмоннинг ҳузурида Каъбул-ахбор ўтирган экан. Абу Зар Ғаффорий амирул-мўъминин Усмонга, бойларга буюринг, дарвешлар, мискинлар зақот беришлари кераклигини уқтирсинлар, деб айтди. Шунда Каъб ул-ахбор, зақот бериш фарз, зақотдан бошқа нарса бериш фарз эмас, деб уқтиради. Шунда Абу Зар: “Эй яҳудий боласи! Сен нега амирул-мўъминин Усмон ҳазратлари ҳузурида менга шаккоклик қилиб ўргатяпсан?” деб қўлидаги ҳасса билан Каъбул-ахборнинг бошига уриб ёрди. Амирул-мўъминин Усмон Абу Зарга, сен тилингни, қўлингни мусулмонлардан йиғиб тур, Каъб ул-ахборнинг бу сўзлари учун урмоқ ёки сўкмоқ шариятда йўқ, бу қилганинг яхши эмас, деб танбеҳ беради. Шундан сўнг амирул-мўъминин Усмон Абу Зарга шундай маслаҳат берди: “Эй Абу Зар, сен мана шу одамлардан узоқ турсанг, одамларнинг ёмон ишларини кўрмасанг, Ҳақ Таолога ибодат қилсанг, туну кун Ҳақ билан бирга бўлсанг”. Абу Зар рози бўлди. Усмон ундан, Забда деган жойга борасанми,

деб сўраган эди, Абу Зар ўша жойга боришга рози бўлди. Амирул-мўъминин Абу Зарни хотини билан кимсасиз Забдага жўнатди. Эр-хотин у ерда узоқ яшадилар. Бир кун Абу Зар касал бўлиб қолди. Хотини, агар ўлиб қолсангиз, на ювадиган бир одам, на кафан, на жаноза ўқийдиган одам бор, деб йиғлади. Шунда Абу Зар хотинига, тепаликка чикиб, йўлга қара, кимса келятгимикан, деди. Хотини карвон келаётгани ҳақида эрига айтди. Хотин карвонни чақирди. Одамлар келиб, аҳволни билди. Одамлар Абу Зарни танидилар. Абу Зар уларга Пайғамбар ас.нинг башоратини айтиб берди. Пайғамбар ҳаётлигида саҳобаларига шундай деган экан: “Орангизда бир одам бор, у саҳрода вафот этади. Унинг олдида ҳеч ким бўлмайди. Ҳақ Таоло бир тўда одамни юборади. Ўша одамлар уни ювадилар, кафанлайдилар, намоз ўқийдилар ва дафн қиладилар. Пайғамбар ас. бу сўзни мен ҳақимда айтган экан. Ҳақ Таоло сизларни юборибди. Энди менинг кафаним йўқ, менга кафан топсаларингиз. Аммо мени шундай одам кафанлаши керакки, у умрида беклик қилмаган бўлсин, элчи бўлмаган бўлсин, ҳатто маҳаллада ҳам бош бўлмаган бўлсин.” Шу пайт одамлар орасидан бир йигит чикиб, ўша айтганингиз менман, деб жавоб берди. У йигит юклари орасидан кафанлик олиб келди. Абу Зар вафот этгач, уни ювдилар, намоз қилдилар ва дафн этдилар. Карвонбоши Ибн Масъуд Абу Зарнинг хотинини Мадинага олиб келди.

Маҳмуд Алининг наср устаси экани ана шундай ўринларда янада аниқ кўринади. Воқеалар ниҳоятда таъсирчан, драматик лавҳаларга бой. Халифа Усмоннинг улуғларга бўлган иззат-икромиди, эътиқод ва инсонийлик йўлида ҳар қандай гуноҳларни кечирishi, Абу Зарнинг улуғ мутасаввуф сифатида эътироф этилиши воқеалари, Абу Зарнинг ўз эътиқоди йўлидаги қатъияти бу лавҳаларни том маънодаги ҳикоят деб қарашга имкон беради. Абу Зар эътиқодига мос равишда кимсасиз саҳрода яшаш учун амирул-мўъминин Усмоннинг таклифини бажонидил қабул қилди. Зотан, Абу Зар учун энг мақбул жой саҳродир. Бу ерда у гуноҳкор инсонларнинг кирдикорларини, мунофиқликларини кўрмайди, руҳан азоб чекмайди. Шу тариқа Маҳмуд Али Муовиянинг ҳам, Абу Зарнинг ҳам, Усмон ва Каъб ул-ахборнинг ҳам феъл-атворини яхши очиб беради, ҳар бирининг ҳаётидаги бирон диққатга сазовор воқеадан ҳикоя жанрини шакллантириб, адабиётни бойитди.

“Наҳж ул-фародис”да халифа Усмонга оид ҳикоятлар. Асарда халифа Усмоннинг ўлими лавҳаси ҳам ниҳоятда таъсирли.

“Абу Қалаба айтур: Шомдин Мадинага келдим. Усмон разну шаҳид бўлмишдин сўнг Мадина ичида юрар эркан, бир маҳаллада кўрар ман халайиқлар йиғилишиб турурлар. Бу халайиқ ичида бир кимарса чақирур. Мен тақи келдим, бақар ман бир кимарса ётур, экки кўзи, элги тирсагидин йўк тақи экки адағи тизидин йўк тақи ҳам кулақи сағир. Бу кимарса фарёд килур ким: Мен дунйанинг бадбахти бўлдум тақи ахиратнинг ҳам бадбахти бўлдум тақи абадий тамуқлуғ бўлдум теп чақирур. Мен айтим: “Сен ким бўлур сан?” тедим эрса, ўл кимарса айтдиким: Мен Ўсманни ўлтурганлар чиқмишдин сўнг эвинга кирдим. Бақар мен Ўсман канқа булғашип йатур эрди, ва лекин ҳануз жани бар эрди; тақи хатуни Наила Ўсман узаринга бақип турур эрди. Ани бир урдум эрса, ўл йиғлади, Ўсман тақи йиғлади тақи манга қарғади тақи айди: Ҳақ Таала экки кўзунгни алсун тақи экки кулақингни алсун тақи экки элгингни алсун тақи экки адақингни алсун тақи сени абадий тамуқлуғ қилсун теп қарғади. Эвумка бардим тақи кеча йатгим. Тушумда бир кимарса келди тақи экки кўзумни чиқарди тақи экки кулақинни чиқарди тақи экки элгимни кесди тақи экки адағинни кести эрса қоптум, бақарман, экки кўзум тақи экки кулақим йўк тақи экки элгим йўк тақи экки адақим йўк. Ўсманнинг қарғиши манга жумласи етти. Эмди тамуғ ўти калип турур, ҳар айна ол тақи келгуси турур, анинг қарғиши бўлғуси турур, теп чақирур йатур. Мен айдим: Ҳалакатлик бўлсун санга мундин артуқрак керак, анинг тег халифани, Пайғамбарнинг қудагусини ўлтурдунг, тедим тақи анинг катиндин йирак кеттим, теди” (96-бет).

Амир ул-мўъминин Усмондан сўнг халифалик тахтига ўтирган Али образи ва у билан боғлиқ муҳим воқеаларга Маҳмуд Али тўхталар экан, у билан боғлиқ воқеаларни Имом Муслим Нишобурийнинг “Саҳиҳ” номли китобидан ҳадис келтириш билан бошлайди. Ҳадисда Муҳаммад а.с. ўзини Мусо пайғамбар билан, Алини Ҳорун билан қиёслайди, яъни Ҳорун Мусонинг вазири бўлгани каби, Алини ўзининг вазири деб эътироф этади. Бу эътирофни далиллаш учун Маҳмуд Али Энас ибн Маликнинг куйидаги ҳикоясини келтиради.

Бир куни Пайғамбар а.с. хизматида эдим, Пайғамбар илайҳиссаломга бир қуш этини келтирдилар. Пайғамбар а.с. айтди: “Эй Бор Худоё, халойиқ орасида шундай бир зот борки, у Сенинг ҳузурингда тўғри, суюкли бўлса, ўша зотни менинг ҳузуримда ҳозир қилгинки, мен мана шу қуш этини ўша зоти билан бирга тановул қилайин”. Пайғамбар а.с. дуосини тугатиши биланоқ бир зот эшикка келиб, кириш учун изн сўради. Мен ўрнимдан туриб, эшикни очдим. Не кўз билан кўрайинки, Али ибн Абу Толиб эшик олдида турарди. У уйга кириб, қуш этини Пайғамбар а.с. билан бирга тановул қилди.

Бу ҳикоятда халифа Али, ҳадисда айтилгандай, Пайғамбарнинг энг яхши кўрган ҳамроҳи экани баён қилинса, Сухайл ибн Саиднинг ҳикоясида Али қудратли паҳлавонлар сингари жасоратли, кўркмас, баҳодир лашкарбоши сифатида ҳеч ким ололмаган Ҳайбар қалъасини бир ҳамла билан олгани ҳикоя қилинади, халифа Алининг хатти-ҳаракатлари худди халқ оғзаки ижодидаги якка қаҳрамонлик мотивларини эслатади, Али эпос қаҳрамонлари сингари қаҳрамон китобхон кўзи олдида гаудаланади: “Бир ҳамла қилди таки қувват қилди эрди, ҳисор қапуғини йиқти таки жумла чериг ҳисор ичинга кирдилар таки жуҳудларни ҳалок қилдилар таки Ҳайбар элини олдилар” (98-бет). Алининг юқоридагидай эпослардаги якка қаҳрамонга хос сифатлари Абу Рафининг ҳикояси орқали ҳам далилланади.

Халифа Али - жасоратли, душманларга аёвсиз, фарзандларига эса меҳрибон ота. У ҳатто вафотидан кейин ҳам биринчи наавбатда, инсон сифатида, қолаверса, шижоатли ва қаҳрамон амирул-мўъминин сифатида улуғланади. Алининг вафотидан кейин ҳам улуғланганига оид икки ривоятни Маҳмуд Али келтирар экан, ўз давридан кейин ҳам халқ орасида улуғ бир зот сифатида эътироф этилишга лойиқ инсон сифатида талқин қилинганини кўрсатади.

Ривоятларга кўра, Али ўғиллари Ҳасан билан Ҳусайнга шундай васият қилади: “Менинг душманларим кўп. Мен кофирларнинг ва душманларимнинг ўн минг баҳодирини ўлдирдим, уларнинг авлодлари ҳам менга душмандирлар. Агар мени ошкора дафн қилсангизлар, душманлар мени қидирадилар. Мен вафот этганимдан кейин, тун ярмида ҳамма халойиқ уйкуга кетгандан сўнг, бир туяга юклаб, Куфадан олиб чиқинглар. Икки йиғоч йўл

юрсангизлар, саҳрода Иззи деган бир тепалик бор, ўша тепани қазсангизлар, у ерда бир тош лавҳа чиқади. Лавҳа юзасига бу ерда Одам алайҳиссалом ва Нух пайғамбар ётган ерларидир, деб ёзилган. Меъни ўша икки пайғамбар ёнига дафн қилсангизлар”, деб васият қилади. Ҳасан билан Ҳусайн оталари васиятини бажо килдилар, ҳеч кимсага ўша жойни айтмадилар. Орадан анча вақт ўтгач, Жаъфар Содик хизматкори билан у ерга бориб зиёрат қилганда, хизматкори сўради: “Эй пайғамбарзода, бу кимнинг зиёратгоҳики, сиз узок жойдан келиб, бу жойни зиёрат қилгани келдингиз?” Жаъфар Содик айтди: “Эй хизматкор! Билгин, огоҳ бўлгинки, бу жой амр ул-мўминин Али ибн Абу Толибнинг қабридир. Душманлардан кўркиб, шу пайтгача ҳеч кимга айтмаган эдик. Энди душманларнинг биронтаси қолмади. Энди истагимиз шуки, Ҳақ Таолонинг амри билан бу қабрни зиёрат қилишни мўминлар орасида ошқора килсак”.

Халифа Али образининг бу тарзда талқин қилиниши шубҳасиз, халқ орасида ҳам унинг тўғрисида ривоятлар кенг тарқалганига бир ишорадир. Одатда, инсон ўзи билмаган, аммо билишга қизиққан нарсалар тўғрисида кўп мулоҳазалар қилади, ривоятлар пайдо бўлади ва ҳ. Халифа Али тўғрисида турли манбаларда қолдирилган ривоятлар шундан далолат беради.

Савол ва топшириқлар

1. Маҳмуд Али ас-Саройи ҳақида Давлатшоҳ Самарқандий қандай маълумотлар берган?
2. “Наҳжул-фародис” қачон ёзилган? Асар неча бобдан иборат?
3. “Наҳжул-фародис”нинг биринчи боби кимга бағишланган? Шу бобдан бирон ҳикоятни айтинг.
4. “Наҳжул-фародис”нинг иккинчи боби кимга бағишланган? Шу бобдан бирон ҳикоятни айтинг.
5. “Наҳжул-фародис”нинг учинчи боби кимга бағишланган? Шу бобдан бирон ҳикоятни айтинг.
6. “Наҳжул-фародис”нинг тўртинчи боби кимга бағишланган? Шу бобдан бирон ҳикоятни айтинг.

САЙФИ САРОЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Режа:

1. Сайфи Саройи яшаган муҳит, унинг ижоди.
2. Сайфи Саройи – истеъдодли танқидчи.
3. Сайфи Саройининг “Гулистони бит-туркий” асари. Асарнинг юзага келиши.
4. “Гулистони бит-туркий” таржимасининг ўзига хос хусусиятлари.
5. “Гулистони бит-туркий” асарида образлар тизими.
6. “Гулистони бит-туркий”да жанрлар ранг-баранглиги.
7. Сайфи Саройининг замондош шоирларига шеърӣ жавоблари.
8. “Сухайл ва Гулдурсун” достони.

Таянч сўз ва иборалар: *эпик жанр, тахаллус, Олтин Ўрда давлати, дардли байтлар, таржимаи ҳол, замондош шоирларга шеърӣ жавоблар, қасида, қитъа, рубоӣлар, “Сухайл ва Гулдурсун” достони, эркин таржима, ижод аҳли, аслият, дебоҷа.*

Сайфи Саройи яшаган муҳит, унинг ижоди. Сайфи Саройи XIV асрда яшаб ижод этган ва эпик жанр тараққиётида сезиларли из қолдирган ижодкордир. У 1321 йили Қамишли қишлоғида туғилиб, 1396 йили Мисрда вафот этган деб тахмин қилинади.

Шоирнинг тахаллусидан маълум бўладики, у Олтин Ўрда давлатининг пойтахти Сарой шаҳрида ижод қилган. Ватан севгиси, юрт қайғуси унинг ижодида дардли байтларни пайдо қилди. Шоирнинг “Ёдгорнома” асари муқаддимасида ана шу байтлар бор. “Ёдгорнома” – ўтган асрнинг 60-йиллар ўрталарида Қўқон шаҳри яқинидан топилган. Бу асар “Сухайл ва Гулдурсун” номи билан Сайфи Саройи ижодидан ўрин олган. У Олтин Ўрдадаги урушлар, низолар оқибатида ватанни тарк этишга мажбур бўлганини “Ёдгорнома”нинг муқаддимасида шундай мисралар орқали баён қилган эди:

Ўсуб туфроғим узра найзалар, бан эвдин айрилдим,
Ватандин бенишон ўлдим-да, ўзга юртга эврилдим.
Нечук фалак жав(и)р айлади, қандай(ин) гуноҳим бор?!
Илоҳим, ўйла ким жавринг, бан элга содик ул эрдим⁴⁹.

Шунингдек, Сайфи Саройи Мовароуннаҳрда ва маълум вақт Туркияда ҳам истиқомат қилган. Сайфи Саройининг куйидаги шеъри унинг таржимаи ҳолига оид баъзи томонларни ёритишга ёрдам беради:

Илоҳи, бу қари мискин қулингни
Бағишла кўргузуб тўғри йўлингни.
Маликлар расмидир дилшод қилмоқ,
Қариса қулларни озод қилмоқ.

Сайфи Саройи бу шеърини Мисрда – Мамлуклар давлатида яшаётган пайтда ёзган бўлиб, ҳаётининг сўнгги йилларини ўша ерда ўтказган. Юқорида айтганимиздек, Олтин Ўрда таназзулга юз тута бошлаган пайтда Сайфи Саройи Мисрга кетган. У мазкур шеъри орқали ҳукмдордан ўз юртига қайтиш учун ижозат сўраган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Сайфи Саройи шоҳ саройидаги эътиборли шахслардан бўлган. Замондош шоирларга шеърини жавобларидан ҳам Сайфи Саройининг ўз давридаги баланд мавқеи ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Сайфи Саройи вафот этган йиллари Миср Мамлуклар давлатида Зоҳир Сайфиддин Барқук иккинчи марта (биринчи марта 1382 й.) тахтга ўтирган эди.

Миср турк давлатида ўзбек адабиёти тарихидаги йирик ҳодиса сифатида Сайфи Саройи ва унинг замондошлари адабий меросини келтириш мумкин.

⁴⁹ Машхур татар олими Х.Ю.Миннегулов Сайфи Саройи ижоди билан изчил шуғулланган бўлиб, янги топилган асарни “Ёдгорнома” деб атади. Зотан, бу асар кўлэмаси дебочасидан “Сухайл ва Гулдурсун” дostonидан ташқари, Туғли Хожа ва Мавлоно Исҳоқ Хоразмийларнинг биттадан ғазали, Мавлоно Аҳмад Урганжийнинг учта шеърини парчаси, қолаверса, Сайфи Саройининг таржимаи ҳолига алоқадор мазкур байтлари ўрин олган (Татар адабиёти тарихи, татар тилида. Олти жилдлик, биринчи жилд, Қозон, Татаристон китоб нашриёти, 1984, 247-б.). Шуларга кўра, “Сухайл ва Гулдурсун” деган номдан кўра, “Ёдгорнома” деб аташ тўғрироқ экани маълум бўлади.

Тахминимизча, Сайфи Саройининг адабий меросидан оз қисми етиб келган. Унинг бир неча газаллари, қасида, қитъа, рубойлари (учта форсча рубойиси ҳам), “Суҳайл ва Гулдурсун” достони ва Саъдий Шерозийнинг “Тулистон” (1258 йили ёзиб тугаллаган) асарининг ўзбек тилига қилган эркин таржимаси етиб келган.

Сайфи Саройи – истеъдодли танқидчи. Сайфи Саройи адабиётга ҳалол, эътиқод билан муносабатда бўлиш тарафдори эди. Унингча, адабиёт, жумладан шеърят – бир боғ. Боққа булбул ҳам, зоғ ҳам келиб кўнаверади. Ижод аҳлининг шеърят боғидаги ўрни алоҳида. Ижодда ўрнини толган шоирлар “булбул”, шунчаки адабиёт атрофида ўралашиб юрганлар “зоғ”лардир. Қуйидаги шеър ана шулар ҳақида маълумот беради:

Жаҳон шоирлари, эй, гулшани боғ,
Кими булбул дурур сўзда, кими зоғ.
Кими тўти бикин чайнар шакарни,
Кими лафзи била ўртар дуарни.
Кимининг сўзлари мавзуну ширин,
Кимининг лойиқи ташрифу таҳсин,
Кими ўзганинг ашъорин меним дер,
Кими ҳалво киби шалғом чўбин ер,
Кими маъни қўюб, лафзин тузотур,
Кими вазни бузуб, санъат кузотур.
Аларнинг уш бири Сайфи Саройи,
Жаҳон орифларининг хоки пойи.
Ани сен жумла шоир камтари бил,
Қамар юзга ҳамиша муштари бил.

Қаршилантириш усулида ёзилган бу шеър Сайфи Саройининг катта адабиётшунос олим, ўз даврининг танқидчиси эканини кўрсатадиган бир далил. Унинг шеърятга ҳалол муносабатда бўлиш кераклиги ҳақидаги қарашларидан шу нарса англашиладики, у ўз даври шеърятидан, адабий жараёнидан доимо хабардор бўлиб турган, ижодкорлардан шеърятга масъулият билан муносабатда бўлиш тарафдори. Шоир аҳлига бунчалик талабчан ижодкор ҳукмдор саройида катта мавқега эга бўлиши табиий ҳол эди. Қолаверса, шеърятга ҳалоллик билан муносабатда бўлиш ҳақида шеър ёзган шоирнинг девони бўлмаслиги мумкин эмас. Бундай

шеърни шоир аҳли орасида эътибор қозонган ва эътироф этилган шоир ёзиши мумкин. Аммо унинг девони ҳали номаълум.

Қуйидаги парча Сайфи Саройнинг таржимаи ҳолига аниқлик киритиш билан бир қаторда, адабиётда ўз ўрнига эга шоир бўлиб танилганини ва эътироф этилганини далиллайди:

Қамишли юрт маним тувғон элимди,
Билик ғурбатға келтурғон билимди.
Келиб ўлдим Саройда шеър фидойи,
Саройнинг шоири, элнинг гадойи.

Шоир биринчи мисрада ўзи туғилган юрт Қамишли ҳақида хабар бермоқда. Насрулло Даврон “Гулистони бит-туркий”ни нашрга тайёрлаб, ўзбек китобхонларига тақдим этар экан, бу жойни Хоразм вилоятидаги Сарикамиш қишлоғи деб тахмин қилади. Н.М.Маллаев ҳам шу фикрда бўлган эди.

Иккинчи байтда, айрим адабиётшунослар айтганларидай, шоир ижтимоий аҳволи – ғурбатда яшагани ҳақида эмас, балки билим олиш, ўрганиш машаққатли эканига ишора қилмоқда. Учинчи ва тўртинчи мисрада *сарой* сўзларида сўз ўйини (тажнис) бор. Учинчи мисрадаги *Сарой* сўзи – Олтин Ўрда давлатининг пойтахти *Сарой* шаҳрига ишора қилса, тўртинчи мисрадаги *сарой* – ҳукмдорлар саройини билдиради, яъни Сарой шаҳрида шеърға ҳалоллик билан ёндошган ва саройда эътиборли шоир бўлган эди. Яна шуни таъкидлаш керакки, *элнинг гадойи* ибораси орқали Сайфи Саройи халққа яқинлигини билдирипти, ижод халқ учун эканига ишора қилипти, асло қашшоқ тоифага мансуб тиланчи маъносини эмас.

Сайфи Саройнинг “Гулистони бит-туркий” асари. Асарнинг юзага келиши. Сайфи Саройи ижодида “Гулистони бит-туркий” алоҳида ўрин тутади. Зотан, бу асар Сайфи Саройи ижодида катта ҳажмдаги асар бўлиш билан бирга, асарга олиб кирган ўз ижод намуналари XIV аср ўзбек насрини ва шеърятини янги тараққиёт bosқичига кўтарди.

Сайфи Саройи Шайх Саъдийнинг “Гулистон” асарини таржима қилгандан кейин, бу асарига “Гулистони бит-туркий”, яъни “Туркий гулистон” деб ном қўйди. Сайфи Саройининг “Гулистони бит-туркий” асари илм аҳлига биринчи марта 1915 йили маълум бўлган. Қолаверса, Сайфи Саройининг бутун ижодининг, жумладан,

“Гулистони бит-туркий” асарининг таржимаси ва қўлёзмасининг тарихи бор. Энди ўша тарих билан қисқача танишамиз.

1915 йили Туркияда нашр қилинадиган “Миллий татаббулар мажмуаси” журналида венгер олими Тори Ёзеф Саъдий “Гулистон”ининг туркий тилга эски бир таржимаси Голландиядан топилгани тўғрисида хабар беради. 1950 йили Амстердамда тиббиёт тарихига оид Халқаро анжуманда иштирок этган профессор Фаридун Нафиз Узлук Лейден университети кутубхонасида мазкур қўлёзма билан танишиб, фотонусхасини олади ва 1954 йили Анкарада кичик кириш сўз билан қўлёзманинг факсимилесини нашр эттиради. Қўлёзма яхши сақланган, аммо хатолари кўп. Фаридун Нафиз Узлукнинг айтишича, қўлёзма Сайфи Саройининг дастхатидир. Қўлёзманинг биринчи саҳифасида форсча ва туркийча еттита шеър бор. Шеърларнинг муаллифлари ҳам, дастхатлари ҳам ҳар хил. Биринчи тўртлик Маҳмуд Гулистоний деган шоирники бўлиб, Ироқдан мағлубиятга учраб қочиб келган шахзода Аҳмадга бағишланган. Қўлёзманинг учинчи саҳифасида мазкур таржимани Сарой шахридан Сайфи отлиғ киши амир Тайҳасга бағишлагани тўғрисида айтилади. Тўртинчи саҳифадан Саъдий “Гулистон”ининг таржимаси бошланади. Сўнг Сайфи Саройи таржимани тўхтатиб, ўз шеърларини қўлёзмага киритади. Кейин мазкур асарни таржима қилиш сабабларини баён этади. Қўлёзманинг 11-14-саҳифаларида Сайфи Саройи 87 байтдан иборат шеърини келтиради.

Қўлёзманинг охирги саҳифасида Сайфи Саройининг 13 байтдан иборат шеъри келтирилган бўлиб, таржима тугалланган сана кўрсатилган. Бу шеърдан маълум бўлишича, “Гулистон” таржимаси тамомланган пайтда (ҳижрий 793 йилнинг шаввал ойи – милодий 1391 йилнинг август ойи) Сайфи Саройи 70 ёшда бўлган.

“Гулистон”нинг таржимаси тўғрисида 1955 йили яна бир турк олими Абдулла Баттол Таймас жиддий мақола эълон қилди ва бу мақола асарнинг тил хусусиятларини тадқиқ этди. Мақола муаллифининг ёзишича, “Гулистони бит-туркий”нинг тили қипчок тилидир. Араб-форс сўзларига имкон қадар кам ўрин берилган, туркий сўзлар кўп ишлатилган. Баъзи сўзлар турли фонетик вариантда берилади. Бундан маълум бўладики, Миср турк давлатида туркий қабила-уруғлар кўп бўлган, аммо адабий тил мезонлари ишлаб чиқилмаган, шу боис маълум сўзларнинг талаффузида бекарорлик ҳукм сурган.

Асар Олтин Ўрдадаги таржима адабиётларининг Мисрдаги анъанавий давомидир.

Сайфи Саройи “Тулистони бит-туркий”ни таржима қилар экан, биринчи навбатда, туркий тилда сўзлашувчи кенг китобхонлар оммасини назарда тутди. Шу боис асар таржимасида арабча ва форсча сўзлар ўрнига кўпроқ халқона иборалардан фойдаланди, эски ўзбекча ва қадимги туркийча сўзлардан истифода этди; ҳуллас, таржимани халққа яқин тилда яратди. Иккинчидан, Олтин Ўрдадаги адабий муҳит анча юксалган, Олтин Ўрда давлатида туркий адабиётга ва туркий тилга эътибор кучайган эди. Гарчи бу даврдаги адабиёт – туркий адабиёт, тил – туркий тил деб юритилса ҳам, туркий тилли халқлар орасида алоҳида мавқеа тутган Олтин Ўрда адабий муҳитида яратилган асарлар тил жиҳатдан ҳар бир ўзбек китобхонига жуда яқин. Айнан “Тулистони бит-туркий”нинг тили буни тўлиқ тасдиқлайди. Қолаверса, Олтин Ўрдада амал қилган тил ҳам чигатой тилига жуда яқин, аниқроқ қилиб айтганда, Ўрта Осиё чигатой тилидан унумли озиқланган эди⁵⁰.

Саъдийнинг “Тулистон”и кейинги асрларда ҳам бир неча марта қатор ижодкорлар томонидан, жумладан, Огаҳий, мулла Муродхўжа (1909) таржима қилинган.

“Тулистони бит-туркий”нинг тузилиши Шайх Саъдийнинг “Тулистон” асаридан фарқ қилмайди. Ҳар иккаласида ҳам асар саккиз бобдан иборат. Саъдийнинг “Тулистон”идаги боблар номлари “Тулистони бит-туркий”га солиштирилганда, нисбатан аслиятга яқинлик кузатилади. Сайфи Саройи боблар номларини деярли ўзгартиришсиз таржима қилган:

Саъдийда: Сайфи Саройида:

- 1-боб. Дар сийрати подшоҳон Салотин сийрати ичинда турур
- 2-боб. Дар ахлоқи дарвешон Фуқаро ахлоқи ичинда турур
- 3-боб. [Дар фазилати қаноат] Қаноат фазилати ичинда турур
- 4-боб. [Дар фавойиди хомуши] Сукут фойдаси ичинда турур
- 5-боб. Дар ишқ ва жавони Ишқ дағи йигитлик сифати ичинда турур

⁵⁰ Тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари. – Тошкент, “MUMTOZ SO”Z” нашриёти, 2016, 74-75-б.

6-боб. Дар заиф ва пири Қарилиқ дағи заифлик сифати
ичинда турур

7-боб. Дар таъсири тарбия Тарбият таъсири ичинда турур

8-боб. Дар одоби суҳбат Суҳбат адаблари ичинда турур

Сайфи Саройи ўз асари дебочасида Саъдийнинг “Тулистон”ини нима сабабдан таржима қилганини қуйидагича баён этади: “Илик ёз кунларинда бир кун бўстон ичинда, гуллар орасинда бир неча зариф (нозикфаҳм) олимлар билан ўтуруб, иншо илминдин баҳс қилиб, абёти ғариб (ажойиб) ва ашъори ажиб (қизик) ўқудум эса, ул олимларнинг улуси аруз илминдин бир мушкул байтнинг тақаттуъин савол этти. Филҳол (дарров, тезда) жавобин эшитиб айтти: “Эй адиби ғариб, сенга бир мувофиқ насихатим бор, қабул қилсанг, хайр бўлғай”. Айттим: “Буюринг”. Айтти: “Шайх Саъдий “Тулистон”ин туркий тилга таржима қилсанг, бир соҳиб давлат эр отина, мисрои ёдгоринг жаҳонда колсун деб”.

Ул азизнинг муборак нафасин қабул этиб айттим: “...аммо қувватим заиф турур анинг қавий (қучли, қувватли) маънилари”.

Мен дағи Тангриға таваккул қилиб (ўзимни топшириб), ҳиммат белин рағбат эли билан боғлаб, бошладим, тамом бўлғай деб. Аммо бу китоб оти ул сабабдин “Тулистон” бўлдим, ажойиб ҳикоят ва ғаройиб насоиҳ ва анвоъи латоиф билан мураттаб ва музайян бўлуб турур”⁵¹. Бу воқеа милодий 1390-91 йилларда юз берган эди.

Парчадан англашиладики, Сайфи Саройи адабиёт илмида ҳам анча машҳур бўлиб, олимларнинг пешқадами бўлган. Шу билан бирга, у истеъдодли ижодкор бўлиши билан бир каторда, юксак дидли таржимон ҳам бўлгани мазкур парчадан англашилиб турибди. Ҳақиқатан, “Тулистони бит-туркий”ни ҳам Сайфи Саройи, худди Саъдийнинг “Тулистон”и сингари, ажойиб ҳикоятлар, китъалар, фардлар билан безади.

“Тулистони бит-туркий” таржимасининг ўзига хос хусусиятлари. Саъдийнинг “Тулистон”и билан Сайфи Саройининг

⁵¹ Сайфи Саройи. Гулистони бит-туркий. Нашрга тайёрловчи филология фаълари кандидати Насрулло Даврон. – “Уч булбул гулшани” тўпламида. Тошкент, Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 170-б; Бундан кейинги саҳифаларда парчалар ана шу нашрдан олинди, парчадан кейин мазкур китоб саҳифаси кўрсатилди.

“Гулистони бит-туркий” асари солиштирилганда, улар ўртасидаги айрим фарқлар дарров кўзга ташланади. Жумладан, Саъдий “Гулистон”ининг “Муқаддима”си Оллоҳга ҳамд, Шероз хукмдори “Музаффариддин ибн Занги ибн Саъд ибн Абу Бакр” мадхи, “Гулистон” китобининг сабаби таълифи баёни” таркибига кирган амири кабир Абу Бакр бин Абу Наср васфи, “хизмати вазирда воқеъ бўлгон кусурнинг узри ва ихтиёри узлатнинг сабаби баёни”ни қамраб олади.

Сайфи Саройи китобхонни, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий жараёнини, Олтин Ўрда давлатидаги ижтимоий-маданий жараёнларни назарда тутди ва асари дебочасида ўзгаришлар қилади. Жумладан, у асар дебочасида юқорида биз келтирган Саъдий “Гулистон”ининг таржима қилинишига оид таклифни қабул қилгани ҳақида парчадан кейин олтимиш мисрадан иборат маснавийни келтиради. Бу маснавий мазмунан қасидага ўхшайди. Сайфи Саройи бу шеърида “Гулистон” асарининг жамики фазилатларини баён қилади: бу асарда ғаройиботлар мавжудлиги, бундай ғаройиботлар ҳатто “Хусрав ва Ширин”да ҳам йўқ экани (чамаси, у Кутбнинг “Хусрав ва Ширин” асарини назарда тутган), асарнинг “латоиф боғи”, “маъни гулистони” сифатларга бой эканини таърифлайди. Шундан кейин ўтмишдаги номдор хукмдорларнинг авлодлар оша абадий қолганига сабаб уларнинг ҳимматлиликларидир, деган ўғитни беради:

Хайр этиб бўлган маликлар номдор,
Кетти қўйуб ҳар бири бир ёдгор.
Эйгу оти қолса эрнинг яхшироқ,
Сўнгра қолгунча тўли олтун равоқ...
Бу сифатли эр букун хайри қасир,
Миср ичинда бор бир ориф амир.

Мана шу мисралардан кейин ўша амирнинг – Мамлуқлар султонининг ҳожибул-хужжоби (эшик оғаси) Тайхосбекнинг тенгсиз заковати, элпарварлиги, саҳийликда Ҳотам Той, лутф, ахлоқ ва қарамнинг қони эканини таъриф-тавсиф қилади. Сайфи Саройи маснавий нихоясида ўз “Гулистон”ини ана шу амирга бағишлаганини айтади ва таржима Саъдий “Гулистон”идан айрим фарқли жиҳатларга эгаллигини таъкидлайди:

Ул ҳадия бу китоб эрур муфид,
Жумла алфози тўлу маъний жадид
(Бу китоб фойдали инъомдир, китоб янги маъноларга тўладир).

Мана шу мисралар ҳам Сайфи Саройининг таржима устида кўп меҳнат қилганидан, Саъдийнинг мақсадини кенг китобхонлар оммасига ўзбек тилида гўзал тилда етказиб берганидан ва ўз ижодий қобилиятини намоён қилганидан далолатдир. Таржимадаги “маъний жадид” кўпроқ Сайфи Саройининг таржима таркибидаги шеърларига тегишли бўлса керак.

Дарвоқе, Саъдий “Тулистон”и бошқа ўлкаларда таржима қилинганда ўша ўлканинг ҳукмдорларига ёки юқори мансабдаги амалдорига бағишланган. Жумладан, “Тулистон”нинг Қозий томонидан 1430 йили турк тилига қилинган таржимаси Туркия султони Мурад II га бағишланган.

Сайфи Саройи асар устида ишлаш жараёнида ижодий позициясини – асарни айнан таржима қилмай, ўзининг адабий-эстетик қарашларини ҳам сингдирганини, эски ўзбек тилининг бойлигини намоён қилганини, ижодкорлик маҳоратини кўрсата борганини боблардаги ҳикоятларда ҳам кўрамыз. Мисолларга мушоақат қилайлик.

“Аввалги боб”нинг биринчи ҳикояти вазирнинг эзгу феъллиги ва оқиллиги натижасида султон бир асирни ўлимдан озод қилгани ҳақида. Ҳикоятнинг Саъдийдаги вариантыда султоннинг “Бу асир нима деди?” дея берган саволига оқил вазир Қуръони Каримдан куйидаги оятни айтади: **“Жаннат ғазабни ютгучиларникидур ва мардумларнинг гуноҳларидан ўтгучиларникидир”** (Оли Имрон сураси, 134-оят)⁵². Аслида асир султонни қаттиқ ҳақоратлаган эди. Оқил вазир қон тўкилишининг олдини олиш ва бир одамнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида шохга қаратилган ҳақоратни Сайфи Саройи ўз таржимасида “Султон ёши узун бўлсун!” деган жумла билан алмаштирган, Қуръон ояти ҳам туширилган. Нима

⁵² Бу оят Саъдий Шерозийнинг “Тулистон” (Мулло Муродхўжа таржимаси. Нашрга тайёрловчи, масъул муҳаррир ва тақдим сўз боши муаллифи Сайфиддин Сайфуллоҳ, сўзбоши муаллифи Раҳматулла Баракаев, Тошкент, “Фан” нашриёти, 2005, 31-б.) асаридан олинди. Бундан кейинги саҳифаларда киёслаш учун парчалар ана шу нашрдан олинди, парчадан кейин маскур китоб саҳифаси кўрсатилди.

учун? Бунинг сабаби Олтин Ўрдадаги ижтимоий ҳаётга боғланади. Олтин Ўрда тасарруфидаги туркий халқлар яшайдиган ҳамма ўлкаларда – шаҳарларда, даштгли ўлкаларда, Сибирдаги туркий халқлар орасида бу асарнинг мазмун-моҳияти тўлиқ етиб бориши керак эди. Шу боисдан ҳам сурани беришни Сайфи Саройи мақсадга мувофиқ деб билмаган. “Султон ёши узун бўлсин!” деган юқоридаги содда, ҳамма тушунадиган жумла асирнинг ҳақоратини ҳам, оятнинг ҳам мазмун-моҳиятини қамраб олган.

Сайфи Саройи моҳир таржимон ва истеъдодли шоир ҳамда ҳикоянавис эканини ҳар бир бобда, ҳар бир ҳикоятда кўрсата боради. Учинчи – “Қаноат фазилати ичинда турур” бобидаги бир ҳикоятга эътибор берайлик. Саъдийда ҳам, Сайфи Саройида ҳам бу ҳикоятнинг мазмуни бир хил: Мусо алайҳиссаломнинг илтижоси билан эғнида ҳатто кийими йўқлигидан доимо қумга кўмилиб ётадиган бир фақирга Тангри молу давлат беради. Аммо ўша фақир бой бўлгандан кейин шароб ичиб, одамлар билан ёқалашади, охири, одам ўлдиради.

Ҳикоятдан кейин Саъдий байтлар (биз қитъа деб атаймиз) куйидагича таржимада келтиради:

Пишакни бўлса гар эрди қаноти,
Жаҳонда колмағай чумчукни оти.

Киши олдиға бормас эрди бўлса,
Хўкуздек шохлик эшакнинг зоти.

Гадойи нотавон топса эди зўр,
Қилур бошка гадолар кўзини кўр.

Шу байтлардан кейин Саъдий Шўро сурасининг 27-оятини келтиради: “Ва агар Оллоҳ таоло қулларига ризқни васий айласа, улар ер юзида фасод этарлар эрди.” (143-б.)

Энди ҳикоят тугагандан кейин Сайфи Саройи келтирган куйидаги шеърий парчаларга эътибор берайлик:

Бўлур ожиз топуб қудрат алинким,
Бурар бўлса тутуб ожиз қўлуни.
Ҳакиму ҳайю боқий моликул-мулк,
Тутар ҳикмат билан ҳар бир қўлини.

Шу қитъадан кейин Сайфи Саройи Қуръони Карим сураси ўрнига куйидаги хулосасини келтиради ва Саъдийнинг шу ҳикоятда йўқ бўлган қитъа билан якунлайди: “Мусо алайҳиссалом жаҳонни йўқдан бор қилган ҳақимнинг ҳикмати на иқдор келтуруб, ўз тажосурина (жасорат) муътариф (нуқсонларини эътироф этувчи) бўлди:

Келур муфсид кишидан кўб ёмон иш,
Алинда бир неча динор бўлса.
Не ишлар қилгай эрди одабийга,
Қаринчанинг қаноти бор бўлса.
Саодат кўрмаган топса назорат,
Уруб эр ўлтуруб ўйнор бўлса.
Кетар боши анинг бир кун бу йўлда,
Неча кўб молу мулк асрор бўлса.
Юмар кўз бу жаҳоннинг зийнатиңдин,
Кима сабру қаноат ёр бўлса (241-б.).

Бу шеърий парча – қитъа. Ҳажмидан қатъий назар, қофияланиш тизими (а-б, в-б, г-б, д-б, е-б) ва шоирнинг фалсафий, ахлоқий, ижтимоий қарашлари мужассам бўлгани учун бу шеърий парчани қитъа деб аташи ўринли. Сайфи Саройи ўзбек адабиёти тарихида ҳам шаклан, ҳам мазмунан қитъа жанрини бойитган шоир сифатида ҳам эътиборга моликдир.

Таржима назарияси ва амалиётига биноан, таржимон таржима тилини ҳам, аслият тилини ҳам мукаммал билиши талаб этилади. Сайфи Саройи ана шу талабларга том маънода жавоб берган таржимон бўлган эди. Унинг шоирлик иқтидори билан таржимонлик маҳорати уйғунлашиб, ҳикоятлар таркибида қитъа жанрининг жуда гўзал намуналарини яратган.

Сайфи Саройи асарни таржима қилишда қандай йўл тутган? “Гулистон”нинг Саъдий қўли билан ёзилган нусхаси йўқ. Р. Алиев тузган танқидий матн ҳозирга вақтда “Гулистон”нинг энг ишончли нусхаси ҳисобланади. Чунки бу танқидий матн асарнинг энг қадимий ва обрўли нусхаларига асосланган. Татар олими Х. Миннегулов “Гулистони бит-туркий”ни ана шу танқидий матн билан солиштириб, куйидагиларга аниқлади: “Гулистони бит-туркий”га яқин матн – 1385 йилда кўчирилган форсий нусха. Унинг

кузатувларига қараганда, Саъдий “Гулистон”нинг I – VII бобларида 182 та ҳикоят бор. Шулардан 178 таси Сайфи Саройи таржимасида мавжуд. III бобда танқидий матнда йўқ бир ҳикоят бор. Шу тариқа 1391 йилги таржимада ҳикоятларнинг 98 фоизи ўрин олган. Ҳикоятларнинг ўринлашиш тартиби бўйича ҳам фарқлар жуда оз. VIII бобда таржиманинг ва форсча аслиятнинг ўртасида фарқлар мавжуд. Бу фарқлар “Гулистон”нинг турли даврда кўчирилган кўлэзма нусхаларидаги турличалик билан боғлиқдир⁵³.

“Гулистони бит-туркий” асарининг образлар тизими. Асардаги образлар бевосита ва билвосита ижодкорнинг ўз олдига қўйган мақсадига – ҳикоятларни ўзбекзабон (умуман туркийзабон) китобхонга Саъдий назарда тутган мазмун-моҳиятни тушунарли тилда етказиб беришга қаратилган. Ҳикоятларда турли тоифа образларни – адолатпарвар ва конхўр султонларни ҳам, оқил ва фитначи вазирларни ҳам, очкўз ва саҳий инсонларни ҳам, оқил ва калтафаҳм давлатмандларни ҳам, хуллас, ҳар турли тоифадаги қаҳрамонларни учратамиз.

Султонлар ҳақидаги ҳикоятлар “Гулистон” ва “Гулистони бит-туркий”нинг бошида ўрин олгани бежиз эмас. Ҳамма замонларда ҳам инсоният ҳукмдорлардан ё намуна олганлар ёки ҳукмдорларнинг адолатсизлигидан сабоқ чиқарганлар ёки уларга ўз нафратини ифода этганлар. Жамият, мамлакат ва давлатнинг мустаҳкамлиги ёки таназзули ҳукмдорларнинг халқ билан бўлган адолатли ёки адолатсиз муносабатларига боғлиқ бўлган. Бу бобдаги ҳикоятларга қўйилган талаб нафақат адабий-эстетик томондан, балки ижтимоий-сиёсий томондан ҳам муҳимдир. Айниқса, тарихда ўтган ҳукмдорларга оид ҳикоятлар бу жиҳатдан алоҳида диққатга сазовор. Сайфи Саройи бу сингари ҳикоятларда тарихий ҳақиқатни бузмаган ҳолда ҳукмдорларнинг эсда қоладиган образларини яратади. Султон Маҳмуд Ғазнавий отаси Сабуктегинни тушида кўрганига оид ҳикоя (173-б.), Ҳорун ар-Рашидга оид ҳикоя (202-б.) шулар жумласидандир. Ҳикояларнинг биринчисида Ғазнавийлар салтанатининг асосчиси Сабуктегин ва унинг ўғли, Ғазнавийлар давлатини ўттиз йилдан ортиқ бошқарган Султон Маҳмуд образлари орқали жамияти ҳукмдорларнинг кифасини яратиш

⁵³ Татар адабиёти тарихи., 253-бет

билан бир қаторда, уларнинг урушлар, босқинчиликлар оқибатида тўплаган мол-мулки охири қолиб кетади, нариги дунёга бўш қўл билан кетади, деган бир ўғитни берди. Шу боис Султон Маҳмуднинг тушини таъбир қилиб берган камбағал одам тилидан Саройи айтадики, бу олам қанча-қанча беклару султонларни еб битирган, шунинг учун, эй хожа, агар номим ер юзида қолсин десанг, хайр қилгин, дея ҳукмдорларни сахватпеша бўлишга даъват қилади.

Хорун ар-Рашидга бағишланган ҳикоятда эса бу ҳукмдорнинг ҳар бир муаммони оқиллик билан ҳал этишини ривоят қилади. Хорун ар-Рашид Аббосийлар сулоласини бирин-кетин бошқарган барча ҳукмдорлар орасида ақлли ва донишманд ҳукмдор сифатида тарихдан маълум. Ҳикоятда донишманд Хорун ар-Рашиднинг тадбир билан иш тутиши, низоларнинг олдини олиши ва зулм қилмаслик ҳақида ҳикоя қилинади:

Хорун ар-Рашид ўғлонлариндин бири ғазабланиб, отаси қотина келиб айтти: “Фалон волийнинг ўғли онама сўкти”. Хорун ар-Рашид вазирларина айтти: “Ул кишиким мунунг каби ярамас сўз сўзлагай, анинг жазоси не турур?” Бири айтти: “Ани ўлтурмак керак”. Дағи бири айтти: “Анинг тилин кесмак керак”. Дағи бири айтти: “Ани мусодара қилмоқ керак”. Дағи бири айтти: “Ани таъзир қилмоқ керак”. Дағи бири айтти: “Ани ихрож қилмоқ керак”.

Хорун ар-Рашид айтти: “Эй ўғлум, мурувват ва қарам ул турурким, андин кечкайсан. Агар афв эта билмасанг, сен дағи анинг онасини сўккул. Эйлаким, интиқом ҳаддан кечмагай. Агар кечар бўлса, зулм бизим тарафимизда бўлғай” (202-б.).

Тарбия ҳақидаги ҳикоятлар “Тулистони бит-туркий”да муҳим ўрин тутади. Бу туркумдаги ҳикоятларнинг қаҳрамонлари – ижтимоий келиб чиқишига кўра турли тоифадаги одамлар, ақл-тафаккури, дунёқараш ва ҳаётий масалаларни англаш даражасига кўра бир-биридан фарқ қиладиган аҳли одамзод. Бу туркум ҳикоятлар қаҳрамонларининг ҳар бири такрорланмас, савия ва дунёқараш нуқтаи назаридан китобхонда гоҳ кулги уйғотса, гоҳида сабоқ беради. Ҳикоятлар – Шарқ донишмандлигининг мезони сифатида таассурот қолдиради, ҳикоятлардан китобхон ўз-ўзидан сабоқ чиқаради. Бу туркум ҳикоятларнинг асосида аксарият

ҳолларда устоз ва шогирд муносабатлари ётади. Ҳикоятлар куруқ ваъзхонлик ёки насиҳат руҳида эмас, балки китобхон сабоқ чиқариб олишига қаратилган. Сабоқ – асар қахрамонларининг диди ва фаросатини белгиловчи омил ҳамдир. Фарзандлар учун ҳар қанча олгини кумушдан кўра, одоб ва фазилатлар афзал. Бу омиллар орқали бойлик, мартабаларга эришиши мумкин эканлиги ҳақида отанинг ўғилларига қилган ўғитлари (286-б.), қаттиққўл ва ўзи ҳалим, кўнгли салим устозлар, тарбия йўллари ва турли қобилиятга эга бўлган ўғиллар (290-б.), сафарда ниҳоятда паҳлавонлигини, ўқ-ёй отишда маҳоратини йўлма-йўл намойиш қилиб, икки қароқчи ҳужуми олдида эса титраб-қакшаб, бор будини қароқчиларга топшириб саломат қолган йигит (295-296-б.) образларида таржимоннинг ғоявий-эстетик тафаккурини, лирик нутқини ва образли тилини кўрамыз. Шубҳасиз, Сайфи Саройининг ҳикоя қилиш усули бу адабий категориялар доирасида ўзига хослик бағишлаган. Мисол тариқасида қуйидаги ҳикоятни олиб кўрайлик:

Бир олими фозил бир малик ўғлига таълим берур эди. Ҳадсиз жавр ва ҳисобсиз жафо қилиб, бир кун бу ўғлон отаси хизматида келиб, шикоят али билан номус ёқасин йиртти дағи ҳолини арз этти. Султон устодини индаб йиғриб айтти: “Ўзганинг ўғлонлариндан жаврунг меним ўғлум уза ортуқроқ турур, сабаб не?” Устоди айтти: “Аввал киши керакким, не сўзласа, сағиш қилиб, аслини билиб сўзлагай дағи не ҳаракатким қилса, мавзун бўлғай. Бу барча халқ ўғлонларина керак, хосса малик ўғлонлари не сўзласалар дағи не ишласалар, эл тилина тушар, аммо авомнинг қавлина дағи феълина ул қадар эътибор йўқ турур”.

Ш е ъ р

Журм этса қачон фақир андан,
Кимдур сўруб эшиткан хатони.
Султон минг ишинда бир янилса,
Элдин уйла еткурурлар они.

Албатта малик ўғлонларининг тазҳиби (зийнатлаш) ахлоқина ижтиҳод (куч борича тиришиш) ортуқрак керак, анданким, авом ўғлонларина бўлғай. Бу малик ул олимнинг хусни тақрирни

(қарорнинг гўзаллигини) эшитиб, тарбияни беканди дағи хилъат (ҳашаматли сарпо) ва неъмат бериб, жоҳу (мансаб) мартабасин иёдат қилди... (287-б) .

Ҳикоятда ҳукмдор ўғлининг тарбияси бир оз оқсоқлигини ҳамда устознинг донишмандона қиёфасини ёрқинроқ чизиш учун Сайфи Саройи образли тилдан унумли фойдаланган. Ҳикоятга лирик нутқ, образлилик бағишлаган “шиқоят али билан номус ёқасин йиртти”, “тазхиби ахлоқ”, “ҳусни тақрир” жумлалари ва иборалари ҳикоят қаҳрамонлари образини китобхон кўз ўнгида ёрқинроқ гавдалантиришга, қаҳрамонларни сўзлатиш орқали уларнинг ички оламини ҳам намоён этишга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, нутқ қаҳрамоннинг кимлигини намоён қилиб туради.

“Гулистони бит-туркий”да жанрлар ранг-баранглиги. Сайфи Саройи ҳикоятларида энг кўп қўлланган жанрлардан бири – китъадир. Юқорида шоирнинг ўн байт китъаси ҳақида сўз юритган эдик.

Сайфи Саройи – шеърӣ ҳикоятлар устаси. Унинг шеърӣ ҳикоятлари ҳам насрий ҳикоятлари сингари, дидактик мазмунда бўлиб, инсонлар ўртасидаги аҳду вафо, садоқатни мадҳ қилади. У бир неча шеърӣ ҳикоятлар ижодкори. “Гулистони бит-туркий” таркибида ҳам у ўз шеърӣ ҳикоятларининг баъзиларидан, жумладан, “Қари бўлдунг, йигитликдан алинг юв” шеърӣ ҳикоятидан парча келтирган ва ҳикоятнинг дидактик мазмунига алоҳида урғу қаратган. Ҳикоят “тенг тенги билан” нақдига амал қилиш лозимлиги, ёши ўтган одам йигитнинг хатти-ҳаракатларини қилишга бел боғласа, шарманда бўлиши муқаррарлиги ҳақида ўғит беради.

Сайфи Саройининг шеърӣ ҳикоячиликдаги маҳоратини кўрсатадиган “Ҳикояти манзума” номли кичик бир асари диққатга сазовор. Ҳикоят ўн бир байтдан иборат. Ҳикоятнинг мазмуни шундан иборат: бир йигит бир қиз билан аҳд-паймон қилдилар. Бир кун улар кемага ўтириб, сайрга чиқдилар. Бирдан кема талофотга учраб, парчаланиб кетди ва иккови ҳам сувга ғарқ бўла бошладилар. Шунда бир одам дарров етиб келиб:

Аларнинг бирини айтти: “Алинг сун,
Яна айш қилмоқ тиласанг айш ҳар кун”.
Ул айтти: “Эй каломи жонима қут,
Мен қўй, бориш ул ёрим алин тут”⁵⁴.

Шу воқеани ҳикоя қилиб бўлгач, Сайфи Саройи ошиқликнинг қисматини шундай ифода этади:

Ҳақиқат ошиқ эрнинг мазҳаби ул,
Тиласанг, бўлмаға ошиқ, алай бўл.

Ёқарлар ул кишини ўтқа, ёрин
Қўйуб меҳнат ичинда кетар ёрин.

Ҳикоят, ҳақиқий соф муҳаббат йўлида ошиқ жонини фидо қилишга тайёр бўлиши керак, деган ҳаётий ҳақиқатга асосланган.

Сайфи Саройи ўзбек адабиёти тарихида ғазалчиликни янги поғонага кўтарди, Мамлуклар адабий муҳитида бу жанрда ўз истеъдодини намойиш қила олди. Унинг замондош шоирларига бир хил вазнда ва бир хил қофияда айтган ғазаллари шундан далолат беради.

Сайфи Саройининг замондош шоирларига шеърини жавоблари. Сайфи Саройи ўз замондошларидан Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имод Мавлавий, Аҳмад Хожа ас-Саройи, Абдул Мажид, Тўғли Хожа, Ҳасан ўғли, Хоразмий каби шоирларнинг шеърларига бир вазнда ва бир хил қофияда жавоб айтган. Сайфи Саройининг ва ўша шоирларнинг ғазаллари шундан далолат берадики, Мисрдаги туркий халқлар адабиётида ғазал жанри Хуросон ва Мовароуннаҳр шоирларининг ғазалчилиги даражасида юқори савияда ёзилган. Бу шоирларнинг аксарияти таҳаллусидан ҳам маълумки, улар Олтин Ўрдадан, Ўрта Осиёдан бориб, ўша ерда ўрнашиб қолганлар ва Олтин Ўрдадаги адабий анъанани, хусусан, ғазалчиликни давом эттирганлар. Айниқса, Сайфи Саройининг ғазалларида сўз ўйинидан фойдаланиш маҳорати бунга бир далилдир. Намуна сифатида Аҳмад Хожа ас-Саройининг ғазалини ва Сайфи Саройининг жавоб ғазалини келтириш кифоя:

⁵⁴ Наджиб Э.Н. Юкоридаги асар, 213-б.

Аҳмад Хожа ас-Саройи айтур: раҳмат ул-Аллоҳу

Дилбаримнинг ул садаф тек оғзида дур бор эрур,
Лаълининг шавқинда тун-кун дийдалар дур бор эрур.

Зулфи сунбултек, бўйи сарв енглари гулзор эрур,
Бўйини кўрмага бир дам булбулу гул зор эрур.

Жон олиб хуснун сотар бу не ажаб бозор эрур,
Ё магар ошиқлариға ноз этиб безор эрур.

Равза янглиғ хус боғинда ёноғи нор эрур,
Ҳажру ишқи кўнгулларни ёқарға нор эрур.

Банда Аҳмадни бек табғинда хуш асрор эрур
Ким, анинг шеъри сўзлари асрор эрур.

Ул вази ва ул қофияда Сайфи Саройи айтур

Дилбаримнинг зулфи сунбул, чехраси гулзор эрур,
Бўйина ошук саһавбар, юзина гул зор эрур.

Оғзи фистук, кўрки тангсук, ўзи мушфик ёр эрур,
Хуснининг чови Хитову Чин ичинда бор эрур.

Асли алчин, сўзлари чин, кўзлари тотор эрур,
Минг яшар ҳар ким, дудоғи шарбатин тотор эрур.

Ишқининг элчисина кўнглим мунаққиш дор эрур,
Зулфина тушкан кўнгулларнинг мақоми дор эрур.

Нечаким ишқи ўти бу жон ичинда бор эрур,
Қаҳрабо узра кўзумдин дамбадам дур бор эрур.

Шаҳд сўзи, ориф ўзи, воқифи асрор эрур,
Васл бўстонида хуш ошиқларин асрор эрур.

Васфина Сайфи Саройининг иши ашъор эрур,
Андин ўзга бирла ошиққа емак ош ор эрур
(Нажиб Э.Н. Юқоридаги асар..., 237-238-б.).

Ҳар иккала ғазал ўзбек адабиёти тарихида кам учрайдиган қофияланиш тизимига эга. Қофияланиш тизими бўйича бу шеър *ғазали зебоқофия* деб юритилади. Ғазалнинг ҳамма байтлари, худди ғазалнинг матлаъи каби, яъни *а-а, а-а, а-а* тарзида қофияланади. Мазкур ғазаллардаги *дурбор-дур бор, гулзор-гул зор, тотор-тотор* ва х. қофия тажнис асосига қурилган. Бундай қофияланиш тизими ўзбек шеърлятида кам учрайди. Ҳозирча фақат иккала шоир ижодида учради, холос.

Сайфи Саройининг катта ижодкор, Олтин Ўрда ва Мамлуқлар давлатида эътиборга лойиқ шоир бўлгани унинг жавоб ғазалларидан ҳам англашилиб туради. Юқорида номлари зикр этилган шоирларнинг шеърларига Сайфи Саройи бир хил вазнда ва қофияда жавоб шеър битар экан, Хоразмий таҳаллусли шоирнинг

Солди ниқоб чехрадин ул турки ховарий,
Бўлди яна жаҳон юзи оинатек ари.

матлаъи билан бошланувчи 9 байтли ғазалига унинг жавоб шеъри диққатга сазовор. Унинг шеърига Сайфи Саройи 24 байтдан иборат қасидаси билан жавоб беради. Қасиданинг матлаъи қуйидагича:

Олгун қанотин очти эса субҳ шунқари,
Кўк кўлга ботти жумла кавокиб кабутари.

Қасида Искандария шаҳзодаси Тайҳосбекка бағишланганини қуйидаги байтлар тасдиқлаётгандай бўлади:

Айди равон қасидаи ғарро қилиб бу кун,
Элтқил анинг қатинаким, ул даҳр махфари.

Искандариянинг малики бўзлар аҳли жуд,
Ким, Ҳотими замона керак бўлса чоқари.

Ҳамза юракли эрдам эри Рустами замон,
Бу аср ичинда ўзларининг йўқ баробари.

Бундан ташқари, “Тулистони бит-туркий” дебочасида келтирилган маснавийда Тайҳосбекнинг сифатларидан бири —

сахийликда Ҳотами Той сингари эканини таърифлайди. Маснавийда Тайхосбекка қарата айтилган “Жуд ичинда Ҳотими Тойи замон (Сахийликда замоннинг Ҳотами Тойидир)” ибораси мазмунан юқорида келтирилган байтда ҳам бор. Шу боис қасида Тайхосбекка бағишлангани яна бир қарра аён бўлади.

Сайфи Саройининг шеърлари орасида икки вариантдаги битта халқ кўшиғи бор. Кўшиқни шартли равишда “Фаранг қизи” деб номлаш мумкин. Аммо ҳар иккала кўшиқ ўғуз гуруҳидаги туркий қавмлардан бири ижодига мансуб. Кўшиқнинг биринчи вариантдан бир парча келтирамиз:

Қизил олма дугулмудур, фаранг қизи,
Шу келан ёр дугулмидир, ёндурмағил.
Ҳой беклар, ёндим,
Беклар, ёндим.
Беклар, дедим.
Тоза гулдур,
Ёндурмағил.

(Бу халқ кўшиғи парчаси Сайфи Саройининг Э.Фозилов нашрга тайёрлаган (Т.:1968, 47-б.) китобидан олинди)

Иккинчи варианты ҳам, баъзи сўзлар ўзгариши билан ижро этилганини ҳисобга олмаганда, юқоридаги парча билан бир. Аммо бу халқ кўшиғи Сайфи Саройи кўлёмаси таркибига қандай кириб қолгани номаълум. Қолаверса, Сайфи Саройининг кўлёмаси таркибида, юқорида айтилганидай, бир неча дастхатлар бор. Эҳтимол, ана шу дастхатлардан бири бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, Сайфи Саройи кўлёмасининг дебчасида мазкур халқ кўшиқлари ҳақида бирон маълумот ёки ишора ҳам йўқ. Сайфи Саройининг кўлёмасига турк халқ кўшиқларига мансуб бу халқ кўшиғи кириб қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис бу ҳақда ҳозирча сўз юритиш ортиқча, деб биламиз.

Сайфи Саройининг бизгача етиб келган лирик шеърлари миқдор жиҳатидан оз бўлса-да, мавзу қамрови кенг: гоҳ одамийлик ва инсон қадр- қиммати, гоҳ самимий ишқ-муҳаббат, гоҳ олийжаноб инсоний туйғулар шоир шеърларининг асосий моҳиятини ташкил қилади.

“Сухайл ва Гулдурсун” достони. Юқорида биз бу асар “Ёдгорнома” номи билан танилгани ҳақида айтган эдик. Сайфи Саройи “Сухайл ва Гулдурсун” достонида дунёвий ишқ, севгида вафодорлик, мардликни куйлайди. Достон афсона эмас, балки тарихий ҳақиқат асосида яратилганини Сайфи Саройи алоҳида таъкидлаб:

Эмас афсона, чин ушбу битилмиш,

Бу чин, афсонадек ишқда етилмиш

мисралари билан бошлайди. Достоннинг мазмуни куйидагича:

Амир Темур билан Олтин Ўрда хони Тўхтамиш ўртасида бўлган жангда Тўхтамиш хон томонидан кўп одам асирга олинади. Бўлиб ўтган жангда қонлар дарё бўлиб оқди. Асирлар орасида Тўхтамишнинг ўғли Сухайл ҳам бор эди. Сухайлни зиндонга ташладилар. Сухайл худди Юсуф сингари гўзал йигит, фазилатлари бир талай, сўзлари ширин йигит эди. Сухайлни зиндонга ташлаганларидан кейин, у ухлаб қолади ва туш кўради. Тушида бир париваш қиз боғда юрган эмиш, Сухайл эса боғда қизга атаб гуллар териб юрган эмиш. Қиз Сухайлнинг кўнглига оташ ташлаб қочиб кетибди. Қизнинг ортидан югурибди-ю аммо бир чуқурга йиқилиб тушибди. Сухайл уйғониб кетиб, бу туш эканини англабди. Шохнинг қизи Гулдурсун канизлари билан сайр қилиб юриб, зиндондаги Сухайлни кўриб қолади. Гулдурсун – ўзини гул, Сухайлни булбул деб билди. Кечаси зиндонбон олдига келди ва зиндонга тушиб беҳол ётган Сухайлнинг юзига юзини қўйган эди, Сухайл ўзига келди. Гулдурсун Сухайлга: “Мен сизнинг фидойингизман” деб, Сухайл Гулдурсунга: “Мен сенинг гадойинг бўлдим”, дея аҳду паймон қилдилар ва иккови чоҳдан чиқиб, қочдилар. Иккови дўзахдай қизиб кетган саҳрода юравердилар. Аммо Гулдурсун очликдан, сувсизликдан ерга йиқилиб, жон берди. Чорасиз қолган Сухайл ҳам “менга яхшидир ёр бирла ўлмак”, дея ўзига тиғ уриб, Гулдурсуннинг ёнида жон беради. Сухайлнинг оху ноласидан саҳрода бўрон кўтарилиб, икковига кум қабр бўлди.

Сайфи Саройи Лайли ва Мажнун воқеасини ҳам достон ниҳоясида тилга олади. Бундан шуни англаш мумкинки, “Лайли ва Мажнун” достонлари, хусусан, Низомийнинг мазкур номдаги достонидаги Лайли ва Мажнун ўртасидаги ишқ тимсоли “Сухайл ва Гулдурсун” достонига асос бўлган.

Достоннинг ёзилган санасини Сайфи Саройи куйидагича кўрсатади:

Эди юз тўқсон олти наврўз ойн,
Хатм этти буни сайфи Саройи.

796 – милодий 1393\94-йилларга тўғри келади.

“Сухайл ва Гулдурсун” ўрта асар ёзма адабиёти сингари халқ оғзаки ижоди таъсирида яратилган. Достон арузнинг ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида (мафойилун, мафойилун, мафобийл) битилган.\

Хотин содик, ани севгил, азиз эр,
Ҳар оғир ишда ҳам дойим сени дер.
V --- V --- V ---

Сайфи Саройи ва унинг ижодкор замондошлари она Ватандан узоқда бўлсалар ҳам, XIV асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек адабиёти савиясини юқори даражага кўтариб, жамики туркий халқлар ўлкаларидаги аҳолининг она тилида ижод қилдилар. XIV асрнинг иккинчи ярми - XV асрда Миср маданий-адабий муҳитини мамлуклар тамомила ўзгартириб юбордилар. XV асрда яшаган араб муаррихлари ҳам қипчоқ тилида, ҳам араб тилида ижод қилган кўплаб олимлар, ёзувчилар ва шоирларнинг номларини келтирадилар. Улар Мисрдаги мадрасаларда турли фанлардан дарс бердилар. Олтин Ўрдадаги ўзаро жангу жадаллар оқибатида XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўплаб маданият арбоблари Мисрга кўчиб бориб, янги-янги туркий маданий марказларни пайдо қилдилар. Бу даврда қипчоқ-ўғуз тилида турли мазмундаги ва жанрдаги адабиёт шаклланди. Араб ва форс тилларидан бу тилга таржима қилинган бар қатор асарлар туркий адабиётни миқдор ва сифат жиҳатдан бойитди. Умуман туркий маданий муҳит, туркийча анъана ва руҳ ўзбек адабиётининг бу ўлкада ривожига имконият яратиб берди.

“Шоҳнома”нинг таржимаси ҳам ана шу маданий муҳитнинг маҳсулидир. Машҳур венгер туркийшуноси Вон Лекко шундай ёзган эди: “Мисрнинг маданияти ва санъатининг муттасил равишда ривожига ва гуллаб-яшнаши ҳокимият араблардан туркий ҳукмдорлар кўлига ўтган давр билан боғлиқ”. Мисрда нафақат адабиёт туркий тилда эди, балки туркий қавмлар ўзларининг азалий удум ва кадриятларини ҳам сақлаб қолдилар.

РАШИДИДДИН ФАЗЛУЛЛОҲ ҲАМАДОНИЙ ВА УНИНГ “ЖОМЕЪ УТ-ТАВОРИХ” АСАРИ

Режа:

1. “Жомеъ ут-тавориҳ” асари ҳақида.
2. “Жомеъ ут-тавориҳ”да Ўғуз хон ҳақидаги ривоятлар.
3. Ўғуз хон ҳақидаги ривоятларда шомон образи.
4. “Жомеъ ут-тавориҳ”да ҳикоятлар.
5. “Жомеъ ут-тавориҳ” асарининг тили ҳақида.
6. Рашидиддин – шоир.

Таянч сўз ва иборалар: *тарих фани, муаррих, адабий жанрлар, афсона ва ривоят жанрлари, анъанавий образ, туркий қавмлар тарихи, қадимги туркий мифология, афсонавий этик руҳ, шомон образи, ҳикоят, оғзаки ҳамда ёзма ҳикоятлар.*

“Жомеъ ут-тавориҳ” асари ҳақида. Шарқ бадий тафаккури адабиёт ва тарих фанларини доимо ёнма-ён юришига, бир-бирини тўлдириб боришига эришган. Бунга сабаб шуки, ўтмишдаги муаррихлар адабиётга алоҳида меҳр билан муносабатда бўлганлар, тарихни адабиётсиз тасаввур қила олмаганлар. Айни пайтда тарих асарларидаги ривоятлар, ҳикоятлар, шеърлар ва бошқа адабий жанрлар муаррихларнинг ижодий қобилиятидан дарак беради, улар ўз даврининг адабий жараёнидан яхши хабардорлигини намён қилади. Тарих асарларининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, муаррихда бадий ижодга лаёқат бўлса, тарих асарини ҳам бадийнинг юксак намунасига айлантира олади. Ўтмишдаги муаррихларнинг фаолияти бунга ёрқин мисолдир. Улар иқтидорли ижодкорлар сифатида ҳам фаолият кўрсатганлар. Шу боис уларнинг тарих асарлари бадий асар сифатида уқилган. Шарқ тарихига назар ташласак, бунинг жонли намуналарини кўраимиз. Қадимги Хитой йилномалари ёки Ўрта Осиё муаррихларининг ҳар бир асари ана шундай хусусиятга эга. Муаррихлар халқ оғзаки ижоди жанрларидан, айниқса, афсона, ривоят жанрларидан унумли фойдаланганлар ва ўзларининг тарих асарларига бу жанрларни олиб кирганлар.

Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жомеъ ут-тавориҳ” асари бу жиҳатдан алоҳида намунадир. Асар милодий 1310/ 11 йилларда ёзилган. Асар турк-мўғул қабилаларининг келиб

чиқишини, Чингизхон ва унинг авлодлари тарихини изчил баён қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу асар уч жилддан иборат бўлиб⁵⁵, биринчи жилдни бевосита Рашидиддиннинг ўзи ёзди. Иккинчи ва учинчи жилдни муаррихлар Рашидиддиннинг назорати остида ёзган, деб тахмин қилинади. Биринчи жилддан турк-мўғул халқларининг Чингизхонгача бўлган тарихи ўрин олди. Рашидиддин бу жилдни ёзишда ёзма манбалардан – Маҳмуд Кошғарийнинг араб тилида ёзилган “Девону луғатит-турк” (мил. 1068\69 й.), Жувайнийнинг форс тилида ёзилган “Тарихи жаҳонкушой” (“Оламини бўйсундирувчилар тарихи”, мил. 1260 й.), Чингизхоннинг, унинг ота-боболарининг расмий тарихини ёритган “Олтин дафтар” китобидан фойдаланди. “Олтин дафтар” мўғул тилида ёзилган бўлиб, Элхонийлар саройи хазинасида сақланарди.

Яна шуниси эътиборга сазоворки, биринчи жилдда туркий қабилалар тарихи ва бу қабилаларнинг пайдо бўлиши ҳақида ривоятлар берилган. Бу ривоятлар “Ўғузнома” китобий эпосида баён қилинган туркий қабилаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятлар билан деярли бир. Шунинг учун, Рашидиддин биринчи жилдни ёзишда “Ўғузнома”дан ҳам фойдаланган, деб айтиш мумкин. Гарчи “Ўғузнома” XV асрда эски уйғур-турк ёзувида кўчирилиб, китобат қилинган бўлса ҳам, унғача оғзаки шаклда туркий халқлар орасида ижро этилиб келган. Рашидиддин ана шу оғзаки вариантдан фойдаланган бўлиши мумкин.

Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний туркий қавмлар тарихини ва бу қавмлар Ўғуз хондан тарқалганини илк бор илмий асосда ёритиб берган олимдир. Юқорида биз айтиб ўтган Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” (XIV), Абдулғози Баходирхоннинг “Шажараи турк” (XV11) асарларига ҳам “Жомеъ ут-таворих” муҳим ва ишончли манбалардан бири бўлган эди.

“Жомеъ ут-таворих” форс тилида ёзилган бўлиб, олим ўз асари орқали мўғулларнинг ҳамма қабиласи туркий қавмлардан тарқалганлигини асослаб берди. Бу қабилаларнинг ҳаммаси Ўғузхонга, Ўғузхоннинг шажараси Нух ибн Ёфасга (ёки Абултуркка) бориб тақалишини кўрсатди.

⁵⁵ Асарнинг форс тилидан рус тилига қилинган таржималари ҳақида қаранг: Рашидаддин. Сборник летописей. Том 1, перевод с персидского А.А.Хетагурова, М.:-Л.: 1952; Том 2, перевод с персидского Ю.П. Верховского, М.:-Л.: 1960; Том 3, перевод с персидского А.К.Арендса, М.:-Л.: 1946.

“Жомеъ ут-таворих”да Ўғуз хон ҳақидаги ривоятлар. Туркий халқлар тарихига бағишланган асарларнинг деярли ҳаммасида учрайдиган бир анъанавий образ бор. Бу – Ўғуз хон образидир. Турк-мўғул ёки туркий кавмлар тарихи билан машғул бўлган муаррихлар, албатта, Ўғуз хон шахсига мурожаат этганлар. Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг “Жомеъ ут-таворих”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” асарларида Ўғуз хон воқеаси батафсил ҳикоя қилинган. Шунингдек, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” (XVI) ва б. айрим тарихий асарларда Ўғуз хон билан боғлиқ воқеалар баён қилинган. Бу асарларнинг ҳаммасида Ўғузхонга оид ривоятлар, айрим жузъий ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, деярли бир хилдир. Бу ҳолат, биринчидан, Ўғуз хон шахсининг муаррихлар томонидан кўп ва изчил ўрганилганидан ҳамда бири иккинчисидан фойдаланганидан, иккинчидан, Ўғуз хон тарихий шахс сифатида ўша муаррихлар томонидан эътироф этилганидан юзага келган.

Ўғуз шахси ёритилган тарихий асарлар яна айрим жиҳати билан бир-биридан фарқланади. Бу фарқ – Ўғузхон тарихига оид лавҳаларнинг кенг ёки тор баён қилинганида кўринади. Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих” асари Ўғуз хон образи батафсил ёритилган манбалардан биридир.

“Жомеъ ут-таворих”нинг Ўғуз шахсини ёритишдаги аҳамиятли жиҳати шундаки, асарда Ўғузхон мусулмонликка эътиқод қилувчи қаҳрамон сифатида талқин қилинган бўлса ҳам, қадимги туркий мифологиянинг баъзи излари сақланган. Бу жиҳат “Жомеъ ут-таворих”даги Ўғуз хон ривоятига қадимий “Ўғузнома” китобий эпоси кучли таъсир этганидан далолат беради. Энди “Жомеъ ут-таворих” асаридаги Ўғузхон ҳақидаги ривоятга эътибор берайлик:

Мусулмон тарихида айтиб ўтилганидай ва яҳудий халқининг “Таврот”ида ёзилганидай, Нух пайғамбар – жойи жаннатда бўлсин – ер юзини шимолдан жанубга уч қисмга бўлди. Биринчи қисмини ўғилларидан бири Хомга берди. Хом қора танлиларнинг уруғбошиси бўлди. Иккинчи қисмини Сомга берди. Сом араб ва форсларнинг уруғбошиси бўлди. Учинчи қисмини Ёфасга берди. Ёфас туркларнинг уруғбошиси бўлди. Нух, Ёфасни Шарққа жўнатди. Мўғуллар ва турклар ҳам шу воқеани айтадилар. Турклар Ёфасни Булжа хон (Абулжаҳон – Н.Р.) деб атаганлар ва ҳозир ҳам

шундай деб атайдилар. Лекин Булжа хон ҳақиқатан ҳам Нуҳнинг ўғли ёки набираси бўлганини аниқ билмайдилар. Булжа хон Нуҳнинг наслдан ва унинг замонига яқин бўлгани ҳақиқатга тўғри келади. Ҳамма мўғуллар, турк қавмлари ва барча кўчманчилар Булжа хоннинг наслдан келиб чиққан. Бунинг батафсил тафсилотини куйидагича баён қиладилар:

Булжа хон кўчманчи эди. Унинг ёзги қароргоҳи Ўртақ ва Қазтоғда жойлашган эди. Бу жойда баланд тоғлаб бўлиб, Инонж деган шаҳар ҳам бор эди. Булжа хоннинг қишки қароргоҳи ҳам шу атрофларда – Бурсун, Кўкён ва Қоркурум деган жойларда эди. Қоркурумни Қоракурум деб ҳам атайдилар. Шу жойлар яқинида Талас ва Қари Сайрам шаҳарлари бор эди.

Қари Сайрам – қадимий ва ғоят катта шаҳар. Кўрганларнинг айтишича, шаҳарнинг бу бошидан нариги четигача бир кунлик йўл, қирқта дарвозаси бор. Ҳозирги пайтда бу шаҳарда мусулмон турклар истикомат қиладилар. Шаҳар Қайдунинг қўли остида бўлиб, Кунжу улусидан саналади. Унинг насллари ўша жой яқинида. Булжа хон Диб Якуй деганнинг ўғли эди. “Диб” – мунозара ёки лавозим жойи деган маънони билдиради. “Якуй” эса бутун қабилалар устидан ҳукмронлик қиладиган одам деганидир. Бу ўғил кучли бўлгани учун отасидан устун келиб, шоҳ бўлишга лойиқлигини исботлади. Унинг тўртта ўғли бор эди. Ўғилларининг исми Қорахон, Ўрхон, Кўзхон ва Гўрхон эди. Уларнинг ҳаммаси динсиз эди. Қорахон отасининг ўрнига тахтга ўтирди. Қорахон ўғил кўрди, ўғли уч кунгача онасини эммади. Онаси эса йиғлаб илтижо қиларди. Ҳар куни кечаси она туш кўрар, тушида ўғли гўё унга шундай деяётгандай бўларди: “Эй она! Агар сен ҳақиқий Худога ибодат қилиб, муҳаббат кўйсанг, мен сенинг сутингни эмаман”.

Эри Қорахон ва бутун халқ ҳали танҳо Худони билмагани учун, аёл: “Агар танҳо Худога сажда қилаётганимни билиб қолсалар, болам билан бирга мени ўлдирадилар”, деб кўрқарди. Аёл яширинча ҳақиқий Худога имон келтириб, тавба қилди ва қомил ишонч билан қодир Худонинг ҳақиқатини севгучи бўлди – у шуҳрат топиб, ҳаммадан устун бўлсин! – Шундан кейин гўдак онасининг кўкрагини эма бошлади. Бир ёшга етганда, фавқулодда покиза ва чиройли бола бўлди, манглайида етук ақлнинг ва ҳақиқий имон йўлида раҳнамоликнинг аломатлари ялтираб турарди. Шунда отаси Қорахон ўғлидаги бу аломатларни кўриб, айтди: “Халқ орасида

бунақа киёфадаги, бундай хусндор бола ҳали туғилмаган эди. Менинг ўғлим ўз тенгдошлари ва ўзига ўхшаганлар орасида улуғ, хурматга сазовор бўлади, шубҳасиз, комиллик даражасига етади”.

Болага ном қўйиш муносабати билан отаси қариндош-уруғларини маслаҳатга йиғди. Бир ёшли бола тилга кириб: “Мени Ўғуз деб айтинглар”, деди. Шу ерда ҳозир бўлганлар бу аҳволдан хаддан ташқари хайратга тушдилар. Улар, чақалоқ айтганлари бўйича, болани Ўғуз деб атадилар. Унинг бу сўзи қодир Худонинг ҳақиқатига амал қилишнинг қатъий аломати эди.

Ўғуз вояга етгач, отаси Қорахон ўғлини жиянларидан бирига – Кўзхонинг қизига унаштириб қўйди. Қиз ниҳоятда чиройли ва ақлли эди. Ўғуз ҳеч кимга билдирмай қизга айтди: “Агар сен ҳақиқий Худога итоат этиб, илоҳий ҳақиқатга чин дўст бўлсанг, мен ҳам сенга кўнгил қўйиб, бир ёстикка бош қўяман”. Қиз бу таклифни ўзи учун имконсиз деб билди ва Ўғузнинг маслаҳатига кулоқ солмасдан деди: “Бу гапингни отангга айтаман, токи у сени йўқ қилсин”. Оқибатда Ўғуз қизга эътибор қилмади, мойиллик ҳам билдирмади. Отаси кўрдикки, Ўғуз бу қизни севмас экан, иккинчи укаси Гўрхоннинг қизига унаштирди. Қизни Ўғузга унаштирганларидан кейин, Ўғуз бу қизга ҳам ўша гапларини айтди. Лекин қиз унинг таклифини рад этиб, ҳақиқий динни қабул қилмади. Ўғуз бу қизга ҳам кўнгил қўймади ва қизга яқинлашмади. Қорахон кўрдикки, Ўғуз бу қизга ҳам кўнгил қўймапти. Иккала хотинидан биронтасига ҳам яқинлашмаяпти. Қорахон ўғлининг хоҳиши билан учинчи укаси – Ўрхоннинг қизига унаштирди. Ҳали қизни уйларига олиб келмаган эдилар, бир куни Ўғуз овдан қайтаётган, дарё бўйича Ўрхоннинг қизини кўриб қолди. Қиз кийимлар юваётган чўриларини назорат қилиб турган эди. Ўғуз қизга яқин келиб, унга деди: “Биласанки, мен иккала амакимнинг қизларига уйланган эдим, лекин мен уларни севмайман, улар билан алоқа қилмайман. Сабаби шуки, улар самовий Худога имон келтирсинлар, унга эътикод қўйсинлар, деб истаган эдим. Лекин иккаласи ҳам менинг гапимга кирмадилар, сўзимни рад қилдилар. Энди эса мени сенга унаштирдилар. Агар сен танҳо Худони эътироф этсанг, Унга имон келтирсанг, сенга уйланаман, сенга кўнгил қўяман”. Қиз шундай жавоб берди: “Мен ҳақиқий Худони билмайман, асло хабарим йўқ. Лекин биронта сўзингни, буйругингни ерда қолдирмайман, сенинг амрингга итоат этиб,

кулоқ соламан”. Ўғуз деди: “Юракдан истаганим шудир, сен илохий ҳақиқатга имон келтиргин, илохий ҳақиқатни севгин, деб амр қиламан”. “Сенинг айтганларингга розиман”, деб жавоб берди қиз. Шундай қилиб, қиз ҳақиқий динни қабул қилди ва илохий ҳақиқатни севди.

Шундан кейин Ўғуз кизни олди, унга кўнгили кўйди, ҳар доим унга яқинлашди, бошқа хотинларига эса яқинлашмади. Ўғуз ҳақиқий Худони таниб, солиҳ бўлгани учун отаси ва амакилари билан гаплашишни истамас эди. Чунки улар имонсиз эдилар. Шунинг учун доимо улардан узоқ туришни истар, улардан қочарди. Бир ўзи овга борар, ҳар доим араб тилида “Оллоҳ” деб Худонинг исмини айтарди. Бу сўзнинг маъносини ҳеч ким билмасди. У ҳар доим ажойиб овоз билан “Оллоҳ!” деб хитоб қиларди. Қариндош-уруғлари “Ўғуз бу сўзни эшитилиши ёқимли бўлгани учун, вақтини чоғ қилиш, эрмак учун айтяпти, бу сўз унга одат бўлиб қолган”, деб ўйлардилар.

Бир куни Қорахон келинларига зиёфат уюштирди, уларга меҳрибонлик кўрсатиб, сўради: “Иккала катта келиним кичигига қараганда чиройлироқ. Лекин ўғлим катталарига қараганда кичигини севади. Нега у ҳар доим кичигига боради, у билан муомала қилади, катта хотинларига эса асло эътибор қилмайди?” Иккала келин эридан норози бўлиб, уни жуда ҳам рашк қилардилар. Қулай фурсат топиб, эрларига қарши чиқиб, Қорахонга дедилар: “У бошқа динни қабул қилган – еру осмонни яратган Худога имон келтирган. У бизни ҳам шунга кўндирмоқчи бўлди, лекин унинг таклифини рад қилдик. Унинг гапларига эътибор бермадик. Шу сабабдан у бизга ёмон ниятда бўляпти. Нариги келинингиз эса ўғлингизга ўхшаб, ўша Худога имон келтирди, у билан маслақдош бўлди. Табиийки, эри уни яхши кўради, бизни эса кўрарга кўзи йўқ”.

Бу пайтда Ўғуз ўз навкарлари ва дўстлари билан бирга овда эди. Қорахон укаларини, жиянларини, қариндош-уруғларини, амирларини тўплаб, шундай деди: “Ўғлим Ўғуз болалигида тақдир тақозоси билан эрка ўсган, аммо қобилиятли бола бўлди. Мен ҳам унга бутун қалбим билан боғлангандим. Лекин у энди ёмон иш қилибди, бизнинг динимиздан қайтибди. Шунинг учун уни тирик қолдириб бўлмайди”. Йиғилганларнинг ҳаммаси ғазабга келди, ҳамма бир овоздан Ўғузни ўлдиришга қарор қилди.

Ўғузнинг имонли хотини бу воқеани эшитгач, ўша зоҳоти ишончли кўшни аёлни унинг олдига жўнатди ва воқеадан хабардор қилди. Ўғуз жангга тайёрланди. Ҳамма навкарларини ва дўстларини чорлаб, воқеадан хабардор қилди. Улар ов қилаётган жойларидаёқ бир-бирлари билан яқдил бўлдилар. Отаси, амакилари, қариндош-уруғлари Ўғузни ўлдириш учун бирлашдилар. Иккала томон кўшинни жангга шай қилиб, уруш бошладилар. Бу жангда қарши томоннинг ўки Қорахонга тегиб, яраланди ва ҳалок бўлди. Амакилари ва Ўғузнинг қабиласидан кўпчилик Қорахонга қўшилганлари учун, улар бир-бирлари билан етмиш беш йил уришдилар, улуслар ва жангчилар ўзаро тортишиб ўтдилар.

Охир-оқибат Ўғуз ғалаба қилиб, Талас ва Сайрамдан тортиб Бухорогача бўлган ўлкаларни босиб олди. Бу ўлкалар Ўғузга сўзсиз итоат этадиган бўлди. Ўғузга қўшилмаган баъзи амакилари, ака-укалари ва жиянлари ундан шарқ томонда жойлашдилар. Улар, ҳамма мўғуллар бизнинг уруғдан тарқалган, деб ҳисоблайдиган бўлдилар. Бу даврда мўғуллар ҳали имонга келмаган эдилар. Вақтлар ўтиб, улар ҳам Чингизхон насли билан бирга танҳо Худого эътиқод қиладиган бўлдилар... (1 жилд, 81-83-б.)

Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” китобида ҳам юкоридаги ривоят айнан берилади⁵⁶. Ривоятда афсонавий эпик рух ҳукмрон бўлиб, Ўғузни идеаллаштиришнинг сабаблари бор. Тарихга назар ташласак, бунинг сабабини топамиз.

Хитой йилномаларига кўра, милoddан олдинги III асрда Марказий Осиёда марказлашган қудратли давлат барпо қилган Ботир тангрикутнинг образи ана шу ривоятда яққол намоён бўлади. Ўша тарихий воқеада диний муаммо эмас, балки ижтимоий-сиёсий муаммо ўртага чиққан эди. Ботир емирилиб бораётган давлатни сақлаб қолиш учун отаси Туман тангрикутни, тахтга даъвогар бўлган ўғай ака-укаларини ўлдиради ва тахтни эгаллайди⁵⁷. Тарихий воқеа Ўғуз хон ҳақидаги ривоятнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган эди. Шу тариқа Ўғуз хон тарихий образ сифатида юзага келди. Ўғуз хон ҳақидаги ривоят мўғулларнинг исломга кириб

⁵⁶ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент, “Чўпон” нашриёти, 1994, 42-46-б.

⁵⁷ Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Турғун Олмос. Хунларнинг қисқача тарихи (уйғур тилида). – Қашғар уйғур нашриёти, 1986, 19-47-б.

келишига оид воқеаларга боғланган бўлса ҳам, туб тарихий воқеанинг – милoddан олдинги III асрда бўлиб ўтган воқеаларнинг қадимий қатлами сақланган. Зотан, мўғулларнинг исломга кириб келиши Олтин Ўрда давлати ташкил топаётганда юз берди.

Ўғуз хон ҳақидаги ривоятларда шомон образи. Мазкур ривоятда бир детал диққатни тортади. Рашидиддин ўрни-ўрни билан туркий қавмларга нотаниш уруғ ва шахс номларининг келиб чиқиши ҳақида қисқа изоҳ бериб боради. Бунинг сабаби шуки, мазкур ривоят мазмунига китобхон бефарқ бўлиб қолмаслиги керак эди. Тушунарсиз сўзлар албатта ривоят мазмунига халақит бериши табиий. Туркий мифология сақланган ўринларда ана шундай изоҳлар берилган.

Маълумки, эски турк диний оқими – шомонийликда пайғамбарлар ва муқаддас китоблар бўлмагани сабабли қомлар, яъни шомонларнинг ўрни бекиёс бўлган. “Шомонлар истиқболнинг яхши ва ёмон ҳодисаларидан уларни (яъни кўк туркларни – Н.Р.) воқиф айлайдилар. Қомларнинг тавсияларисиз қўшин тўплаб урушга киришилмас эди”¹. “Ўғузнома” китобий эпосидаги Улуғ Турк, “Дада Кўркут китоби”даги Кўркут ота образлари қадимги туркийлар эътикод қилган шомонлар образига мисол бўла олади. “Жомеъ ут-таворих” асарида ҳам бу шомонлар образларига монанд образ бор. Ирқил Хожа шундай образдир. У Ўғуз хон ҳукмронлиги даврида ҳам, унинг вафотидан кейин Кун хон ҳукмронлик қилган даврда ҳам ноиб бўлган эди. Ирқил Хожа аслида “Ўғузнома” китобий эпосидаги Улуғ Турк образидир. Ирқил Хожа ҳам, Улуғ Турк сингари, Ўғуз хон авлодларининг ҳар бирига лақаб, ном, тамға ва белги тайинлайди. Хуллас, Ирқил Хожа ва Улуғ Турк образлари Ўғуз хон ҳақидаги ривоятларда, китобий эпосда ўз моҳиятини сақлаган.

“Жомеъ ут-таворих” асарида Ўғуз шахсини ёритиш борасида яна бир диққатга сазовор маълумот мавжуд. Бизга маълумки, Хитой солномалари қадимги турклар тарихи ва ривоят ҳамда афсоналари учун энг қадимий, ишончли манбадир. Рашидиддин “Жомеъ ут-таворих” асарини ёзишга тайёргарлик кўраётган пайтда – 1286 йили Эронга Хитойдан амир Пўлод Чжен Син деган бир тарихчи келади. Бу одам Хитой солномалари, мўғул ривоятлари бўйича чуқур

¹ Усмон Турон. Туркий халқлар мафқураси. Т.: Чўлпон, 1995, 56-6.

билимга эга эди. Рашидиддин Ҳамадонийнинг “Жомеъ ут-таворих” асари юзага келишини, Ўғуз хон образининг ўзига хослик касб этишини, яъни Ўғуз хон ҳақидаги китобий эпосдан фарқ қилишини ана шу Хитой муаррихининг маърузаларидан ҳам қидириш лозим.

Рашидиддиннинг мазкур асарида Ўғуз хон ҳақидаги ривоятдан ташқари, туркий қавмларнинг – кипчок, қарлук, қалач, сақлаб, қангли каби қабилаларнинг юзага келиш тарихига оид ривоятлар ҳам бор. Бу ривоятлар “Жомеъ ут-таворих”нинг биринчи жилдидан ўрин олган. Бу ривоятларга алоҳида урғу беришдан Рашидиддиннинг мақсади шу эдики, мўғул қавмлари туркий қавмлардан келиб чиққанини ва ҳар иккала қавмнинг бобоси Ўғуз хон эканини кўрсатиш эди. Рашидиддин ана шу ривоятлардан ишончли илмий далил сифатида ҳам фойдаланди.

“Жомеъ ут-таворих”да ҳикоятлар. Бу асарда Чингизхон ўғилларининг ҳаётига оид кўшлаб ҳикоятлар ҳам бор. Айниқса, Угадайхонга оид ҳикоятлар кўп бўлиб, бу ҳукмдорнинг кўп қирралари – ерли аҳолига хайрихоҳ муносабати, айни пайтда ёлгончи, хушомадгўй, ўғри ва талончиларга шафқатсизлиги шу ҳикоятлардан ўрин олган. Рашидиддин ҳикоятларга алоҳида урғу берар экан, асосан, Угадайхоннинг шахсий фазилатларига диққат қаратади. Мана, битта ҳикоят:

Хоқон Қорақурум шахрини қургандан кейин, бир куни хазинага кирди ва у ерда тахминан икки туман балиш (пул бирлиги – Н.Р.) кўрди. У шундай деди: “Бу балишларни йиғишдан нима маъни бор?! Буларни доимо кўриқлаш керак бўлади-ку! Ҳаммага эълон қилинсин: балиш олишни истаганлар келиб, олиб кетаверсин”. Шаҳар аҳолиси – зодагонлар ҳам, оддий халқ ҳам, бойлар ҳам. камбағаллар ҳам – ҳамма хазинага келиб, катта миқдорда балиш олиб кетдилар.

Ҳикоят, бир томондан, Угадайхоннинг саҳийлигини кўрсатади, иккинчидан, ҳар қандай бойлик инсонларнинг манфаатига хизмат қилиши керак деган унинг қарашига ишора қилади. Энди қуйидаги ҳикоятга мурожаат қилайлик:

Бир одам хонга форсларнинг бош кийимини олиб келибди. Хон ширакайф экан, уни икки юз балиш пул билан мукофотлабди. Хон

аъёнлари ёрлиқ қоғозини ўша одамга берибдилар, аммо муҳр кўйишни орқага сураверибдилар. Улар: “Эҳтимол, хон жаноби олийлари сархушлиқда фармон бериб юборган бўлишлари мумкин”, деб хавогирланаётган эканлар. Хон эртаси куни ўша одамни саройда юрганини кўриб қолибди. Хон аъёнлари ўша одамга бериладиган ёрлиқ қоғози ҳақида сўзлабдилар. Хон, уч юз балишга ёрлиқ беринглар, деб буюрибди. Аммо хазинадан пул беришни яна орқага сураверибдилар. То пул миқдори олти юз балишга етмагунча, хон ҳар куни юз балишдан кўшаверибди. Охири, хон амирларини ва битикчиларини чақириб, уларга куйидаги саволни берибди: “Бу оламда бирон нарса абадий қоладими ёки йўқми?” Ҳаммалари бир овоздан “Йўқ!” деб жавоб берибдилар. Шунда хон соҳиб Ялавочга юз буриб, айтибди: “Бу – хато, донғи кетган ном ва яхши хотира абадий қолади”. Котибларга қараб, айтибди: “Менинг ашаддий душманларим сизларсиз, чунки сизлар мендан яхши ном ва яхши хотира қолишини истамайсизлар. Сизлар ўйладиларингизки, хон сархуш бўлгани учун шунча пулни бериб юборяпти деб. Сизлар эса бу қилиғингиз билан (мен билан халқ ўртасида) ғов яратдингиз, муҳтож одамни ушлаб ўтиравердингиз. Энди бошқаларга намуна бўлсин деб, бирингиз бошқангиздан қилмишларингиз учун қасос олмас экансиз, фойдаси йўқ”.

Угадай хон сахий, айна пайтда ҳар бир ишни эзгулик йўлида қилиб, яхши ном қолдириш жамики бойликлар олдида ҳеч нарса эканлигини уқтиряпти, хоннинг атрофидаги одамлар хонга мувофиқ бўлиши лозимлигини кўрсатяпти. Рашидиддин айна пайтда ҳукмдорнинг эл орасидаги шаъни обрўсизланиши оқибати қандай фожиа билан ниҳоясига етиши муқарраллигини таъкидлаяпти. Ҳукмдорнинг амри ҳеч қандай мулоҳаза ва муҳокамаларсиз вожиб бўлиши муқаррарлигини муаррих ҳам бу ҳикоят оммага етказяпти.

Угадайхонни гўзал ахлоқ, олийжаноб фазилатлар эгаси сифатида тасвирлар эканлар, Рашидиддин ва китобни ёзишда иштирок этган муаррихлар манфаат кўзламаган, балки турли тарихий манбалардан, оғзаки хабарлардан бу ҳукмдор ҳақидаги маълумотларни тўшлаб, ҳикоятга айлантирган. Рашидиддиннинг ижодкорлик маҳорати ана шундай ҳикоятларда ёрқин ўз ифодасини топади. Қолаверса, Рашидиддин “Жомеъ ут-таворих”ни ёзган пайтда (милодий 1310\11 йиллари) Угадай хон аллақачонлар

оламдан ўтиб кетган эди (1241 йилда). Рашидиддин Чингизхоннинг авлодлари ҳақида яхлит ва ҳолис тарихни, улар ҳақида яратилган оғзаки ҳамда ёзма ҳикоятларни бир жойга жамлаш, китобхонларга ишончли тарихни ва ҳолис адабиётни тақдим қилиш эди. У мақсадига эришди.

Бошқа мўғул ҳукмдорлари, жумладан, Чигатой ҳақида яратилган ҳикоятлар бу фикрларни яна бир бор тасдиқлайди. У ҳам акаси Угадай вафот этган йили – 1241 йили Ғулжада оламдан ўтган эди.

Рашидиддин Чигатойнинг шахсий фазилатларини укаси Угадай хон билан алоқадорликда юзага чиқаради. Чигатой Угадай хонга ҳурмат ва иззат-икром билан муносабатда бўлар эди. Угадай хон бўлажак тахт вориси бўлгани учунгина эмас, балки отаси, Угадай тахт ворисидир, деб эълон қилгани боис, унинг васиятини бажо қилиш Чигатой учун амри вожиб эди. Ота васияти қонун билан баробар эди. Лавозимнинг икир-чикирларига ҳам ҳурматли муносабатда бўлишни Чигатой Угадай хонга бўлган муносабатида намоён қилади. Қолаверса, мўғуллар туркий давлатчилик қоидаларини жуда яхши ўзлаштириб олган эдилар. Рашидиддин бир воқеа орқали Чигатойни ниҳоятда тарбияли, ота васиятига ва қонунга садоқатли эканини кўрсатиб беради.

Бир куни Чигатой ва Угадай ҳокон сархуш ҳолда чопкир отларида кетаётган эканлар. Чигатой завқланиб, Угадай ҳоконга айтибди: “Қани, ким ўзарга гаров боғлаб, отларни қўйиб юборайлик”. Улар гаров боғлашганларидан кейин, отларни чоптириб кетибдилар. Чигатойнинг оти елиб кетибди ва Угадайнинг отидан салгина ўзибди. Чигатой кечаси бу воқеани эслаб, ўйлаб қолибди: “Мен, отим ҳоконнинг отидан ўзиб кетсин деб, у билан гаров бойлашдим-а! Қандай қилиб бунга йўл қўйдим?! Бундай хатти-ҳаракатим катта хато. Бошқалар ҳам бу воқеани кўриб, дағаллашиб кетадилар. Бу эса ёмон оқибатларга олиб келади”. Эртасига эрталаб Чигатой ўз амирларини чақириб, шундай дебди: “Кеча мен гуноҳ қилиб қўйдим, шундай-шундай иш қилдим. Ҳозир ҳокон жаноби олийларининг ҳузурига борамиз, токи у менга айб қўйсин ва лозим бўлган жазони берсин”. У бир тўда амирларини эргаштириб, одатдаги вақтдан олдинроқ саройга келибди. Соқчилар, Чигатой хон бир қанча одамлари билан келибди, деб

Угадай хоқонга хабар берибдилар. Угадай хоқон бу хабарга тўлик ишонмаса ҳам, нима сабабдан келди экан, деб хавотирланибди. Одамларини, чиқиб билинглар-чи, нимага келибди экан, деб ташкарига чиқарибди. Чигатой шундай жавоб берибди: “Биз, ҳамма туғишганлар, қурулғойда ўзаро келишиб, қуйидагича қасамёд қилган эдик: Угадай хоқон бўлади, ҳаммамиз унга итоат этамиз, буйруқларини сўзсиз бажарамиз, унинг биронта сўзига қарши бормаймиз, у билан асло тортишмаймиз. Кеча мен у билан гаров бойлашдим, отимни ким ўзарга қўйиб бердим. Хоқон билан гаров бойлашимиз наҳотки бизга муносиб бўлса?! Шунинг учун мен айбдорман, айбимни англаб, бу ерга келдим. Бу қилигим учун жазога мустаҳқиман. Угадай хоқон мени ўлдирадими, қалтақлатадими – у ҳукм қилади”. Угадай хоқон ўз шубҳаларидан хижолат тортибди, Чигатойга муҳаббати ва меҳри янада ортибди, унга бўлган диққат-эътиборини намоён қилиш учун, шу гапларимни етказинглар, деб буюрибди: “Бундай гапларни қўйсангиз-чи! Ахир, сиз менинг акамсиз! Бундай майда-чуйда нарсалар эътибор беришингизга арзимаёйди”. Аммо Чигатой бу гапларга рози бўлмабди. Охири, хоқон: “Сизни кечирдим”, деб айтгандан кейин, Чигатой рози бўлибди. Чигатой эса хоқонга содиқ тобеъ эканини билдириш учун тўққизта от инъом қилибди. Шундан кейин Угадай хоқоннинг мирзаси эълон қилибди: “Ҳамма эшитиб олсин, билиб қўйсин: хоқон Чигатойни афв этди, у эса айби кечирилгани муносабати билан “тикшимиши”⁵⁸ қилипти”. Чигатой шундан сўнг қароргоҳига бориб, ўзига хос нотиклик билан жамики одамларига бу ҳақда ҳикоя қилиб берибди. Шу воқеа муносабати билан Чигатой ва Угадай ўртасида иттифоқ ва мувофиқат янада мустаҳкамланибди. Бошқа ҳамма қариндош-уруғлар фақат итоаткорлик йўлини танлаб, доимо Угадай хоқоннинг фармониغا бўйсунадиган бўлибдилар (2-жилд, 95-96-б.).

Рашидиддин Чигатойнинг бу хатти-ҳаракатини, бир томондан, лаганбардорлик эмас, балки ёзилмаган қонун сифатида баҳолаган бўлса, иккинчидан, шарқона одоб ўғит сифатида келтиради. Қолаверса, Чигатой шоҳлик қонун (яса)-қоидаларига риоя қилиш

⁵⁸ Бу сўз “Жомеъ ут-таворих”да юқори лавозимдаги шахсларга қилинган инъомни билдиради.

борасида тарихда ҳамманинг эътирофига сазовор бўлган эди. Ҳикоятда Чигатойнинг ана шу кирраларига ҳам эътибор берилган бўлиб, унинг тенгсиз салоҳиятга эга шахс экани аён бўлиб туради.

“Жомеъ ут-таворих” асарининг тили ҳақида. Тарих асарлари ижодкорларининг бадиий ижодга алоқадорлигини белгилайдиган яна бир омил бадиий тилдан фойдаланиш маҳоратидир. Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих” асари мумтоз форс тилида ёзилган. Рашидиддин бу асаридан олдин “Китоб ул-ихё ва-л-асар” қомусий асарини ва “Мифтоҳ ул-тафсир” номли Қуръонга шарҳини ёзди. Ҳар иккала асаридан ҳам кўра, “Жомеъ ут-таворих” Рашидиддинга шухрат келтирди. Мазкур асар турк-мўғул халқлари тарихини холис ва илмий асосда ёритгани билан бир қаторда, асарнинг ёзилиш услуби ҳам Рашидиддиннинг наср устаси эканидан далолат берарди. “Жомеъ ут-таворих”ни у содда, чиройли, айти пайтда образли тил билан ёзди. Рашидиддиннинг бу асари бадиий наср намунаси сифатида кўплаб замондош муаррихларга намуна бўлди. Зотан, муаррихлар ўз асарларига ортикча жило беришга уриниб, метафоралар, муболагалар, шеърий топишмоқлар ва бошқа қатор тимсоллардан фойдаланишар, бунинг оқибатида асарни оддий китобхон тушунишга қийналарди. Рашидиддин эса ўз асарини кенг оммани назарда тутган ҳолда яратди, соддалик ва оддийликни асар тилининг бош мезони деб билди.

Рашидиддин – шоир. Рашидиддиннинг ижодкор сифатидаги иқтидори шеърлятида ҳам кўринади. У маълум бир воқеа ёки шахсиятлар муносабати билан шеърлар ёки шеърий парчалар келтиради. Бу шеърларнинг айримлари Рашидиддиннинг ўзига тегишли экани маълум бўлиб туради. Масалан, жанг майдонида отдан йиқилиб, душманнинг отлиқ аскарига ердан туриб хужум қилган ва бир неча қақиримгача отлиқ душманини қувган қаҳрамоннинг жасоратидан ҳайратланиб қуйидаги мисрани битди:

Жанг қилишга қодир бундай пиёда сипоҳни кўрмаган эдим,
У итоатсизларнинг калласини қўлга киритди (1-жилд, 174-б.).

Ёки Халокухоннинг Бағдод халифаси Мустасимга чопар орқали юборган таҳдидли хабарини қуйидагича шеърга солди:

Осмон гумбазидан сени улоктираман,
Шердай ўкириб, оёғингни осмондан қиламан.
Шохлигингда тирик жонни қолдирмайман,
Шахару қишлоқларингни оловга ем қиламан (3-жилд, 35-б.).

Рашидиддин Фирдавсийнинг “Шохнома”сидан, Саъдий Шерозийдан, Насириддин Тусийдан байтлар келтиради, қитъа, фард каби жанрлардан унумли фойдаланади. Унинг адабий жанрларга муносабатидан бадий ижодга янада яқин бўлганини англаш мумкин.

Умуман, “Жомеъ ут-таворих” – бадий ижод маҳсули бўлиб, унинг муаллифи Рашидиддин катта ижодкор сифатида адабиёт тарихидан ўрин олишга лойиқдир.

Савол ва топшириқлар

1. “Жомеъ ут-таворих” қачон ёзилган?
2. Ўғуз хон ҳақидаги ривоятнинг қисқа мазмунини сўзлаб беринг.
3. Рашидиддин бу асарини ёзишда қайси манбалардан фойдаланган?
4. Бу ривоятда шомон қайси образда ўз ифодасини топган?
5. Угадай хон ҳақидаги ривоятнинг моҳияти нималардан иборат?
- 6 Чингизхон нима учун аёнлари билан Угадай хоннинг хузурига борди?
7. Угадай хон Чигатой хонга қандай муносабатда бўлди?
8. Рашидиддиннинг шоирлик маҳоратига мисоллар келтиринг.

ҚУТБ ВА УНИНГ “ХУСРАВ ВА ШИРИН” ДОСТОНИ

Режа:

1. Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”и таржима асари сифатида.
2. Қутбнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар.
3. Таржимадаги фарқлар.
4. Достонда Тинибек мадҳи.
5. Достонда ишқ тимсоли.
6. “Хусрав ва Ширин”нинг қисқача мазмуни.
7. Қутб – шоир.
8. Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”ида фольклор образлари ва мотивлари.

Таянч сўз ва иборалар: эркин таржима, бадиий маҳорат, аслият, адабий муҳит, туркий достон муаллифи, байт, анъана, боблар.

Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”и таржима асари сифатида. Олтин Ўрда адабий муҳитида яратилган яна бир достон “Хусрав ва Ширин”дир. Бу достон машхур озарбайжон шоири Низомий Ганжавий қаламига мансуб шу номли достоннинг эски ўзбек тилидаги эркин шеърӣ таржимасидир. Асар таржимони хоразмлик Қутбдир. Бу ижодкорнинг бизгача етиб келган бирдан- бир асари “Хусрав ва Ширин”дир. Зотан, Қутб ўз асарини Низомийнинг шу номдаги достони таржимаси экани тўғрисида шундай дея хабар беради:

Қозонтег қайнаб уш савдо бишурдум,
Низомий болидан ҳалво бишурдум.

Хоним отинға ушбу форси тилни
Чевурдум туздум уш назм узра қилни.

Чиқардим хуш йидиғлиғ сув бу кўлдин,
Кўнгуллар қонсу теб бу софи сувдин (32-б.)⁵⁹.

⁵⁹ Парча қуйидаги нашрдан олинди: Зайанчковский А, *HESRAV U SIRIN KUTBA*. Tekst. WARSZAWA, 1958; бундан кейин мазкур китоб саҳифаси кўрсатилади, холос.

Гарчи Қутб камтарлик билан ўз таржимасини “Низомий болидан пиширилган ҳолва” деб айтса ҳам, таржима ниҳоятда катта меҳнат самараси ва буюк истеъдоднинг зухури деб айта оламиз. Бадиий таржима таржимонга катта масъулият юклаши билан бирга, ижод ҳамдир.

Қутбнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар. Қутбнинг таржимаи ҳолига оид баъзи маълумотларни “Хусрав ва Ширин”даги “Китоб назм қилмоққа сабаб баён аюр” бобидан англаш мумкин. Қутбнинг туғилган, яшаган йиллари ва жойи ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шу бобда Қутб “Хусрав ва Ширин” достонини Оқ Ўрда пойтахти Сигнаққа (Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган шаҳар, ҳозирги Қозоғистон ҳудудида) олиб боргани ҳақида айтиб ўтади. У ўз достонини аслида 1339 йили тамомлаган. Қутб асарини Тинибекка бағишлади. Тинибек – Олтин Ўрда таназулга юз тутиш арафасида ҳукмронлик қилган хон Ўзбек хоннинг (ҳукмронлик даври 1312-1340 йиллар) ўғли. Тинибек (ҳукмронлик даври жуда қисқа – 1340 йил) Олтин Ўрда тарихида жуда катта из қолдирмаган бўлса ҳам, Қутб “Хусрав ва Ширин” достонида бу ҳукмдорга берган таърифидан шуни англаш мумкинки, Тинибек ёш, ақлли ва жасур ҳукмдор эди. Қутб Оқ Ўрдада ёки Шарқий Қипчоқнинг пойтахти Сигноқ шаҳрида яшаган деб тахмин қилса бўлади⁶⁰. Аслида Олтин Ўрданинг асосий хонлари Кўк Ўрдада ўтириб, 1224-1359 йилларда Қипчоқнинг ғарбий қисмини бошқарган.

“Малика мархума хон Малик мадҳи” бобида эса Оқ Ўрда ҳақида сўз кетади:

Жамила хон Малик ул бахт ўрки,
Оқ Ўрду давлати, ул тахт кўрки (30-б.).

⁶⁰ Инглиз олими Стэнли Лэн-Пуль берган маълумотга кўра, Тинибек Кўк Ўрда (Ғарбий Қипчоқ)да 1340 йили бир неча ой давомида ҳукмронлик қилган. Ундан кейинги ҳукмдор Жонибекнинг тахта ўтирган йили ҳам 1340 деб кўрсатилган. Қаранг: Абуль-Ғазӣ Баходур-хан. Родословное древо тюрков. Стэнли Лэн-Пуль. Мусулманские династии. Москва-Ташкент-Бишкек. 1996, 452-б. Стэнли-Пуль Оқ Ўрда ва Кўк Ўрда хонлари ҳақида берган маълумотлардан маълум бўладики, Тинибекнинг, қолаверса, Қутбнинг таржимаи ҳолига оид кузатишлар аниқлик киритишни талаб этади.

Бу байтдан Тинибек Оқ Ўрдада яшагани маълум бўлиб турибди. Кутб “Хусрав ва Ширин” достонини Тинибекка ва хон Малик – хукмдорнинг хотинига бағишлашни ният қилганини, Низомий назми сингари китоб ярагиб, ўзини хонга танитишни мақсад қилганини алоҳида таъкидлайди. Хон Малик – Олтин Ўрда хукмдорларининг хотинларига берилган унвондир.

Италиялик сайёҳ Плано Карпини Олтин Ўрдага қилган саёҳатида (1245 йил) маликалар ҳам хукмдор эрлари билан тахтда ўтириб, давлат ишларини бошқаришда ишгирок этганларини ёзган эди. Шунингдек, араб сайёҳи Ибн Батутта бу анъана Ўзбек хон вақтида ҳам борлиги ҳақида маълумот беради⁶¹.

“Хусрав ва Ширин”да Кутбнинг таржимаи ҳолига алоқадор яна бир байт – Миср Мамлуклар давлатига ишора қилинганидир. “Шаҳзода Тинибек хон мадҳи” бобининг ниҳоясида Кутб Тинибекнинг кудрати ва олийжаноб сифатларини, унинг жаҳоншумул мавқеини мадҳ қилар экан, куйидаги мисраларни битади:

Юрусун Мисру Шомда ёрлиғингиз,
Табугда ирғасун кўб ёрлиғингиз (29-б.)

Бу байтдан англашилишича, 1340 йилдан кейин Олтин Ўрданинг таназзули бошланди ва Олтин Ўрдадаги баъзи адабиёт ва санъат намояндалари Миср мамлуклар давлатига йўл олдилар. Кутб ҳам Мамлуклар давлатига кетишга тараддуд кўраётгани эҳтимолдан холи эмаслигига мазкур байт ишора қилади.

Таржимадаги фарқлар. Ҳар иккала асарнинг айрим ўринлари солиштирилганда, Кутбнинг таржима жараёнида қилган кўшимчалари, аниқ замонда унинг маҳорати маълум бўлади. Жумладан:

1. Кутб ўз таржимасида Низомий достонининг айрим бобларини қолдирди ва буларнинг ўрнига ўз ижодидан айрим намуналарни киритди. Л.А.Хетагуров тайёрлаган матн асосга олинганда, туркий дoston муаллифи Кутб қиёслаш жараёнида Низомий дostonидан 15 бобни қолдириб, бунинг ўрнига 4 бобни

⁶¹ Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Татар адабиёти тарихи (татар тилида), 176-б.

янгидан кўшган. Бу ўзгаришлар “Мукаддима” бобларга, яъни “мамдуҳ”лар табиий равишда алмашган бобларга алоқадор: анъанага кўра, ҳар иккала асар бошқа-бошқа ҳукмдорларга бағишлангани боис, бу бобларнинг матни ҳам алмашган. Жумладан, Қутбда Муҳаммад а.с.дан кейин халифаликни бошқарган тўрт халифа – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алининг мадҳи тамомила янғидир⁶². Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”ида ўн етти байтдан иборат “Расул алайҳиссаломнинг тўрт ёри ўдғуси” номли парча ана шу тўрт халифага бағишланган. Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”ида эса бу парча йўқ.

2. Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”ида “Китоб тузиш васфида” боби ер юзида шоҳликнинг жорий бўлгани, Жамшид, Фағфур каби шоҳлар бирин-кетин тахтга ўтиргани ва уларнинг бири сўз билан, бошқаси қилич билан мамлакатларни бошқаргани ва Низомийнинг сўз борасидаги хизматлари, шоҳаншоҳ Элдигиз Муҳаммад Атобакининг лутфу карамига таҳсин ўқиган байтлардан иборат. Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”ида эса “Китоб назм қилмоққа сабаб баён айур” номли парча бор. Парчада мазкур асар таржимаси шаҳзода Тинибекка ва “Малика мархума хон Малик отига” бағишлангани, “Низомий болидин ҳалво” пиширгани ва ишк васфи баёни берилган.

3. Қутб яна Хусрав билан Шириннинг суҳбатида икки бобни, Борбад билан Нигисо ўртасидаги суҳбатда икки бобни тушириб қолдирган. Низомий достонида “Низомийнинг донолиги ва ўғитлари” боби мавжуд. Бу бобда Бузург Уммид “Қалила ва Димна”дан Хусравга қирқта масал ҳикоя қилиб беради. Бу бобни ҳам Қутб таржимада тушириб қолдирган.

4. Яна Қутб Борбаднинг кўшиклари тавсифини (29 байтни), Хусрав пайгамбарни тушида кўргани воқеаси (60 байт)ни ҳам асарига киритмаган.

5. Шу қаторда озарбайжон шоирининг бу олам бебақолиги, ҳасадгўйлар, инсонларнинг ношукрлиги каби фалсафий-ахлоқий қарашларини туркий дoston муаллифи қисқартириб олган.

6. “Хусрав ва Ширин” таржима асари бўлгани ҳолда, Қутб катта ижодкор сифатида воқеалар тасвирида анча эркин йўл тутган. Айни

⁶² Ганиханов М.А. Сравнительный анализ поэм «Хусрав и Ширин» Низами и Кутба. Номзодлик дис.автореферати, Т.:1994, 6-б.

чокда Қутбнинг асарида асл матндан қисқартирилган ўринлар, ўзгартирилган географик номлар ҳам мавжуд. Масалан, Қутб ўқувчига қулайлик туғдириш мақсадида Низомий достонидаги Сосонийлар сулоласини Эрон давлати деб атайди. Форсча матндаги мамлакатлар, давлатлар номларини Қутб ўзбек китобхонига яхши таниш бўлган мамлакатлар номлари билан алмаштиради. Жумладан, Хусравнинг суҳбатида Хуросон беклари иштирок этадилар. Ёки Низомийдаги Меҳинбону саройи тасвири Қутбда йўқ. Низомий достонида Мадойиндан Хурмузд тазйикидан қочиб келган Хусравни Меҳинбону ўз саройида кутиб олади. Қутб эса бу лавҳани яйловга кўчирган ва х.⁶³

7. Низомий достонининг ниҳоясидаги “Хусравнинг қабри устида Шириннинг ўлими” бобида 134 байтдан Қутб 59 байтни олган, холос.

8. “Хотимат ул-китоб” қисми Низомийда 112 байтдан иборат бўлиб, Низомийнинг ўз ижодидир. Туркий дostonда эса бу боб “Неча сўз хотимати китобида айтур устод” деб номланиб, 51 байтдан иборат. Мазкур байтлар Қутбнинг “Хусрав ва Ширин” достонини кўчирган котиб Берка Фақиҳ Қипчоқий ижодига мансубдир. Берка Фақиҳ шоирлик истеъдодини ана шу байтларда намоён қилган.

Шу ўринда Берка Фақиҳ хақида қиска айтиб ўтишга тўғри келади. Достоннинг бизга маълум бўлган ягона нусхасини Қутб вафотидан кўп ўтмай 1383-1384 йилларда Мисрда Фақиҳ ибни Берка Қипчоқий кўчирган. Бундан ташқари, Фақиҳ ибни Берка Қипчоқий анчагина машҳур олим ва таржимон бўлган кўринади. У ўзи кўчирган нусхани Искандария ҳокими Алтунбўғага бағишлаган. Шунингдек, Фақиҳ ибни Берка 1387 йили Алтунбўғага бағишлаб ёзилган “Иршод ул-мулук вас-салотин” (Султонлар давлатига тўғри йўл кўрсатиш) номли асарни қипчоқ тилига таржима қилган. Бу асар мусулмонлик ҳуқуқига бағишланган бўлиб, қўлёзмаси Истамбулдаги Аё София кутубхонасига сақланади.

Фақиҳ ибни Берканинг шоирлик иқтидори ҳам бўлганини Қутб “Хусрав ва Ширин” достони ниҳоясидаги “Неча сўз хотимати китобида айтур устод” боби ҳам кўрсатади. Унинг шеъри “Қутадғу

⁶³ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Қайта ишланган учинчи нашри, Тошкент. «Ўқитувчи» нашриёти. 1976, 250-бет.

билиг” вазнида. Шу боис “Кутадғу билиг”нинг Қохира нусхасини Мисрга Фақиҳ ибни Берка олиб борган деган фикрлар ҳам бор⁶⁴.

Шундай қилиб, айрим бобларнинг ва лавҳаларнинг қисқартирилиши натижасида туркий дoston матни форсча матнга нисбатан минг байтдан ортиқроқ қисқарган. Гарчи шундай қисқартиришлар бўлса ҳам, Низомий дostonининг тузилишига, воқеалар ривожига, алоҳида лавҳаларга Қутб таржимасида зарар етмаган. Бу сингари қисқартиришлар албатта, китобхонни назарда тутган ҳолда, туркий адабиётга жуда ҳам зарур деб ҳисобланмаган ўринларда юз берган, холос.

Низомий ва Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”идаги фарқлар шуни кўрсатадики, Қутбнинг асариди ижодий ёндашув бор, таржима унинг ижод маҳсули эканини кўрсатади. Асарнинг ҳамма бобларида Қутб таржимага ижодий ёндашгани маълум бўлиб туради. Масалан, дostonнинг асосий қаҳрамони Хусрав, иккинчи даражали қаҳрамонлари Фарҳод, Шовур образлари тавсифида ўзгаришлар Низомий дostonи билан қиёсланганда яққол кўзга ташланади. Низомийда Хусравнинг ёшлиқдаги таъриф-тавсифига оид лавҳалар билан Қутбдаги таъриф-тавсифлар ўртасидаги фарқларни келтириш ўринли бўлар эди. Хусравнинг жисмонан улғайиши эмас, балки маънавий томондан камол топишига оид лавҳалар Қутбда бирмунча муболағали ва халқона тилда баён қилинади. Мисол сифатида Низомий билан Қутб дostonларида Хусравнинг ўн тўрт ёшда қандай фазилатларга эришганини солиштириш кифоя:

Низомийда:

Етиб ўн тўртта ёши топди икбол,
Чикорди мурғи дониши пару бол (39-б.).

Қутбда:

Тамомким умри ўн тўрт ёшқа етти,
Билиг симурғу тан Қофини тутти (35-б.)

Қутб Хусрав образини янгича талқин қилмоқчи эмас, аммо туркона образ – халқ оғзаки ижодига хос муболағали тасвир яратиш Қутбнинг асосий мақсади эди. Гарчи Қутбнинг ўзи бу ҳақда айтмаса ҳам, Хусравнинг таъриф-тавсифидан шу мақсад англашилади.

⁶⁴ Татар адабиёти тарихи, I жилд, 175-бет.

Достонда Тинибек мадхи. “Хусрав ва Ширин”нинг мукаддимасидаги маълумотларга кўра, Қутб XIV аср ўрталарида яшаб ижод этган. Бу даврда Хоразм Олтин Ўрда давлатига тобе эди. Юкорида айтганимиздай, достон 1340 йили ёзилиб, Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхоннинг (1312-1340 йилларда ҳукмронлик қилган) ўгли Тинибек ва унинг рафиқасига бағишланган. Асарда шаҳзода Тинибекка ўттиз тўққиз байтдан иборат қасида бор. Қасидада Қутб Тинибекни оламда тенгсиз хон, билимдон, ақлли, жасур лашкарбоши, сиёсатда ниҳоятда доно ва бошқа катор сифатларга эга қилиб тасвирлайди:

Хонимиз Тинибек шоҳи жувон бахт,
Ким ўш андин қуванур тож ҳам тахт.

Ети иклим ичра холи бу замонда
Тенгинг йўқ шаксиз ул барча жиҳонда.

Бу кун хонлик бўдунга кертү хонсан,
Ўш андин ўтру ким жону жиҳонсан.

Билиг қамчисини элга олиб ўш,
Яна давлат отингга отланиб хўш.

Ақл тизгинини ким берк туттунг,
Азун майдонинда тўб ўйнаб уттунг...(28-б.)

Қутб Тинибекни ўз давридагина эмас, балки ўтмишдаги машҳур подшоҳлардан ҳам буюк ҳукмдор эканини тасвирлар экан, муболағали деталларга суянади, аммо бу деталлар тарихий воқеликка қанчалик мос келади – буниси номаълум. Бу тасвирларни Қутбнинг ижоди маҳсули деб қараш керак, холос. Шу йўсинда Тинибек фақат Олтин Ўрда давлатининг ҳукмдори бўлиб қолмай, ўтмишдаги билимдон, жаҳоншумул ҳукмдорлардан ҳам устун жаҳонгир экани китобхон кўз ўнгида гавдаланади. Бу тасвир орқали Қутб, шубҳасиз, Олтин Ўрданинг қудрати билан бирга, ҳукмдорларнинг шахсиятига ҳам урғу беради:

Анингтег ким бағишлади иди жуд⁶⁵,
Ер ўбгай эрди тирик бўлсайди Маҳмуд.⁶⁶

Ики азунни Ҳақ бир хонга бермиш,
Бу хусну хулқ ким сан жонга бермиш.

Яна хулқунга лойик табиъ мавзун,
Сочар ҳар бир сўзунг минг дурри макнун.

Заҳи хулқу заҳи фаҳму заҳи илм,
Заҳи ақлу заҳи табъу заҳи хилм.

Заҳи хонлик, заҳи шафқат, заҳи дод,
Дуо бор ҳаққингда йўқ уш фарёд.

Не Хусравким бу кун ҳам Хусрави Чин,
Керак ўгранса подшоҳликни сендин (28-29-б.).

Халқ оғзаки ижодидаги идеал подшоҳ - идеал жамиятнинг асосчиси экани ҳақидаги ғоялардан Қутб Тинибек мадҳида унумли фойдаланган кўринади. Бу асарнинг ягона кўлёзма нусхаси Парижда сақланади.

Достонда *ишқ* тимсоли. “Хусрав ва Ширин”даги “Китоб назм қилмоққа сабаб баён аюр” бобида китобнинг ёзилишига сабаб сифатида Қутб *ишқ* тимсолини кўрсатади. Инсоннинг жони ишқ билан тирик, ишқсиз одам мурда билан баробардир, дея ишқнинг қудратига қуйидагича таъриф беришда давом этади:

Кишининг ким қўнгулда ишқи бўлса,
Не тонг булбул менгизлик ул зори қилса,

Фалак меҳроби ишқ эрмиш, хуш англа,
Ошиқларнинг сўзини ишқ бирла тингла.

⁶⁵ Жуд – сахийлик, қўли очиклик.

⁶⁶ Маҳмуд Ғазнавийга ишора.

Киши ким ошиқ эрмас жони йўқ, бил,
Ўлугни борму тер очунда оқил.

Агар ит кўнглинга Ҳақ ишқи кирса,
Келур ул тилга, кетмаз урса, сурса (33-б.)

Ишқнинг суратини бу қадар теран ва китобхон кўзи ўнгида ёрқин акс эттириш истейдоди Қутбнинг улкан шоир эканига яна бир далил. Унингча, ишқ тимсоли кенг тушунча. Осмону замин, денгизлар, жамияки борлиқ ишқ билан тирикдир. Шунингдек, ишқ бўлмаса, одам зоти ҳам дунёга келмаган бўларди. Бу дегани – одамзод ҳам илоҳий ишқ билан барҳаёт, ишқ тириклик манбаи деганидир.

Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”идан айна шу парчаларга эътибор берсак, ишқ тимсоли Қутб таржимасида тўлиқ сақланганини, ҳатто образлиқ, ишқ тимсолининг илоҳий ишқ даражасига кўтарилганига гувоҳ бўламиз. Қиёс учун Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”идан айрим парчаларга эътибор берайлик:

Агар ишқсиз бўлса жони олам,
Тирик қолгайми бир даврони олам?...

Эшакдек еб-ичишдан бўлма хурсанд,
Мушукдир гар анга кўнглунгни эт банд.

Мушук ишқида гар дилгир эурсан,
Ки андин яхшироқдир шер эурсан...

Одамзод тухми ўлгай донайи ишқ,
Берур хар кимга бахт кошонайи ишқ⁶⁷.
(32-б.)

Ишқ тимсолининг тасвирида маълум фарқлар бўлса-да, моҳият ҳар иккала ижодкорда ҳам бир-биридан кескин фарқ қилмайди.

⁶⁷ Парча қуйидаги нашрдан олинди: Низомий Ганжавий. Хусрав ва Ширин. Достон. Форсийдан Олимжон Бўриев таржимаси, Техрон, “Ал-Худо” халқаро нашриёти. 2005 й. Бундан кейин мазкур нашрнинг саҳифаси кўрсатилади, холос.

Зотан Қутб Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достони сюжетини, қахрамонлар образини сақлаган.

Низомийнинг юқоридаги байтларидаги ишк тимсоли тасвири Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”ида куйидагича мадҳ қилинади:

Кишиким ошиқ эрмаз, жони йўк бил,
Ўлукни борму тер ожунда оқил?!

Агар ит кўнглина ҳақи ишқи кирса,
Келур ул тилга кетмаз урса, сурса.

Агар бўлмаса ошиқ чархи базром,
Не саргардон юрир, қилға(й) эрди ором.

Ошиқ бўлмаса ушбу етти қат ер,
Недин мунча халойик захмини ер?! (33-6)

“Хусрав ва Ширин”нинг қисқача мазмуни. Достон Эрон шоҳи Хусрав Парвиз билан Арманистон (Қутбда Кўхистон) подшоҳининг жияни Ширин орасидаги муҳаббат можаролари тўғрисида ҳикоя қилади. Достон худди туркий халқлар достонларидаги сингари, фарзандсизлик мотиви билан бошланади. Қутб достонининг қисқа мазмуни куйидагича:

Нўширвон вафотидан кейин унинг ўғли Хўрмузд отасининг тахтига ўтириб, мамлакатни адолат билан, отаси ўрнатган қонун-қоидалар бўйича бошқаради. У фарзандсиз эди. Хўрмузд кўп қурбонликлар ва илтижолар қилиб, Ўғондан бир ўғил сўради. Ниҳоят, Хўрмузднинг хотини ўғил туғади. Бола шундай чиройли эдики, юзлари куёш каби порлар, унинг юзига бокқан одамларнинг кўнгли равшан тортарди. Шу боис болага Хусрав Парвиз деб исм кўйди. Бола ўн тўрт ёшга етганда, ҳарбий хунарларни, барча билимларни эгаллаб бўлади, одамларни ҳам яхши, ёмон деб ажратадиган бўлади.

Кунларнинг бирида Шовур исмли бир жаҳонгапта одам Хусравга Ширин ҳамда унинг аммаси ҳақида ҳикоятини айтиб беради. Меҳинбонунинг қудратли ҳукмдор эканини ҳикоя қилади. Шириннинг эса тенги йўк гўзаллигини Шовур таъриф-тавсиф

килгандан кейин Хусрав Шовурни Кўхистонга боришга ундайди. Шовур Кўхистонга боргач, чиройли гулзорда Хусравнинг суратини чизиб, осиб кўяди. Бу гўзал масканга Ширин канизлари билан сайр килгани чикқан эди. Шовур Хусравнинг суратини кўзга кўринадиган жойга кўйгандан кейин, ўзи яшириниб олади. Ширин Хусравнинг суратини кўриб унга шунчалик ошиқ бўлиб қоладики, Шириннинг кўзларидан ёш ўрнига қон оқа бошлайди. Ширин боғда яшириниб юрган Шовурни сезиб қолади ва канизакларидан бирини уни чакириб келишга юборади. Шовур билан Ширин боғда ёлғиз қоладилар. Шовур Ширинга Хусравнинг кимлигини, таърифини қилиб беради. Хусрав ҳам Ширинга ошиқ бўлиб қолганини, Хусравнинг чиройини Шовур ҳикоя қилиб беради. Шовур гапини тугатгандан кейин Ширинга Хусравнинг узугини беради ва Хусравнинг саройига – Мадойинга боришни маслаҳат беради. Ширин саройга бориб, Меҳинбонудан эртасига оти Шабдизни миниб овга чиқишга ижозат сўрайди. Меҳинбону ижозат беради. Ширин Хусравнинг ҳузурига бориш, унга етишиш учун аммаси Меҳинбонуни алдаган эди. Эртасига Ширин саройдан ғойиб бўлгани ҳақидаги хабарни канизаклар Меҳинбонуга етказадилар. Меҳинбону дод-фарёд қилади. Шунда бир қари пир кўрган тушини айтади:

Бу янглиғ тонг ажойиб туш кўрдим,
Тушум таъбирин ушбу ишга йўйдим, - дея

учиб кетган қушнинг – Шириннинг ортидан қувиш яхшилик аломати эмаслигини, учиб кетган қуш бир кун қайтиб келишини башорат қилади.

Ширин Хусравнинг саройига етиб келади. Аммо бу пайтда шох Хўрмузд тахтни ўғли тортиб олиб кўйишидан кўрқиб, уни ўлдирмокчи бўлади. Хусравга Бузург Уммид “Отанг сенинг жонингга қасд қилган, яхшиси, бир неча кун отангнинг кўзига кўринма, бу ердан узокларга кет”, деб маслаҳат беради. Хусрав Арман мамлакатига йўл олади. Йўлда бир гулзорда Хусрав билан Ширин учрашиб қоладилар. Ширин Хусрав билан бирга Арман мамлакатига кетади.

Хусрав Меҳинбону саройига келиб, шу ерда яшаб юрган эди. Шу орада Хусравга отаси вафот этгани ҳақида хабар келади. Хусрав

отаси вафотини эшитгач, Меҳинбону саройидан кетади ва бориб, отаси ўрнига тахтга ўтиради. Худди бобоси Нўширвон сингари мамлакатни адолатли бошқара бошлайди.

Шовур Ширинни Мадойинга Меҳинбону саройига қайтариб олиб келади. Аммо бу пайтда Хусравнинг тақдири таҳлика остида колган эди. Баҳром чўбин Хусравга қарши отланади. Баҳром: "Бу падаркуш Хусрав подшоҳ бўлишга номуносибдир", дея халқни кўзгайди. Оқибатда Хусрав мағлуб бўлади ва Эронга қочади. Эронга қочиб бораётганда, Ширинга дуч келиб қолади. Меҳинбонуга шоҳ Хусрав келгани ва хушёр бўлиб туриш ҳақида хабар келади. Хусрав билан Ширин эса бир-бирларининг висолига тўймай, завкланиш билан банд эдилар. Меҳинбону бу аҳволни кўриб, Ширинни Хусравдан совутиш учун қуйидагича гапларни ўйлаб топади:

Кўрарманким, кўнгул бермиш санга шоҳ,
Ёган тушмуш санинг овунгқа ногоҳ,
Ўшул худ ҳеч тия билмаз ўзини,
Вале сан ҳам эшитурсан сўзини.
Керакмазким сучук сўз бирла алдаб,
Эй Ширин, шаккарингни қилса жуллоб (98-99-б.)

Ширин Меҳинбонунинг бу қутқуларига ишониб, Хусравдан ўзини олиб қочади. Аммо эртаси куни иккалови яна кўришадилар, вақтни пойга, сайр билан ўтказадилар. Хуллас, ёз мавсуми Хусрав билан Ширинга бахтиёрлик лаҳзаларини олиб келади. Хусрав билан Ширинга ўнта қиз навбатма-навбат афсоналар айтиб берадилар. Хусрав Ширинга, Ширин Хусравга аҳду вафода содикликларини айтиб, онт ичадилар.

Шундан кейин Хусрав лашкарини отлантириб, Рум мамлакатига қараб кетади. Рум қайсари Хурсавни кўргач, унинг толеи баланд эканини англайди. Қайсар ўз қизи Марямни Хусравга никоҳлаб беради. Бир неча кун Хусрав у ерда бўлгач, Рум қайсаридан лашкар сўрайди. Қайсар Хусравга кўп лашкар беради ва уни йўлга кузатиб қўяди.

Хусрав ўз юртига етиб келиб, Баҳром чубин билан жанг қилади. Баҳром чубинни Хусрав мағлуб қилади, Баҳром қочиб кетади. Хусрав отасидан колган тахтга ўтириб, яна мамлакатни адолат

билан бошқара бошлайди. Хаёлини доимо Рум қайсарига берган ваъдалари, Марям банд қилади. Ширин эса бу пайтда Хусравнинг фиरोқида ўртанади. Шу орада Меҳинбону хасталаниб, вафот этади ва тахтга Ширин ўтиради. Хусрав Шовурни Шириннинг хузурига йўллайди. Шовур Шириннинг саройига бориб, уни Хусравнинг хузурига боришга кўндирмоқчи бўлади. Аммо Ширин қаҳр билан Шовурнинг даъватини рад қилади:

Сучук тил бирла мени алдаюрсан,
Ўзокитекму алдангай теюрсан.
Вафо қилдим, жафолар қилди қарғу,
Жафо ютмоққаму ул ерга борғу?..
Қаю кўнглум била анда борайин,
Анинг ёнинда Марямни кўрайин? (149, 151-б.)

дея Хусравнинг бевафолигини, субутсизлигини, вафога хиёнаткорлигини очиб ташлайди.

Шириннинг емак-ичмаги факат сут эди. Сут келтириладиган жой саройдан анча узоқ эди. Шу боис хизматкорлар сут олиб келишда анча йўл босиб, машаққат чекар эдилар. Шириннинг орзусини рўёбга чиқариш учун Шовур Фарходни унинг хузурига олиб келади. Фарход Шириннинг овозини эшитгандаёқ ошиқ бўлиб қолади. Ширин ҳам Фарходни кўрган зоҳоти унга бўлган севгиси алангланади. Фарходнинг Ширинга бўлган севгиси шунчалик кучли эдики, у тоғнинг тошларига Шириннинг суратини ўяди. Унга доим илтижо қилади. Ишқ Фарходга шунчалик куч бағишлайдики, қисқа фурсатда Фарход Ширин саройигача ариқ қазийди ва бир ҳовуз ҳам ясайди. Сут ариқдан оқиб келиб, ҳовузга тўпланарди. Шундай қилиб, Шириннинг орзуси амалга ошганини хизматкорлар унга етказдилар. Ширин келиб, ариқни ва ҳовузни кўрди, қулоғидаги қиматбаҳо сиргани чиқариб, Фарходга берди.

Фарход Ширинга ошиқ бўлганини Хусрав эшитади. Хусрав Фарходни ўз саройига олдириб келиб, Ширинга бўлган севгисидан қайтариш учун олтину жавоҳирлар таклиф қилади. Фарход эса, бу иш олтинлар билан битмайди, дея рад жавобини беради. Бу билан иш битмагач, Хусрав Фарходни синаш мақсадида, Шириннинг ҳурмати учун Беситун тоғини теша билан кесиб, йўл очиб берсанг, бу иш сендан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди, деб ундайди.

Фарход Беситун тоғини казишга киришади. Фарход тоғ казиётганини Ширин эшитиб, у ерга келади. Ширин олиб келган сутни Фарходга беради. Фарход Ширинни кўрганда, кучига куч кўшилиб, сутни олади ва:

Айитги: - Соки сенсан бу эрур хуш,
Сут эрмаз, оғу бўлса қилгаман нўш” (180-б.)

дея Ширинга бўлган садоқатини ва муҳаббатини яна бир бор изҳор қилади.

Фарход жуда осонлик билан тоғни кесиб, йўл очаётганини ва ҳеч қандай машаққатларга дуч келмаётганини Хусрав кўриб, Фарходни йўқ қилиш пайига тушади. Хусравнинг жосуслари, биронтаси Фарходнинг олдига бориб, Ширин ўлди дея хабар берсин, шунда Фарходнинг кудрати ўз-ўзидан сўнади, деб ўргатадилар. Фарходга шундай ёлғон хабарни етказадилар. Фарход ўзини тоғ тепасидан пастга ташлаб, жон беради. Фарход ўлимидан кейин Хусрав Ширинга таъзия билдириб мактуб ёзади. Ширин эса Марям вафоти муносабати билан Хусравга таъзия номасини юборади. Дарвоқе, шу лайтда Марям вафот этган эди. Хусрав яна Ширинга етишиш умидида уни ўз юртига чорлайди. Аммо Ширин Хусравнинг сўзини писанд қилмайди. Хусрав эса овга отланиб, Ширин қошига боради. Икаласининг ўртасида узоқ суҳбат бўлиб ўтади.

Хусрав Шовурга Шириндан шикоят қилади, Шовур Хусравга тасалли бериб, гўзалларнинг нозу фироқи олдида тоғдек мустаҳкам турмок лозим, дея насиҳат қилади. Аммо Хусрав қайтиб кетади. Ширин ўз қилмишидан пушаймон бўлади. Ниҳоят, Ширин чодирини тарк этиб, Хусравнинг олдига келади. Хусрав Бузург Умидга олам ва унинг ибтидоси, инсониятнинг бу оламга келишидан мақсади ва бошқа кўплаб ҳаётий, фалсафий масалалар бобида саволлар беради ҳамда тўлақонли жавоб олади.

Хусравнинг Марямдан туғилган Шеруя исмли ўғли бор эди. Шеруя Ширинга ошиқ бўлиб қолади ва унга етишиши мақсадида Хусравни ўлдирди. Ширин Хусравнинг қабри устига келиб, Хусравнинг жасади устида ўзига ханжар санчиб, жон беради.

Кутбнинг “Хусрав ва Ширин” достони чин ошиқликни, дунёвий муҳаббатни куйлаган асардир.

Кутбнинг “Хусрав ва Ширин” асари таржима қилинган давр Олтин Ўрда тарихида бирмунча мураккаблиги билан диққатни жалб қилади. Олтин Ўрда давлатининг этник жараёни, бу мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, албатта, бадий адабиётга таъсир этмай қолмади. Шу боис “Хусрав ва Ширин”нинг матнини илк бор тайёрлаган поляк олими А.Зайончковский достонда гоҳ зардуштийликнинг таъсирини топса⁶⁸, гоҳ христианликнинг изларини ҳам кўради (Зайончковский А. Юкоридаги асар, 49-б.). Аммо шуни таъкидлаш керакки, ҳар иккала оқимга оид тимсоллардан истифода этиш – мазкур диний оқимлар асарда етакчилик қилади деган эмас. Жумладан, А.Зайончковскийнинг фикрларига далил бўлиб хизмат қилган байтга эътибор берайлик:

Тушуб дайр ичра кирди ул тутуб фол,
Ўшул ёқ бирлаким юрур кўб абдол (49-б.)

А.Зайончковскийнинг қарашларига *фол* сўзи асос бўлган, яъни унингча, христиан монахлари кўлларида *фол* китобини олиб юрганлар. Муҳтарам олим *фол* ни *фол китоби* деб тушунган. Аслида бу байтда *фол китоби* ёки *фол* очиш ҳақида сўз кетмаяпти, балки Шовур тахминлаб юрган, шу боис кўп тентираб юргани ҳақида сўз кетмоқда. Байтнинг мазмуни куйидагича: Шовур бутхонага тахминлаб кирди, шу боис у кўп тентираб юрди (*абдол* – тентираб юрди, аҳмоқ бўлди деганидир).

Достоннинг мазмунидан аён бўладики, Кутб бу асарни эркин таржима қилишдан ташқари, зардуштийликка оид баъзи тимсолларни ҳам олиб кирди.

Кутб – шоир. Ҳар бир боб сўнгида Кутб ўзига мурожаат этиб, дунёнинг бевафолиги ҳақида қисқа хулоса қилади ва кейинги ҳикояга ўтади. Достоннинг кириш қисмидаги бағишлов одатдаги қасидаларни эслатганидек, боблар хотимасидаги лирик чекинишлар достон сюжети давомида Кутб нафис шеърлар ҳам яратганидан

⁶⁸ Зайончковский А. Старейшая тюркская версия поэмы «Хосров и Ширин» Кутба. Варшава, 1958. 3-4-б.

далолат беради. Жумладан, Шовур Кўҳистонга бориб, хийла қилгани тўғрисидаги боб сўнигида Қутб нафақат воқеалар баёнида, балки бадиий тасвир воситаларидан истифода этишда, сўзларни ўрнида қўллашда, сўз ўйинларидан фойдаланишда ҳам маҳорат кўрсатади:

Яна сўз айғучи андоғ аюр ким,
Бу Шабдиз анинг урғу тейу билдим.

Ўш эмди ул дайрни издар эрсанг,
Ел элт(т)и санғасин ўрнуни кўрсанг.

Чечак рангин олиғли онча ёшлар,
Қора тўн кидмиш анинг ёши ёшлар.

Идининг мунча тангсук ишлари бор,
Кўруб ибрат қиёматқа кил иқроп.

Қутб, сен бу ҳикоятларқа қолма,
Вафоси йўқ азунқа така қилма.

Сўзунг бошла, бу ерда қолмағил кеч,
Ишитмазлар бу сўзни билгалар ҳеч (49-50-б.)

Байтдаги *ёшлар-ёшлар* сўзлари орқали тажнис санъати ҳосил қилинган. Биринчи мисрадаги *ёшлар* – яшармоқ маъносида, иккинчисидаги *ёшлар* – яширин маъносидадир. Айни пайтда парчада христианликка оид *дайр* сўзи қўллангани ҳам Қутбнинг бу оқимдан яхши хабардорлигини ва ундан ўз ўрнида фойдаланганини кўрсатади. Шунингдек, парчада қофиядаги сакталиқ (*ким-билдим*) ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак.

Ижодкор бошқалардан ажралиб қолганда, маданий ёки адабий анъана ё ўзаро таъсир ҳақида сўз юритиш имкониятига ўрин қолмайди. Ижодкор шахси анъанада асосий ўрин тутаяди. Анъана фақат образлар ва сюжетларнинг умумийлиги билан белгиланмайди, балки ижодкорнинг бой руҳий-маънавий олами таржима асарида ўз аксини топади. XX аср таржимашуносларининг, таржима худди асарнинг аслияти сингари ўқилиши керак, деган

қарашларини Қутб ўз давридаёқ билгандай, анъанавийликдан оригиналликка қараб интилди, таржима услубини эмас, улкан шоир Қутб услубини яратди. Шириннинг таъриф-тавсифида бу хусусиятни аниқроқ кўриш мумкин.

Достоннинг “Шовур Хусравқа Ширин ҳикоятин қилгон сурати” бобида Қутб гўзал ташбеҳлар, муболағалар, тимсоллар, иборалар орқали Шириннинг такрорланмас образини яратди. Ширин образи тавсифида анъанавий ўшатишлар – қошни ёйга, киприкни ўққа, тишни дурга, юзни ойга қиёслаш билан бир қаторда, шундай тасвирлар яратдики, Шириннинг қиёфаси китобхон кўз ўнгида муҳрланиб қолади, шоир Қутб сўз қўллаш маҳоратини, портрет яратиш санъатини пухта эгаллаганини намоён қилади:

Сабо хирка кийиб ул зулфу кошдин,
Сотар кундуз била киш ул кумошдин (44-б.).

(Ел Шириннинг сочи ва қошларидан хирка кияди, гўё тўқилган матодан кундуз мўйнасини ва қора пўстинни сотгандай.)

Айни пайтда бу сингари тасвирий воситалар Қутбнинг мазкур таржима асари индивидуаллигини белгилаб беради. Қутбнинг ички кечинмалари, ҳиссиёти (сентименталлик) янги қаҳрамонни юзага келтирди, муаллиф услубини аниқ юзага чиқарди, достон жанрида янгиланишни пайдо қилди. Бундай ўзига хос байтлар Қутб достонида кўп учрайди.

Қутб ўзига хос ҳикматли сўзлар ҳам яратди. Қуйидаги байтлар бунинг намунаси:

Сабр бирла тилакга тегса бўлур,
Темурни акрун-акрун эгса бўлур.

Иваклик бирла оқил иши битмаз,
Югурмак бирла ичку ёғ тутмаз.

Қутбнинг “Хусрав ва Ширин”ида фольклор образлари ва мотивлари. Қутбнинг яна бир маҳоратини халқ оғзаки ижоди образларидан, мотивларидан фойдаланганда ҳам кўриш мумкин. Қутб, айниқса, от образига алоҳида эътибор берганини таъкидлаш

лозим. Кутб, асосан, Хусравнинг оти Шабдиз образига дostonда кўп тўхталади.

Шириндан кўз кетармаз эрди Парвиз,
Ҳам ул Гулгундин адрилмаз бу Шабдиз (96-6.)

Гаҳ ул Ширин ўтар, гаҳ шоҳи Парвиз,
Гаҳ ул Гулгун ўзар, гаҳ чобса Шабдиз (101-6.)

Низомий ҳам Шабдиз таърифига йигирма уч байтни бағишлайди.

Туркий халқлар дostonларида от – қаҳрамоннинг содик йўлдоши, от билан қаҳрамон ўртасида параллеллик бор. Қаҳрамоннинг сифатлари унинг отига ҳам алоқадор.

Кутбнинг яна бир диққатга сазовор кирраси – Шарқ оғзаки ва ёзма адабиётининг композицияси ва мотивларини “Хусрав ва Ширин” дostonига сингдирганидир. Ўнта канизак навбатма-навбат Хусрав билан Ширин қошида афсона айтадилар. Бу боб Кутб дostonида “Хусрав ва Ширин қатинда ўн қиз ўлтуруб, афсона аймишин баён қилур”, “Ул ўн қиз ўлтуруб афсона қилмишлари” деб номланади. Аммо қизларнинг афсоналарини Кутб батафсил баён қилмайди. Фақат ҳар бир кизнинг афсонасини тўрт-беш байтда баён қилиб, асосий воқеанинг қисқа шарҳи билан чекланади. Шарқ адабиётидаги айнан ана шу композиция асосига қурилган эртак ва масаллар ҳам бир хил ҳажмда эмас: қайси бирида қисқа, қайси бирида воқеалар баёни узундан-узоқ ҳикоя қилинади. Шунга кўра, Низомий ҳам, Кутб ҳам ўнта қиз афсона айтган лавҳаларни ёзишда Шарқ адабиётидаги анъанавий мотивга асосланганлар.

Қадимги Шарқ адабиётида шундай қолиповчи қиссалар ёки қисса ичида ҳикоя борки, бу қиссалар эртак, масал жанридаги асарларни ўз ичига олади. Қолиповчи қиссаларнинг композицияси тузилиши деярли бир-биридан фарқ қилмайди – ҳаммасида ҳам бир ёки бир неча персонажлар кўнгилочар ёки насиҳат мазмунидаги эртак (асосан, сеҳрли эртаклар) ва масалларни ҳикоя қилиб берадилар. Бу сингари қиссалар Шарқ адабиётида алоҳида жанр бўлиб, бу жанрнинг илдишлари санскрит адабиётига бориб тақалади. Ўрта аср форс ва араб адабиётида бу жанрнинг яққол намунаси санскрит адабиётидаги “Панчататра”нинг “Калила ва

Димна” номи билан араб адабиётига килинган таржимасидир. Бу – қолипловчи қиссадир. “Панчататра”ни араб тилига “Калила ва Димна” номи билан VIII асрда Ибн ал-Мукаффа таржима қилган. Бу асарнинг форсча таржимасини XII асрнинг биринчи ярмида Низомиддин Абул-Малий Насруллоҳ амалга оширган. Ҳар иккала таржимага ҳам санскритча қолипловчи қисса асос бўлган. Натижада форс адабиётида бу жанрда “Синдбоднома”, “Бахтиёрнома ёки ўнта вазир ҳақида ҳикоя” каби оригинал асарлар пайдо бўлди. Шубҳасиз, “Хусрав ва Ширин” достонидаги ўнта қиз айтган афсонанинг композицияси билан бу даврга яқин бўлган “Бахтиёрнома ёки ўнта вазир ҳақида ҳикоя” қиссаси композициясида умумийлик мавжуд.

Юқоридаги қолипловчи қиссаларнинг манбаи халқ оғзаки ижодидадир. Воқеаларнинг баён услуби, қиссаларнинг тузилиши шундан далолат беради. Маданий анъана Шарқ адабиётининг, жумладан, “Хусрав ва Ширин”нинг композицияси ва мотивларида ҳам анъанавийликни давом эттириш учун сабаб бўлган.

“Хусрав ва Ширин” “Қутадғу билиг”дан кейин туркий тилда маснавийда ёзилган нодир асарлардандир. “Хусрав ва Ширин” достонининг илдишлари узоқ асрларга бориб тақалади. Шарқ халқлари адабиётида бу қисса кенг тарқалиб, анча шуҳрат қозонган. Бир қатор “Жангнома” (Фирдавсий “Шоҳнома”сидаги Хусрав ҳикояти), “Ишкнома” (Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”, Хусрав Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав” достони)ларнинг юзага келишига асос бўлган.

Низомийнинг, хусусан, “Хусрав ва Ширин”нинг туркий адабиётга таъсири фақат Қутб билан чегараланиб қолган эмас. Низомийнинг “Хамса”си таркибидаги “Махзан ул-асрор” таъсирида Мир Ҳайдар (Ҳайдар Хоразмий) милодий 1409 – 1414 йилларда “Махзан ул-асрор” достонини ёзди. Жумладан, у ўз асари Низомийдан илҳомланиб ёзилганига қуйидаги байти орқали ишора қилади:

Манки бишурдим бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдин олиб чошни⁶⁹.

⁶⁹ Татар адабиёт тарихи, I жилд, 172-б.

Қутб дoston муқаддимасида Низомийни катта ҳурмат билан тилга олади. Бутун дoston давомида улуғ устозини кўп марта эслайди. Шу билан бирга, Низомий томонидан яратилган бу асарнинг эркин таржимаси жараёнида Қутб ўз даврини кузатиш асосида пайдо бўлган қарашларини ҳам ифодалайди. Қутб Низомий образларини сақлаб қолган ҳолда, асар таржимасига ижодий ёндошди. Натижада Низомий образларининг характери ўзгарди. Ана шу ҳолатлар Қутбнинг маълум даражада мустақил йўл тутганини кўрсатади. Бунинг устига, асарда Қутб томонидан кўшилган, халқ оғзаки ижодиёти ва урф-одатлари сингдирилган ўринлар ҳам бор.

”Хусрав ва Ширин” – умумтуркий адабий ёдгорлик. Дoston Олтин Ўрда давлати таркибига кирган барча туркий халқлар – ўзбеклар, татарлар, бошқирлар, туркман ва қозоқлар, қорақалпоқларнинг муштарак ёдгорлигидир.

Савол ва топшириқлар

1. “Хусрав ва Ширин” дostonи қачон қайси тилдан таржима қилинган?
2. Дoston қимга бағишланган?
3. Таржимадаги айрим фарқларни айтиб беринг.
4. Қутб ўз таржимасида қайси бобларни ёки лавҳаларни тушириб қолдирди?
5. Тинибекни Қутб қандай сўзлар билан таърифлайди?
6. Қутб ишққа қандай таъриф беради?
7. “Хусрав ва Ширин”нинг қисқа мазмунини сўзлаб беринг.
8. Қутб дoston таржимасида зардуштийликка оид қайси сўздан фойдаланди?
9. Қутб таржимада қайси шеърини санъатдан фойдаланди?
10. Санскритча қолишловчи ҳикояни дostonнинг қайси ўринларида кўриш мумкин?

ОЛТИН ЎРДА АДАБИЙ МУҲИТИДА НОМА ЖАНРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

ХОРАЗМИЙНИНГ “МУҲАББАТНОМА” АСАРИ

Режа:

1. Нома ҳақида маълумот.
2. Форс адабиёти тарихида нома жанри.
3. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асари ҳақида.
4. “Муҳаббатнома”нинг нусхалари.
5. “Муҳаббатнома”нинг нусхалари ўртасидаги фарқлар.
6. «Муҳаббатнома»да тасаввуфий тимсоллар.
7. «Муҳаббатнома» - дунёвий ишқни куйлаган асар.

Таянч сўз ва иборалар: *нома жанри, дoston, газал, қитъа, фард, мактуб, форс адабиёти тарихи, ўрта аср халқ романи, ҳикоя, адабий муҳит, тасаввуфий тимсоллар, эски уйғур-турк ёзувидаги нусха.*

Нома ҳақида маълумот. Нома жанри узор тарихга эга. *Нома* сўзи хат, мактуб маъноларини билдиради. Номанинг илк кўринишлари Ўрта Осиё тарихида ёзув пайдо бўлмасдан илгари буюмлар воситасида ҳам ифодаланган. Бунга мисол сифатида скифлар шоҳи Иданфриснинг Эрон шоҳи Дорога юборган буюмлари — камон ўқи, бақа, сичқон ва қушдан иборат ўзига хос «мактуб»ини эслаш кифоя. Бу сингари мактубларнинг тарихи жуда қадимийдир.

Номанинг илдизларини яна халқ оғзаки ижодида кўрамиз. «Алпомиш» достонида номанинг илк намунаси бор. Қалмоқлар юртида қолган Барчин ўзининг ночор аҳволини баён этиб, Ҳакимбекдан ёрдам сўраб, унга нома ёзади ва бу номасини ўнта навқар орқали юборади.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит-турк» асарида *ирқиш* сўзини изоҳлар экан, «мактуб, нома маъносида ҳам қўлланади» (1 жилд, 17-б.) деб изоҳ беради. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий *қўшуғ* сўзига изоҳ берганда ҳам, лирик қаҳрамон Туркон хотунга нома йўллаб, «ходими хизматга тайёр» эканини билдиради (1 жилд, 357-б.). «Кутадғу билиг»да Кунтуғди элиг тоғдаги ёрда зоҳидона ҳаёт

кечираётган Ўзгурмишга мактуб юбориб, у билан учрашиб, суҳбатлашишни ихтиёр қилганини ёзади. Кунтуғдиннинг бу хати ҳам нома жанрининг бир кўринишидир. Умуман, нома жанри Марказий Осиё халқларининг маиший, маънавий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган.

Нома жанридан маълум тарихий ва ижтимоий-сиёсий воқеалар жараёнида ҳам истифода этилган. Милоддан олдинги III асрда Марказий Осиёда ҳукмдорлик қилган Ботир тангрикутнинг Хитой маликасига ёзган мактублари ва маликанинг Ботир тангрикутга ёзган жавоблари маълум.

Нома эски ўзбек тилида *билдиргулук* сўзи билан ҳам ифодаланган. “Ўғузнома” дostonида Ўғуз хоқон барча элларнинг ҳукмдорларига билдиргулук, яъни нома юбориб, бўйсуннишни ва ўлпон тўлашни талаб этади. Шу тарихи маълум эҳтиёжлар туфайли пайдо бўлган хабарни ифодалаш шакллари ҳам номанинг шаклланишига асос бўлгани аниқроқ.

Форс адабиёти тарихида нома жанри. Иккинчи томондан, форс-тожик адабиётидаги нома жанри ҳам ўзбек адабиётидаги нома жанрининг шаклланишига таъсир этгани шубҳасиздир. Форс адабиётида ҳам нома жанри узок тарихга эга. XI асрда яшаган Фахриддин Гургонийнинг “Вис ва Ромин” дostonида нома жанрининг мукамалроқ намунасини кўраимиз. Шу ўринда “Шоҳнома”нинг ишқий-романтик парчалари форс адабиётига таъсир этганини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Е.Э.Бертельснинг таъкидлашича, форс адабиётида янги жанр – романтик эпоснинг пайдо бўлишига айнан “Шоҳнома” таъсир этган бўлиб, бу жанр ижодкорининг илк вакили Фахриддин Асад Гургонийдир. 1048 йили у “Вис ва Ромин” дostonини ёзади, дostonда шахзода Роминнинг севгилиси Висга бўлган муҳаббати ва бу муҳаббатнинг фожиали тугаганини ҳикоя қилар экан, бу орқали қадимги Эроннинг маънавий ҳаёти манзарасини тасвирлаб берди. Бу романтик эпос ғарб адабиётидаги Тристан ва Изолда ҳақидаги ўрта аср халқ романини эслатади.⁷⁰

“Вис ва Ромин” дostonида маъшуқа Вис Роминга юборган ўнта нома келтирилади. Бу номалар севги ва ҳижрон азобларига тўла

⁷⁰ Бертельс Е.Э. Очерк истории персидской литературы. Л.: 1928, 36-б.

мактублардир. Бу ўнта номани Фахриддин Гургоний “Даҳнома” сарлавҳаси остида беради.⁷¹

Кейинчалик Авҳадий (1274-1338)нинг тугал нома жанри сифатида яратган “Даҳнома”си юзага келди. Бу асар қайси манбалар асосида яратилганини Авҳадий кўрсатмаган.⁷² Авҳадийдан кейин “Даҳнома” ёзиш анъанага айланган. Хожа Имодиддин Факих Кирмоний “Муҳаббатномаи соҳибдилон” ёки “Даҳнома” асарини ёзди. Бу асар ҳам ўнта номадан иборат бўлиб, номаларда муаллиф севги изтиробларини саккизта ишқий-романтик дostonлар орқали изоҳлайди (*Жамолова С. Кўрсатилган асар, 4-б.*). Булар – “Варка билан Гулшоҳ”, “Вис ва Ромин”, “Вомиқ ва Узро”, “Хусрав ва Ширин”, “Рубоб ва Даф” “Бишр ва Ҳинд”, “Юсуф ва Зулайҳо”лардир. Мазкур дostonлар Шарқ адабиётида, бир томондан, маълум ва машҳур афсоналар асосига қурилган, иккинчи томондан, мажозий образлар ҳам иштирок этган. Бу дostonлар нома жанри яратилишига ҳам асос бўлган.

Хуллас, номачилик форс адабиётида қадим илдизларга эга. Айни пайтда Марказий Осиёнинг қадимий удумлари, юкорида кўриб ўтганимиздай, ижтимоий, сиёсий ва ҳарбий ҳаёти ҳам нома жанрига ўз таъсирини ўтказган. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, ўзбек адабиётида нома жанрини бошлаб берган ва ривожлантирган ижодкорлар Олтин Ўрда адабий муҳитида форсча номалардан яхши хабардор бўлганлар. Муҳаммад Хўжабекнинг Хоразмийга қарата “Очунда порсий дафтарларинг бор” деган гапи ҳам бу фикрларни тасдиқлайди. Хоразмий сингари етук ижодкорлар ҳам, қолаверса, кенг халқ оммаси ҳам форс тилидаги номалардан яхши хабардор эди.

⁷¹ Қаранг: Жамолова М. Ўзбек адабиётида нома жанри. Т.: “Фан” нашриёти, 1992, 4-б.

⁷² Қаранг: Микаэл Рафили. Азербайджанская литература (с древнейших времен до XVI века). Баку, 1962, 388-б.

ХОРАЗМИЙНИНГ “МУҲАББАТНОМА” АСАРИ ҲАҚИДА

Хоразмийнинг шахси тўғрисида бирон жиддий маълумот йўқ. Шоирнинг исми фақат «Тазкирайи Қайюмий»да берилади, холос. П.Д. Қайюмов “Тазкирайи Қайюмий”сида бу шоир тўғрисида куйидагича маълумот берилади: “Бу кишини Нозим Хоразмий деб юритиладурки, ўзининг “Муҳаббатнома” номли йирик асари билан 14-асрнинг буюк классик ёдгори билан танилмишдур. Шоирнинг таржимаи ҳолигина эмас, ҳаттоки номи ҳам замонамизда маълум бўлмади. Лекин асари мўътабар китобдур. Бу асар ҳам Олтин (Ўрда) ҳукмдорлари даврида ёзулмиш қадимги асардур. Ўзи Хоразмли бўлган ва Олтин Ўрдада юрган ўзбек шоиридур”. Шундан кейин “Муҳаббатнома”даги Хўжабек шахси тўғрисида П.Д.Қайюмовнинг мулоҳазалари ҳамда асардан парча берилган (*Пўлотжон Домулло Қайюмов. Тазкирайи Қайюмий. Тошкент. 1998, 22–6.*).

“Муҳаббатнома”нинг бир неча ўрнида “Хоразмий” тахаллуси учрайди. Масалан:

Сиза теб келди, Хоразмийни асранг,
Ким асрарлар қамук шаҳлар гадойи.

ёки:

Азалда килди Хоразмийни муҳтож,
Тағи манзурина султон яротти.

Шоирнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги баъзи маълумотларни асарнинг ўзидан топиш мумкин. Адабиётшунос олим Н. Маллаев «Муҳаббатнома»нинг сўнгида келтирилган форсча ҳикояни Хоразмийнинг таржимаи ҳоли сифатида талқин қилган эди.

“Муҳаббатнома”дан маълум бўлишича, Хоразмий бу асарини Олтин Ўрда хони Жонибекнинг (1342-1357) қўл остидаги ҳукмдорларидан бўлган Муҳаммад Хўжабекнинг тақлифи билан 754 (милодий 1353) йили ёзган. Муҳаммад Хўжабекнинг Хоразмийга қилган илтимос куйидагича эди:

Табассум қилди, айди: «Эй фалони,
Кетургил бизга лойиқ армуғони.

Кўнгул баҳринда кўп гавҳарларинг бор,
Очунда порси дафтарларинг бор.

Муҳаббат нардини кўплардан уттунг,
Шакартек тил била оламини туттунг.

Тиларменким бизинг тил бирла пайдо,
Китоби айласанг бу қиш қотимдо».

Муҳаммад Хўжабекнинг «бизинг тил»и туркий тилдир. Муҳаммад Хўжабекни Хоразмий фақат «Муҳаббатнома»нинг ёзилишига туртки ва маслаҳат берган ҳукмдор сифатидагина эмас, балки миллатпарвар, маърифатли инсон сифатидаги қирраларига ҳам эътибор беради. Айти пайтда мазкур байтлардан Хоразмийнинг ўз даврида машҳур шоир сифатида эътироф этилгани ҳам англашилади.

Ким уш елтек кечар айёми фоний,
Жаҳонда қолса биздин армуғони.

Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарининг биринчи мажлисида икки Хоразмий тахаллусли шоирлар тўғрисида маълумот берилади (*Навоий. МАТ. 13-жилд, 13-б.*). Аммо бу шоирларнинг Олтин Ўрда адабий муҳитида ижод қилган ва «Муҳаббатнома»нинг муаллифи Хоразмийга алоқаси йўқ. Навоийнинг бу асаридан Олтин Ўрдада ижод қилган шоирлардан биронтаси ўрин олмаган. Зотан, Навоий фақат Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод қилган шоирлар тўғрисида маълумот беради. Қолаверса, Олтин Ўрданинг Хуросон ва Мовароуннаҳр адабий муҳитидан узилиб қолгани ва Олтин Ўрда таназзулга юз тутиб, Мамлуқлар давлатига кўчгандан кейин ҳам, Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатлари билан маданий-адабий алоқаларнинг йўқлиги сабаб бўлиши мумкин.

Мамлуқлар давлатида Сайфи Саройи билан ҳамнафас ва ҳамфикр бўлган шоирлардан бири Хоразмий тахаллусли шоир

бўлиб, унинг “Солди никоб чехрадин ул турки ховарий” мисраси билан бошланадиган ғазали бор. Сайфи Саройи бу ғазалга Хоразмий вазнида ва қофиясида ғазал битган. Ана шу ғазал муаллифи Хоразмий “Муҳаббатнома”нинг ҳам ижодкоридир, деган фикрлар ҳам бор.

“Муҳаббатнома”нинг нусхалари. “Муҳаббатнома”нинг икки нусхаси – араб ёзувидаги ва эски уйғур-турк ёзувидаги нусхалари бор. Асарнинг эски уйғур-турк ёзувидаги нусхаси ҳижрий 835 (мил. 1432) йили Язд шаҳрида Мир Жалолиддиннинг буйруғи билан кўчирилган. Асар 14 вараққа жойлаштирилган. Асарнинг асл нусхаси 7914 рақами остида Британия музейида сақланади. Асарнинг фотонусхаси эса Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтининг кутубхонасида 15 рақами остида ва Санкт-Петербургдаги Тилшунослик институтида Н-777 рақами остида сақланади. Инглиз олими Ч. Ръё бу кўлёмани биринчи бор тавсиф қилганда (Ch. Rieu. Catalogue of the Turkish manuscripts in the British Museum, p. 288 a), Муҳаммад Хўжабекни Андхуд, Шивирғон ва Балх шаҳарларининг ҳокими Муҳаммад Хўжабекнинг айнан ўзидир, деб айтган эди. Аммо В.В.Бартольд. бу шаҳарлар ҳеч қачон Олтин Ўрда давлатига кирмаган, деб айтади. (В.В.Бартольд. *Отчет о командировке в Лондон. — Известия Российской Академии наук, 1914, сер. VI, вып. 13, СПб., 881-б.*) Қолаверса, асарнинг араб ёзувидаги нусхасида Муҳаммад Хўжабек Жонибек хоннинг таянчи деб кўрсатилади:

Ўза жонсиз тан эрди мулк сенсиз,
Шаҳаншоҳ Жонибекхонга етгансиз.

Эски уйғур-турк ёзувидаги нусхада эса шу байт бошқачарок:

Ўза жонсиз тан эрди мулк сенсиз,
Шаҳаншоҳ Жонибекхон мулкин егансиз.

(ъъни сиз Жонибекхоннинг қарамоғида эдингиз деган маънода).

Шубҳасиз, бу ўринда Ўзбекхоннинг ўғли Жонибек тўғрисида сўз кетмаяпти. В.В.Бартольднинг фикрлари ҳақиқатга яқин.

Эски уйғур-турк ёзувидаги кўлёманинг қиммати шундаки, асарнинг бу нусхаси араб ёзувидаги иккинчи нусхадан олдин — аслият ёзилгандан сўнг 79 йил ўтгач кўчирилган.

“Муҳаббатнома”нинг араб ёзувидаги иккинчи нусхаси XVI аср бошларида (1508–1509 йилларида) кўчирилган. Асар 24 вараққа жойлаштирилган. Бу нусха ҳам Британия музейида 7914 рақами остида сақланади. Мазкур нусханинг эски уйғур-турк ёзувидаги нусхадан фарқи шундаки, биринчидан, бу нусхага форсча матнлар ҳам жойлаштирилган. Айрим ўринларда байтлар ва шеърларнинг тартиби ўзгартирилган, баъзи грамматик шакллар, сўзлардаги фарқлар ҳам кўзга ташланади.

“Муҳаббатнома”нинг учинчи кўлёмна нусхаси Истанбул университети кутубхонасида (2753 рақами остида) сақланади, деган фикрлар бор эди. Аммо А.М. Шчербакнинг текширишича, бу нусханинг номигина мос келади, холос. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”сига асло алоқаси йўқ. Асарнинг тўртинчи кўлёмна нусхаси тўғрисида К.Г.Залеман, Россия ФА Шарқшунослик институти кўлёмналар бўлимида сақланаётган бўлиши керак, деб хабар берган эди. (К.Г. Залеман. *Мусульманские рукописи, вновь поступившие в Азиатский музей в 1909–1910 гг.* — *Известия Имп. Академии наук, СПб., 1911, сер. VI, 4, стр. 260, №128*). Аммо бу кўлёмна нусхаси ҳали топилмаган. Шунинг учун ҳозирги пайтда фақат иккала нусха тўғрисида гапириш ва шу нусхаларга таяниш мақсадга мувофиқ.

Араб ёзувидаги нусха форсча матнларнинг мавжудлиги билан фарқланар экан, бир савол пайдо бўлади: мазкур форсча шеърлар аслиятга тегишлими ёки кейинчалик кўлёмани кўчириш пайтида киритилганми? (Гап “Муҳаббатнома”даги форсча ҳикоя тўғрисида кетмоқда.) Афсуски, иккала нусхани солиштириш бир хулосага келиш учун асос бўла олмайди. Шундай тахмин қилиш мумкинки, Хоразмий қандайдир форсча асл нусхадан фойдаланган ва ўз асарини ёзишда ўша форсча “Муҳаббатнома”га таклид қилган бўлиши мумкин.

“Муҳаббатнома”нинг нусхалари ўртасидаги фарқлар. “Муҳаббатнома”нинг эски уйғур-турк ва араб ёзувидаги нусхаси солиштирилганда, нафақат сўз ва мисраларда, балки асарнинг мундарижасида ҳам фарқлар кўзга ташланади. Биринчидан, уйғур-турк ёзувидаги нусха номларга бўлинмаган, балки “нома” ўрнида

“сўз боши” ишлатилган. Иккинчидан, эски уйғур-турк ёзуви нухасида дастлабки форсча ғазалдан тўрт байт берилади, холос, қолган форсча номалар, ғазаллар ва форсча шеърый ҳикоят бу нухада берилмаган. Учинчидан, эски уйғур-турк ёзуви нухаси таркибида жанрлар (жумладан, қитъа, ғазал, фард каби) ажратилган ҳолда берилмаган, балки матн узлуксиз берилаверган. Қолаверса, араб ёзувидаги нуха чоп этилганда, ҳамд қисми тушириб қолдирилган. Эски-уйғур турк ёзувида эса берилган. Биз ҳар иккала нухани қиёслаб, араб ёзувида тушириб қолдирилган парчаларни, айрим байтларни тўлдирган ҳолда чоп эттирганмиз (*Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. II жилд. Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи филол.ф.д., проф. Н.Раҳмон. Т.: “Фан” нашриёти, 2007.*)

Шу ўринда бир далилни айтиб ўтиш лозим. Навоий гарчи нома жанрини ўзбек адабиётида бошлаб берган Хоразмий ва унинг “Муҳаббатнома”сини бирон асариде тилга олмаса ҳам, бошқа асарлар орқали билган бўлиши керак. Навоий Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си билан таниш бўлган, ҳеч бўлмаганда бу шоир ҳақида эшитган. Далил сифатида қуйидагиларни айтишга тўғри келади: Навоий “Мажолис ун-нафоис” асариде Атоий ҳақида маълумот беради ва унинг туркийча шеърлари халқ орасиде кўп машхур бўлганини ёзади (*Навоий. МАТ. 13-жилд, 63-б.*). Атоий эса, ўз навбатида, Хўжандийнинг “Латофатнома”сидан яхши хабардорлигини ва унинг бу номаси машхурлигини қуйидаги байтида айтади:

Атоий шеърининг лутфини билса,
“Латофатнома”дан кечгай Хўжандий.

Хўжандий ҳам ўзининг “Латофатнома”сини “Муҳаббатнома”га жавоб тариқасиде ёзганини таъкидлайди:

Муҳаббат жомидин ичсанг шаробе,
“Муҳаббатнома”га айтсанг жавобе.

Ўзбек мумтоз адабиётида нома жанри ҳақидаги ана шу маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Навоий Олтин Ўрда адабиётининг айрим намуналаридан билвосита ва бевосита хабардор бўлган.

«Муҳаббатнома» асари нафақат ўзбек, балки рус, татар, туркман олимлари томонидан ўрганилган. Бу ҳақда «Татар адабиёти тарихи» китобида батафсил маълумот берилган (198-б.).

«Муҳаббатнома»нинг ёзилган жойи тўғрисида сўз кетганда, Сирдарё бўйидаги Сигноқ шаҳри айтилади. Бунга асос сифатида асардаги:

«Муҳаббатнома» сўзин мунда айтдим,
Қамуғин Сир яқосинда битидим

деган мисраларига асосланилади. Биз аввал Сигноқ шаҳри Ок Ўрданинг пойтахти бўлгани тўғрисида айтган эдик. Хоразмийнинг берган хабарига қараганда, асар бошқа шаҳарда тугатилган бўлиши мумкин. Биринчи номадаги куйидаги байт асарнинг Олтин Ўрда пойтахти Сарой шаҳрида тугатилганидан дарак беради:

Саройдин борди Чин-Мочинга човинг,
Қиё боқсанг, бўлур арслонлар овинг.

Мазкур байт яна шуниси билан кимматлики, унда Хоразмий Олтин Ўрда адабий муҳитидан ташқарида – Мисрда тапшил топган Мамлуклар давлатида ҳам шуҳрат қозонганига ишора қилади. Хоразмий Сарой шаҳрига бориб, ўша ерда «Муҳаббатнома»ни тугатгандан кейин, Мисрга кетган ва Мамлуклар давлатида яшаб қолган бўлиши мумкин.

«Муҳаббатнома»да тасаввуфий тимсоллар.

«Муҳаббатнома»дан англашилишича, Хоразмий тасаввуф йўлини тугатган шоир. Зотан, асарнинг дебочасидаги айрим байтлар шундан далолат беради. Масалан:

Муҳаммаддин муҳаббат бўлди пайдо,
Мени мундок муҳаббат қилди шайдо...

Шунингдек, куйидаги байтларда тасаввуф илмида кенг тарқалган рамз – май рамзи алоҳида аҳамиятга эга:

Кел, эй сокий, кетургил бодайи ноб,
Кула ўйнаю ичсунлар бу асхоб...

Кел эй соқий, кетургил жоми Жамни,
Кишининг кўнглидин май юр ғамни...

Кел эй гулчеҳра соқий, май кетургил,
Мени ҳайрат мақомиға етургил.

Ҳабибим нақшидин маъни бўлойин,
Таҳайюрда ўзимдин куртулойин...

Биринчи ва иккинчи байтларда май ёки бода тимсоли муҳим моҳият касб этади. Май тимсоли тасаввуф адабиётида кенг тарқалган бўлиб, «илоҳий ишқ – маърифат, дониш иштиёқининг авжи киёми, Ёр жамоли мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли завқ – илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамзий ифодаси сифатида тилга олинган» (Комилов Н. Юқоридаги асар, 150-б.). Соқий сўзи ҳам бу ерда рамзий маънога эга, яъни мутлақ файзиёт, маърифат булоғи демақдир (Комилов Н. Юқоридаги асар, 155-б.).

Келтирилган учинчи ва тўртинчи байтларда мутасаввуф фано мақоми ёки Фано водийсига етиб бориши учун босиб ўтиши шарт бўлган Ҳайрат мақоми тўғрисида сўз кетади. Ҳайрат мақоми - Фано мақомидан олдинги босқич. Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида бу босқичлар тасвири бор. Таҳайюр – ҳайратланиш демақдир, яъни «таҳайюрдан қутулиш» - Фано босқичига ўтиш маъносига ишора қилади. Қолаверса, асар сўнгида келтирилган «китъа» ҳам Хоразмийнинг йўлини ва маслагини яққол кўрсатиб туради:

Тамаъ домина қолур куш эмас мен,
Телим айвон уза учқон Ҳумомен.

Қиличтек тил била туттум жаҳонни,
Қаноат мулки ичра подшомен.

Харобот ичра масжидда ерим бор,
Ким уш ҳам риндмен, ҳам подшомен.

Неча ҳашматли султон бўлса бўлсун,
Айтмон мол учун мадҳу сано мен...

Байтлардаги *ҳумо*, *қаноат мулки*, *харобот* (фақр йўлига кириб, ҳайвоний нафслардан поклаб, хокисор бўлиш), *ринд* каби тимсоллар Хоразмийнинг эътиқоди ва маслагини яна бир бор тасдиқлайди.

Хоразмий «Муҳаббатнома»ни ёзгунга қадар ҳам етук шоир сифатида эътироф этилганини асарнинг ўзидан англаш мумкин. Хусусан, ҳукмдор Муҳаммад Хўжабек ўзбек адабиёти учун тамомила янги жанрдаги асарни яратишни Хоразмийга топширгани ҳам фикримизга далилдир. Хоразмий ўзбек ва форс тилларида маҳорат билан баравар ижод қилганини «Муҳаббатнома» тақибидаги маснавий, ғазал, китъа, фард каби жанрлар кўрсатиб туради.

«Муҳаббатнома» - дунёвий ишқни қуйлаган асар. «Муҳаббатнома» тасаввуф адабиётига мансуб, илоҳий ишқни қуйловчи асар, дунёвий ишқдан бегона асар экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Биринчи навбатда, ошиқ ва маъшуканинг ўртасидаги номалар, ғазаллар дунёвий ишқни қуйлагани билан диққатга сазовор. «Муҳаббатнома»даги биринчи ғазалда маъшуканинг таърифига бағишланган байтларга эътибор берайлик. Ғазалнинг биринчи байти қуйидагича:

Юзунгни кўрдум, эй жон, байрам ойин,
Мунунг шукронаси қурбон бўлойин...

Шакартек тил била тўти тилингиз,
Неча кўп сайд этар жонлар хумойин.

Ёрнинг юзи гулгун, шод-хуррамликдан байрам мисоли очилиб кетганини шоир мадҳ қилар экан, шундай гўзалликка жонини қурбон қилишга тайёр. Ёрнинг тўти тили сингари ширин сўзлари қанча-қанча афсонавий қушларни ҳам мафтун қилган. Шоир бу байтларида нафақат самимий ошиқ киёфасини гавдалантиради, балки дунёвий ишқнинг ҳақиқий манзарасини чизади. Ёр гўзаллигининг янги-янги қирраларини, ташбехларини ҳаётдан излайди, ҳаёт, табиат ва инсондаги мавжуд нарсалар ёрнинг гўзаллиги олдида ҳеч нарса. Қуйидаги байтларга эътибор берайлик:

Очилса лаълингиз, шақкар сочилур,
Кўруб гулгунчанинг оғзи очилур.

Бўюнгтект сарв йўк бўстон ичинда,
Юзунг нуридин ой нуқсон ичинда.

Табассум килсангиз, шаккар уёлур,
Тишинг инжусидин гавҳар уёлур.

Ёрнинг лаби сўзга очилганда, ғунча ҳайратда қолади; унинг қомати шунчалик гўзалки, бўстондаги сарвлар орасидан ҳам унинг бўйига монандини топиб бўлмайди. Ҳатто ёрнинг биргина табассуми олдида шакар, тишининг оклиги олдида гавҳар хижолатга тушади. Гўзалликни бу қадар қиёслаш ва ўхшатиш асосида таърифлашнинг «хоразмийча» усули кейинги номаларга ўз таъсирини кўрсатди.

Асардаги ғазалларда ҳамда номаларда дунёвий муҳаббат асосий ўрин эгаллайди. Зотан, асарнинг «Муҳаббатнома» деб номланишига ҳам дунёвий ишк сабабдир.

Хоразмийнинг Олтин Ўрда адабий муҳитида яратилган «Муҳаббатнома»си ўзбек адабиётида номачиликнинг кейинги тараққиёти учун замин бўлди.

«Муҳаббатнома» ҳазажи мусаддаси максур – *мафошлун мафошлун мафоил* вазнида ёзилган.

Савол ва топшириқлар

1. «Муҳаббатнома»нинг яратилишига асос бўлган омиллар нималардан иборат балди?
2. Нома жанрининг илк кўринишлари ҳақида қисқача сўзлаб беринг.
3. Асарнинг қандай нусхалари бор?
4. Асарнинг нусхалари ўртасида қандай фарқлар бор?
5. Асардаги тасаввуфий тимсолларга изоҳ беринг.
6. «Муҳаббатнома»да дунёвий ишқнинг таърифига мисоллар келтириб, шарҳланг.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
ҚОРАХОНИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИ	13
Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари	17
Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лугатит-турк” асари.....	38
Аҳмад Юғнакий ва унинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари	53
Аҳмад Яссавий	63
ОЛТИН ЎРДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ	77
Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий ва унинг “Қисаси Рабғузий” асари	87
Маҳмуд ибн Али ас-Саройи (XIV аср). “Нахжул-фародис” (“Жаннатларнинг очик эшиклари”) асари	112
Сайфи Саройининг ҳаёти ва ижоди	129
Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний ва унинг “Жомеъ ут-таворих” асари.....	150
Қутб ва унинг “Хусрав ва Ширин” достони	164
Олтин Ўрда адабий муҳитида нома жанрининг юзага келиши....	184
Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асари.....	187

Насимхон Раҳмонов

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ
(Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача)

Дарслик

Ҳажми 2

Пішімі 60x100 1/16
Тығыздығы 80 гр./м². Қағаздың ақтығы 95%.
Қағазы офсеттік. РИЗО басылымы.
Көлемі 200 бет. Шартты баспа табағы 12,5.

ЭСНУ

«ЭСПИ» баспасында басылымға
дайындалды және басып шығарылды
ҚР, Алматы, Төле би к., 292
тел.: 8 727 364 84 13
e-mail: espi20@mail.ru